





ПОЛИТОЛОГИЯ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ПОЛИТОЛОГИЯ

*Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув
қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва
янгиларини яратиш бўйича Республика
мувофиқлаштириш комиссияси
томонидан бакалаврлар учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган*

Абдулла Қодирий номидаги
халқ мероси нашриёти.

ТОШКЕНТ - 2002

Политология. Ўқув қўлланма. Т. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. "ЎАЖБНТ" маркази. 2002. - 283 бет.

Ушбу қўлланманинг «Кириш», 1-бўлимнинг 1,2-мавзулари, 2-бўлимнинг 9,12-мавзулари, «Хулоса» И.Эргашев, 2-бўлимнинг 6,11-мавзулари С.Отамуродов, 4-бўлимнинг 16,17,18,19,20-мавзулари Т.Жўраев, 2-бўлимнинг 4-мавзуси Ш.Акромов, 5-мавзуси Г. Юсупова, 10-мавзу Г.Юсупова ва Н.Умарова, 3-бўлимнинг 14-мавзуси У.Идилов, 2-бўлимнинг 7, 3-бўлимнинг 15-мавзулари Х.Жабборов, 3-бўлимнинг 13-мавзуси Х. Жабборов ва Г.Шерниязова, 2-бўлимнинг 3-мавзуси Х.Қосимова, 2-бўлимнинг 8-мавзуси Т.Алимардонов томонидан ёзилди.

Масъул муҳаррир: сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор И.Эргашев

Такризчилар: В.С.Ким, Ж.Бахронов, А.Ж. Холбеков

© Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.

© «ЎАЖБНТ» Маркази, 2002 й.

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимизнинг олий ўқув юртларида ўқитилаётган «Политология» фанидан дастур, ўқув қўлланмаси ва дарсликлар яратиш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Негаки, бу йўналишда чуқур ўзгаришларни амалга оширмай туриб, ёшларнинг замонавий сиёсий дунёқарашини шакллантириш, уларнинг интеллектуал камолотга эришувини таъминлаш мушкилдир.

Политологиядан бу соҳада муайян ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, уларни етарли деб бўлмайди. Шу боисдан ҳам политологиядан янги дастур ва маъруза матнлари асосида ўқув қўлланмаси ва дарслик яратиш ўта долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг: «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни беқиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими — уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга¹», деб таъкидлашлари бежиз эмас.

Политологиядан ўқув қўлланмаси ва дарслик яратиш — ўта мураккаб ва кўп қиррали вазифадир. У мамлакатимизда ва хорижий давлатларда сиёсий фанни ўқитиш тажрибасини ҳисобга олишни, буюк мутафаккирларнинг сиёсий қарашларига ва бугунги кун сиёсий фанида эришилган ютуқларга, миллий истиқлол ғояси тамойилларига таянишни кўзда тутadi.

¹Қаранг: И.А. Каримов. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 26-бет.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Миллий истиқлол ғояси концепциясида қандай мақсадлар ва қандай устувор ғояларга алоҳида аҳамият бериш кераклиги ҳақида фикр юритиб, «чунки жамиятимиз, мамлакатимиз ўз олдидаги қўйган эзгу муддао ва вазифаларни аниқ-равшан белгилаб олмасдан туриб, миллатимизнинг асрий анъана ва урф-одатларини, ўзлигимизнинг асосий хусусиятларимизни мутассам этадиган миллий мафкурани шакллантириш мумкин эмас»¹ эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Бунинг учун, биз қандай давлат, қандай жамият, қандай тузим барпо этаётганимизни, унинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий асослари нималардан иборат, деган саволга жавоб топишимиз керак бўлади. Маълумки мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва тараққиёт сиёсатининг стратегик мақсади — ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат. У миллий истиқлол ғоясининг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборат бўлган бош ғоясида ўз ифодасини топган².

Политологияни ўрганиш орқали мамлакатимизнинг сиёсий ва давлат қурилишининг ўзига хос хусусиятларини билиб олиш мумкин бўлади.

Тавсия этилаётган ушбу қўлланма ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёзилган. Унда замонавий сиёсий фаннинг энг муҳим, устувор мавзулари ҳозирги замон талаблари асосида кўриб чиқилган.

Албатта, мазкур қўлланмада барча муаммолар ўз ечимини тўлиқ топган, деб бўлмайди. Унда муайян камчилик ва нуқсонлар бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам муаллифлар мутахассислар, олимлар, ўқитувчи-

¹ И.А. Каримов. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка нишончидир. «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар. Асарлар, 8-жилд, 495-бет.

² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 51-бет.

лар ва барча талабаларнинг самимий фикр-мулоҳазаларини, таклиф-истакларини қабул қиладилар ва уларга олдиндан миннатдорчилик билдирадилар.

Қўлланма мамлакатимиз олий ўқув юртлигининг талабалари ва аспирантларига мўлжалланган. Шунингдек, ундан сиёсий фан масалалари билан қизиқувчи барча кишилар фойдаланишлари мумкин.

БИРИНЧИ БЎЛИМ ПОЛИТОЛОГИЯ ФАНИ. СИЁСИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖИ

1-мавзу

Политология фани. Унинг сиёсий фанлар tizimida tutgan ўрни ва роли

**Политология фани, предмети,
мақсади ва вазифаси**

**Политология ижти-
моий-сиёсий фанлар
tizimida muhim ўрин**

тугади ҳамда сиёсатни, сиёсий ҳаёт муносабатлари ва жараёнларни ўрганишда ўзига хос хусусияти, мақсад ва вазифалари борлиги билан фарқ қилади. Сиёсат — инсониятни ва илм-фанни қизиқтириб келган анъанавий соҳа ҳисобланади. Уни нафақат политология, балки бошқа фан соҳалари, хусусан, фалсафа, социология, иқтисод, психология, ҳуқуқшунослик, тарих каби фанларни ҳам қизиқтириб келган ва келмокда. Бу сиёсатнинг мураккаб ва турли хил ҳодисалар билан боғлиқ бой ижтимоий ҳодиса эканлигини кўрсатади. Сиёсатга, жамиятнинг бошқа ижтимоий ҳодисалари сингари, умумий ва ўзига хос хусусиятлар, жиҳатлар хосдир. Бу сиёсатни турли фанлар нуқтаи назаридан ўрганиш имкониятини беради. Айни пайтда яна шуни таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган фанлар сиёсат тўғрисида яхлит, тугал тасаввурни бермайди. Политология эса жамиятнинг сиёсат соҳаси билан бевосита боғлиқ амалга оширади.

Сиёсий фанлар — политология, сиёсий фалсафа, сиёсий иқтисод, халқаро муносабатларнинг сиёсий

назарияси, геосиёсат, сиёсий тарих, сиёсий этика ва сиёсий антропология ва бошқа соҳаларни ўз ичига олади.

Политологиянинг объекти — сиёсат, жамиятнинг сиёсий соҳаси.

Предмети — сиёсий ҳокимиятнинг қарор топиши, амал қилиши ва ўзгариш қонуниятлари ташкил этади.

Услублари — диалектика, тизимлилик, тузилмавий-функционал, ҳулқ-автор, қиёсий, конкрет-тарихийлик, социологик, норматив, институционал, субстанционал (онтологик) услублардан иборат.

Политология — сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар, сиёсий маданият, халқаро тизимлар, унинг амал қилиш механизми ва воситалари ҳамда амалиётини ўрганадиган фандир. Демак, сиёсий таълимотларнинг шаклланиши ва ривож, сиёсий маданият ва маффура, халқаро тизимлар ҳамда умумбашарий тараққиётнинг сиёсий жиҳатларини ўрганиш Политология фанининг асосий йўналишларидир.

Политология — жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсат, сиёсий жараёнлар ва сиёсий ҳокимият, унинг асосий таркибий қисмлари, давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ўзаро муносабатда бўлган турли ижтимоий гуруҳлар, фуқароларнинг ўрни ва роли, ҳокимиятга муносабат, уни сақлаб туриш механизми ва воситалари, жараёнлари ҳамда амалиётни ўрганадиган фандир. >

Политология фани бошқа ижтимоий фанлардан фарқли равишда жамиятнинг сиёсий жараёнлари тўғрисида фикр юритади. Жамият ҳаётида сиёсий ҳокимият муҳим ўрни тутади. Жамиятнинг сиёсий ҳокимияти, давлат ҳокимиятининг моҳияти ва тузилишини аниқлаш, унинг жамиятда тақсимланиши ҳамда механизмларини библиш Политология фанининг муҳим объекти ҳисобланади. Сиёсий ҳокимиятни ким, қайси сиёсий ёки ижтимоий гуруҳлар томонидан қан-

дай мақсадлар, манфаатлар ва тамойиллар тизимида амалга оширилиши қизиқтиради. Политология фани сиёсий ҳокимият, уни амалга оширишда ўрнатилган сиёсий режим фаолияти доираси, шунингдек, муайян гуруҳлар мавқеи ва муносабати, ҳокимият қамрови, уни бошқариш усуллари аниқлаб беради.

Сиёсатнинг моҳиятини яхлит ижтимоий ҳодиса сифатида ёритиш политологиянинг предметиدير. Унда: 1) сиёсатнинг макро ва микро даражаларида зарурий тузулиш элементларини, унинг ички ва ташқи алоқа ва муносабатларини аниқлаш; 2) турли сиёсий институтлар ва жараёнларда амал қиладиган қонуниятларини, асосий тенденцияларини ҳамда тараққиётнинг истиқболини аниқлаш ва башорат қилиш; 3) сиёсат социал ўлчовининг объектив мезонларини ишлаб чиқишни амалга оширади.

Политология фанининг ижтимоий-гуманитар фанлардаги ўрнини белгилаб берадиган назарий ва амалий шарт-шароитлар мавжуд. Бу аввало, амалий характердаги эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлиб, у мамлакатда амалга ошаётган демократик жараёнлар ва ўзгаришлар билан боғлиқ. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, политология бу сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатишда катта имкониятга эга. Сиёсий жараёнларнинг бориши, унда иштирок этаётган сиёсий кучлар, улар томонидан сиёсатнинг идрок этилиши, уларнинг мақсад ва маслаклари, ташаббуслари, фаолият даражалари сиёсатда ўз ифодасини топади. Шунингдек, политология жамият ҳаётининг сиёсий соҳасини ўрганар экан, унда жамиятни бошқаришнинг асосий институтлари, давлат, партиялар ва бошқа сиёсий-ижтимоий ташкилотларининг ўзаро муносабатлари мазмунини, характерини ҳам ҳисобга олади. Чунки, сиёсий муносабатларнинг натижаси кўпроқ унга боғлиқ бўлади.

Политология фани ўрганадиган мавзулар доираси кенг бўлиб, у ўз ичига ҳокимият билан боғлиқ аниқ

мавзуларни мужассамлаштирган. Политология фанида етакчи ўринни жамият сиёсий ҳаёти, уни ҳаракатга келтирувчи сиёсий тузилмалар ва механизмлар фаолиятини ўрганиш эгаллайди. Яъни у асосий эътиборни сиёсий институтларнинг асл моҳиятини ташкил этган давлат, парламент, ҳукумат, сиёсий муассасалар ва партиялар ролини ўрганишга қаратади. Мавжуд сиёсий институтлар, жараёнлар, инсон, муайян гуруҳлар ва сиёсий кучлар фаолияти билан узвий боғлиқ. Ҳамма гуруҳлар жамиятдаги умумғоялар ва қадриятлар йиғиндисини ифодалайди. Аммо манфаатлар, интилишлар, ғояларнинг хилма-хиллиги табиий равишда сиёсий муносабатларнинг ёки тараққиётнинг ўзгаришини умуминсоний манфаатлар асосида уйғунлаштиришни тақозо этади. Сиёсий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг умумий тузилмаси билан чамбарчас боғланиб кетган ва бу боғлиқликда улар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тизими тарзида муҳим ўрин эгаллайди.

Агар сиёсий институтларни, гуруҳларни сиёсатнинг субъектлари тарзида тасниф қиладиган бўлсак, уларни икки турга ажратиш мумкин. Улар, биринчидан, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар ва бошқа ижтимоий қатламлар ўртасидаги муносабатлардан, иккинчидан эса, уларнинг сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар, ҳаракатлар билан муайян сиёсий кучлар ўртасидаги муносабатлардан иборатдир.

Демак, улар ўртасидаги сиёсий муносабатлар асосан сиёсий, партиялараро, шунингдек, ижтимоий қатламлараро муносабатлар тарзида амалга оширилади ва намоён бўлади. Ана шу сиёсий муносабатлар натижасида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари юзага келади. Ҳар қандай ижтимоий муносабатлар сингари сиёсий муносабатлар ҳам ўзаро ички муносабатлардан иборат бўлади. Бир-бирига тўлиқ мос келадиган ёки бири иккинчисини уйғунлаштирадиган мақсад-

лар йўлида сиёсий кучлар ўзаро ҳаракат қилиши ва консенсусга эга бўлишига сиёсий ҳамкорликка эришиш дейилади.

Сиёсий кучларнинг ўзаро муносабатларида бири-бирига мос келмайдиган ҳолатлари айрим ҳолларда сиёсий ихтилофларга сабаб бўлади. Сиёсий муносабатларда бундай ҳолатларни ҳисобга олиш сиёсатдаги стратегик мақсадларни амалга оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу жараён сиёсий кучларнинг вазиятни англаб олиш, узоқни кўра билиш кабилардаги интеллектуал имкониятлари билан боғлиқ бўлади.

Жамиятнинг сиёсий мавқеига кўра, унинг иқтисодий ва сиёсий тизими ўзгаради. Бу кучларнинг ўзаро муносабатларида ҳам намоён бўлади.

Албатта, «Политология»да ўзаро сиёсий муносабатлар деганда, турли сиёсий кучлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг сиёсий ҳокимият доирасидаги фаолиятларини тушунмоқ лозим. Чунки сиёсий муносабатлардан ташқари яна бошқа муносабатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз фаолиятларида жамиятда амалга оширилаётган сиёсий муносабатларни ўз манфаатларига мос келадиган тарзда ўзгартиришлари мумкин.

Шундай қилиб, турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, сиёсий институтлар хоҳиш-иродасидан ҳоли мавжуд сиёсий муносабатлардан фарқли равишда, сиёсий фаолият муҳим субъектив омил ҳисобланади. Чунки у инсонларнинг миллий истиқлол ғояси, сиёсий қарашлари, мақсадлари ва дастурларига асосланади. Бундай омил жамиятда мавжуд бўлиб турган сиёсий муносабатларни мазкур гуруҳлар манфаатларининг уйғунлигини таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Политология фани ўрганадиган мавзулар тизимида сиёсий ҳокимият марказий ўринни эгаллайди. Сиёсий ҳокимият негизида давлат ҳокимияти назарда тутилади. Чунки политология юнон

гилида polis — logos давлат, ижтимоий иш ва logos — уни ўрганиш, таълимот маъносида пайдо бўлган, у кўпчилик ҳолларда сиёсат ёки давлатни бошқариш санъати маъноларида ишлатилиб келинмоқда. Бу номланишлар унинг умумий мавзулари моҳияти билан узвий боғлиқ. Политология сиёсат, сиёсий жараёнлар, сиёсий фаолият ва сиёсий ҳокимиятни ўрганувчи фандир, деб ҳам таърифлаш мумкин.

Ана шу таърифдан келиб чиқадиган бўлсак, политологиянинг объектини жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий институтлар ва турли гуруҳлар ташкил қилади. Унинг предметини эса сиёсат, сиёсий муносабатлар ва ҳокимиятнинг ривожланиш қонуниятлари ташкил қилади. Фан сифатида политология 2,5-3 минг йиллик тарихга эга бўлиб, у сиёсий тафаккурнинг илк кўринишлари шаклида пайдо бўлган. Кейинчалик у мустақил фан сифатида юзага келди. У ўз шаклланиш жараёнида бошқа мавжуд ижтимоий фанлар каби ўзининг мустақил ўрганадиган масалалари доирасини ҳам вужудга келтирди. Политологиянинг асосий мавзуи ҳокимиятни, сиёсий ҳокимиятни ўрганишни назарда тутади.

Политология ижтимоий фанлар билан алоқада бўлади. Политология ижтимоий фанларнинг илмий хулосаларини қандай бўлса, шундайлигича фойдаланмасдан, балки, жамият, давлат ва фуқаролар ҳаётида бўладиган сиёсий ўзгаришлар ва уларнинг ҳокимиятга муносабатларини ҳамда бу ўзгаришларни амалга ошириш усуллари, механизмларини ўрганади, сиёсий хулоса, амалий таклифлар беради.

Политология фани муайян функцияларни амалга оширади. Политология методологик, назарий билиш, дунёқараш, тарбияловчи, башорат қилиш ва аксиологик функцияларни бажаради. Политологиянинг назарий функциясига, унинг предметидан келиб чиққан ҳолда, сиёсатни ўрганиш асосида асосий наза-

рий концепцияларни, қоидаларни ишлаб чиқиш назарда тутилади. Буни политология фан сифатида амалга оширади. Сиёсий ҳаёт ва жараёнлар муайян сиёсий қоидаларга таянади ва унга эҳтиёж сезади. Бугунги сиёсий ҳаёт сиёсий қарашлар ва қоидаларнинг ягона мафкурага асосланиш ғояси асоссиз ва сиёсий фикр ривожига зид эканлигини кўрсатди. Сиёсий институтлар хилма-хиллиги, сиёсий плюрализм, авторитаризм ва тоталитаризм ғоясига зид равишда, аҳолининг жамият сиёсий ҳаётига кенгроқ иштирок этишини таъминламоқда. Политология методологик функцияни ҳам бажаради. Унинг моҳияти сиёсий ҳаётни тўғри англаш, баҳолаш ва билиш услублари билан қуролаштиришдир. Сиёсий ҳаёт, сиёсий жараёнларни амалга оширишда турли қатламлар, гуруҳларнинг иштирокини ва ўрнини дифференциал таҳлил этиш; турли хил сиёсий институтларнинг фаолиятини таркибий-функционал таҳлил этиш; сиёсий тузулмаларнинг даражаларини, сиёсий жараёнлар элементларининг ўзаро алоқаларини тизимий ва яхлит ҳолда ўрганиш, сиёсий башоратни амалга ошириш орқали муҳим методологик вазифани бажаради. Политологиянинг амалий функцияси унинг амалий характери ҳамда ҳокимият билан бўлган муносабатида ўз ифодасини топади. Унда бошқарувда маъмурий-буйруқбозлик услубидан воз кечиш, бошқаришда демократик тамойилларга асосланиш, сиёсий институтлар ва ғоялар хилма-хиллигига асосланиш турли манфаатлар уйғунлигини таъминлайди. Башоратни амалга ошириш жамият ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Сиёсий қарорлар қабул қилишда, сиёсий жараёнлар ва муносабатларни моделлаштиришда алоҳида ўрин тутади. Бу политологиянинг сиёсий ҳаёт билан узвий боғлиқлигини таъминлайди, амалийлигини оширади.

Шунга мувофиқ унинг асосий вазифаси жамият сиёсий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга молик бўлган

сиёсат, сиёсий жараёнлар, сиёсий ҳокимият ва сиёсий фаолият жараёнларида намоён бўлади. Политологиянинг вазифалари унинг предмети ва амалий фаолияти билан бевосита боғлиқ. Шу нуқтан назардан ёндашганда, политология методологик, назарий ва амалий вазифаларни бажаради.

Политологиянинг вазифаси сиёсат ва сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқаришда, умумий услуб, қонуниятларни амалга оширишда намоён бўлади. Политология жамият тараққиёти, сиёсий ҳокимиятнинг шаклланиши ва амал қилиши, шахснинг ижтимоийлашуви, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва бошқа бир қатор муҳим аҳамиятга эга бўлган назария, концепциялар ишлаб чиқиш вазифасини ҳам бажаради. Политология фақат назария эмас, балки амалиёт ҳамдир. У жамият, шахс, давлат фаолиятида содир бўладиган сиёсий жараёнларни умумманфаатларга уйғунлаштириб бориш вазифасини ҳам бажаради.

Политология фанининг қонун ва тўғунчалари

Политология фани жамиятдаги сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар, сиёсий маданият, халқаро тизимлар, унинг механизми, воситалари ҳамда амалиётини ўрганишда муайян қонунларга таянади ҳамда амал қилади. Масалан, инсон ва сиёсат муносабатида, инсон манфаати устуворлигига амал қилиш. Сиёсий институтлар хилма-хиллигига, демократияга асосланиш, мустақиллик ва эркинлик, сиёсий ҳаётда, мамлакат халқларининг хоҳиши ва иродаларини намоён бўлишида муҳим рол ўйнайди.

Политология фани амал қиладиган қонунлар кўлами турли хил бўлиб, мамлакат ички ҳаёти, минтақавий ва халқаро тизимлар, умумбашарий тараққиёт соҳалари билан бевосита дахлдордир. Сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, жамиятда демок-

ратия, фикр ва виждон эркинлиги тамойилларини, гуманизм ғоялари ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш¹ни назарда тутади.

Политология ўрганадиган қонунлар сиёсат, сиёсий жараёнлар, сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар ва сиёсий фаолиятнинг давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги зарурий сиёсий механизмлари сифатида намоён бўлади.

Давлат ҳокимияти ва жамият сиёсий ҳаётида қонунларнинг ҳаракат қилиши учун шароит яратиш, уларнинг ҳар бири доирасида ва ўзаро алоқаларида уйғун ҳаракат қилиш жараёнини вужудга келтира билиш, ўз навбатида, ундан кўзланган мақсад йўлида фойдалана билиш сиёсатда муҳим ўрин тутади. Бу қонунларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси, давлат ҳокимияти ва мамлакат ичси сиёсий ҳаётида амал қиладиган қонуниятлар бўлиб, у ўз ичига: а) жамиятдаги сиёсий жараёнларда сиёсий ҳокимият механизмларидан самарали фойдаланиш; б) жамият сиёсий ҳаётининг демократиялашиши; в) сиёсий бошқариш жараёнлари; г) сиёсат ва ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий ҳаёт муносабатлари; д) шахс, жамият ва давлат тизимида инсон манфаатининг устуворлиги кабиларни олади. Иккинчиси, халқаро муносабатларда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий-маърифий алоқалар билан боғлиқ бўлиб, улар: а) халқаро хавфсизлик ва ўзаро ишончни ривожлантириш; б) халқаро ва давлатлараро ихтилофларни бартараф этишнинг сиёсий воситалари; в) умумбаъшарий муаммоларни бартараф этишнинг сиёсий йўллари; г) турли хил сиёсий институтлар, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатлар ўртасидаги сиёсий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уни барқарор ривожлантириб бориш шарт-шароитлари; е) жамият сиёсий ҳаёти-

¹ И.А. Каримов. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар. Асарлар, 8-жилд, 496-бет.

да сиёсий етакчининг ўрни ва ролини сиёсий таҳлил этиш билан боғлиқдир.

Политология ўрганадиган қонуниятларнинг асосий гуруҳлари: 1) Сиёсий манфаатлар, қарашлар, концепциялар ва назарияларнинг пайдо бўлиши, амал қилиши ва ривожланиш қонуниятларини; 2) Сиёсий ҳокимиятнинг мазмуни ва характерининг ўзгариши, амал қилиши, қарор топиш қонуниятлари; 3) Сиёсий жараёнларнинг ривожланиш ва амал қилиш қонуниятларидан иборат.

Политологиянинг тушунчаларига «сиёсат», «сиёсий ҳокимият», «сиёсий жараёнлар», «сиёсий ҳаёт», «сиёсий муносабат», «сиёсий фаолият», «сиёсий партиялар», «сиёсий ташкилотлар», «сиёсий институтлар», «сиёсий тизим», «сиёсий онг ва маданият», «сиёсий қадриятлар», «халқаро сиёсий муносабатлар» ва бошқалар кирadi. Бу тушунчаларнинг ҳар бири ўз сиёсий мазмунига эга бўлиб, сиёсий жараёнлар тизимида намоён бўлади. Масалан, онг муаммосини социология фани гуруҳ онги муаммоси сифатида, давлат ва ҳуқуқ назарияси эса ҳуқуқий онг муаммоси тарзида, политология фани эса сиёсий онг муаммоси тарзида ўрганади. Маданиятни — сиёсий маданият тарзида таҳлил этади ва ҳоказо.

Политология қўллайдиган тушунчаларни ўрганишда қуйидаги учта ҳолатни ҳисобга олиш керак: 1) ижтимоий - гуманитар (умумилмий). Тушунчалар: цивилизация, жамият, аҳоли, халқ, эркинлик, ҳокимият, ҳуқуқ, маданият, тараққиёт, тафаккур тарзи, инқилоб, эволюция. 2) Политология билан узвий яқин бўлган тушунчалар: ҳуқуқий давлат, хусусий мулк, фуқаролик жамияти, ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар, жамоа фикри, ҳарбий-сиёсий ихтилофлар, муросалар. 3) Политологиянинг хусусий тушунчалари: сиёсат, сиёсий ҳокимият, сиёсий ташкилотлар, сиёсий тизим, сиёсий режим, сиёсий плюрализм, сиёсий манфаатлар, сиёсий қадриятлар, сиёсий фаолият, сиёсий онг, сиёсий маданият, сиёсий мафкура.

Политология қонун ва категорияларини ўрганишда, мавжуд сиёсий ҳаёт ва жараёнларни идрок этишда ҳар бир халқнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш муҳим. Шунинг учун сиёсатда мамлакатлар ва халқларнинг тарихий-маданий, маънавий негизларига, қадриятларига таяниш мавжуд сиёсий жараёнларни ҳолисона ўрганишга ва баҳолашга ёрдам беради.

Ўзбекистонда политология фани ва услублари

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда политология фанини

ўрганишга ва уни ривожлантиришга реал имконият пайдо бўлди. Сиёсий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожли билан боғлиқ миллий давлатчилик анъаналари, сиёсий институтлар ва жараёнлар, сиёсий онг ва маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда халқаро тизимлар ва умумбашарий тараққиётнинг сиёсий жиҳатлари миллий ва умуминсоний демократик тамойиллар асосида ўрганила бошланди. Жамият ҳаётининг эркинлашуви инсонларнинг сиёсатни чуқурроқ идрок этишини, сиёсий жараёнларга фаол иштирок этишини тақозо эта бошлади. Бу Политология фани ролининг ошиб боришини кўпроқ тақозо этмоқда.

Жумладан, мамлакатимиз ўзининг мустақиллигини мустаҳкамлаб бораётган бугунги кунда политология, биринчидан, мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида содир бўлаётган сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш ва уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тўплаган тажрибалари билан солиштириш асосида мамлакатимиз, миллатимиз хусусиятларига ва манфаатларига хизмат қилувчи сиёсий ҳулосалар бериш; иккинчидан, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятга кириб боришининг қулай йўлларини белгилаш; учинчидан, мамлакатимизда демократик жараёнларни ривожлантиришнинг механизмларини вужудга келтириш ва уларнинг уйғун ҳолатда фаолият кўрсатишларига

ёрдамлашиш; тўртинчидан, фуқароларнинг сиёсий маънавияти, салоҳияти ва фаолиятини ошириш, уларда мамлакатимиз олдида турган улкан вазифаларни бажаришда якдиллик руҳиятини, жаҳонда ва минтақамизда содир бўлаётган турли ўзгаришларга сиёсий ҳушёрлик билан қараш туйғуларини шакллантириш; бешинчидан, сиёсий барқарорлик, миллатлараро то-тувлик ва юксак илмий салоҳият мамлакатимизнинг мустақиллигини таъминлашнинг, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашининг асосий шарти эканлигини ёшларимизнинг онги ва қалбига сингдириш билан боғлиқ бўлган тарбия вазифасини амалга оширади.

Политологиянинг воқеа, ҳодиса ва сиёсий жараёнларни ўрганишда турли услублари мавжуд. Сиёсий-қийёсий таққослаш, моделлаштириш ва мантиқий — математик услублар шулар жумласидандир. Уларни соддалаштириб ва конкретлаштириб қуйидаги асосий: 1) қийёсий таққослаш; 2) эмпирик-социологик; 3) сиёсий таҳлил услубига бўлиш мумкин. Бу услублардан политология кенг фойдаланади.

Жамият сиёсий ҳаётида ва халқаро сиёсий муносабатларда бўладиган ўзгаришлар умумий алоқадорлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик натижаларига асосланган ҳолда таҳлил этишни тақозо этади. Иккинчи қиёсий таққослаш услубига биноан сиёсий жараёнларда рўй берадиган воқеа - ҳодисаларни ўзаро таққослаш, уларни бир-бирига солиштириш асосида илмий хулосалар ишлаб чиқилса, эмпирик-социологик услуб эса, сўров, анкета, тажриба ўтказиш, статистик таҳлил қилиш, математик моделлаштириш ва бошқа бир қатор ишларни бажариш билан боғлиқ. Бу услубнинг энг муҳим томони шундаки, унга мувофиқ жамоатчилик, шахс фикрларини ўрганиш асосида тўпланган маълумотларга асосланиб сиёсий ҳодисалар ва жараёнларнинг ривожланиш хусусиятлари ҳақида олдиндан башорат қилиш мумкин.

Юқоридаги фикрлар политологиянинг услублари унинг назария ва амалиёт уйғунлигидан иборат фан эканлигини кўрсатиб турибди. Политологияда бу услублардан унумли фойдаланиш асосида мамлакат ва халқаро майдонда сиёсат, унинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш истиқболлари тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Политология фанининг бутунги кунда аҳамияти ва ролининг ўсиб бориши қуйидагиларга боғлиқ. Биринчидан, Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, жамият сиёсий ҳаётида икки мафкуравий тузумнинг кураши ва бу курашнинг халқаро ҳаётнинг ҳамма соҳаларига соя ташлаши остида ўтган кучли қарама-қаршилик барҳам топди. Аммо шундан кейин ҳам бизни қуршаб турган дунё, кўплар кутганидек, осойишта бўлиб қолгани йўқ. Ундаги можароларни сиёсий воситалар йўли билан ҳал этишга зарурият кучайиб бормоқда. Бу уни политология нуқтаи назаридан атрофлича сиёсий таҳлил этиб боришни тақозо этади.

Иккинчидан, сиёсатда жаҳон тараққиётининг муҳим омили мамлакатлар ва халқлар манфаатларини уйғунлаштиришга эришиш билан боғлиқ. Бу мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар сиёсий фаолиятини умумбашарий муаммолар кўламининг кенгайиб бораётганига қаратиш ва уларни ҳал қилишдаги бирликни вужудга келтиришга қаратилган сиёсий қарашлар, назария ҳамда таҳлилларга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ.

Учинчидан, ҳозирги даврда ҳар бир шахснинг сиёсат билан шуғулланишига бўлган эҳтиёж сиёсатни англаш, унда онгли фаолият кўрсатишга бўлган эҳтиёжларнинг ортиши, мавжуд демократик жараёнлар билан белгиланади.

Тўртинчидан, ҳозирги замонда сиёсий жараёнларнинг тез ўзгариб бораётганлиги кузатишмоқда. Бу ўзга-

ришларнинг дунё ҳамжамияти ва инсон манфаатлари билан уйғун бўлиши учун оқилона сиёсат олиб бориш билан бирга онгли сиёсий фаолият, сиёсатга онгли муносабатда бўлиш зарур. Бу уни атрофлича ўрганишни тақозо этади.

Бешинчидан, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллигини ошириш, жамиятнинг иқтисодий - ижтимоий, маданий - маърифий соҳаларида нодемократик ҳолатнинг олдини олиш учун унинг асосий қафолатларидан бири мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий, маънавий ва сиёсий фаолиятини ривожлантириш давлат сиёсати даражасида уйғун бўлишидир.

Шундай қилиб, политология фанининг аҳамияти ва ролининг ўсиб бориши ҳозирги замонда инсоният тараққиётидаги ўзгаришлар, сиёсат ва сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлган ҳодисадир.

2-мавзу

Сиёсий қарашлар ва таълимотлар: вужудга келиши ва ривожланиши

Сиёсий қарашлар ва таълимотлар

Сиёсий қарашларнинг шаклланиши ва қарор топишида ўзига хос анъаналар мавжуд бўлиб, сиёсий ҳодисалар турли хил талқин этилган. Қадимги халқлар деб ҳисобланган мисрликлар, хитойликлар, ҳиндлар, бобилликлар, яҳудийлар, форслар, греклар ва римликларнинг қарашларида ер юзидаги тартиб ва тартиботларни илоҳий куч билан боғлаб тушуниш, Аллоҳни унинг биринчи сабаби деб ҳисоблаш анъанаси шаклида диний қараш мавжуд бўлган. Бу сиёсий фанларда диний анъана тарзида эътироф этилади. Масалан, қадимги Хитойда император ер юзидаги тартибларни илоҳий тартиблар билан боғлаб турувчи ягона шахс деб қаралган. Давлат ҳокимиятининг турли

бўгинларида ишлаётган бошқа шахслар император ҳокимияти тартиботларини амалга оширувчиларидир. Хитой императори айти пайтда осмоннинг «ўгли»гина эмас, ўз халқининг «отаси» ҳам ҳисобланган. Унинг ҳокимияти ота-онанинг оилада болаларга нисбатан мавжуд бўлган ҳокимиятига ўхшашдир, деб ёндашилган (Конфуций).

Қадимги Мисрда эса Оллоҳ ҳукмдор ҳокимиятнинг илк манбаи сифатида қаралган. Ерда ҳам унинг таъсири худди шундай сақланиб қолган. Бу ўзига хос пирамидага қиёс этилган, унинг учи худо ва унинг сайлаб қўйган фиръавнлари, асоси эса оддий халқ деб қаралган. Улар ўртасида руҳонийлар ва зодагонлар турган. Жамият ва давлатнинг хулқ-атвори инсоннинг кўпроқ қайси тоифага тегишлилиги билан белгиланган.

Қадимги Ҳиндистонда ҳам жамият ва давлатнинг келиб чиқиши илоҳий, мавжуд тартиб ва қоидалар ҳам шу асосда ўрнатилган, деган ғоялар мавжуд бўлган. Масалан, ригведаларда (милoddан аввал. 11 минг йил) дунё тартиботи илоҳий қонунларнинг ҳукмронлигига ва инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг уруғ-кастачиликка асосланган ғояга таянади. Бу тартибларни: илоҳий (брахма)ва дунёвий (кшатра)томондан, гарчи улар турли вазифаларни бажарса-да, лекин ўзаро бир-бирлари билан муносабатда амалга оширадилар. Ердаги тартиблар дунё тартиботларининг бир бўлаги, унинг таъсирида амалга ошади, деб ҳисобланган.

Сиёсий фикр таърихида диний анъаналарнинг энг классик кўриниши Августин (Шимолий Африка, 354 — 430 йиллар) нинг сиёсий қарашларида ўз ифодасини топган. Христиан черковига хос белгилар унинг давлатдан устун туришига асосланган. «Черковга бўйсунмаган давлат қасоскорлар тўдасидан фарқ қилмайди», деган ғоя илгари сурилади. Инсонларни эса «илоҳий одам», «ердаги одам»га бўлади. Августин

қарашларига Платоннинг икки дунё, Стоикларнинг икки полис тўғрисида, зардуштийларнинг бир-бирига қарама-қарши икки асос (яхшилик ва ёмонлик) тўғрисидаги қарашларининг таъсири борлиги кўри-ниб туради.

Маълумки, ислом манбаларида «халиф», «амир», «имом» каби тушунчалар ҳокимият субъектлари, дав-лат ҳокимиятини юритувчи шахсларга нисбатан иш-латилган. Муҳаммад (С. А. В)дан кейинги тўрт халифа — Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ҳам ҳокимиятнинг диний ва дунёвий асосларини ўзаро яхлит ҳолда бир-лаштирганлар. Алидан сўнг тахтга келган халиф дун-ёвий давлат тамойилларига алоҳида эътибор бера бош-лайди. «Амир» диннинг ҳимоячиси унвонига сазовор бўлган, дунёвий ва давлатга хос ишларни ҳам ўзаро боғлиқ тарзда амалга оширган.

Ф. Аквинский (1225-1274 йиллар)нинг сиёсий қарашлари ўрта асрда диний анъаналардаги сиёсий қарашларнинг энг чўққиси деб баҳоланган. У ҳаётли-ги давридаёқ Рим католик черковининг «доктори» фахрий унвонига муяссар бўлган. Унинг қарашлари XIX асрда Рим папаси Лев XIII томонидан «католи-цизмнинг ягона ҳақиқий фалсафаси», деб эълон қилинган. Ф.Аквинский ҳокимиятни талқин этишнинг илоҳий назариясини ифодалаб, уч элементнинг бир-биридан фарқини кўрсатади: моҳият, шакл (эга бўлиш ва тузилиш) ва фойдаланиш. Ҳокимият ўз моҳиятига кўра илоҳийликнинг ўрнатилишидир. Шунинг учун у инсонларга яхшилик, эзгуликни олиб келади. Фақат ҳокимиятнинг конкрет шакли, ҳокимиятга эга бўлиш усуллари, унинг тузилиши ва ундан фойдаланиш Аллоҳнинг ғояларига зид, адолатсиз бўлиши мумкин, деб ҳисоблаган. Сиёсий қарашларидаги диний анъа-налар амалий ҳаётда ҳам ўз ифодасини топади. Маса-лан, турли мамлакатларда, дунёвий динлар кўриниш-лари билан мос равишда дин билан давлат ўртасида

Ўзига хос муносабат бўлиб, черков билан подшоҳ ўртасида, руҳонийлар билан шоҳлар, амирлар, халифалар ўртасида ҳокимият учун низолар ва ўзаро келишмовчиликлар бўлиб турган. Бу ўрта асрларда асосан теократик давлат ҳокимияти кўринишини олган.

Давлатни бошқаришда конституциявий асосга ўтилгандан кейингина дин ва давлат муносабатининг ҳуқуқий асослари аниқ кўрсатила бошлади. Дин давлатдан, мактаб черковдан ажратилди. Бугун Ўзбекистон Республикаси ҳам Конституция асосида дунёвий давлат қуриш вазифаларини амалга оширмоқда. Конституциянинг 61-моддасида ҳам «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди», деб қайд этилган. Бу давлат ва диннинг ўзаро муносабатларини белгилаб бериш учун асос ҳисобланади.

Юридик қараш Сиёсий таълимотларда давлат ва ҳуқуққа инсон манфаати нуқтаи назардан ёндашиш юридик анъана сифатида қадимги дунёда мавжуд бўлган. Бу Конфуций (милод. авв. 552/551-479 йиллар) сиёсий қарашларида (Хитой), буддизм (Ҳиндистонда), оташпарастликда, шунингдек, турли хил файласуфлар, мутафаккирлар сиёсий қарашларида ўзининг дастлабки ифодасини топган. Унинг негизида «ҳуқуқ» ва «қонун» тушунчаларини таҳлил этиш турган. Масалан, Конфуций жамият маъмурий ҳуқуқ (легизм), утилитар-иқтисодий (мозизм) усуллар, шунингдек, нотабний кучлар (даосизм) ёрдамида эмас, балки ахлоқий нормалар асосида бошқарилиши керак дейди. Шу нуқтаи назардан у «давлат—ягона оила» деган ғояни асослашга ҳаракат қилган, унинг асосида шахслараро муносабатларни қўйган. Бу унинг ижтимоий-сиёсий қарашининг асосини ташкил этган.

Қадимги Римда юридик анъананинг шаклланишида Цицероннинг (милод. авв. 106-43 йиллар) сиёсий қарашлари алоҳида ўринга эга. У «Қонунлар тўғрисида» асарида давлат шакллари тўғрисида, унинг монархия, аристократия ва демократия кўринишларининг яхши томонларини ўзида ифодалаган аралаш идора этиш усули тўғрисида сўз юритади. Асардаги табиий ва абадий ҳуқуқлар, ҳуқуқ ва давлатнинг субъекти фуқаро тўғрисидаги қарашлар, ҳуқуқий давлат тўғрисидаги ғояларнинг пайдо бўлиши ва ривожига алоҳида ўрин тутаяди. Платон ва Аристотелнинг сиёсий қарашлари унга сезиларли таъсир кўрсатган. Қадимги Римда юристларнинг илмий изланишлари натижасида ҳуқуқшунослик фани илмда янги йўналиш сифатида шаклланган. Бу изланишларда назарий ва амалий характерга эга бўлган кенг қўламли муаммолар қамраб олинганлиги билан ажралиб туради ҳамда уч даврга: 1. Илк давр (милод. авв: 1 аср ва унинг охири); 2. Юқори давр (асримизнинг 11 асри); ва Кейинги давр (193-235 йиллар)ларга бўлинади. Бу даврларда кўпгина ҳуқуқшунослар давлат хизматида бўлганлар, улар саволларга жавоблар бериб, ҳуқуқ ва қонунчилиكنинг ривожига ўзларининг назарий ва амалий ҳиссаларини қўшганлар. Муаммога илоҳий ва дунёвий тамойиллар асосида ёндашганлар ва кўпроқ рационализм томонида турганлар.

Сиёсий-фалсафий қараш Сиёсий қарашларда сиёсий социологик ёндашув антик даврга бориб тақалади. Масалан, қадимги Грецияда сиёсий ғоялар ижтимоий-сиёсий институт сифатида полис, шаҳар-давлат ва шаҳар- жамият тарзидаги қарашларда ўз ифодасини топган. Политология тушунчалари «сиёсат», «давлат», «ижтимоий иш», «ҳокимият», «сиёсий ҳокимият», «сиёсий бошқарув», «бошқарув санъати» ва бошқа номлар билан кенг ишла-

тилган. Сиёсий-фалсафий анъана тўғрисида фикр юритганда Демокрит (милод. авв. 460-370 йиллар), Платон (милод. авв. 427-347 йиллар), Аристотел (милод. авв. 384-322 йиллар)нинг сиёсий қарашларини ҳисобга олиш муҳим. Демокрит давлат ишларини бошқа ишларга қараганда муҳимроқ деб ҳисоблаб, ҳар бир киши давлатнинг қулай бўлиши учун ҳаракат қилиши лозимлигини, кўпроқ ҳокимиятга эга бўлишга эмас, балки умумий иш учун фойдали бўлган томонларни ўйлаш кераклигини таъкидлаб, тўғри йўлдан бораётган давлатни энг катта таянч деб қайд этади. Қачон у ҳалок бўлса, ҳамма ҳалок бўлади, деб ҳисоблади. Бундай бўлмаслиги учун унинг уч йўлини: 1) тарбия, таълим, маълумот бериш; 2) ягона фикр бўлиши; 3) бошқара олишни тўғри олиб боришни кўрсатади ҳамда бошқарувчининг қуйидагиларга: сиёсий бошқарув санъатини эгаллаш, шундай билим ва қадрга эга бўлмаганларга ишонишни ва аксинча, бунга эга бўлганларга ишонмасликни, полис ишларини аниқ ва тўғри баҳолай олишни, инсонларнинг кайфияти ва талабларини билишни, психологик (руҳан) тайёр бўлишни, бошқалар устидан ҳокимиятни амалга оширишдан олдин ўз устидан ҳокимиятга эга бўлиш сирларини ўрганиш зарурлигига эътиборни жалб этади.

Платон сиёсий қарашларида дастлаб Сократ рационализмининг таъсири кўпроқ сезилса-да, кейинчалик унинг «Давлат», «Сиёсатчи», «Софист», «Парменид» ва «Қонунлар» каби асарларида диний анъана кўпроқ сезилади. Платоннинг икки дунё тўғрисидаги қарашлари муҳим ўрин тутади. Ҳоялар дунёси — бу ҳақиқий борлиқ бўлиб, ўзгарувчан инсон дунёсининг абадий ўзгармас илоҳий кўринишидир, ҳодисалар дунёси ғоялар дунёсининг бузилган ифодасидир. Платон сиёсатга ҳам шундан келиб чиқиб ёндашади ҳамда идеал давлатнинг сифатларини таърифлайди. Давлатни идора этишнинг аристокра-

тия шаклини ёқлайди. Унинг бошқа шакллари: тирократия, олигархиядан демократияга ва демократиядан тиранияга ўтиши мумкин деган фикрни келтиради.

Аристотел (милод. авв. 384-322 йиллар) сиёсий-фалсафий анъаналар ривожига улкан ҳисса қўшган. У ўзининг «Сиёсат», «Этика» ва «Риторика» каби асарларида ўз сиёсий ғояларини берган. Индивидларнинг сиёсий ҳаёти полисда (шаҳар-давлатда) мужассамлашади, деган фикрни илгари ташлайди. Унда инсон сиёсий мавжудот сифатида намоён бўлади. Инсонга адолат ва адолатсизликнинг фарқини англайдиган ягона мавжудот сифатида қарайди. Давлатнинг мақсади ҳамма фуқароларга фаровонлик улашишдир. Давлат индивид, оиладан кейин пайдо бўлган. Давлатнинг нисбий ҳаёт бўлишини маъқуллайди.

Давлатнинг шакли, Аристотелча, ким томонидан (якка киши, нисбатан озчилик, кўпчилик) ёки қандай мақсадда (умум манфаат ёки фойдасига; ёки шахсий манфаат ва фойдасига кўра) амалга оширилиши билан белгиланади. Давлат шаклини тўғри ва нотўғри шакллarga бўлади. Тўғри шаклига монархия, аристократия ва политияни, нотўғри шаклига эса тирания, олигархия ва демократияни киритади ва уларнинг бири-биридан фарқини кўрсатади. Давлатнинг шакли ўз мақсади ва ижтимоий қатламлар манфаатини ифода этишга қараб белгиланади.

**Ўрта Осиёда сиёсий
фикр ва ғоялар**

Ўрта Осиёда, хусусан, мамлакатимизда сиёсий қарашларнинг шаклланиши миллий давлатчилигимиз негизлари билан боғлиқ ҳолда кечади ва 3000 йиллик тарихга эга. Сиёсий қарашлар турли даврларда турли-хил бўлган. Ҳаётга ёндашув услубидаги ўзига хослик негизида марказлашган кучли давлат қуриш мақсади мужассамлаш-

ганлигини кузатиш мумкин. Ана шундай кузатувлар жамланган, умумлаштирилган сиёсий қарашлари мавжуд бўлган буюк алломалардан бири Абу Наср Форобий (873-950 йиллар)дир. У илк ўрта асрнинг буюк мутафаккирларидан бири бўлиб, фалсафий қарашлари билан бирга сиёсат тўғрисидаги фикрлари ҳақида унинг «Китобас-сиёсат ал-мадания», яъни “Шаҳарлар устидан сиёсат юргизиш” китоби маълумот беради. Асарда сиёсатга алоҳида илм йўналиши сифатида қаралган. Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида адолатли жамиятга эришиш йўллари, «фозил шаҳар ҳокимининг фазилатлари» тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари, давлат ҳокимияти ва бошқарувчи кадрларни танлаш ва жойига қўйиш билан боғлиқ бўлган ғоялари бугунги кунда ҳам миллий кадрлар тайёрлаш дастурини амалга ошириш ва мувофиқлаштиришда муҳим ўрин тутadi. Фозиллар шаҳрининг биринчи бошлиғи тўғрисида Абу Наср Форобий шундай дейди: «Шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн иккита хислат — фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур. Фозиллар шаҳри ҳокими аввало тўрт мучаси соғ-омон бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни бажаришида бирор аъзо-сидаги нуқсон ҳалал бермаслиги лозим... Иккинчидан, бундай шаҳар ҳокими табиатан нозик, фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарур. Учинчидан, у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларни унутмаслиги зарур. Тўртинчидан, у зеҳни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинемас аломатларини ва бу аломатлар нимани англатишини тез билиб, сезиб олиши зарур. Бешинчидан, у фикрини равшан тушунтира олиш мақсадида чиройли сўзлар билан ифодалай

олиши зарур. Олтинчидан, у устозлардан таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши зарур. Еттинчидан, таом ейишда, ичимликда, аёлларга нисбатан очофот эмас, аксинча ўзини тия оладиган бўлиши, (қимор ёки бошқа) ўйинлардан завқ, ҳузур олишдан узоқ бўлиши зарур. Саккизинчидан, у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур. Тўққизинчидан, у ўз қадрини билувчи ва номусли, ориятли одам бўлиши, пасткашликлардан юқори турувчи, туғма олийҳиммат бўлиши, улуғ олий ишларга интилиши зарур. Ўнинчидан, бу дунё бойликларига, динор ва дирҳамларга қизиқмайдиган (мол-дунё кетидан қувмайдиган) бўлиши зарур. Ўч биринчидан, табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, барчани адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшилиқни ва ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга муросасиз бўлиши зарур. Ўн иккинчидан, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда кўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги даркор».

Абу Наср Форобий мана шу барча хислатларнинг бир одамда жамланиши амри маҳол, зеро, бундай туғма фазилатлар соҳиби бўлган одамлар жуда кам учрайди ва улар нодир инсонлардир, деб ҳисоблаган ва мабодо фозиллар шаҳрида шундай баркамол инсон топилмай қолса, унда юқоридаги фазилатлардан олтитаси, ёки бештаси камол топган инсон ҳам ақл ва заковатда беназирлиги туфайли фозиллар шаҳрига раҳбарлик қила олади, деб таъкидлайди. Фозиллар шаҳрида бундай одам йўқ бўлганида (мабодо вафот этга-

нида ёхуд бошқа жойга кетган вақтида — *М. М.*) ана шу имом (ҳоким) ёхуд унинг издошлари (агар мазкур имомдан сўнг бирин - кетин шаҳарга бошлиқ бўлсалар) чиқарган қонун ва тартибларга амал қилинади.

Аввалги имом ўрнига келган кейинги раҳбарда ҳам юқорида айтилган хислатлар, фазилатлар ёшликдан шаклланган бўлиши зарур. Шу билан бирга бу кейинги имомда яна олтинта фазилат ҳосил қилиниши зарур. Биринчи — донишмандлик. Иккинчи — аввалги имомлар ўрнатган қонунлар ва тартибларни хотирада яхши сақлаб қолиш ва уларга амал қилиши учун қувваи ҳофизага эга бўлиш. Учинчи — агар аввалги имомлар давридан бирор (ёки бир қанча) соҳага тааллуқли қонун қолмаган бўлса, бундай қонунни ўйлаб топиш учун ижод, ихтиро қилиш қувватига эга бўлиш. Тўртинчи — ҳозирги ҳақиқий аҳволни тез пайқаб олиш ва келгусида юз берадиган, аввалги имомлар кўзда тутмаган воқеаларни олдиндан кўра билиш хислатига эга бўлиш. Бу хислат унга халқ фаровонлигини яхшилаш йўлида керак бўлади. Бешинчи — аввалги имомлар ўрнатган қонунларга, шунингдек, аввалгиларидан ибрат олиб, ўзи чиқарган қонунларга халқ амал қилиши учун қизғин сўзлаш—нотиклик хислатига эга бўлиш. Олтинчи — зарур ҳолларда ҳарбий ишларга моҳирона раҳбарлик қилиш учун етарли жисмоний қувватга эга бўлиш, яъни ҳам жанг қилишни, ҳам саркарда сифатида жангу-жадалга раҳбарлик қилиш учун ҳарбий санъатни яхши билиши керак.

Фаробий, мабодо шу хислатларнинг барчасини ўзида жамлаган бир одам топилмаса, лекин икки киши биргалашиб шу хислатларга эга бўлишса (яъни бири — донишманд, иккинчиси — қолган хислатлар соҳиби бўлса) шу икковини фозиллар шахрига раҳбарликка қўйиш зарур, агар бир гуруҳ одамлар биргаликда ана шу хислатларга эга бўлишса (яъни бирида бу, иккинчисида у, учинчисида яна бошқа хислатлар

бўлса) ана шу фозиллар гуруҳини юрт раҳбарлигига қўйиш зарур, деб ҳисоблаган. Унингча, шу гуруҳ аъзолари биргалашиб, ўзаро келишиб ҳаракат қилса, ҳар бири фозил ҳоким бўлиши мумкин. Маъодо бирор замонда фозиллар шаҳрида ҳокимлик қилаётган бир ёки бир неча кишида бошқа зарур хислатлар бўлсаю, аммо донишмандлик бўлмаса, фозиллар шаҳри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шаҳар ҳалокатга юз тутади.

Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий — Низомулмулк (1018-1092 йиллар) Шарқ тарихи ва маданиятида ўзининг «Сиёсатнома» (ёки Сияр ул - мулк) асари билан ўчмас из қолдирган. «Сиёсатнома» асари мавзу жиҳатидан кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. У 50 фаслдан иборат бўлиб, унда давлат бошқарувига тегишли қоида ва қонунлар, усул ва воситалар, қози ва қозихона ишлари, кўшин ва сарбозлар, хизматчи ва шахсий сарбозлар, почта ва разведка ишлари, элчиларга муносабат, шох ишлари, шахсий соқчилари тўғрисида маълумот ва маслаҳатлар берилган. Давлатни идора этишда амалдорлар (масъул кадрлар) катта ўрин тутишлари таъкидланган, уларни танлаш ва жой-жойига қўйишда ўзига хос талаб даражасида қаралган. «Сиёсатнома» амалдорларни тарбиялаш, асраш, ҳимоялаш ва зарур бўлса жазолаш билан боғлиқ тавсиялар берилганлиги билан сиёсатчи ва давлат раҳбарларининг эътиборини жалб этади.

Давлатда марказий ҳукумат (ижро ҳокимияти) кучли бўлса, шунда давлатда тинчлик ва адолат барқарор бўлади, раият ўз мақсадига ета олади, жамият сулҳ ва адолатда, мурувватда яшайди, деб кўрсатади. «Сиёсатнома» жиддий сиёсий ҳужжат бўлиб, марказий ҳукуматнинг парчаланишига қарши қаратилган асардир. «Сиёсатнома» марказлашган давлат тузишга даъват этиб, кучли давлат маҳкамаси, армия ва бошқа текшириш воситаларини яратишга чақиради. «Сиёсатнома» асарининг ўзбек тилига илк бор таржимаси

1997 йилда амалга оширилди (Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. Тошкент, «Адолат», 1997). У маданий, сиёсий тарихимизни билишга, сиёсий фикр ва қарашлар ривожига хос анъаналарни ўрганишимизда ва тиклашимизда ижобий омил бўлиши, шубҳасиз. Низомулмулк шахсига, ўз даврида Амир Темур, Алишер Навоий, «Дастур ул - мулк» асарининг муаллифи Самандар Термизий ва бошқалар катта баҳо берганлар.

Амир Темур (1336-1405 йиллар) ўзининг сиёсий қарашларини «Темур тузуклари» асарида эллик йилдан ортиқ давр (1342-1405 йй.) тарихи билан биргаликда давлат ва унинг тузилиши тўғрисида ҳам қimmatли маълумотлар беради. Асарда давлат ва унинг амал қилиш тамойиллари, меъёрлари, муносабатлари уни барпо этиш, мустаҳкамлашни кенгаши орқали амалга оширишда ўз ифодасини топганлигини таъкидлаш лозим. Амир Темур зукко, тажрибали сиёсатдон ва давлат арбоби сифатида, давлатнинг марказий аппарати ва маҳаллий ҳокимиятнинг қандай, қайси ижтимоий тоифаларга таянишини, уларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, мансабдор шахсларнинг бурч ва вазифаларини белгилаб берар экан, жамиятни маълум ижтимоий-сиёсий гуруҳларга таянган ҳолда бошқариш лозимлигини таъкидлаш билан уларнинг манфаатларини бошқа гуруҳлар манфаати билан бирга ҳисобга олиш зарурлиги тўғрисида ҳам муҳим фикр билдиради. У жамиятни 12 тоифага таянган ҳолда бошқариш ишларини амалга оширган. Улар: 1) саййидлар, уламо ва шайхлар; 2) билимдон кишилар; 3) дуоғўй тақводорлар; 4) амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолар; 5) сипоҳ билан раият; 6) доно ва ишончли кишилар; 7) вазирлар, саркотиб ва девон битикчилари; 8) ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар; 9) муҳаддислар (ҳадис олимлари ва ровийлар); 10) сўфийлар ва орифлар; 11) ҳунар ва санъат аҳли; 12) сайёҳ ва тижорат аҳлларидан иборат.

Давлатни идора этишда вазирлар, амирлар ва ноибларнинг ролига алоҳида эътибор бериб, соҳибқирон Амир Темур садоқатли, ахлоқий пок, адолатпеша, тинчликсевар ва ташаббускорларни қадрлаган.

Амир Темур вазирлар тўрт фазилатга эга бўлишлари шартлигини таъкидлайди: 1) аслик, тоза наслик ва улугворлик; 2) ақлу фаросатлилик; 3) сипоҳ билан раият аҳволидан бохабарлик ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш, улар билан яхши муомалада бўлиш; 4) сабру бардош, мулоиймлик. У жойлардаги улусларга мустақил сиёсат юргизишга ҳам имконият берган. Ерларни ўзлаштирганлар ҳукумат томонидан рағбатлантирилган. Темур давлат бошқарувида жамият аъзоларини мавжуд тоифаларга бўлган муносабатда уларни «ишонч билан кўрқув» ўртасида сақладим, десада, амалда, унда ишонч, кечиримлилик, сабр қаноат тамойиллари устувор бўлиб, мамалакат, давлатнинг куч-қудратини адолат асосида қурганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. У адолат орқали кучли марказлашган давлат тузишга муваффақ бўлган. Давлат ишларини юритишда ислом билан бирга дунёвий илмга, тамойилларга алоҳида эътибор берган ва уларга амал қилган.

Алишер Навоий (1441-1501 йиллар) сиёсий ғояларини «Садди Искандарий» достонида асослаб берган ва унда ижтимоий адолатли тузум ғоясини адолатли шоҳ тимсолида баён қилган. Алишер Навоий бу муаммони адолатли шоҳ — адолатли давлат, адолатли қонунлар — адолатли тартиб сифатида поэтик тасвирлаган. Шунингдек, даҳо шоир турли халқлар, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар ўртасидаги оқилона, маърифатга асосланган муносабатлар ижтимоий барқарорликка олиб келишини гўзал тимсоллар орқали куйлаган.

Навоий ҳаётнинг мезони инсон, унинг фаолияти, сифати ва фазилатлари деб билиб, инсон ўз ҳаёти-

ни ўзи учун ҳам, бутун жамият учун ҳам фойдали бўлган ишга бағишлаши, касб-хунар ўрганиши, маърифатли бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Навоий сиёсий қарашларида кўпроқ адолатли қонунларга асосланган маърифатли шоҳ ҳокимиятини орзу қилиб, уни озми-кўпми Хусайн Бойқаро давридаги вазирлик фаолиятида амалга оширишга уринган. Алишер Навоийнинг бу каби илғор сиёсий қарашлари кейинчалик Бобурнинг давлат фаолиятида ва унинг бутун дунёга машҳур «Бобурнома» асарида янада бойитилган ва бобурийларнинг амалий сиёсатида маълум маънода ўз ифодасини топган эди.

Шарқда, хусусан, Марказий Осиёда сиёсий фикрлар ва таълимотлар тўғрисидаги анъаналарга дунёнинг айрим бошқа давлатларига хос бўлган: а) фалсафий-ахлоқий қарашлар; б) диний қарашлар; в) фуқаролик; г) ижтимоий концепциялар тўғрисидаги ғояларнинг муайян даражада ўзига хос кўринишда мавжуд бўлмаганлигини кўрамиз. Характерли жойи шундаки, бундай ёндошувлар сиёсий фанлар нуқтаи назаридан таҳлил этилмаган бўлсада, аммо «сиёсат» алоҳида илм йўналиши сифатида қайд этилади. Бу меросимиз ҳозирги даврда демократик жамият тўғрисидаги илмий назарияни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ этишда катта аҳамиятга моликдир.

Янги даврдаги сиёсий қарашлар

Бу давр сиёсий қарашларида давлатнинг пайдо бўлиши ва қарор топиши муаммоси сиёсий фикр ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади ва унинг устувор йўналишига эга бўла бошлайди. Давлат, жамият ва шахс тўғрисидаги қарашлар тизимида индивид - фуқарога алоҳида эътибор берилади. Шунинг учун бу даврдаги сиёсий қарашлар «фуқаролик тўғрисидаги қарашлар» деб ҳам аталади. Сиёсий соҳада уйғониш даврининг ўзига хос жиҳат-

тидан бири ҳам шундаки, инсон унинг марказига қўйилади. Масалан, Н. Макиавелли (1469-1527 йиллар) сиёсатнинг назариётчилари унинг «илмий усул»ларини ишлаб чиқишга маъсул эканлигини қайд этади. Бу даврда сиёсатда ахлоқий қадриятларнинг мақсадга мувофиқлиги ғояси асосида «макиавеллизм» тушунчаси пайдо бўлади ва сиёсий қарашларда «Сиёсий республиканизм назарияси» илгари сурилади. Бундай қарашлар XVII-XVIII асрларда Англия ва Америкада сиёсий фикр ривожига сезиларли таъсир этади. Макиавелли ўзининг «илмий усулини» сиёсатга нисбатан прагматизм ва утилитар ёндашувга таянган ҳолда асослайди. Сиёсий фанлар воқеаларнинг ҳақиқий моҳиятига кириб борган ҳолда уни тушунтириб бериши кераклигини қайд этади. Шу усулда ҳокимият ва бошқариш нуқтаи назаридан сиёсат ва давлатнинг айнан баҳосини беришга ҳаракат қилади. Макиавелли сиёсий қарашларида «мақсад воситани оқлайди», деган тамойилга асосланади. У ҳар қандай мақсаднинг қонуний бўлишини таъкидласа, мамлакатларнинг сиёсий ҳаёти, давлатчилик тарихи тажрибаси буни ҳамма вақт ҳам тўғри ёки мутлоқ фикр эмаслигидан далолат беради. Макиавеллининг фикрича, ягона мақсад борки, бу мақсад ноахлоқий воситани, яъни давлатнинг яратилиши ва уни сақлаб қолишни оқлайди, деб кўрсатади. Натижада, унинг таъсирида айрим сиёсий кучлар ўз фаолиятларида унга таяндилар (масалан, Франциядаги 1789 йил инқилоби ттакчилари, Россияда болшевиклар ва ҳоказо).

Бу даврда Макиавелли томонидан илгари сурилган ғоя айрим сиёсий кучлар томонидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланилганлигини ва бу жамиятлар, халқлар сиёсий ҳаётида катта салбий оқибатларга сабаб бўлганлигини кўриш мумкин. Шу ўринда сиёсий фаолиятда «адолатни кучда» деб билиш билан «куч адолатдадир» деган қараш ва тамойилларда катта фарқ

бор шаклини таъкидлаш зарур. Бунда муаммога ғарбона ва шарқона ёндашувлар ўзига хос ифодасини топганлигини кўрамиз.

Макиавелли жамиятни идора этиш тўғрисида аниқ бир шаклни илгари сурмайди. У «якка ҳокимиятни» ҳам, «республика» бошқарув шаклини ҳам маъқуллайди.

Макиавелли ўзининг «Государь» номли асарида Республикани тўғри ёки кулай шакли деб, айни пайтда Рим Республикаси модели тўғрисида фикр юритиб, «аралаш» шаклини ёки ҳокимиятнинг демократик, аристократик ва монархия элементларининг мавжудлиги, унинг мукамаллигини таъминлаб берган, деб ҳисоблайди.

Бундай сиёсий қарашлар кейинчалик Томас Гоббс (1598-1679 йиллар) қарашларида ривожлантирилади. Гоббс монархияни ҳокимиятнинг энг кулай шакли, деб ҳисоблайди. Буни ўзининг «Левиафан» асарида инсонларнинг давлат пайдо бўлгунигача бўлган давридаги ҳаётини тасвирлаб, унда «хаос» ва «ихтилоф»лар ҳукмрон бўлганлигини таъкидлайди ёки бу ҳукмронликни «ҳамманинг ҳаммага қарши уруш» ҳолати сифатида қайд этади. «Ижтимоий келишув»га «хаос»дан чиқишдаги муҳим йўл сифатида қаралади. Монархнинг асосий вазифаси қонунни сақлай билишда, деб тушунади.

Англия файласуфи Ж.Локк (1632-1704 йиллар) қарашларида ҳам сиёсатда фуқаролик концепцияси илгари сурилади. Локк таълимоти нисбатан реал ҳаётга асосланганлиги билан ажралиб туради ва чекланган монархияни ўрнатишни ёқлайди.

У сиёсий фикр тарихида биринчилардан бўлиб, «шахс», «жамият» ва «давлат» тушунчаларининг таҳлилини беради ҳамда шахсни жамият ва давлатдан юқори қўяди. Локк инсон туғилгандан бошлаб табиий ҳуқуқларга эга бўлади, деб кўрсатиб, «ҳаёт» ёки «яшаш», «эркинлик» ва «мулкка эга бўлиш» ҳуқуқла-

рини ана шундай ҳуқуқлар жумласига киритади. У хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқини куйидагича асослайди. Биринчидан, хусусий мулкка эга бўлиш инсоннинг ўзини ва унинг оиласининг яшаши учун зарур бўлган эҳтиёжни таъминлаш учун керак, инсон зарур нарсаларга эга бўлган тақдирдагина ўзининг ривожланишига алоҳида эътибор бериши мумкин. Локк фикрича, хусусий мулк мутлоқ қадрият эмас, аксинча, эркин жамиятга эришиш воситасидир. Инсонлар мулк жамғаришда эркин бўлишлари керак. Иккинчидан, мулкка эга бўлиш инсон индивидуаллигининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Локк давлат жамиятга, жамият ўз навбатида шахсга бўйсунishi зарурлигини таъкидлайди. Давлат ва жамият бир нарса эмас, давлат ҳокимиятининг қулаши, жамият ривожининг охиридан далолат бермайди. Жамият янги давлат ҳокимиятини ўрнатиши мумкин. Давлат шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида фаолият кўрсатади. У шахсдан кучлироқ бўлиши мумкин эмас, чунки шахс жамиятни, жамият эса давлатни ташкил этади. Локк қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти бўлишини ёқлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимиятга устуворлик беради, чунки у давлатнинг сиёсатини белгилайди, деб кўрсатади.

Франция маърифатпарвари Шарл Луи Монтеске (1689-1755 йиллар) ўзининг «Қонунлар руҳи» асарида «идора этиш тарзига» ёки «қонунлар руҳи»га таъсир этувчи омилларни кўрсатиб беради. «Кўпгина нарсалар, — деб ёзади Монтеске, — иқлим, дин, қонунлар, идора этиш шакллари, ўтмиш сабоқлари, ахлоқ, одатлар халқнинг умумий руҳининг натижаси сифатида инсонларни бошқаради».

Монтескье ҳокимиятнинг бўлиниши назариясини «аралаш идора этиш» ғоясининг давомидир, деб кўрсатиб, ҳуқуқнинг, қонуннинг устуворлигини қайд этади. Шу асосда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва

суд ҳокимиятлари бир-бирларини тўлдирган ҳолда ҳокимиятни сақлаб туришлари мумкин, деган хулосага келади.

Сиёсий фикрлар ривожини Европадаги давлатлар қурилиши билан узвий боғлиқ ҳолда борди. Бу давр намояндалари унитар мустақил давлатнинг камчиликларини ҳисобга олиб, сиёсий назарияни амалиёт билан боғлаб олиб боришга, сиёсий тенглик ва демократияни янги тарзда таҳлил этишга ҳамда амалга оширишга ҳаракат қила бошлайдилар. Ж.Мэдисон (1751-1836 йиллар) республиканизмнинг кўзга кўринган назариётчиларидан бири бўлиб, у халқ — сиёсий ҳокимиятнинг ягона манбаи, сайловлар — республикавий идора этишнинг муҳим хусусияти, деган қоидага асосланади. У кўпчилик фракциясига эҳтиёткорлик билан ёндашади, ҳокимиятдан фойдаланиб, сўзликнинг манфаатларини поймол этиши мумкинлиги хавфининг олдини олиш чораларига алоҳида эътибор билан қарайди. Озчиликнинг эркинлигини кафолатлаш зарурлигини ҳамойи қилади. Ж.Мэдисон демократиянинг вакиллик орқали идора этиш шакли билан бирга либерал идора этиш зарурлигини ҳам асослайди. Давлат ҳокимиятининг бўлинишини, уларнинг ҳар бирининг нисбий мустақиллигини ва тенглигини таъмин олади.

Сиёсатнинг «социал концепцияси» фуқаролик концепцияси сифатида шаклланади. У энди алоҳида индивид — фуқарога эмас, айрим ижтимоий гуруҳга таяна бошлади. Миллат, синфлар, инсонлар, индивидлар муайян гуруҳларнинг, бирлашмаларнинг маҳсули сифатида қаралади.

Француз маърифатпарвари Ж.Ж. Руссо (1712-1778 йиллар) эса сиёсатда у фуқаролик концепциясининг қатъий ифодачиси ва тадқиқотчисидир. Индивидлар давлатни яратди ёки айти пайтда индивидларнинг ўзи давлатнинг маҳсулидир, деб ҳисоблайди. Руссо

айни пайтда 3 та ташқи омилни қайд этади: 1. Ижтимоий тенгликни қўллаб-қувватлайди, мулкнинг жамият аъзоларига нисбатан тенгсиз тақсимланишига қарши чиқади. 2. Сиёсий яхлитликни ҳимоя қилади; давлатда хусусий ҳамкорлик бўлиши мумкин эмас, деган ғояга таянади. 3. Вакиллик ҳокимиятини — куллик деб ҳисоблайди. Бир сўз билан айтганда, Руссо демократиянинг бевосита шаклини қўллаб чиқади.

Э.Беркка (1729-1797 йиллар) Англия консерватори сифатида табиий ҳуқуқларни тан олмаслик ғояси хосдир. Унингча, давлат ва жамият инсоннинг ихтироси эмас, балки табиий ривожланишнинг натижасидир. Давлатнинг асосий вазифаси тартиб ва қонунни сақлашдан иборат. Ҳокимиятнинг вакиллик шаклини қўллаб чиқади. Берк Парламентга — Англиядаги ҳокимиятнинг ҳақиқий шакли сифатида қарайди ва унинг фаолияти халқ томонидан назорат этилиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

А.Токвиль (1805-1858 йиллар) «Америкадаги демократия» номли асарида ўзига хос либерал сиёсий назарияни яратади. Уни сиёсий тенглик билан сиёсий эркинлик ўртасидаги муносабат кўпроқ ўйлатади. Сиёсий апатия - сиёсий марказлашув ва ижтимоий бўйсундиришнинг бошланишидир, деб ҳисоблайди. Демократиянинг ижобий ва салбий жиҳатлари бўлиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритади.

XIX асрнинг 40-йилларидан сиёсий фикр ривожини мустабид тузумни асослаган қарашлар билан боғлиқ. Улар томонидан муайян ижтимоий гуруҳга, «синфга» таяниш, уларнинг сиёсий қараш манфаатларини «ҳимоя» этиш, улар ёрдамида «пролетар инқилобини» амалга ошириш ғояси илгари сурилади. Тенглик, демократия, эркинликни таъминлашда улар «пролетариат диктатурасини» ўрнатиш зарурлигини, шу орқали адолатли демократик жамиятни қуриш мумкинлигини асослашга уриндилар. «Синфий кураш»га жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қарадилар.

Бу ғояда сиёсий ҳокимиятга эга бўлиш, яъни диктатуранинг пролетариат кўлига ўтиши туб масала сифатида қаралди. Октябр тўнтариши Россияда болше-визм кўринишида тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик жамиятининг ўрнатилишига олиб келди. Собиқ СССР конституциясида ҳокимиятнинг вакиллик ва бевоси-та шаклларида фойдаланиш кўрсатилган бўлса-да, амалда ҳақиқий демократик жамиятнинг ўрнатили-шига эмас, аксинча, мустақиллик, эркинлик, инсон ҳуқуқларига зид бўлган тамойиллар марказ билан рес-публикалар ўртасидаги ўзаро муносабатларда, жами-ят сиёсий ҳаётида ўзининг ифодасини топди. Бу сиё-сий қарашларнинг ғоявий жиҳатдан бир томонлама, нодемократик ва сохта эканлигини ҳаёт кўрсатди.

Бутунги Россияда янги демократик тартиботлар-нинг мураккаб сиёсий плюрализм шароитида сиёсий фанлар ривожига янгича қарашлар пайдо бўлмоқда.

ХІХ асрнинг охири — ХХ асрнинг бошларида Шарқдаги сиёсий ғоялар

ХІХ асрнинг охири ва ХХ аср бошларида

Шарқ мутафаккирлари сиёсий қарашларининг мил-лий-озодлик ғоялари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлганлигини кўрамиз. Бу Ғарбнинг Шарққа нисба-тан олиб борган сиёсатининг мустамлакачиликка асос-ланганлиги билан боғлиқ. Унинг негизида, бир то-мондан, янги ҳудудларга эга бўлиш, бойлик ортти-риш бўлса, иккинчи томондан, дунёни бўлиб олиш, халқларни тутқунликда, қарамлик ва тобеликда уш-лаб туриш сиёсати мустамлакачилик сиёсатиға хос хусусият тарзида намоён бўлади. Дастлаб, бу Шарқни ўрганиш мақсади билан бошланган бўлса-да, охир оқибатда унинг сиёсий мақсадлари кейинчалик аниқ маълум бўлди. Мустамлакачиликка қарши ғоялар ва ҳаракатлар бошланди. Европада бу «социализм учун кураш» шиори билан бошланган бўлса, Шарқда Ғ

ропанинг таъсир доирасидан чиқиш, мустақиллик
ғоялари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Маълумки, собиқ коммунистик мафкура асосчи-
лари «миллий- озоодлик ҳаракатларини» қўллаган бўлса-
да, амалда халқларнинг озоодлигини бўғишга қаратил-
ган назарияни яратган эдилар. Шарқда миллий - озоод-
лик кураши ўз тарихий илдизларини ўрганишнинг
бошланиши билан характерланади. Масалан, М.Ганди
(1869-1948 йиллар), М.Иқбол (1877-1938 йиллар) асар-
лари, нутқ ва чиқишлари Шарқ халқларини уйғотиш-
га даъват этадиган, уларни мустақилликка ундайди-
ган сиёсий ғоялари билан ажралиб туради. Масалан,
М.Ганди таълимотича, инглизларнинг урф-одатлари
саноати ютуқлари асосида содир бўлган эрксизлик,
қарамликка нисбатан байкот эълон қилади. Халқни
маърифий йўл билан мустақил бўлишга чорлайди. Ган-
дизм унинг номи билан боғлиқ бўлиб, озоодлик учун
курашда куч ишлатмаслик тамойилига асосланади.
Мустамлакачи ҳокимиятга қарши, ўзаро зиддиятли
ҳолатларга ён беришлар, муроса ва консенсус асосида
ҳал этишга ундайди. Сиёсатни ахлоқ билан боғлиқ ҳолда
талқин этади.

Бу даврдаги сиёсий қарашларда давлат ва халқлар
мустақиллиги, эркинлик, демократия учун ўзаро ҳам-
корлик, ҳамжиҳатлик ғоялари илгари сурилади.

**XIX аср охири — XX аср бошларида
жадидчилик ғоялари**

**XIX аср
охири ва
XX аср**

бошларида Туркистон ўлкасида «Жадидчилик» ҳара-
кати пайдо бўлди. Бу ҳаракатнинг халқимизнинг мил-
лий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан ўтмишида ўзи-
га хос ўрни мавжуд. Жадидчилик аслида маърифат-
парварлик ҳаракатининг кўриниши бўлиб, унинг
намояндалари мамлакатни қолоқликдан чиқариш ва
миллий тараққиётга эришишнинг маърифий йўлини
кўрсатдилар.

Чор Россиясининг чекка ва мустамлака ўлкаси бўлган Туркистонда мактаб-маорифнинг янгилиниши, янги адабиётнинг вужудга келиши, миллий театр, матбуотнинг туғилиши ва йўлга қўйилиши ҳам жадидчилик ҳаракатининг самараларидир.

Жадидларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида бир хиллик бўлмаган, баъзи масалаларда жиддий фарқ борлигини инкор қилмаган ҳолда, жадидчилик муайян қарашлар тизими сифатида шу давр эҳтиёжларини ифодалар эди.

Жадидчилик ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат сифатида саҳнага эндигина чиқиб келаётган шароитда чоризм Туркистонда ҳарбий-мустамлакага қарши чиқишга имкон бермас эди. Шубҳасиз, ана шу тарихий вазият жадидчилик ҳаракатида ҳам ўз аксини топди. Унда мустамлакачилик режимиға қарши қаратилган ғоялар билан бирга иккиланишлар, мўтадиллик ғоялари ҳам уйғунлашган эди.

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланишида матбуот ўзига хос ўринга эга бўлди. Уларнинг газета ва журналлари ўлкада кенг тарқалиб аҳолининг сиёсий онги ўсишида муайян рол ўйнади.

1906 йилдан бошлаб Туркистон жадидлари ўзларининг «Тараққий», «Хуршид» номли газеталарини нашр қила бошладилар. Гарчи бу нашрларда мўтадиллик, иккиланишлар ва журъатсизликлар маълум даражада сезилиб турса-да, аммо чоризмнинг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсатини қораловчи кескин мақолалар ҳам босилиб турди.

Жадидчилик ўзининг яхлит ташкилий низоми ва дастурига эга бўлмаган. Чунки у ташкилий жиҳатдан сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилмаганди.

Жадидлар ҳаракатининг Туркистондаги намоён-даси, унинг асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудийдир (1879-1919-йиллар). Беҳбудий Самарқанд шах-

рида руҳоний оиласида дунёга келади. У болалик чоғларида илм-фанга қизиқади, ҳисоб, ҳуқуқ, дин, араб ва форс тилларидан чуқур сабоқ олади.

У ҳаж қилиб Макка ва Мадинага боради, Миср ва Туркия шаҳарларига саёҳат қилади. Биринчи рус инқилоби арафасида Беҳбудий Россиянинг Петербург, Москва, Қозон, Уфа ва Оренбург каби шаҳарларида бўлади. Бу сафар унда чуқур таассурот қолдиради. Беҳбудий шу давр янги маданияти билан яқиндан танишади ва унинг йирик намояндалари билан мулоқотда бўлади.

Беҳбудий миллий манфаатларни ҳимоя қила оладиган, иқтисодий ва сиёсий қарамликдан, қолоқликдан қутулиш муаммоларини биладиган замонавий билимга эга кадрлар бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Агар биз маданият ва иқтисод соҳаларида бошқа миллатларга кўрам бўлишни истамасак, биз миллий судялар, адвокатлар, ўқитувчилар, давлат арбоблари, инженер, саводли тижоратчиларни тайёрлашимиз зарурлигини таъкидлайди.

Россия мусулмонларининг миллий-озодлик ҳаракати натижасида 1905 йилда ташкил топган мусулмонлар партияси Беҳбудийнинг фаолиятини юксак баҳолайди ва Туркистон масалалари бўйича у билан маслаҳатлашиб туради.

Беҳбудий ўзининг турли партияларга бўлган муносабатини ифодалаб, у кадетларни қўллаб-қувватлашга чақиради. Лекин у мусулмонлар партиясига хайрхошлигини билдиради. Бу партия ўзининг умумий сиёсий талаблари ва эътиқоди билан кадетлар партиясига яқин турсада, у мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилиш учун тузилган. Шунинг учун Туркистон мусулмонлари сиёсатда кадетларни қўлласада, мусулмонлар партиясига қўшилиши даркор. Бу партияга хизмат қилиш, унинг тарафдорлари бўлиш динимиз, ватанимиз ва миллатимизга хизмат қилишдан иборат, деб ҳисоблайди Беҳбудий.

Беҳбудийнинг асарлари, мақолалари ва ислоҳ лойиҳаларида баён қилинган ғоялар жаидлар ҳаракатининг асосий дастур ҳужжатлари, ҳаракат қўлланмаси бўлиб хизмат қилди. Унинг ғояларини ташвиқ қилишда Бухорода чиқарилган «Турон» газетаси (1912 йил) катта аҳамиятга эга бўлган.

Беҳбудий озодликка олиб боришда маърифатнинг ролини яхши тушунади. У шундай деб ёзади: «Маориф бўлимида ишлаб турган мусулмонларнинг бошини силангиз. Мафкурага ёрдам этингиз. Ўртадан ниқобни кўтарингиз, Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар. Ҳар иш қилсангиз, жамият ила қилингиз. Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар...»

Беҳбудий жаидчилик ҳаракатининг бошқа бир қанча раҳбарлари, хусусан, Мунаввар қори, Фитрат билан биргаликда умрининг охири дақиқаларигача ўз халқининг маънавий юксалиши учун хайрхоҳ бўлиб қолди. У ўзининг эркесвар ғоялари учун таъқиб остига олинди ва ўлдирилди.

Жаидчилик ҳаракатининг яна бир кўзга кўринган вакилларида бири Мунаввар қори Абдурашидхон ўғлидир. У 1878 йили Тошкентда туғилди. Унинг отаси ўз даврининг маърифатли кишиси эди.

Мунаввар қори ҳам бошқа жаидчилар каби Ватан равнақи ва миллат тараққиётининг асосий омили сифатида халқни саводли ва маърифатли қилиш деб қарайди. У ана шу фикрдан келиб чиқиб, Тошкентда 1901 йилга келиб, янги услубдаги мактаб очади ва унга ўзи раҳбарлик қилиб, мусулмон болаларини ўқита бошлайди. У томонидан очилган мактаб кейинчалик намунавий мактаб даражасига кўтарилади.

Мунаввар қорининг қарашларига хос асосий ҳарактерли томон шундаки, у Туркистонни чоризм мустақлакасида озод қилиш, мустақил мусулмон давлатини ва миллий бирликни вужудга келтириш асосида тараққиётга эришиш учун кураш олиб бори.

Унинг бошчилигида «Иттиҳоди тараққий», «Миллий иттиҳод» каби ташкилотлар тузилиб (1920-1930 йиллар), яширин ҳолатда эркинлик ғояларини кенг халқ оммасига тарғиб қилиб келди. Олиб борилган ишлар зое кетмади: халқ оммасининг зўравонликка қарши нафрати кучайди ва унинг миллий сиёсий онги ўсди.

Мунаввар қорининг миллий тараққиёт учун олиб борган ғоялари туфайли собиқ зўравон шўролар ҳукмати уни қаттиқ таъқиб остига олди. У 1931 йил 26 апрелда собиқ СССР Халқ Комиссарлари Кенгаши қошидаги «Бирлашган бош Сиёсий бошқармасининг судлов коллегияси қарори» асосида отиб ташланди.

Чор ҳукуматининг афдарилиши ўлкада мустамлақачилик сиёсатини ва миллий зулм илдиэларини чуқур ларзага учратиб, миллий озодлик туйғуларининг кучайишига олиб келди. Ўлка туб аҳолисининг сиёсий онгида ва курашида муайян ўзгаришлар содир бўлиб, «Шўрои исломия», «шўрои уламо» сингари партиялар ташкил топди. «Шўрои исломия»нинг ташкилотчиларидан бири жадид Мунаввар қори Абдурашидов эди. Бу партиянинг вақтинчалик илк дастурида қуйидаги асосий вазифала, белгиланди: 1. Туркистон мусулмонлари ўртасида замон талабларига мос сиёсий илмий ва иқтисодий ислохотлар ўтказиш зарурлигини тарғибот қилиш. 2. Туркистон мусулмонларини ягона бир мақсад ва ягона ғоя асосида бирлаштириш учун барча зарур чора ва тадбирларни амалга ошириш. 3. Халқни янги муваққат ҳукуматни қўллаб - қувватлашга чақириш. 4. Мамлакатни идора этиш шакллари ҳақида маълумотлар тарқатиш ва таъсис мажлисига тайёргарлик кўриш.

Бу дастурда Туркистоннинг бошқарув тузуми ҳақида аниқ бир фикр кўрсатилмаган бўлса-да, «Шўрои исломия» партияси раҳбарлари Мунаввар қори, Мустафо Чўқаев, Бехбудий ва бошқалар Туркистонда мухторият таъсис этилишини, молия, ад-

лия, бошқарув, маориф ва бошқа соҳаларда мустақиллик ўрнатилиши зарурлигини ҳамда матбуот эркинлигини талаб қилдилар.

Собиқ шўролар тузуми даврида жадиждларнинг қисмати фожиали бўлди. Уларнинг кўпчилигига юқорида баён қилинган талаблари учун миллатчи, «пантуркист» ва «панисломист» деган тамға босилиб, қатағон қилинди, жадиждлар ғоялари ва ҳаракатига қора чизик тортилди.

Мустақиллик шарофати билан Туркистон халқларининг эрки, мустақиллиги ва миллий давлатчилик ғоялари учун курашган ватанпарварларнинг муборақ номлари тикланди. Улар яратган бебаҳо маънавият дурдоналари яна халқимизга қайтарилди.

Жадидчилик ҳаракатининг хусусиятлари

Жадидчилик ҳаракатининг Туркистонда сиёсий жараёнлар ривожланишига

қўшган ҳиссаси ҳақида фикр юритганда қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим:

Биринчидан, бу маърифатчилик ҳаракати сифатида бошланган эди. Аммо унинг асосий мақсади фақат маърифатчилик доираси билан чекланмаган, балки халқнинг умумий саводини ва маърифатини кўтариш ғояси илгари сурилган.

Иккинчидан, улар динга қарши курашган эмаслар, балки шариатга қатъий риоя қилиш орқали мактаб ва мадрасаларда таълим бериш тизимини дунёвий илмларни бериш асосида ислоҳ қилиш учун ҳаракат қилганлар. Аммо истибдод ҳукумати жадиждиларни дин пешволарига қарши қўйиш учун ҳаракат қилганлар ва шу йўл билан миллатимизнинг маърифатли бўлишига қарши кураш олиб борганлар.

Учинчидан, жадидчилик ҳаракати Россияда вужудга келган болшшевиклар партияси билан бир вақтда шаклланди. Аммо болшшевиклар партиясини динга қарши

ҳукуматни зўравонлик йўли билан қўлга киритиш ва йўқсилларнинг (пролетариат диктатурасининг) ҳукуматини ўрнатиш учун кураш олиб борган бўлсалар, жадидчилар маърифатни кўтариш, халқнинг сиёсий онгини ошириш ва жамият ҳаётида фаол иштирок қилишларини таъминлашга имконият яратиш учун ҳаракат қилдилар.

Жадидчилар ҳаракати XX аср бошларида Туркистонда кенг ёйилиши тасодикий ҳодиса эмас, балки ўлкада етилиб келган сиёсий ижтимоий - иқтисодий ва маданий-маърифий тараққиётнинг қонуний ифодаси бўлди. Худди ана шу жиҳатлари билан ҳам жадидчилар ҳаракати фақат маърифатчилик ҳаракати эмас, балки сиёсий ғоялар ривожланишининг ўзи ҳам хос бўлган кўриниши ҳисобланади.

**Америкада сиёсий
фанларнинг пайдо бўлиши**

Политологиянинг
жамият ҳаётидаги
ўрни, фан сифатида

унинг ўзига хос хусусиятлари, шаклланиш ва қарор топишини Америка Қўшма Штатлари мисолида аниқ тасаввур этиш мумкин, чунки ижтимоий-сиёсий билимнинг ушбу соҳаси бу ерда ўзининг тарихий анъаналарига ва илдиэларига эга. Политологиянинг фан сифатида АҚШ да пайдо бўлиши ҳам тасодикий эмас. У кўпгина омиллар билан боғлиқ. Жамият олдида турган назарий-услубий муаммолар политологияга эътиборни жалб этишни тақозо этади.

Америкада политологиянинг ривожланишини қуйидаги учта босқичга бўлиб кўрсатиш мумкин: 1. XIX асрнинг охиридан биринчи жаҳон урушигача бўлган давр. 2. Икки, яъни Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши ўртасидаги давр. 3. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдан ҳозиргача бўлган давр. Биринчи давр политологиянинг Америкада қарор топиш даври ҳисобланади. Бу даврда Американинг йирик универ-

ситетлари (Колумбия, Корнелл, Йелс, Гарвард, Гринстон ва б.) да олий мактаб ёки сиёсий фанлар бўлимлари ташкил этилди. Шундай мактаблардан бири Колумбия Университетида 1880 йилда ташкил этилган сиёсий фанлар мактабидир. Америка политологлари бунини сиёсий фанларнинг махсус фан сифатида пайдо бўлиши деб ҳисоблайдилар.

Сиёсий фанлар, анъанавий давлат - ҳуқуқий фанлардан фарқли равишда, давлат ва жамият алоқадорлиги, давлат, ҳукумат ва бошқа сиёсий институтлар фаолиятининг таҳлилига эмперик ёндашувга алоҳида аҳамият бера бошлайди. АҚШ да худди шу мақсадда, 1906 йилда маҳаллий даражада, 1914 йилдан эса федерал даражада эмперик тадқиқотлар ўтказишга ихтисослашган марказлар ташкил этилди.

А.Бенгли, В.Вильсон, Ф.Гуднау, Ч.Билд, Л.Лоуэлл, Г.Форд, А.Харт ва бошқаларнинг изланишлари натижасида, Америка политологиясида икки жаҳон уруши ўртасида муҳим ўзгаришлар амалга ошади. Бу Европада ва мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар, айниқса, фашистик ва авторитар тартиблар ўрнатилиши билан боғлиқ. Шунингдек, бу даврда Америка политологиясини ижтимоий ва табиий-илмий билимларнинг бошқа соҳалари билан яқинлашганлигини ҳам кўрамиз. Бу алоқа, айниқса, социологияда яққол сезилади. Масалан, Н.Андерсоннинг «Бродяга» (1923), Л.Виртнинг «Гетто» (1928) ёки Роберт Парк ва Эрнест Барджеснинг «Социологияга кириш» (1921) асарлари чоп этилади.

Америка политологлари бу фан йўналишига алоҳида эътибор берадилар. Масалан, Ч.Мерриам ва Г.Госнелл «Овоз бермаслик: сабаблари ва назорат усуллари» (1924) китобида сайловчиларнинг сайлов кампанияси арафасидаги ҳуқуқ - атворларининг турли жиҳатларини тадқиқ этадилар. Улар сиёсий партияларга муносабат, сиёсий мафкуранинг айрим муам-

моларини, жамоатчилик фикрини таҳлил этсалар. У. Липман «Жамоатчилик фикри» (1922 г.) китобида индивидларнинг сиёсий ҳуқ-атворлари билан боғлиқ жиҳатлари шаклланишида тафаккур стереотипларининг ўрни ва ролини ўрганади.

Америка политологиясининг психология билан, хусусан, Фромм, Уотсон, Миза, Холл, уэлл, Янг, Скиннернинг З.Фрейд ғояларига таъинга ҳолдаги изланишларини кўриш мумкин. Бунга Г. Лассуэлнинг «Психополитология ва сиёсат» асарини (1930 й.) алоҳида келтириш мумкин. Урушдан кейинги йилларда Америка политологиясида туб ўзгаришлар содир бўлди. Бижевиоризм — сиёсий ҳаётни таҳлил этиш усули сифатида психология, социология ва политология фанининг усули сифатида қарор топди. Бу усулнинг муаллифи сифатида А. Бентли «Бошқариш жараёнлари» (1908 й.) асарида сиёсий жараёнларда манфаатдор гуруҳлар ҳуқ-атворини ўрганишда, биринчи навбатда, сиёсий фанларга аҳамият бериш керак, деган ғоя билан чиқди. Кейинчалик бу фикр Ч. Мерриам ва Г.Лассуэл томонидан ривожлантирилди.

Бижевиоризмнинг амал қилиш тамойиллари: а) муайян сиёсий мақсадларга эришish учун инсонларнинг фаолияти; б) эмперик ва таҳлил этилган далилларга таяниш; в) аниқ фанлар усулларида фойдаланишнинг зарурлиги; г) тадқиқотнинг илмийлигини асослаш мақсадида хулосаларни рад этиш, уларнинг сохталлигини кўрсатишнинг мумкинлиги. Булар айрим шахс ёки гуруҳнинг ҳуқ-атворини, сиёсий ҳаётдаги ўрнини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий таъсир кўрсатишда «гуруҳ» назарияси катта қизиқиш уйғотади. Ҳозирги даврда Америка политологлари қуйидаги асосий: 1. Америка бошқаруви ва сиёсат. 2. Қиёсий сиёсат. 3. Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати. 4. Сиёсат назарияси ва фалсафаси. 5. Ижтимоий бошқарув ва сиёсат каби йўналишларда тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Политологиянинг шаклланишида Америка политологларидан Ч.Мерриам (1874-1953 йиллар), Г.Лассуэл (1902-1979 йиллар), Г.Моргентау (1904-1980 йиллар)ларнинг ўринларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ч.Мерриам сиёсий қарашларида сиёсий фанларни амалиёт ва реал ҳаёт билан боғлаш, миқдорий таҳлилдан фойдаланиш, Америка демократиясига қатъий ишонч ва уни инсоннинг табиий ҳолати билан тўла мос келадиган жамиятга сиёсий идора этиш шакли сифатида қарайди. Г.Лассуэл эса, унинг шогирди сифатида сиёсатни тадқиқ этишнинг услубий муаммоларига, сиёсий руҳий таҳлил назариясига эътибор беради. З.Фрейднинг ёндашув ва усуллари-дан кенг фойдаланиб, сиёсатни таҳлил этишда уни тадбиқ этади. Лассуэл сиёсатчиларни уч турга: маъмурий, ташвиқотчи ва назариётчиларга ажратади. Унинг сиёсий қарашларида сиёсий ҳокимият ва унинг тақсимланиши, сиёсий етакчининг ўрни ва роли, ташвиқот, оммавий ахборот воситаларининг ўрни, сиёсий ҳуқ-атвор муаммолари асосий ўрин тутади. Г.Моргентау прагматизм ва сиёсий реализм мактабининг намоёндаларидан бири сифатида ташқи сиёсатнинг назарий масалаларини, миллий манфаат муаммоларини таҳлил этади.

Францияда сиёсий фан Францияда политология сиёсий фан сифатида XIX асрнинг охириларидан шакллана бошлаган. Бу шаклланиш конституциявий ҳуқуқнинг сиёсийлаштирилиши, унга сиёсий масалаларнинг аста-секин кириб бориши, конституциявий ҳуқуқнинг социология билан яқинлашиши ва боғланиши асосидаги ижобий йўналишнинг ривожлана бошлаши ҳамда айрим тадқиқотчиларнинг конституциявий ҳуқуқ доирасидан чиққли, сиёсий фанларнинг қарор топиб бориши жараёнида ўз ифодасини топган. Бунда рус ҳуқуқшу-

носи, профессор М.Я.Острогорскийнинг «Демократия ва сиёсий партияларнинг ташкил топиши» номли асарининг 1903 йилда Францияда чоп этилиши ўзига хос жиддий туртки бўлган. Шундан кейин А.Зигфрид, М.Шеваль, М.Прело ва А.Сулъеларнинг қонунчилик, ижро ва ижтимоий ҳокимиятнинг долзарб муаммоларига бағишланган асарлари чоп этилади. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейин, хусусан, 60-70 йилларда франциялик Р.Арон, М.Дюверже асарларида сиёсий масалалар кенг таҳлил этила бошланди, сиёсий фанлар Францияга хос хусусиятлар билан бойитилади. Бу сиёсий институтлар ва муносабатлар, сайлов тизими ва сайловлар, ижтимоий бошқарув ва сиёсат каби соҳаларда яққол кўринади. Масалан, М.Ориу институтлар назариясини сиёсий фикр тарихида биринчилардан бўлиб илгари сурди. Унинг фикрича, институт — бу аниқ ижтимоий муҳитда амалга ошириладиган муайян ғоядир. Бу ғояни амалга ошириш учун турли социал гуруҳларнинг сиёсий органлари ва ҳуқуқларини ифодалаган ҳокимиятдан кенг фойдаланадилар. Ғояни амалга оширишдан манфаатдор бўлган турли социал гуруҳ аъзолари ўртасида ўзаро муносабат бўлиб, улар ҳокимият органлари томонидан назорат қилинади ва муайян қоидалар билан тартибга солиб турилади, деб ҳисоблайди. М. Прело эса, институтлар сиёсий фанларнинг энг ишончли таянч бўлаги ҳисобланади, деб қараган. М. Дюверже институт, инсонлар ўртасидаги муносабатнинг ўзига хос моделидир, деган хулосани беради.

Француз политологларининг эътиборини жалб этган кейинги муаммо сайлов тизими ва сайловлар ҳисобланади. Чунки институтлар у ёки бу даражада сайлов тизимига ва унинг ўзи кўп жиҳатдан сиёсий институтлар тузилишига мослашган бўлади. Шунингдек, ижтимоий бошқарув ва унинг сиёсий таҳлилига ҳам эътибор қаратилади. Ҳозирги Францияда давлат

бошқ, рувининг кучайиши билан бирга «жтимоий ўз-
ўзини (ошқарувнин) кучайиши кузатишмоқда

Район Арон (1915-1983 йиллар) Франция сиё-
сий ҳаётида алоҳида ўринга эга. Унинг «Инсон ти-
ранларга қарши» (1946 йил), «Буюк парчаланиш»
(1948 йил), «Демократия XX аср синовиди», «Тинч-
лик ва миллатлар ўртасида уруш» (1962 йил), «Де-
мократия ва тоталитаризм» (1965 йил), «Сиёсий тад-
қиқотлар» (1973 йил) каби асарларида фалсафа, сиё-
сий назария ва сиёсий фанлар ўртасидаги муносабат,
инсонлар гуруҳларининг сиёсий ва носиёсий кўри-
нишлари, сиёсий ҳокимият ва унинг жамиятда тақ-
симланиши, етакчининг шахсий мослиги, шунинг-
дек, халқаро сиёсий назариялар таҳлил этилган.

М.Дюверже (1917 йил.) ўзининг «Сиёсий фанлар
методлари» (1959 йил), «Сиёсий режимлар» (1961
йил), «Диктатура тўғрисида» (1961 йил), «Сиёсатга
кириш» (1964 йил), «Халқсиз демократия» (1967 йил),
«Республика монархияси» (1974 йил) ва бошқа асар-
ларида сиёсат билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг
назарий - услубий жиҳатларини, политологиянинг
предметини, демократиянинг кўринишларини, сиё-
сий партиялар фаолиятини атрофлича таҳлил этган.

Юқорида келтирилган маълумотлар, гарчи тўла
бўлмаса ҳам, хорижий давлатларда сиёсий фанларнинг
ўз ўрнига эга эканлигини ҳамда жамият сиёсий ҳаёти-
да муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга хулосалар
билан ривожланиб бораётганлигини кўрсатади.

Турли мамлакат халқларининг сиёсатга турли хил
ёндашиши табиий. Шарқда, хусусан, республикамизда
сиёсатнинг моҳиятидан келиб чиқиб, инсон манфа-
атларига йўналтирилган ҳолда сиёсий ҳокимият ва
сиёсий тизимга мавҳум тарзда эмас, балки унга тизи-
мий ёндашиш мавжудлиги билан ажралиб туради.

Политология фани Ўзбекистонда бугунги кунда
кўпроқ сиёсат фалсафаси гаҳилида кўринади. Бу кўп

жиҳатдан халқимизнинг менталитети билан ҳам боғлиқ. Бизда сиёсатга фалсафий ёндошиб, сиёсий масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилиш тарихий - маданий, ахлоқий негизларга эга бўлса, Америкада бихеовиоризм, яъни сиёсатни ҳуқ-атвор билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилган сиёсий қарашлар таркиб топганлигини, Германияда сиёсатнинг назарий масалаларини ўрганиш, Францияда сиёсат социологияси ва бошқа айрим давлатлар мисолида ҳам унинг аниқ ўзига хос жиҳатлари мавжудлигини кўрамиз.

Ўзбекистонда ҳам сиёсатга фалсафий-ахлоқий, диний, фуқаролик ва ижтимоий концепциялар асосида ёндашувлар билан бирга уларнинг негизида фозил шаҳар ҳокими, комил инсон гоёси ва манфаатлари, инсоннинг маданий-маърифий ривож, маънавияти, жамоа ва шавс манфаатлари сиёсий ҳокимият ўртасидаги муносабатда уйғунлашиб, ҳокимиятга, ҳокимият бошлиғига катта ҳурмат билан қараш анъанаси мавжуд бўлганлиги билан ажралиб туради.

ИККИНЧИ БЎЛИМ СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР ВА СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

3-мавзу Сиёсий жараёнлар

Сиёсий жараён тушунчаси Жамият сиёсий ҳаёти ҳар-хил сиёсий институтлар, сиёсий жараёнлар билан боғлиқ ҳамда ўзига хос маъно ва мазмунга эга.

Сиёсий жараёнлар турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар, индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади ва сиёсий фаолиятнинг мураккаб, кўп субъектли ва кўп қиррали эканлигини кўрсатади.

Сиёсий жараёнлар тушунчаси ҳокимиятга интилувчи ёки сиёсий қарорларга таъсир ўтказишни истаётган субъектлар, элиталар, манфаат гуруҳлари, партиялар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, ихтилофли манфаатлар, мафкуралар, мақсадлар, қадриятлар, уларни келиштириш усуллари билан ҳам боғлиқ.

«Сиёсий жараён» тушунчаси XX аср ўрталарида политологияда қарор топган сиёсий тизим тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ.

Сиёсий жараён — сиёсий тизим фаолиятининг шаклидир. У сиёсий тизимнинг шаклланиш, амал қилиш, янгиланиш ҳолатларини, унинг барча таркибий қисмлари алоқалари, ўзаро таъсирини жараён сифатида ўрганиш, аниқ ва яхлит тасаввур қилиш имконини беради.

Аммо шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, «сиёсий жараён» тушунчаси политологияга оид адабиётларда

турлича талқин этилади. Бир ўринда у «сиёсат» категорияси билан бир маънода қўлланса, баъзи муаллифлар ундан сиёсий ҳаётни ифода этувчи тушунча сифатида фойдаланадилар. Политологияда сиёсий жараён индивидлар, гуруҳлар, уларнинг сиёсий институтга нисбатан маданиятлари мулоқоти тарзида ҳам тушунилади.

«Сиёсий жараён» тушунчаси демократик жамиятлардаги ривожланиш хусусиятларини акс эттиради.

«Сиёсий жараён» тушунчасини сиёсий муносабатлар ва ҳодисаларнинг ички боғлиқликка эга занжири, сиёсат субъектларининг ҳокимиятга қаратилган фаолиятининг ўзаро муносабати бирлиги, деб таърифлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

XX аср сиёсат соҳасига янгидан-янги субъектларнинг кириб келиши билан ҳарактерланади. Эндиликда сиёсат бир шахс, бир гуруҳ ва ҳатто синф эҳтиёжларини амалга оширувчи соҳадан кўплаб ва хилма-хил манфаатларнинг рақобатидан иборат, тасодиқларга тўла «ўйин» майдонига айланди. Ана шундай вазиятда сиёсий тизимларни яхлит ҳолда ўрганиш учун унинг ҳаракатини, таркибий қисмларининг алоқаларини тўғри акс эттирувчи назарий моделга эҳтиёж мавжуд.

Сиёсий жараёнларни жамиятнинг бошқа соҳаларида кечаётган ўзгаришлар билан алоқадорликда кузатиш муайян давлатчиликнинг вужудга келиш ва шаклланиш, унинг жамиятга таъсирини ўрганиш имконини беради.

Сиёсий жараёнларни уларнинг ички моҳияти нуктаи назаридан ўрганиш — ҳокимиятни амалга ошириш усулларини кузатиш, таҳлил қилиш мумкин.

Сиёсий жараёнлар қуйидаги йўналишларда амал қилади:

1) Сиёсий тизим таркибини шакллантириш. Бунда сиёсий тизимга мос ташкилотлар тузилади ва улар ўртасида меъёрий муносабатлар ўрнатилади.

2) Сиёсий тизимни қўллаб-қувватлаш, унинг барқарор ишлашини таъминлаш.

3) Сиёсий қарорларни қабул қилиш ва ижро этиш.

**Сиёсий жараён мавжудлиги
тартиблари**

Сиёсий жараён
ҳокимиятни фаоли-
ятда, ўзгаришда ўрга-

нади. Шу туфайли сиёсий жараён мавжудлигининг уч таркиби ажратилади: турғунлик, ривожланиш, инқироз тартиблари.

1) Турғунлик тартибида шаклланиб бўлган сиёсий муносабатлар амалдаги меъёрларда тутиб турилади. Бу тартибда сиёсат субъектлари фаолиятида консерва-тизм ва анъаналарга содиқлик етакчи бўлади; 2) Ривожланиш тартибида жамият ичидаги ва халқаро муносабатлардаги ўзгаришларга мувофиқ равишда сиёсий тизимнинг бошқарув ва амал қилиш услубларини ўзгартириб беради. Сиёсий элита жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар, мамлакат ичида ва халқаро майдонда кучлар нисбати ўзгаришини тўғри ҳис қилиб, шунга мос бошқарувнинг мақсад ва услубларини белгилайди. Т.Парсонс сиёсий жараёнларнинг ривожланиши унинг мазмунан бойиши, мураккаблашиши, тузилмалар кўпайишига, яъни ҳокимият тузилмаларининг ташқи ижтимоий шароитларга мослашиш қобилиятининг ошишига олиб келади, деб ҳисоблайди. 3) Инқирозли тартиб — сиёсий яхлитликнинг йўқолиши, ҳокимият қабул қилаётган қарорларнинг бажарилмаслиги, сиёсий ҳокимият легитимлигининг йўқотиб боришини англатади.

Демократияга ўтаётган мамлакатларда ислохотлар натижасида ижтимоий ўзгаришлар жуда тез кечади, ижтимоий институтлар серҳаракат бўлади ва натижада гуруҳлар, жамоалар, индивидларнинг ўзаро алоқалари кучаяди. Бу шароитда бутун жамиятни барқарорликда тутиб туриш учун сиёсий тизимни унинг

ҳаракатида, ихтилофларнинг вужудга келиши ва ривожланишида кузатиш имконини берувчи ва бу борада тавсиялар ҳамда йўл-йўриқлар ишлаб чиқувчи сиёсий жараённинг аҳамияти ортади.

Сиёсий жараён турлари Политологияда сиёсий жараёнларни туркумлашнинг бир қанча усуллари мавжуд. **Маданият турларига кўра** америкалик политолог Л.Пай сиёсий жараёнларнинг ғарб ва ғарбга мансуб бўлмаган икки модели ҳақида фикр юритади. У қиёсий политология доирасида ғарбнинг ўзига хослиги ва ғарбга мансуб бўлмаган жамиятнинг моделини яратди.

Л.Пай маданиятлардаги фарқлар асосида нима учун демократия ғарб жамиятлари ривожининг маҳсули эканлигига ва унинг бошқа маданиятларда ўзлаштирилиши қийинлигини тушунтиради¹.

Сиёсатда устувор услубларга кўра Ғарб политологлари Ж.Ричардсон, Г.Густафсон ва Ж.Жорданлар сиёсий жараёнларнинг тўрт турини кўрсатишади: Биринчи тур консенсусли (келишувли) ва сиёсий муаммоларга пассив муносабатда бўлишга асосланади; иккинчи тури ҳам консенсусли, аммо унда муаммолар баён этиш билан уларни ҳал қилишнинг фаол муносабати тўғрисида сўз юритиш мумкин; учинчи тури давлатнинг муаммоларини баён этишдаги ва ижтимоий гуруҳлар манфаатларини яқинлаштиришдаги фаоллиги билан белгиланади; тўртинчи тури муаммоларни қўйишда пассив, лекин долзарб масалаларни ечишда фаол, шунинг учун манфаатли гуруҳлар қаршилигини енгиласига асосланган.

Ўтиш лаврини бошидан кечираётган жамиятларда сиёсий тизим мувозанатини таъминлаш услубларига

¹ Қаранг. Т. Мухаев. Политология. М., 1998, 349-б.

кўра уч турга бўлинади: технократик, идеократик ва харизматик.

Технократик турдаги сиёсий жараёнда сиёсий ўзгаришларга олиб боровчи омиллардан сиёсий технологиялар ва тадбирларга мойиллик кучли бўлади. Жараён иштирокчилари қонунчилик ва сиёсий анъаналар доирасида фаолият кўрсатадилар. Бу турдаги жараёнлар инглиз-саксон мамлакатлари учун хос. Аҳолининг кўпчилиги анъаналарга ҳурмат билан қарагани учун бу жамиятларнинг сиёсий тизимлари барқарор, сиёсий институтлари самарадордир.

Идеократик турдаги сиёсий жараён анъанавий жамиятлар учун хос. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан хилма-хил жамиятни умуммиллий ғоя асосида бирлаштириш мумкин.

Харизматик турдаги сиёсий жараён шарқ маданияти учун хос. Унинг доирасида сиёсий етакчи ролига юқори баҳо берилади.

Сиёсий жараёнларнинг кўрсатиб ўтилган турлари соф ҳолда деярли учрамайди. Улар бир-бирини тўлдиради.

Сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёни

Сиёсий қарор — ҳокимият амал қилиши билан боғлиқ вазифалар, босқичлар, воеситаларни белгиловчи жараён. Сиёсий ҳокимиятнинг хусусияти шундаки, унда сиёсий талаб аниқ ифодаланмаган бўлса ва шу талабни ифодалаётган субъектлар доимий тазйиқи сезилмаса, тизим бундай талаб ва эҳтиёжлар жамият ҳаёти учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлса ҳам, жавоб бермайди. Шунинг учун турли даражадаги сиёсий жараёнлар иштирокчиларининг бош вазифаси — ўз манфаатлари ва талабларини давлат ҳокимияти институтлари қабул қилаётган бошқарувга доир қарорлар киритишдан иборат.

Сиёсий қарорлар сиёсий ҳокимиятни ижтимоий жараёнларни бошқаришга айлантириш технологиясидир. Сиёсий қарорлар қабул этишнинг уч босқичини кўрсатиш мумкин: 1) тайёргарлик босқичи; 2) қарорларни қабул қилиш босқичи; 3) қабул қилинган қарорларни амалга ошириш босқичи. Биринчи босқичда умумий ижтимоий контекстдан сиёсий руҳдаги талаб ажратиб олинади. У ёки бу масалани «долзарб» деб, бошқаларини «сиёсий эмас», деб тўхтатиб туриш имконияти аслида ҳокимиятга эгаликни англатади. Негаки, сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёни муайян субъективликка йўл қўяди.

Иккинчи босқичда ечимни талаб этаётган муаммоларни топиб, муҳокама қилинганидан сўнг сиёсий мақсадлар ва уларга эришиш йўллари белгилаб берилади. Сиёсий мақсадлар одатда муқобил (бир-бирини истисно этувчи имкониятларнинг ҳар бири) тарзда баён этилади. Қарорларни муайян шахслар (сиёсатчи) ёки гуруҳлар (расмий ва норасмий) қабул қилишлари мумкин. Сиёсий қарорларни қабул қилувчи субъект бўлиб конституцияга мувофиқ ёки бошқа сабабларга кўра қарор ишлаб чиқиш ва қабул қилишга алоқадор шахслар, жамоат ташкилотлари аъзолари ёки уларнинг давлат ҳокимияти сайлаган органларидаги вакиллари ва ҳ. к. бўла оладилар.

Қарорларни тайёрлаш ва қабул қилишнинг турли босқичларида ижтимоий субъектлар турлича иштирок этадилар. Масалан, биринчи босқичда аҳолининг барча қатламлари қатнаша олса, иккинчи босқичда давлатнинг ваколатли органлари, партия ва жамоат ташкилотлари етакчи ўринни эгаллайди. Сиёсий қарорларни қабул қилишнинг бир нечта усуллари мавжуд: 1) компромисс — ўзаро ёнбосишлар натижасида эришилган битим; 2) консенсус (келишув) — қарор овоз бериш йўли билан эмас, келишув йўли орқали қабул қилинади. Келишув, барча томонлар

қарорга қўшилмасаларда, умумманфаатлардан келиб чиқиб, унга қарши чиқмасликларини билдиради; 3) устунлик — сиёсатда бирор сиёсий куч ёки давлатнинг бошқа сиёсий куч ёки давлатларга нисбатан устувор мавқени эгаллаши. Бунда томонлар субъект қарорларини ўз манфаатларига мос деб эътироф этишади. Бу халқаро муносабатларда кенг қўлланилади.

Учинчи босқичда ҳокимият қабул қилинган қарорларни ҳаётга татбиқ этади. Қабул қилинган қарорлар сиёсатнинг барча субъектларини қониқтирмайди, лекин уларнинг амал қила бошлашини таъминлаши зарур. Қарорларни татбиқ этишда мухолиф кучлар билан бирга ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадда ҳокимиятнинг қўйи органлари ҳам ўз муносабатини билдириши мумкин. Шунинг учун ҳам қабул қилинган қарорлар қонун шаклида бўлиши, бажарилиши учун масъул шахслар белгиланиши, мақсадли бўлиши (яъни қайси гуруҳлар, қатламларга қаратилганлиги аниқ айтилган бўлиши) талаб этилади.

Сиёсий иштирок

Сиёсий иштирок тушунчаси ижтимоий-сиёсий жамоа аъзоларининг ички сиёсий муносабатлар ва ҳокимият таркибига жалб этилганлигини (муайян босқичда эса халқаро ҳамжамият муносабатларига ҳам) билдиради. У демократия концепцияларида, сиёсий модернизация ва сиёсий ривожланиш, сиёсий маданият, сиёсий партиялар фаолиятида асосий тушунчалардан бири сифатида қўлланилади.

Сиёсий иштирок субъектларига индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар сиёсий ва жамоатчилик институтлари киради.

Қўлами жиҳатидан сиёсий иштирок:

- маҳаллий;
- минтақавий;
- умумдавлат;

— халқаро сиёсат даражасида амалга оширилади.

Сиёсий иштирок тўғридан-тўғри (бевосита) ва бил-восита амалга оширилиши мумкин: умумий ва чек-ланган; ихтиёрий ва мажбурий; анъанавий, фаол ва пассив, легитим ва нелегитим, қонуний ва қонунга хилоф бўлиши мумкин.

Сиёсий иштирок шакллари ҳам турлича. Уларга:

- ахборот қабул қилиш ва узатиш;
- сиёсат ва давлат арбоблари ҳамда ташкилотла-ри билан мулоқот;
- сайлов ва бошқа сиёсий кампанияларда иштирок;
- намоёнликларида, сиёсий иш ташлашларида, ом-мавий норозилик ҳаракатларида, озодлик урушларида;
- бошқарув ва ўз-ўзини бошқарувда;
- қонунлар яратиш, уларни ҳимоя қилиш ва улар-га амал қилишда;

— сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳара-катлар фаолиятидаги иштирок киради.

Сиёсий иштирок қуйидаги вазифаларни бажаради:

- турли манфаатлар, талаблар, орзу-умидларни ифодалаш, мувофиқлаштириш, амалга ошириш;
- сиёсатчилар ва бошқарув аппарати ходимлари-ни танлаш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- бошқарувга доир қарорлар ва сиёсат йўнали-шини белгилашга аҳолини жалб этиш;
- сиёсий ижтимоийлашув;
- ихтилофларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- бюрократия билан курашиш, фуқароларнинг сиёсат ва бошқарувдан бегоналашувига йўл қўймаслик.

Сиёсий иштирок кўринишлари, усуллари, дара-жалари ва шакллари аввало жамият сиёсий тизи-мининг хусусиятлари, сиёсий маданияти, кўплаб бар-қарор ва ўзгарувчан ички ва халқаро омиллар белги-лайди.

Сиёсий иштирок учун энг қулай шароитни демок-ратик ва ҳуқуқий давлатлар яратади.

Шунингдек, иштирок имкониятлари иштирок манбаларига ҳам боғлиқ: бўш вақт, пул ва бошқа моддий захиралар, маълумот, ахборот, билим ва ундан амалда фойдалана билиш, ОАВларига эҳтиёжнинг қондирилиши, сиёсий партиялар ва бошқа ташкилотларга аъзолик.

Фуқаронинг сиёсий иштирокдан манфаатдорлиги масаласи, унинг қадриятлари, сиёсатга қизиқиши, унинг фуқаролик бурчи, ўзининг бирор сиёсий оқим, ҳаракатга мансублигини англаши каби сиёсий-руҳий хусусиятлари ҳам муҳим рол ўйнайди. Сиёсий-руҳий бегоналашув кўпинча сиёсий лоқайдлик ёки экстремизмга олиб келади.

Сиёсатда иштирок бир қанча даражаларда амалга оширилади:

1. Шахс ва ғуруҳлар даражасида — микросиёсат ҳосил бўлади. Бу ерда фаолият урф-одат, анъана, анъанавий муомала тартиби билан белгиланади. Кундалик турмуш икир-чикирлари доирасида шахс ёки ғуруҳлар манфаатларининг тўқнашуви ва келишуви жараёни ана шундай кечади. Мамлакатлар, минтақалар, жаҳон даражасида — макросиёсат амалга ошади. Бу даражада махсус тайёрланган шахслар муайян роллар, кўникмалар, вазифаларни амалга оширишади. Микросиёсатга барча инсонлар дахлдор. Макросиёсатда сиёсий институтларнинг турли кўринишлари вакиллари фаолият кўрсатади.

Сиёсатни амалга ошириш учун унинг барча даражаларида зарур нарсалар қуйидагилар:

1. Шахслар — сиёсий фаолият субъектлари.

2. Механизмлар — анъаналар, урф-одатлар, қондалар, қонунлар, сиёсий фаолият субъектларига таъсир этиш услублари.

3. Институтлар — сиёсий фаолият субъектларининг сиёсий фаолият механизмлари билан алоқадорликда амалга оширувчи тадбирларни қўллаб-қувватловчи,

туртки берувчи, назорат қилувчи ва текширувчи ташкилотлар ташкил этади.

**Ўзбекистондаги сиёсий
жараёнларнинг ўзига хослиги**

**Ўзбекистонда
фуқаролик жа-
миятини қуриш**

вазифалари *сиёсат ва сиёсий муносабатлар, иқтисодий, ижтимоий, шахсий, миллий-маънавий муносабатлар билан узвий боғлиқ*. Натижада сиёсатнинг жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида: иқтисодий, ижтимоий, маънавий ривожланишда ўзига хос ўрни мавжуд. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятини шакллантириш Ўзбекистондаги демократик ислохотларнинг энг муҳим жиҳатидир.

Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар асосан ҳокимият ва жамият ўртасидаги мулоқот асосига қурилган. Жамият ўз талабларини ҳокимиятга вакиллик органлари, манфаат гуруҳлари томонидан етказди. Ана шу вакиллик тизими (партиялар, ОАВ, нодавлат ташкилотлари ва.ҳ.к.) шаклланиш жараёнини бошидан кечиряпти.

Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар давлатнинг бош ислохотчилик роли ва фаол сиёсат олиб бориши билан характерланади. Бу — бизнинг давлатчилик анъаналаримиз билан белгиланади. Ўрта Осиёда «ҳокимият — жамият» муносабатларида доимо давлат муҳим роль ўйнаган. Бугун «фуқаро — жамият — давлат» тизими қарор топмоқда.

Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар иштирокчилари хилма-хил институтлар ташкил этади. Бу фуқаролик жамиятининг у қадар ривожланмаганлиги билан боғлиқ. Айни вақтда сиёсий жараёнлар иштирокчилари (субъектлар) сонининг ортишига қаратилган ҳаракатлар мавжуд.

Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар сиёсий тизим мувозанатини таъминлаш услубларига кўра жамият-

ни бирлаштириш учун миллий истиқлол ғоясига кучли эътиёж сезади ва айни вақтда сиёсий етакчининг роли катта бўлади.

4- мавзу Сиёсий тизим

Сиёсий тизим тушунчаси

У жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар, ҳаракатларда ўз ифодасини топади. Биринчидан, бу унинг доирасида қабул қилинадиган қарорларнинг бутун жамият учун мажбурийлигини англатади. Иккинчидан, унинг ижтимоий муҳит ва аввало жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилмаси билан боғлиқ бўлади.

Жамиятнинг сиёсий тизими маълум тузулмалардан иборат бўлиб, унинг элементлари ўзаро боғланган ва барқарор бирликдан иборатдир. Сиёсий тизим жамиятнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, мавжуд имкониятларни амалга оширишга сафарбар қилувчи механизмдир. Демак, сиёсий тизим сиёсий ҳокимиятни шакллантирувчи ва амалга оширувчи давлат, сиёсий ижтимоий ташкилотлари ва муносабатлар йиғиндиси.

Миллий демократик давлатчилиكنи қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларига бўлиниш бора-сидаги конституциявий тамойил асосида барпо этиш¹ назарда тутилган.

Сиёсий тизим ўзида жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, этник ва миллий тузулмаларни, демографик жараёнларни, аҳолининг маълумот даражасини, ижтимоий онг ҳолатини, маънавий қадриятларни ва маърифий-мафкуравий ҳаётни, халқаро аҳволни акс эттиради. Сиёсий тизим орқали манфаатларнинг асосий

¹Қаранг: И.А. Каримов. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар. Асарлар, 8-жилд, 496-бет.

гуруҳлари аниқланади. Ҳозирги шароитда жамиятимиз сиёсий тизими олдида турган энг муҳим вазифа бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишда турли манфаатлар мувозанатини тўғри аниқлаб олишдир.

Сиёсий тизим манфаатларни мувофиқлаштириш ва яхлит ҳолга келтириш вазифаларини ҳам бажаради. Сиёсий тизимни барқарорлаштиришнинг таъминлаш учун сиёсий ҳаёт иштирокчилари манфаатларининг, улар ўртасида вужудга келадиган ихтилофларни ҳисобга олиб, жамиятдаги мавжуд ижтимоий қатламлар, гуруҳлар, сиёсий кучларни, шунингдек, ташкилотлар ва ҳаракатлар манфаатларини мувофиқлаштиради.

Сиёсий тизимни ташкил этувчи элементлар (унсурлар) сиёсий ҳокимиятни шакллантириш ва амалга оширишда тутган ўрнига қараб қуйидаги тўртта кичик (гуруҳлар) тизимлар гуруҳига ажратилади: биринчиси ташкилий тизим бўлиб, ўз ичига давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатларни; иккинчиси маданий-мафкуравий тизим бўлиб, унга сиёсий маданият, сиёсий онг, мафкура, жамоатчилик фикри киради; учинчиси меъёрий (норма) тизим бўлиб, ўз ичига сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, ахлоқий, сиёсий ва бошқа меъёрларни; тўртинчиси ахборот коммуникация тизими бўлиб, у ўз ичига оммавий ахборот воситалари, коммуникациялар ва инфратузилмаларни олади.

Жамият сиёсий тизимини ташкил этувчи ана шу кичик тизимларнинг ҳаммаси ҳам сиёсий мақсадларни амалга ошириш учун ўз вазифасига эга.

Жамият сиёсий ҳаётида ташкилий тизимга кирувчи давлат ва сиёсий партиялар сиёсий мақсадларни амалга ошириш учун тузилади.

Маданий-мафкуравий тизим мамлакатда амал қиладиган сиёсий партияларнинг маълум ғоялар ва қарашларга таянишлари билан боғлиқдир. Сиёсий партиялар ўзларининг жамият тараққиётининг йўналишлари, ҳокимият учун кураш услублари ва концепцияларидан, ҳаракат дастурларида белгиланган

мақсадларидан келиб чиқиб, турли ғояларни илгари суришлари мумкин. Шунинг таъкидлаш лозимки, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар жамиятнинг сиёсий тизимида ўзларининг муносиб ўринларига эга бўладиларки, қачонки улар мамлакатда амал қилаётган ҳуқуқий, қонунчилик нормаларига тўла-тўқис риоя қилсалар. Акс ҳолда уларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Бугунгача дунёдаги сиёсий партияларнинг фаолиятларида либерал, консерватив, радикал, миллий, социалистик ва бошқа турдаги ғоялар илгари сурилган. Демократик жамият ғоялар хил-хиллиги концепциясига таянади. У ёки бу мафкурани давлат мафкураси сифатида белгиламайди.

Жамиятнинг сиёсий тизими ва унинг ташкилий тузилмалари маълум сиёсий меъёрга таяниб фаолият кўрсатади. Акс ҳолда унинг фаолияти уйғун ва барқарор ривожлана олмайди.

Сиёсий меъёр — бу давлат ва сиёсий тузилмалар даражасида тан олинган сиёсий нормалар ҳисобланади. Унинг асосий ҳужжати конституция бўлиб, у жамият ва давлат ҳаётининг ҳуқуқий асосларини ўзида ифода эттиради.

Оммавий ахборот воситалари, коммуникациялар ва инфратузилмалар тизими жамият ривожига катта ўрин тутди. Унинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни матбуот, радио ва телевидениеларни ўз ичига олганлиги сиёсий жараёнларни ҳолисона етказиш ва баҳолаш, халқни унинг ижросини таъминлашга сафарбар этиш билан белгиланади.

Сиёсий тизимнинг юқорида келтирилган кичик тизимлари бир-биридан мустақил равишда фаолият кўрсатадилар ва айни пайтда улар бир-бирларига боғлиқдир. Уларнинг ўзаро уйғун ҳолатдаги фаолияти сиёсий тизимнинг барча механизмларининг нормал ишлашини таъминлайди.

Сиёсий тизимда давлат, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари Сиёсий тизимда давлат марказий ўринни эгал-

лайди. Зеро, жамиятда мавжуд бўладиган барча ташкилотлар давлат фаолияти билан боғлиқ бўлади. Давлат ўзининг мукаммал мақомига эга бўлиб, маълум ҳудудга, ўз аҳолисига ва маълум бир ташкилотларга эга бўлади. У ихтиёрий, мажбурий ижтимоий-сиёсий ташкилот ҳисобланади. У ишонтириш, мажбур қилиш, умумманфаатларни амалга оширишда турли вазиятлар (манипуляция) ни қўллаш ва солиқ йиғиш каби-ларда танҳо ҳуқуқга эга.

Давлатнинг яна бир муҳим белгиси — унинг суверен бўлишлигидир.

Аввало бу, бизнингча, жамиятимизда содир бўлаётган ҳозирги ўтиш даврида қонунлар ишлаб чиқиш, кучли назоратни таъминлаш¹ орқали бошқарувнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва тартибга солиш, уларни тобора мустаҳкамлаб, такомиллаштириб боришида ўз ифодасини топомқда.

Президент Ислом Каримов давлатнинг ўрни тўғрисида гапириб: «Ўтиш даврида жиловини қўлдан бермаслиги керак. Шундагина у давлат бўла олади. Жилов қўлдан кетган жойларда аҳвол қандай аянчли эканини кўриб турибмиз»¹, деган эди.

Мустақилликка эришган давлатларнинг кўпчилигида дастлабки йилларда иқтисодиёт бўйича парокандалик рўй берганлиги маълум. Ўша пайтларда айрим мамлакатларда бошқарув жилови давлатнинг қўлидан кетганини ҳамма билади. Давлат ва ҳокимият ички курашлар, мансаб ва амал учун олишувлар ва бошқа турли сиёсий ихтилофлар билан банд бўлиб қолди.

Ўзбекистонда ҳам дастлаб шунга ўхшаш айрим воқеалар рўй берганини биламиз. Бироқ давлат тўғри ва оқилона йўлдан бориб, унга ўз вақтида барҳам берди. Бутун жиловини ўз қўлига олди. Шундай бўлиши ҳам

¹ И.А. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: «Ўзбекистон», 1994, 274-бет.

зарур эди. Бу давр, шарт-шароит тақозоси бўлиб, унинг илдиши узоқ-узоқ тарихий даврларга бориб тақалади.

Тарихга назар ташлаб, давлат бошқариш одоби-ни, жамият сиёсий тизимини ушлаб туриш йўл-йўриқларини таҳлил қилиб кўрсак, хоразмшоҳлар, ғазнавийлар, теурийларнинг бу борадаги тузуклари ибратлидир. Умуман олганда, ўзбек халқи давлатни идора қилиш усулларини жуда яхши билган ва бошқа мамлакатларга ўрнак бўлган. Демак, бу борада, яъни давлат ва салтанатни идора қилишда тажриба ва малакаларга эга.

Мустақилликга эришган давлатимиз ўша ота-боларимиздан мерос бўлиб қолган тажрибаларга, урф-одатларга, маданий-маърифий анъаналарга суянган ҳолда иш олиб бораётти. Президент И. Каримов олиб бораётган сиёсат ҳам шу анъаналарга мос келади. Чунончи, у ёзади: «Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтишда халқнинг туб манфаатларини кўзлаб, энг устувор ва энг муҳим йўналишларни давлатнинг ўзи танлаб олиб, уларни амалга оширишда унинг ўзи етакчилик қилади»¹. Шундай қилиб ўз ҳудуди доирасида умумий ижтимоий-сиёсий ташкилот бўлиши. 1. Мамлакат номидан ички, ташқи ва халқаро сиёсатни олиб бориши; 2. Қонунлар чиқариши; 3. Ижронини таъминлаши; 4. Одиал судловни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Бундан ташқари, давлатнинг сиёсий тизимдаги ўрни, жамият ҳаётида бажарадиган қуйидаги функциялари алоҳида кўзга ташланади. Булар: ички, ташқи ва халқаро функциялардир.

Давлатнинг ички функциясини ўз ҳудудида яшайдиган халқ билан давлат ташкилоти ўртасидаги муносабатларни амалга ошириш ташкил қилади. Улар хўжалик, ташкилотчилик, маданий ва тарбия соҳаларидан иборат. Бу борада давлатнинг бош ислохотчи сифатида маънавий-маърифий соҳада жамият аъзоларининг

¹ И.А. Каримов. Биздан сзод ва обод Ватан қолсим Т «Ўзбекистон», 1994, 271-бет.

бурчларини адо этишга сафарбарлик ҳиссиётларини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон давлати ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилишда Президент Ислам Каримов етакчилигида қатъий ва изчил йўлни танлади. Истиқлол шарофати билан жамиятнинг сиёсий тизимида маънавий негизлари тубдан ўзгарди.

Ўзбекистон сиёсий тизимининг истиқболи аввало, замонага мослашган ва унга хос миллий истиқлол ғояси жамият фуқаросининг эътиқодига айланиб қолиши ва уни ҳеч қандай куч енга олмайдиган даражага кўтаришни талаб қилади. Бизнинг миллий истиқлол ғоямиз ҳам «миллий давлатчилик тизимимиз», «Юртимиз руҳи», «ўзига хос, ўзига мос турмуш тарзи», «умуммиллийлик», «фидойилик», «ватанпарлик» каби Ватан равақат, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлар аро тотувлик, динлараро бағрикенглик (толерантлик) ғоя ва тушунчаларига асосланган. «Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она-Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас анъаналарига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз зарур», деб таъкидлайди Президент И.А. Каримов.

Давлат ўзининг ташқи функциясида бошқа давлатлар билан турли соҳаларда муносабатларини амалга оширади. Бугунги кунда жаҳон сиёсатини шакллантириш, умумбаъшарий муаммоларни ҳал қилишда халқаро ташкилотларнинг роли тобора ошиб бораётганлиги сабабли давлатнинг яна бир функцияси мустақил йўналиш сифатида шаклланди. У халқаро функцияси бўлиб, ўз ичига халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолиятларида иштирок қилиш ҳамда ўзаро манфаатларидан келиб чиққан ҳолда халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда фаоллик кўрсатишни тақазо қилади.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниши дунё томонидан эътироф этилган қуйидаги уч соҳада акс этади:

1. Қонун чиқарувчи ҳокимият.
2. Ижро этувчи ҳокимият.
3. Суд ҳокимияти.

Улар демократик жамият шароитида бир-бирларидан мустақил равишда фаолият кўрсатадилар.

Давлат ва инсон ўртасидаги муносабатларда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари давлат ҳокимиятини ривожлантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги фаол иштирокини таъминлаш каби умумий масалалар билан бевосита боғлиқ.

Мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида республика фуқароларининг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқининг икки шаклда бўлиши белгилаб қўйилган. Унда «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бевосита ва ўз вакиллари орқали бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадилар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўз бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширадилар», деб белгиланган¹.

Фуқаролар маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлашда ҳамда уларнинг фаолиятида иштирок этиш орқали ўз сиёсий ҳуқуқларини амалга оширади. Бу органлар жамоатчилик асосида ташкил этилиб, фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига биноан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари шаҳарда, қишлоқ ва овуларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда икки ярим йиллик муддат билан тузилади ва янгилаб турилади. Ўзини-ўзи бошқариш таъмоилининг кенгайтирилиши бозор муносабатлари-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 15-бет.

га босқичма-босқич ўтилаётган ҳозирги даврда давлатнинг жамиятдаги ролининг бирмунча ўзгариши ва айрим соҳаларда, ҳатто, камайиши билан боғлиқ бўлиб, бу муаммони мамлакатимиз мустақил равишда ҳал этаяпти.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари референдумларда уларнинг бевосита иштирок этиш йўли билан ҳам амалга оширилади. Ўзбекистон Конституциясининг 9-моддасида белгилаб қўйилганки, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Масалан, Республикамизнинг Мустақиллик Конституцияси лойиҳаси 1992 йилда икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Худди шундай тартибда Олий Мажлис тўғрисидаги Қонун лойиҳаси, Меҳнат Кодекси ва бошқа қатор ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари халқимиз эътиборига муҳокама учун тақдим этилди. Биринчидан, муҳокама жараёнида мутахассислар ва кенг халқ томонидан тушадиган таклиф ва мулоҳазалар мазкур ҳужжатлар лойиҳаларини такомиллаштириш имконини беради. Иккинчидан, бундай муҳокамалар халқнинг ҳуқуқий онгини билиб олишга, уларнинг хоҳиш-иродасини янада аниқроқ ифодалашга кўмаклашади. Республика фуқаролари жамият ва давлат ҳокимияти ўз вакиллари орқали иштирок этиши ва жамоат бирлашмалари органларининг демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади, яъни фуқароларнинг давлат ва жамоат органларига сайланган вакиллари уларнинг хоҳиш-иродасини эркин ифодалайди, амалга оширади, уларнинг манфаатларини қўриқлайди, истакларининг бажарилиши бора-сида фаолият кўрсатади. Давлат бошқарувида фуқароларнинг энг олий даражадаги вакили Ўзбекистон Республикаси Президентиدير. У давлатимиз Олий мансабдор шахсидир. Ўзбекистон Президенти Дав-

лат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Ўз навбатида, Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафили ҳамдир¹.

Амалдаги Конституцияга биноан халқ томонидан сайланган Олий Мажлиснинг 250, Қорақалпоғистон Жуқорғи Кенгесининг 75, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳрининг 60 тадан, ҳар бир туман ва шаҳарнинг 30 тадан ошмаган депутатлари давлат ҳокимият органларида фуқароларнинг қонуний вакиллари бўлиб, улар халқ номидан давлат вазифаларини адо этадилар.

Жамиятнинг сиёсий тизимида сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари ҳам муҳим ўринга эга. Жумладан, сиёсий партиялар турли ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг манфаатларини, мақсадларини ифода этиб, сиёсий ҳокимиятнинг амалга оширишда иштирок қилади ёки уларга бевосита таъсир кўрсатади.

Дунёда партиялар хилма-хилдир. Кўпинча улар ўз ижтимоий моҳияти ва вазифалари, ғоялари ва дастурларига, жамият сиёсий тизимидаги ички тузилма ва ўрнига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Сиёсий партиялар тизими бир партиялик; икки партиялик ва кўп партиялик асосида амалга ошади. Ҳозирги замон политологлари кўппартиявийлик тизимини афзал кўриб, унинг демократик ривожланиш талабига мос эканлигини ҳимоя қилиб чиқмоқдалар. Шунинг учун бир партиявийлик тизимдан кўппартиявийликка ўтиш демократия ривожланиши томон олға ташланган қадам, деб баҳолаш мумкин. Жамиятнинг демократик характери мавжуд демократик институтларнинг тутган ўрни билан боғлиқлиги уни демократик жараён сифатида қарашга асос беради. Аммо жамиятнинг демократик даражаси фақат партиялар сони билан белгиланмайди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 29-30-бетлар.

Бир партиявийлик ёки кўп партиявийлик тизимларнинг вужудга келишига бир қатор конкрет — тарихий омиллар таъсир кўрсатади. Чунончи, ижтимоий кучларнинг жой-жойига қўйилиши нисбати, жамоатчиликнинг мавжуд партиянинг (партияларнинг) фаолиятидан қониққанлиги ёки қониқмаганлиги, турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзларининг сиёсий партияларини вужудга келтиришга тайёргарлик даражаси, жамиятда сиёсий маданият, демократик анъаналарнинг мавжудлиги ёки йўқлиги ва ҳоказолар.

Демократик давлат қуришни мақсад қилган Ўзбекистонда кўп партиявийликнинг вужудга келиши учун барча қонуний асослар яратилгандир. Ана шунга мувофиқ, бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам кўп партиявийлик тизими вужудга келди ва фаолият кўрсатмоқда.

Жамиятнинг сиёсий тизимида давлат ва сиёсий партиялар билан биргаликда жамоат ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатади. Жамоат ташкилотларига касба уюшмалари, ёшлар, ижодий, маданий, илмий уюшмалар, ҳаракатлар ва бошқалар киради. Улар ўзларининг моҳияти, сиёсий тизимда тутган ўринлари билан давлат ва сиёсий партиялардан фарқ қилади. Биринчидан, улар давлат мақомига эга эмаслар ва сиёсий ҳокимият учун кураш олиб бормайдилар; иккинчидан, улар мамлакат аҳолисининг барча қисмини ўзига бирлаштирадилар; учинчидан, улар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ва ҳужжатлар мамлакат аҳолиси томонидан мажбурий равишда бажарилиши мақомига эга эмас; тўртинчидан, улар сиёсий мақсадларни эмас, балки ижтимоий маданий, ижодий ва илмий соҳадаги манфаатларини қондиришни мақсад қиладилар.

Бироқ жамоат ташкилотлари маълум бир ижтимоий гуруҳларни ўз атрофига бирлаштирганликлари ва уларнинг манфаатларини ифода этганликлари учун

давлат фаолиятига ўзларининг таъсирини ўтказадилар. Шунинг учун давлат жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади ва уларнинг таъсирчанлик имкониятларидан фойдаланади.

Шундай қилиб, жамият сиёсий тизимини такомиллаштиришда кўп партиявийлик тизимининг ривожланиши, давлат, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари ролининг ошиб бориши катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам демократияни ривожлантиришни мақсад қилган мамлакатларда жамият сиёсий тизими тузилмалари аҳоли сиёсий фаоллигининг ошишига муҳим вазифа сифатида қараб келмоқда.

Сиёсий тизим ва сиёсий муносабатлар Сиёсий муносабатлар инсонлар, турли ижтимоий қатламлар билан давлат ўртасидаги муносабатлардир. Улар ўртасидаги миллатлараро муносабатлар сиёсий тизимнинг ижтимоий асосини ташкил қилади ҳамда уларнинг ўзаро муносабатларини акс эттиради.

Сиёсий муносабатлар сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш жараёнида, раҳбарлик ва бошқарув органларини ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнларга бўлган таъсирида вужудга келади. Шунингдек, улар сиёсий тизимнинг моҳияти ва вазифаларини, сиёсий ҳокимиятнинг амалга ошириш услубларини, ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсий тамойиллар ва нормалар сиёсий тизимнинг муҳим таркибий қисмидир. Улар сиёсий тизимнинг норматив асосларидан иборат. Уларнинг бир-бирларидан фарқи сиёсий идора қилиш усуллариغا боғлиқ. Белгиланган нормалар асосида сиёсий тизимни мустақкамлашга қаратилган сиёсий муносабатлар тартибга солиб турилади. Тўғри, ҳар қандай жамиятда устуворлик қилаётган сиёсий тамойиллар ва нормаларга риоя қилишни истамайдиган айрим ижтимоий

кучлар ҳам бўлади. Ўз навбатида, ўша тамоийиллар ва нормалар ёрдамида сиёсий ҳаётнинг ҳамма иштирокчилари амал қиладиган сиёсий ҳаётнинг қарорларини асослаб бериш ва ўзига хос бўлган тартиб нормалари аниқлаб олинади.

Жамиятнинг сиёсий тизими муайян сиёсий кучлар ва партияларнинг, халқнинг сиёсий онги ва сиёсий маданиятида ўз ифодасини топади. Улар, аввало сиёсий ҳаёт иштирокчиларининг конкрет ижтимоий ва сиёсий амалиётининг таъсирида вужудга келади. Сиёсий онгда муҳим ўринни эгаллайди. У инсон сиёсий руҳиятини ўзгартириш ва ривожлантириш вазифасини бажаради.

Сиёсий мафкура сиёсий партиялар манфаатларини энг мужассам кўринишда намоён қилади, уларнинг ижтимоий тараққиётидаги, хусусан, жамиятнинг сиёсий тизимидаги ўрни ва ролини асослаб беради. У маълум ижтимоий гуруҳлар, кучларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий дастурларининг концептуал асосий вазифасини бажаради, устувор йўлни танлашга, сиёсий қарорлар ишлаб чиқирилиши ва қабул қилинишига, сиёсий қарашларга таъсир ўтказди. Сиёсий мафкура жамият сиёсий тизимида сиёсий кучларни бирлаштириш ёки парокандалаштириш ёхуд барқарор ривожланишни таъминлаши мумкин.

Мустақиллик Ўзбекистон халқи олдида ана шундай вазифани кўндаланг қўяди. Ўзбек миллатининг сиёсий мафкураси турли сохта, зўраки ғояларга, ақидаларга дадил қарши тура оладиган, мафкуравий бўшлиқларни янги ҳаёт нафаси билан тўлдира оладиган, миллий истиқлол ғоясига эгамиз. У Ислом Каримов айтганидек, инсон учун янгидан-янги кашфиётларга ҳақиқий маънодаги туртки бўлажак. Ўзбекистон халқининг миллатидан қатъи назар унинг мақсади, миллий истиқлол ғоясида ўз аксини топган ва унинг асосида жамиятимиз барқарорлиги қарор топмоқда.

Сиёсий тизим, биринчидан, жамоатчилик фикрини инобатга олиши, уни амалга ошириш механизминини яратиши лозим. Сиёсатни ёки қарорни жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмай мажбуран қабул қилиш кутилган самара бермайди. Унда (масалан, тоталитар режим) уларни амалга ошириш учун мажбурлаш, жазолаш ва қатағон қилиш кабиларга эҳтиёж туғилади. Бунга, мустабид тузум вақтида вужудга келтирилган маъмурий-буйруқбозлик тизими мисол бўлади.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш учун, сиёсий қарорлар кутилган натижа бериши учун юқорида амалга оширилаётган ҳамма чора-тадбирлар жамоатчилик фикрини ва мақсадларини инобатга олган ҳолда қабул қилинмоқда. Токи қабул қилинаётган ҳамма қарорлар жамоатчилик томонидан кутилган манфаатларга жавоб берсин. Шундай қилиб, сиёсий тизимнинг нормал амал қилиши учун «кўзгу» керак. Шундай ўзига хос ролни жамоатчилик фикри ўйнайди.

Кенг жамоатчилик фикрини сўраш элнинг буюк вакиллари, донишманд шахслар мулоҳазалари асосида иш юритиш соҳибқирон Амир Темур салтанати даврида айниқса кенг тус олган эди. У жамоатчилик фикрининг беқиёс катта кучга эга эканлигини чуқур англаган давлат арбоби, уни шакллантириш ва мақсадга беҳато йўналтириш қобилиятига эга улуғ салоҳият соҳиби ҳам эди. У кўп марталаб ўзидан 5-6 ва ҳатто 10 ҳисса ортиқроқ қўшинга эга бўлган рақиблар устидан ғолиблик қилишда, катта-катта мамлакатларни забт этишда юксак руҳий нафас, музаффар қўшиннинг жўшқин фикри, ишонч кучидан фаол фойдаланар эди.

Буюк соҳибқирон жамоатчилик фикрини уйғотиш ва уни фаоллаштиришда руҳ кучини ошириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Амир Темур мамлакат халқларини осойишталик, меъёр даражасидаги фаровонликда ҳаёт кечиринила-

рини таъминлаш, ирқий камситишларга чек қўйиш, ислом қоидалари ва қонун устуворлигини таъминлаш муаммолари устида жиддий фаолият юргизди. Бу хусусда соҳибқирон Амир Темур ёзади: «Салтанатим қонун-қоидаларини ислом дини ва кишиларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Муҳаммад)нинг шариатига боғлаб, иззату ҳурматлаш вожиб бўлган онҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдирган ҳолда уларни мустаҳкамладим. Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди»¹. Бунда унинг қомусий билимдонлиги, юксак салоҳият, лозим бўлганда ҳаёт истиқболларини башорат қилиш намуналарини намоён этганлиги бугунги кунда янги демократик, адолатли тамойилларга асосланган давлат қуриш сиёсатини амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Жамиятнинг сиёсий тизими сиёсий ташкилотлар, муносабатлар, сиёсий онг ва сиёсий маданият билан тугамайди. Унинг яна шундай таркибий қисмлари (сиёсий идора қилиш усуллари ҳам шулар жумласига киради) ҳам борки, уларни ҳисобга олиш, сиёсий ўзгаришларни чуқур англаб олиш зарур. Улар орасида шахсларнинг сиёсий жараёнларда иштироки алоҳида ўрин эгаллайди. Сиёсий иштирок тушунчаси – жамият сиёсий ҳаётида демократиянинг шаклланиши ва унинг реал ҳаётга тадбиқ қилина боришида шахслар сиёсий фаоллигининг ошиш жараёнини англатади.

Шахсларнинг сиёсий иштироки жамият ҳаётида сиёсий муносабатларни янги босқичга кўтаради ва бу жараён сиёсий тизимнинг ҳам такомиллашиб боришига ўзининг таъсирини ўтказиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятнинг сиёсий тизимини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш

¹ Амир Темур ўғитлари. Т.: «Наврўз», 20-бет.

фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий шарти эканлигини ҳисобга олиб, хусусан, Ўзбекистоннинг «кучли давлатдан кучли жамият сари» ривожланишида, жамият ҳаётида фуқароларнинг фаол иштирок этишларига эришиш муҳим аҳамиятга эга.

5-мавзу

Демократия. Демократиянинг асосий концепциялари

Демократия ҳокимиятни идора этиш услуби Ҳозирги даврнинг бутун мураккаблиги ва зиддиятларига қарамай унинг сиёсий соҳасидаги умумий йўналиши — демократия эканлиги шубҳасиз. Сиёсий фаолиятнинг услублари, воситалари, мақсадлари, рўй бераётган ҳаракатлар демократия билан боғлиқ. Янги ташкилот, ҳаракатлар, шу жумладан, миллий ҳаракатлар ҳам демократик кўринишга эга. Инқироздан чиқишнинг ягона йўли — ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштириш деган фикр мавжуд. Инсоният орзулари, интилишлари, кундалик ҳаёти ана шу ғоялар билан суғорилган. Лекин, айрим мамлакатларга қараганда, жаҳондаги 200 мамлакатдан атиги 40 тасинигина тўлақонли демократик деб аташ мумкин. Жаҳондаги бирор мамлакатни демократиянинг ёрқин намунаси тимсоли сифатида кўрсатиш қийин.

XX асрнинг иккинчи ярмида олимлар, мутахассислар, ёзувчилар, давлат арбоблари ўртасида демократия тўғрисида айтилган фикрларнинг ниҳоятда хилма-хиллигини кузатамиз.

Д. Хелднинг «Демократия моделлари» (1987) асарида қайд этилганидек, сиёсий фикр тарихи ва замонавий сиёсий назарияларда демократиянинг ўнлаб алоҳида моделлари мавжуд. Политологияда ушбу тушунчанинг хилма-хил маънолари ичидан унинг жамият

сиёсий ҳокимиятини идора этиш услуби сифатидаги белгилари, хусусиятлари ва тавсифлари ўрганилади.

Демократия — халқ ҳокимиятидир. Бу маънода ёки «бошқарувда тўғридан-тўғри иштирок» маъносида демократияни қабила-уруғчилик жамиятларидаёқ учратиш мумкин. Сиёсатшунослар демократиянинг мукамал шаклини Юнонистоннинг шаҳар-давлатлари билан боғлайдилар.

Қадимги Юнонистонда «демократия» термини «демос» — халқ, тенг ҳуқуқли фуқаролар йиғини, фуқароларнинг асосий қисми маъноларида қўлланилган. «Кратос» — куч, ҳокимият, қудрат, бошқарув, ғалаба маъноларини англатган. Демак, қадимги юнонларнинг ўзи «демократия» тушунчасини талқин этишда яқдил бўлмаганлар. Уларда демократия яна қуйидаги маъноларни: а) исёнкор йўқсиллар тантанаси; б) камбағаллар ҳукмронлиги; в) полис ишида барча фуқаролар иштироки; г) расмий тадбирлар орқали (сайлов, навбат, тайинлаш) бошқарувни амалга оширишни билдирган.

Демократик бошқарувнинг юнонча синоними «изократия» (ўз-ўзини бошқарув)дир.

Янги даврда демократия атамаси орқали эркинлик; фуқаролик; халқ суверенитети; миллий суверенитет; миллий давлат ғоялари ривожланди. Бу тушунчалар воситасида шохлик ҳокимиятини чеклашнинг қонуний механизмлари ишлаб чиқилди. XVII асрда Буюк Британияда парламент ва қирол ўртасидаги кураш натижасида «Ҳуқуқлар тўғрисида баёнот» (1628), «Хабас корпус акт» (1679), «Ҳуқуқлар таълимотида билл» (1689) каби ҳужжатлар ҳокимиятнинг аниқ чегараларини белгилаган ҳуқуқий кафолотларни ишлаб чиқди. Бу тенденция «АҚШ мустақиллиги декларацияси», АҚШ Конституцияси, XVIII аср охиридаги Буюк Француз инқилобining «Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари Декларацияси»да ривожлантирилди.

Ҳозирги вақтда демократия — халқнинг ҳокимият манбаи, деб эътироф этувчи, фуқаролар тенглиги, озчилик ҳуқуқларини ҳимояловчи, давлатнинг асосий органлари — сайловлар натижасида шаклланувчи сиёсий ҳокимият тизими сифатида тушунилади.

**Демократиянинг
замонавий моделлари**

Демократиянинг учта
асосий модели: либерал,
идентитар, плюралистик

моделлари ажратиб кўрсатилади.

Мумтоз либерал демократия модели ижтимоий фикр тарихида биринчи бор индивидни жамият ва давлатдан, давлат ва фуқаролик жамиятини бир-бирдан ажратди, давлатнинг фуқаролик жамияти ва шахс билан муносабатларини қонун ва вазифалар жиҳатидан чеклади, озчиликнинг кўпчиликка нисбатан мухторияти ва ҳуқуқларини ҳимоя қилди, барча фуқароларнинг сиёсий тенг ҳуқуқлилигини баён этди, шахсни сиёсий тизимнинг бош элементи сифатида фундаментал, бегоналашмайдиган ҳуқуқлар билан таъминлади.

Демократиянинг бу модели ўз кўринишида (XIX — XX аср боши) қуйидаги белгиларга эга.

1. Ҳокимият манбаи бўлган халқ қаторига мулкдор эркакларгина киритилиб, қуйи қатламлар, аввало ёлланма ишчилар, аёлларнинг сайлов ҳуқуқига эга фуқаролар сафига қўшилмаслиги. XX аср боши ва ўрталаригача мулкӣ ва бошқа цензлар (талаблар, чегаралар) мавжуд бўлган бўлиб, уларсиз инсон овоз бериш ҳуқуқига эга эмас эди (АҚШнинг баъзи штатларида ўзига хос мулкӣ ценз — сайлов солиғи 1961 йилдагина бекор қилинди).

2. Индивидуаллик, яъни шахсни ҳокимиятнинг манбаи деб билиш, индивид ҳуқуқларининг давлат қонунларидан устунлигини тан олиш, инсон ҳуқуқлари Конституцияда белгиланади, уларнинг тўлиқ бажарилишини эса мустақил суд назорат этади.

Шу билан бирга, либерал демократиянинг ижтимоий-сиёсий чекланганлиги, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қила олмаслиги, тенгсизликнинг ортиши, шахс сиёсий иштирокининг чекланганлиги, давлат «туңги қоровул» роли билангина чеклаб қўйилиши унинг муҳим камчиликлари ҳисобланади .

Жамоавий демократияни кўпинча идентитар деб аташади. Бу унинг халқ (миллат, гуруҳ, қатлам) яхлитлиги, бирлигидан келиб чиқади. Унда ягона ироданинг у баён этилгунга қадар мавжудлиги ва бу ирода билан ваколатли ҳокимият фаолиятининг айнанлиги, ўхшашлигини акс эттиради.

Кўпгина фарқларига қарамай турли жамоавий демократия назариялари бир қатор умумий белгиларига эга. Уларга қуйидагилар киради: 1)халқни жамоа сифатида талқин этиш, халқни ягона, бир турдаги, объектив мавжуд бўлган умумий манфаат ва иродага эга социал бирлик сифатида тан олиш; 2)халқ орасида ихтилофнинг йўқлиги, сиёсий мухолифотга ёт нарсасифатида қараш; 3)эркинликни жамоавий (антик даврдагига яқин), яъни фуқаронинг ўз давлати ва жамияти ишида фаол, тенг ҳуқуқли иштироки сифатида тушуниш; 4)амалда ҳокимиятнинг ўзини халқ (гуруҳ, қатлам, миллат) билан бир нарсасифатида кўрсатувчи тоталитар, яъни ҳамма соҳани қамраб олувчи мутлоқ табиатга эга эканлиги, шу жумладан, алоҳида шахсларнинг ҳимоясизлиги; 5)давлат-бир бутунлик сифатида-ўз таркибий қисмларининг тинчлигидан манфаатдор бўлганлиги сабабли-инсон ҳуқуқларининг чекланиши; 6)умумий сиёсий сафарбарлик, фуқароларнинг бошқарувда ва мансабдор шахсларни қонун доирасида мустақил ва қабул қилинган қарорлари учун масъул раҳбарлар сифатида эмас, халқ иродасини амалга оширувчилар, унинг хизматкорлари сифатида қаралади; 7)ижтимоий демократияни тарғиб этиш. асосий диққатни сиёсий ҳуқуқларни юридик жиҳатдан эътироф этишдан фуқаролар-

нинг бошқарувда иштирок этишлари учун ижтимоий шароитларни яратишга кўчириш назарда тутилади.

Бундай демократия назарияси ўзининг ноқобиллигини амалда кўрсатди. Уни қўллашга интилиш тоталитаризмга олиб келди. Шу билан бирга, бу назарий ва амалий тажриба сиёсий фикр ривожланиши ва демократик бошқарув шакллари тараққиётига ўзига хос таъсир кўрсатди.

Плюралистик демократия модели либерал сиёсий тизимдан ўсиб чиққан ва унинг асосий ташкилий тамойилларини мерос қилиб олган. Уларга конституционализм, ҳокимиятлар бўлиниши ва.ҳ.к. шунингдек, шахсий эркинликлар, инсон ҳуқуқлари, озчилик мухторияти ва.ҳ. к. каби қадриятлар киради. Замонавий демократияга берилаётган баҳолар ва аталар турлича. Уни кўпинча плюралистик, деб аталади, негаки у аввал мавжуд бўлмаган ижтимоий манфаатлар (иқтисодий, ижтимоий, маданий, диний, гуруҳий, ҳудудий ва.ҳ.к.) ва уларни баён этиш шакллариининг (сиёсий партиялар, жамиятлар ва иттифоклар, ижтимоий ҳаракатлар, фуқаролик ташаббуслари) хилма-хиллигига асосланади.

Шундай қилиб, замонавий демократия хилма-хил ижтимоий гуруҳларга ўз манфаатларини ифодалаш ва рақобатли жараёнда уларнинг мувозанатини акс эттирувчи, муроса-мадорага асосланган бошқарув шаклидир.

Плюралистик демократия назарияси дунёнинг кўплаб мамлакатларида эътироф этилди ва амалда қўлана бошланди. Аммо, унинг ғоялари шубҳасиз эмас ва танқид қилиб келинади. Бу назариянинг бошланғич камчиликларидан бири — воқеликни идеаллаштириш, аҳолининг гуруҳларга мансублиги ҳиссини, фуқароларнинг манфаат гуруҳларида иштирокини ошириб юборишда кўринади. Реал ҳаётда, аҳолининг учдан бир қисмидан кўп бўлмаган миқдори манфаат гуруҳларида бирлашган. Шунинг учун ҳам

плюралистик модел асосидаги демократия кўпчилик ҳокимиятини амалга оширишда айрим чекланган томонларига эгаллиги тўғрисида қарашлар мавжуд.

Бугунги давлатлар сиёсатида турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг акс этиши ҳар ҳолда уларнинг сиёсий таъсирининг тенгсизлиги масаласини ҳал этади. Фуқароларнинг турмуш шароитлари ва манфаатлари яқин давлатларда демократиянинг плюралистик модели ижтимоий тенгсизлик юқори даражада сақланиб келаётганларга қараганда воқеликка кўпроқ яқиндир.

Плюралистик демократия модели ҳам айрим камчиликлар ва заиф томонлардан ҳали эмас. Аммо, бугунги кунда халқнинг ҳокимиятни идора этиш услубида реал ҳаётта бундан яқинроқ моделлар мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам плюралистик демократия модели сиёсий фикр ва амалиётга кенг таъсир кўрсатмоқда. Асосий диққатни халқнинг сиёсат субъекти сифатида мураккаб гуруҳий таркибига қарагани ҳолда бу назария, албатта, замонавий демократиянинг барча жиҳатларини акс эттира олмайди ва бир қатор бошқа концепциялар билан тўлдирилади. Репрезентатив (ваколатли) ва партиципатор (сиёсий иштирок) демократия концепциялари ҳокимият амал қилиши жараёни тўғрисидаги қарашлар шундай назарияларга киради.

Репрезентатив демократия — халқ олдида масъул, малакали ваколатли бошқарув ғоясига асосланади.

Репрезентатив демократия тўғрисида немис олими Ральф Дарендорф «ўзининг том маъносига қарама-қарши ўлароқ, демократия «халқ ҳокимияти» эмас, бунақаси умуман бўлмайди. Демократия — бу халқ томонидан сайланадиган, керак бўлса унинг ўзи чақириб оладиган ҳукумат; бундан ташқари бу — ўз йўналишига эга бўлган ҳукумат»¹ дир деб ёзади.

¹ Дарендорф Р. Дорога к свободе. // Вопросы философии. 1990г. № 9, стр 91.

Партиципаторлик демократияси Демократиянинг халқ ҳокимияти сифатидаги меъёрий идеалига тўлиқ мос келишига ва унинг замонавий давлат ва жамият тузилишига мослашишига даъвогарлик қиладилар. Бошқарувда кўп одамларнинг иштирок этиши қарорлар қабул қилиш учун интеллектуал потенциални кенгайтиради, уларнинг энг маъқулларини танлаш эҳтимолини оширади ва, демак, сиёсий тизим барқарорлиги ва бошқарув самарадорлиги ортади. Бундан ташқари, фуқароларнинг сиёсий жараёнда фаол иштироки мансабдор шахслар устидан самарали назоратни таъминлайди, ҳокимиятни суниистеъмол қилишнинг, депутатларнинг халқдан узилиб қолишини, амалдорлар бюрократлашувининг олдини олади.

Демократия ва Шарқ Миллий онгда ўзига хос хусусиятлар мавжудки, улар ҳар бир халқнинг руҳи, менталитети, табиатини белгилайди ва, хусусан, шу халқнинг сиёсий тизимида ҳам акс этади. Ҳар бир халқ ўзига хос ва мос бўлган сиёсий ташкилотларни ҳам шакллантиради.

Демократия институтларининг қарор топиши жараёни бир неча асрларни ўз ичига олган. Агар АҚШда либерал - демократик институтларга асосланган республика тузуми ўрнатилган бўлса, Францияда XIX аср охиридагина шаклланиб бўлди. Италия ва Германияга келсак, бу ерда демократия Иккинчи жаҳон урушидан кейингина батамом қарор топди, Португалия ва Испанияда эса бу жараён 70 - йилларнинг ўрталарига тўғри келади.

Ғарбда демократия индивиднинг гуруҳдан устунлиги ғоясига асосланади. Бу ерда индивидуал эркинликлар ва ҳуқуқлар масаласи энг долзарб масала, Шарқда эса бошқача. Бу ерда индивид эркинлиги ва ҳуқуқларига таянилсада, у кўпинча гуруҳ, жамоа манфаати ва ҳуқуқлари билан уйғун қўйилади.

Ҳар бир халқ менталитети ва жамият заминиди муайян шароитларда бозор муносабатлари ва сиёсий демократик қадриятларни ўзлаштиришга тайёр элементлар мавжуд. Бу фикрлар Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари ривожиди хусусиятларини кузатиш натижасиди айтилган. Ушбу мамлакатларда жамоа ва қатламлашув қадриятлари ва қондаларга боғлиқлиғи кучли. Ғарб демократияси моделидағи индивидларни жамият ва давлат таъсиридан ҳимоя қилишга уринишлардан фарқлича, масалан, япон модели «шахсни ўз-ўзини чеклаши», уни жамият ва давлат манфаатлари тизимига уйғун киришини таъминлаш вазифасини қўяди. Бу ерда анъана ва замонвийликнинг ўзига хос уйғунлиғига эришилган. Модернизация жараёни ижтимоий-маданий ва сиёсий-маданий соҳалардағи энг муҳим анъаналарни сақлаган ҳолда амалга оширилади. Бу ерда монархия, бурч, келишув, жамоага содиқлик, шахс манфаатларининг гуруҳ манфаатларига таяниши каби қадриятлар сақланган. Ихтилофларни ҳал қилишда патернализм руҳидағи норасмий механизмлар қўлланиди, ёш-жинсдағи фарқлар ва ижтимоий ва касбий фарқлардағи тенгсизлик сақланади ва бундай ўзига хосликлар жуда кўп.

Юқорида айтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, демократияни мутлақ индивидуал эркинликка боғлаш бир томонламадир. Худди шунингдек, бутунги кунда ислом маданиятига асосланган давлатларда демократик тартиботларни ўрнатишда энг катта тўсиқ деб ҳисоблаш ҳам ноҳолисона хулосага сабаб бўлиши мумкин. Туркия, Миср, Марокаш, Малайзия каби давлатларнинг ижобий мисоллари мавжуд. Ислонда фитна — бирликни емириш хавфи ва умма — жамоа ролинини таъкидлаш билан бирга янгиланиш ҳам муҳим ўрин тутди.

Жамиятда халқ менталитетида демократия қадриятлари, қондалар шартларини қабул қилиш ва қайта

ишлаб чиқиш учун тайёр элементлар мавжуд бўлиши керак. Япония ва бошқа давлатлар тажрибасининг кўрсатишича, бу ерда модернизация жараёни авторитар тартиботлар шаронтида борган. Бу ердаги иқтисодий ўсишни кучли марказлашган давлат таъминлаган. Давлат бозор иқтисодиёти муносабатлари ва қадриятларини қарор топтирувчи катализатор вазифасини ўтаган. Бу ерда бозор ва давлат иштироки ўртасида зарурий мувозанат, нисбат топилган.

Микродаражада жамоаларнинг анъанавий таркибларида аслида ички демократия амал қилади, уларда қарорлар қабул қилишнинг жуда самарали шакллари ва услублари мавжуд. Шунингдек, жамоа манфаатларини устувор қўйишга мойиллик фуқароларнинг қонунни ҳурмат қилишларининг ўзига хос кафолати бўлиб хизмат қилади, консенсусга эришишни осонлаштиради. Бу ҳолда жамиятда мавжуд хилма - хил этник, конфессионал, уруғ-қабил ва бошқа гуруҳлар, социал бирликлар, алоқалар сиёсий маданиятнинг ўзаро уйғунлиги, унинг қадриятлари, йўналишлари ва қоидалари қаторидан зарур ўрин олиши мумкин. Шу маънода Япония ёпиқ гуруҳларнинг очиқ жамияти деб баҳоланади. Яъни, сиёсий макротузилма парламент демократияси, конституционализм, ҳуқуқий давлат, кўп партиявийлик ва демократиянинг бошқа белгилари кўринишида жамоа, коллективизм асослари сақланган ҳолда амал қилади.

Ўзбекистонда ҳам демократияга ўтишнинг ўзига хос йўлидан борилмоқда. Унда миллий анъаналар, урф-одатларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш, миллий давлатчилик анъаналарини асраб-авайлаб сақлаш ва ривожлантириш йўлидан шўшилмасдан, изчил, босқичма-босқич беришмоқда.

Марказий Осиёда мамлакатни идора этишда қадимдан жамоатчиликнинг эркин фикрига алоҳида эътибор бериб келинган. Халқнинг фикрини билиш,

турли ижтимоий гуруҳлар ва табақалар билан бемаслаҳат иш юритиш кўплаб ҳукмдорлар, беклар, ҳокимлар учун қонун-қоида ҳисобланган. Давлат ишлари жамоатчилик билан биргаликда, мурсаю мадора, мурувват, бағрикенглик ва сабр-тоқатлилик билан юргизиб келинган.

Афсуски, шўро даврида ушбу қадриятларга жиддий путур етказилди. Мамлакатда бошқаришнинг бузуқ, маъмурий-буйруқбозлик шакли вужудга келди. Бошқариш кўп ҳолларда ўзбошимчаликка ва бебошликка айланди. У бирёқлама тус олди. Бу тузум халқ ва ҳокимиятнинг, фуқаро ва давлатнинг оқилона ва уйғун муносабатларини йўққа чиқарди, халқни ҳокимиятдан, ҳокимиятни халқдан бегоналаштирди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда миллий давлатчилик анъаналарини тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганлиги тасодифий эмас. Чунки, кенгаш, маслаҳат, мурсаю мадора, сабр-тоқатлилик, бағрикенглик мамлакатда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ва демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг зарурий шартидир.

Юқорида айтилган фикрлардан хулоса шуки, демократия барча муаммоларни ҳал қилиб берувчи сирли калит ёки «орзудаги жамият» эмас. Унинг тоталитаризм ва авторитаризмдан муҳим фарқи шундаки, у жамиятни ташкил этувчи озод ва эркин фуқароларнинг иродаси, манфаатлари, эҳтиёжларининг кўплиги ва бир-бирига ўхшамаслигини эътироф этгани ва бу хилма-хилликни қадрлагани ҳолда фуқароларга келишув, ён босиш, муҳокама, мунозаралар учун расмий, очиқ, қонуний йўлларни очиб бериш ва кўпчиликка маъқул қарорларни ишлаб чиқишидадир. Демократик жамиятда инсон яқка ҳоким ёки гуруҳ иродасига кўра эмас, ўз хоҳиш иродаси ва имкониятларига кўра ўз ҳаётини қуради ва фарзандлари ҳамда ўзининг бахти учун энг аввало ўзи замин яратади.

6-мавзу
**Мустақиллик ва Ўзбекистонда
демократик жамиятга ўтиш жараёни**

Сиёсий ўтиш даври Мустамлака ва ярим мустамлакачиликдан озод бўлган давлатларнинг тараққиёт тажрибалари кўрсатмоқдаки, мустақилликни қўлга киритган давлатлар ўзларининг юксак даражаларига бирданига эмас, балки маълум бир тарихий босқичларни босиб ўтганлар. Ана шу босқичларнинг биридан иккинчисига ўтишларида, албатта, ўз бошларидан маълум бир оралиқ босқични босиб ўтганлар. Бундай босқич барча мамлакатлар учун умумий қонуният ҳисобланиб, политологияда сиёсий ўтиш даври дейилади.

Хўш, сиёсий ўтиш даври нима учун умумий қонуният ҳисобланади? Чунки мамлакатнинг бир ижтимоий сиёсий тузумдан иккинчисига ўтиши жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Бу давр эскининг ўрнида янгининг шаклланиши билан боғлиқ. Бу жараёнда тараққиёт талабларига жавоб бермаётган, давлат сиёсий ҳаёти негизлари билан боғлиқ бўлган барча механизмларини тугатиб, унинг ўрнига янгича тараққиёт эҳтиёжларига жавоб берадиган янги механизмларни шакллантириш жараёнларини тақозо этади.

Ўтиш даврининг зарурлиги ва унинг ўта мураккаб муаммоси— бу эски тузум, унинг тартиб қоидалари, анъаналар, бошқарув тизими, маънавий-мафкуравий асослари ва дунёқараши билан яшаган аҳолининг онги ва сиёсий тафаккурини тубдан янги шаклланаётган тузумга ўрганиши, мослашиши, яна ҳам аниқроғи, уларнинг кўникиши билан боғлиқ бўлади. ✓

Бугунги кунда дунёнинг тараққий қилган мамлакатлари тажрибалари кўрсатмоқдаки, улар қандай тарихий босқичларни босиб ўтмасинлар, уларнинг бугунги юксак даражага, аҳолининг фаровонлигига эри-

шишларини таъминлаган асосий омил — демократик тараққиёт йўлини танлаганлиги ва эга бўлганидир.

Ўтиш даври демократик тамойилларга асосланган жамиятни вужудга келтириш учун, зарур бўлган ислохотларни амалга ошириш учун, заминларни тайёрлаш учун зарур бўлган оралиқ муҳлат ҳисобланади.

Маълумки, демократия сиёсий жараёнлар тараққиёти омили бўлибгина қолмасдан, шунинг билан бирга, инсоннинг ўз-ўзини англаши, сиёсий қадрқимматини таъминлашни ҳам кафолатлайди.

Демократик тамойилларни таъминлаган ва тараққиётга эришган бир қатор мамлакатларнинг тажрибаларидан маълумки, бу жамиятта ўтишнинг асосан учта йўли вужудга келди. Уларнинг биринчиси классик йўл ҳисобланади. Ўтиш даври бу йўлининг хусусияти шундаки, у узоқ тарихий даврда амалга ошди ва мамлакат иқтисодий ҳаётида хусусий мулкчилик етакчи ўрин эгаллайди. Бу аҳолининг хоҳиш-иродасидан ва моддий аҳволининг мураккаб ҳолатга тушишидан қайти назар, уларни шаклланаётган тартибга ўрганиш ва қўнишга мажбур қилиб боради.

Шунинг учун бу йўлни ўз бошидан кечирган Европа мамлакатларида жуда катта сиёсий бўҳронлар, инқилоблар содир бўлган эди. Бу йўлдан борган мамлакатлар 2-2,5 асрдан иборат бўлган ўтиш даврида демократик қадриятларни шакллантирдилар ва юксак тараққиёт даражаларига кўтардилар.

Ўтиш даврининг иккинчиси инқилобий йўл ҳисобланади. Бундай мамлакатлар ва сиёсий-ижтимоий муаммоларнинг илдизи хусусий мулкчиликдан деб ҳисобланади. Сиёсий ҳаётнинг ўзгаришига айрим «синф, пролетариат» манфаатидан келиб чиққан ҳолда ёндашилади. Пролетариат диктатурасини ўрнатиш роясини амалга ошириш барча иштилофларни ҳал этишнинг йўли сифатида баҳоланади. Иجتимоий тенглик асосида демократик, эркинлик тушунчалари муҳим қадрият

сифатида инсонлар онгига сингдирилади. Шу асосда мамлакат сиёсий ҳокимияти бир тизимдан иккинчисига ўтади. Яъни эски ҳокимият ва бошқарув ўрнига янгиси, хусусан, «демократик тамойиллар»ни таъминлашга йўналтирилган ҳокимият ўрнатилади. Бу ўз навбатида мамлакатнинг сиёсий иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларининг ўзгаришига олиб келади. Инқилобий йўл учун асосий шарт шуки, бунда демократик тамойилларнинг бир қатор куртаклари, албатта, эски тизим шароитида шаклланаётган бўлишидир. Ҳеч бўлмаганда ана шу шароитнинг вужудга келиши зарурдир. Ўтишнинг бу йўлини собиқ жаҳон социализм тизимига кирган айрим мамлакатлар ўз бошидан ўтказдилар. Тўғри, уларнинг айримларида бу жараён ўта мураккаб кечмоқда. Муҳими, ана шу мураккаб ҳолатларга қарамасдан, демократик жараёнлар ривожланиши учун айрим имкониятлар вужудга келмоқда.

Ўтиш даврининг учинчи йўли босқичма-босқич ёки эволюцион йўл ҳисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, сиёсий ҳокимият кўлга ўтгач, эски механизмлари бирдан йўқотилиб юборилмаслиги, аста-секинлик билан тугатилиб борилишига асосланилади. Уларнинг ўрнига янгилари вужудга келтирилади. Сиёсий соҳада амалга ошириладиган ана шу тадбирларга мос равишда янги сиёсий-ижтимоий, иқтисодий тизим ва маънавий-мафкуравий салоҳият шакллантирилади.

Хўш, нима учун аста-секинлик билан ўтиш зарурияти туғилади? Чунки, мустақиллик туфайли ўтиш даври бошланиши янги сиёсий тузимнинг иқтисодий заминлари, халқнинг моддий даражалари, бир томондан, заиф бўлса, иккинчи томондан, эски тузумга мослашган бўлади. Бундан ташқари халқнинг дунёқараши, моддий бойликларни яратишга бўлган муносабатларида эски тузум асоратлари кучли бўлади. Ана шу сабабларга кўра, ўтишнинг эволюцион йўли-

да эскиларидан ҳам уддабуронлик билан фойдаланилади ва янгиси вазминлик билан яратилади.

Ўтишнинг эволюцион йўлининг ижобий томони шундаки, халқ янги сиёсий ва иқтисодий, маданий ҳаётга аста-секинлик билан «мослаштирилиб» борилади. Бу эса жамиятда содир бўлиши мумкин бўлган социал «портлашлар»нинг олдини олиш, қарама-қаршиликларни бартараф этиб бориш имкониятини яратиб беради.

Тажриба кўрсатмоқдаки, мустамлака ва ярим мустамлакада бўлган мамлакатларнинг қайси бири ўтишнинг учинчи, яъни эволюцион йўлини танлаган бўлса, улар ўз олдига қўйган мақсадларига сиёсий бўҳронларсиз эришиб келмоқдалар. Мамлакатларнинг қайси бири ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин янги жамиятга ўтишнинг инқилобий йўлидан борган бўлсалар, уларда катта социал «портлашлар» содир бўлмоқда. Бунинг оқибатида жамият гуруҳларга бўлиниб, улар ўртасида ҳокимият учун ўзаро курашлар содир бўлмоқда ва фуқаролар урушлари вужудга келмоқда.

Ўтишнинг у ёки бу йўлини танлашда умумий қонуниятлар билан бирга ҳар бир мамлакат ва миллатларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам катта амалий аҳамиятга эгадир. Шу маънода биронга мамлакатга бошқа мамлакатларнинг тажрибаларини айнан татбиқ қилиб бўлмайди. Аммо, уларнинг барчаси учун ўтиш даврининг зарурлиги умумий қонуният ҳисобланади.

**Ўзбекистонда ўтиш
даврининг бошланиши**

Ўзбекистон сиёсий мустақиллигини қўлга киритишнинг ҳукуқий асос-

ларининг яратилиши Олий Кенгашнинг иккинчи сессиясида 1990 йил 20 июнда қабул қилинган «Мустақиллик Декларацияси»нинг қабул қилиниши билан бошланди. Унинг ўз сиёсий мустақиллигини тўла қўлга олиши ҳамда янги жамиятга ўтиш

даври 1991 йилнинг 31 августида Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари ўтказилган олтинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти»нинг эълон қилиниши ва «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг амалда ўз мустақиллигини ва сиёсий ҳокимиятни қўлга киритганлиги билан боғлиқ.

Ўзбекистоннинг янги жамиятга ўтиши бир қатор хусусиятларга эга. Жумладан, ўтиш даврининг классик йўлини ўз бошидан кечирган мамлакатларнинг аксарият қисми ўз мустақиллигига тўла эга бўлган ҳолатда янги жамиятга ўтиш жараёнини амалга оширган эдилар. Ўтишнинг инқилобий йўлидан борган мамлакатлар эса, жаҳон социализм тизими барбод бўлиши ва уларнинг мустақил йўлни танлаши билан бошланган эди. Ўзбекистонда эса амалда собиқ марказга қарам ҳолатидан мустақилликка эришиш билан ўтиш даври бошланди.

Ўзбекистон учун сиёсий ўтишнинг мураккаблиги шунда эдики, давлат ҳокимияти, бошқарув тизими ва бошқа институтлар собиқ марказ томонидан вужудга келтирилган ва тоталитар режим ўзининг тўла ҳукмронлигини ўрнатган эди. Уни бир «зарба» билан тугатиш, яна ҳам аниқроғи қонунларни бугун қабул қилиб, эртага улар асосида демократик жамиятга ўтиш мумкин эмас эди. Чунки тоталитар режим ўз таъсирини барча соҳаларга ўтказиб, жамиятда тизимга айланган эди. Бундан ташқари аҳолининг тоталитаризм иллатларидан қутилиши янги дунёқараш ва тартиботларга кўникиб боришини таъминлаш мураккаб эди. Боз устига мустақилликнинг дастлабки йилларида қарамлик ҳолатига тушиб қолиш хавфи бутунлай тугамаган эди.

Ана шундай вазиятда демократик жамиятга ўтишнинг энг мақбул йўлини танлаш зарур эди. Республика Президентининг бу мураккаб ҳолатдан чиқиб кетиш борасида танлаган босқичма-босқич ўтиш йўли ўзининг тўғри эканлигини ўтган давр ичида амалга оширилган ишлар натижалари тасдиқлади. Ўзбекистонда танланган бу йўлнинг муваффақияти шундаки, унга биноан ўтиш даври бошланган пайтда давлат ҳокимиятининг айрим механизмларидан, унинг кадрлар салоҳиятидан ҳам унумли фойдаланилди. Бу эса янги қурилкочи бўлган демократик жамиятнинг кадрларини ва давлат ҳокимияти механизмларини вазминлик билан аста-секин шакллантириш имкониятини берди.

Ўзбекистонда ўтиш даврида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар кўламч тўғри белгилаб олинди. Ўтиш даври шунинг учун ҳам умумий қонуниятки, у эски умри тутаган жамият асоратларига янги қурилкочи бўлган жамият барҳам беради. Ўтиш даврида янги жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий асослари вужудга келтирилади. Хусусан, сиёсий соҳада бу даврда эски давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими тугатилади, янги жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий асослари вужудга келтирилади ва давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими шакллантирилади. Иқтисодий соҳада демократик жамиятнинг асосий шарти бўлган ягона мулк шаклига асослаган эски иқтисодий тизим тугатилади. Инсон манфаатларига хизмат қилувчи, унинг қобилиятини юзага чиқарувчи ва эркин фаолият кўрсатишини таъминловчи бозор муносабатларига ўтишнинг иқтисодий шарт-шароитлари, ҳуқуқий асослари яратилади ва аста-секин уларни реал ҳаётга тадбиқ қилиш амалга оширилади. Маънавий-мафкуравий соҳада ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилади. Жумладан, эски тузумга хизмат қилган, инсонларнинг онги ва қалбига

зўравонлик билан киритилган ягона мафкура ва дунё-қарашдан озод бўлинади ва янги демократик жамиятнинг маънавий-мафкуравий салоҳияти вужудга келтирилади. Жамиятда турли фикрлилик тамойилининг устувор бўлишига эришилади.

Кўриниб турибдики, ўтиш даври ниҳоятда мураккаб босқич ҳисобланади. Унинг моҳияти ва вазифаларини теран англаш ҳамда шу асосда фаолият кўрса-тиш кутилган мақсадга эришишнинг гарови ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўтиш даврида амалга оширили-ши зарур бўлган вазифалар изчиллик билан реал ҳаётга тадбиқ қилинмоқда. Энг асосийси, демократик кучли фуқаролик жамиятга ўтиш учун зарур бўлган ўтиш даврining биринчи навбатдаги асосий вазифалари тўғри белгилаб олинди. Ушар мавҳум ҳаёллар асосида эмас, балки президент томонидан ишлаб чиқилган аниқ концептуал ғоялар асосида амалга оширилмоқ-да. Айниқса бу концепциядаги давлатнинг бош исло-ҳотчилик роли зарур эканлигининг илмий асослани-ши жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлди. Чунки ўтиш даврида давлат жамият ҳаётининг жоловини қўйиб юбориши қўлга киритилган мустақилликни ҳам хавф остига қўйиши мумкин эди.

Давлат мамлакатда амалга ошириладиган ислоҳот-ларнинг қонуний асослашни яратмас экан, мамла-катда гуруҳбозлик, манфаатларни ҳимоя қилиш ба-ҳонасида турли зиддиятларнинг вужудга келиш хав-фи мавжуд бўлиши ҳам мумкин эди. Бундай ҳолат МДХ мамлакатларининг кўпчилигида содир бўлган-лиги фикримизга ёрқин мисол ҳисобланади.

Бундан ташқари, демократик кучли фуқаролик жамиятининг вужудга келиши давлатнинг «йўқ» бўли-шини билдирмайди, балки унинг механизмларининг табиий ишлаш тизимига ўтишини билдиради. Шу маънода ҳам ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳот-

чи сифатидаги ўрни ва ролининг сақланиб қолиши мамлакатда содир бўлиши мумкин бўладиган турли салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун амалий аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистонда танланган ўтишнинг эволюцион йўли жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам уни жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари ўрганмоқдалар ва ўзлари учун мақбул бўлган томонларини қабул қилмоқдалар.

Фуқаролик жамиятининг негизларини вужудга келтириш йўллари

Демократик жамият халқнинг жамият сиёсий ҳаётида иштирок этишини таъминлашга қаратилган.

Аммо, бу вазифани осонлик билан амалга ошириб бўлмайди. Чунки, юқорида таъкидланганидек, эски тузум асоратларидан қутилиш ва янги жамиятда демократик жараёнларнинг бошланишига эришиш фаол меҳнат қилишни талаб этади.

Айниқса, демократик жараёнларнинг амалга оширилишида изчиллик талаб этилишини эсда сақлаш лозим. Чунки, демократик жамият қонунлар устуворлигини амалда таъминлаш билан белгиланади. Қонунлар бузилган, улар назар-писанд қилинмаган ҳар қандай ҳолатларда демократия бўлмайди.

Демократик жамият учун зарур бўлган имкониятлар ўтиш даврида яратилади. Барча соҳаларда демократик тамойиллар босқичма-босқич амалга оширилади.

Ўтиш даврининг муҳлатини ва вазифаларининг амалга оширганлик даражаларини мамлакатда демократиянинг умум эътироф этилган тамойилларга қай даражага амалда эришганлиги белгилаб беради.

Демократик жамият ҳам ўз навбатида фуқаролик жамиятига ўтишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Фуқаролик жамияти инсониятнинг идеали бўлиб, у сиёсий қарашлар тарихида алоҳида ўринни эгаллаб келмоқда.

Фуқаролик жамияти тўғрисида Аристотел, Платон, Фобий, Кант, Гегел ўз асарларида фикрларини баён этганлар. Жумладан, Аристотел жамиятни бошқаришда унинг қонуний асосларига асосий эътиборни қаратган.

Буюк бобомиз Абу Наср Фобий давлат ва жамиятни бошқариш масалаларини таҳлил қилган. Хусусан, у ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида жамиятнинг тузилиши тўғрисида, фозиллик ва жоҳиллик сабаблари, фозиллар шаҳри ҳокими, унинг фазилатлари тўғрисида қимматли фикрларни билдирган.

Адолатли жамият ва уни бошқариш масалаларига Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам ўз асарларида кенг эътиборларини қаратганлар. Уларнинг билдирган фикрлари фуқаролик жамиятини қуришда катта аҳамиятга моликдир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик жараёнларни ривожлантириш асосида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш борасида назарий ва амалий ишлар бажарилди. Шу жумладан, фуқаролик жамиятининг моҳияти ва уни ривожлантириш масалалари тўғрисида Президент И.А. Каримов томонидан билдирилган фикрлар моҳияти жиҳатдан теран ва жуда бой, ҳаётийлиги билан алоҳида аҳамиятга молик. У Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини қуришга интилаётганлигини таъкидлаб, бу жамиятнинг маъносини характерлаб: «Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир», — деб кўрсатди.

Фуқаролик жамияти қурилиши жараёнида давлат икки хил йўл билан, яъни жамият ҳаётининг қонуний асосларини яратиш ҳамда қатъий назорат ўрна-

тиш орқали яратувчилик ишларини амалга оширишга шарт-шароит тайёрлаб беради. Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифаларнигина амалга оширади. Мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда демократик жараёнларни такомиллаштириш ва фуқаролик жамиятини қуришда ўзини ўзи бошқаришнинг энг муҳим имкониятларидан бири бўлган маҳалланинг роли ниҳоятда каттадир. У ўзбек халқининг энг муҳим қадриятларига айланган ва миллий давлатчилигимиз ривожланишига ўзининг катта таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Демократик жамиятни қуриш жараёни ва жамият ижтимоий тузилишида, ижтимоий гуруҳ ва қатламлар, миллий муносабатлар, оила-турмуш муносабатларида ҳам муайян ўзгаришлар билан характерланади. Давлатнинг ўрни ва мавқеига янгича қарашнинг амалда жорий этилиши билан ижтимоий муносабатларда инсон ва умуминсоний тамойиллар, қадриятларга алоҳида аҳамият берила бошланди. Сиёсий ислохотлар ижтимоий муносабатларда ҳам демократик тамойилларнинг устуворлигини таъминлайди. Ана шу ўзгаришларни изчиллик билан амалга ошириш орқали фуқаролик жамиятига ўтила борилади.

Фуқаролик жамияти инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатларининг устуворлиги тамойилига асосланади. Ҳар қандай қонун, ҳаракат соҳасидан қатъий назар, ишлаб чиқиладиган ва муҳокама этиладиган пайтида, шунингдек, уни амалда таъминлашда инсон манфаатлари, ҳуқуқларига ҳанчалик мос тушиш даражасига қараб, ҳуқуқий давлатга эришиш мумкин. Фуқароларнинг қонун билан яшаши ҳаётий заруриятга айланиши ва жамият ҳаётида

фуқароларнинг фаол иштироки тизими вужудга келиши фуқаролик жамиятининг асосий мезонларидан бири бўлади.

Ўзбекистонда демократик тамойилларнинг шаклланиб бораётганлиги мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш учун мустаҳкам замин тайёрламоқда. Мустақиллик йилларида давлат ҳокимияти тизимини, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда демократик жараёнларни ривожлантириш тараққиётимизни таъминлашнинг асосий омилига айланди. Уларни изчиллик билан давом эттириш эса кучли фуқаролик жамиятини қуриш имкониятини беради.

Маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вазифаларини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич ўтказиб бериш, нодавлат ва жамоат тузилмалари ҳуқуқи ва мавқеини оширишни кўзда тутадиган «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» концепциясини амалга оширишга¹ шарт-шароит яратади.

7-мавзу

Сиёсий ҳокимият

Сиёсий ҳокимият тушунчаси

Политологияда «ҳокимият», «сиёсий

ҳокимият», «давлат ҳокимияти» атамалари муҳим ўрин тутadi. Ҳокимият — энг сирли, мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий ҳодиса. Уни тушунтиришда хилма-хил ёндашувлар, талқинлар мавжуд.

1. Позитив-социологик талқин (немис социологи М. Вебер). Бу талқинда ҳокимият бирор индивиднинг муайян ижтимоий шароитда бошқа индивидга ўзи-

¹Қаранг. И.А. Каримов. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар. Асарлар, 8-жилд, 496-бет.

нинг иродасини ўтказиш қобилияти сифатида тушунилади. Ҳокимият муносабатларининг асосини ўзаро таъсир доирасига киритиш муносабатлари ташкил этади. Бундай муносабатлар ҳокимият субъекти ва объекти ўртасида қарор топади.

2. Ҳокимиятнинг мақсад нуқтаи назарида талқини (Б. Рассел). Бу талқинда ҳокимият муайян мақсадга эришиш, кўзда тутилган натижаларга эга бўлиш қобилияти сифатида тавсифланади. Қисқа қилиб айтганда, ҳокимият — бу кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришдан иборатдир. Бунда ҳокимият кенг маънода талқин этилади. Бунда ҳокимият нафақат кишилар ўртасидаги муносабатларни, балки инсоннинг атроф-муҳит билан, табиат билан ўзаро алоқаларини ҳам ўзичига қамраб олади.

3. Бихевиористик талқин. Бу талқинда ҳокимият субъект ҳуқ-атворининг кўричилиги сифатида олиб қаралади. Бунда бировлар буюрадилар, бошқалар эса бўйсунадилар.

Бихевиористик ёндашув ҳокимиятни тушунишни индивидуаллаштиради, уни реал шахсларнинг ўзаро ҳаракатидан иборат деб қарайди.

Ҳокимиятнинг бихевиористик талқинини Америка олими Г. Лассуэл таклиф этган. У ҳокимиятнинг пайдо бўлиши учун дастлабки импульсларни индивидга, инсонга хос бўлган ҳокимиятга интилиш ва «сиёсий энергияга» эгалик қилишлик беради, деб ҳисоблайди. Инсон ҳокимиятга интилишда ҳаётни яхшилаш, бойлик, обрў орттиришни, эркинликка, хавфсизликка ва ҳоказоларга эришиш воситаларини кўради.

Шу билан бирга, ҳокимият — бу уни эгаллаш билан ҳузурланишга имкон берадиган мақсад ҳамдир. Сиёсий ҳокимият сиёсий кучлар интилишларининг тўқнашуви, баланси, мувозанати сифатида қарор топади. Сиёсий кучлар мувозанатининг бузилиши эса жамиятда инқирозлар ва ихтилофларга олиб келади.

4. Психологик талқин (З.Фрейд, К.Густав, Юнг, К.Хорни). Бу талқин ҳокимиятни реал индивидларнинг

хулқ-атвори сифатидаги бихевиористик тушунишдан келиб чиқади. Хулқ-атворнинг субъектив томонини, кишилар онги ва руҳиятида илдиш отган ҳокимиятнинг манбаини очиб ташлашга уриниб кўради. Бу ҳилдаги энг кўзга кўринган йўналишлардан бири — психоанализдир. У ҳокимиятга интилишни ва айниқса, уни эгаллашни жисмоний ёки маънавий заифликни субъектив компенсация қилиш вазифасини бажарадиган руҳий ҳолат кучи сифатида талқин этади. Ҳокимият турли кучларнинг ўзаро ҳаракати — бировларнинг бўйсунлишга, бошқа бировларнинг «ихтиёрий кўшилишга» тайёргарлиги сифатида намоён бўлади. Фрейднинг эътирофи эътишога, инсон психикасида шундай тузилмалар борки, улар шахсий ҳимояланганлиги ва тинчлиги учун куллик эркинлигини афзал қуришга мойиллик туғдиради.

Умуман, психологик ёндашув ҳокимият механизми мотивларини буйруқ бериш — итоат этиш муносабати сифатида очиб беришга ёрдам беради.

5. Ҳокимиятнинг тизимли талқини. Бу ҳокимиятга бихевиористик ва психологик ёндашувдан фарқ қилади. Агар бу икки йўналиш реал кузатишларга таяниб ҳокимиятни тушунишда қуйидан юқорига, индивидлардан жамиятга қараб боришни талаб қилса, тизимли усул эса ҳокимиятнинг индивидуал муносабатлардан эмас, балки социал тизимдан ҳосил бўлганлигидан келиб чиқади. У ҳокимиятни тизимнинг қабул қилган жамоа мақсадларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган мажбуриятларни унинг элементлари томонидан бажарилишини таъминлаш қобилияти сифатида олиб қарайди. Тизимли ёндашувнинг айрим вакиллари (К.Дойч, Н.Луман) ҳокимиятни гуруҳий ихтилофларни тартибга соладиган ва жамиятнинг бирлашишини таъминлашга имкон берувчи социал муомала воситаси сифатида ифодалайди.

6. Ҳокимиятнинг тузилмаларий-функционал талқини (америкалик социолог Т.Парсонс). Бу ҳокимиятни тенг бўлмаган субъектларнинг муносабати, ижтимоий ташкилот-

нинг хусусияти, инсонлар бирлигининг ўзини-ўзи ташкил этиш, уюштириш, сафарбар қилиш услублари сифатида олиб қарайди. Инсоннинг жамоа бўлиб яшашини, кўп кишиларнинг биргаликдаги ҳаётини ҳокимиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жамият турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлардан иборат бўлган яшотилиқдир. Унинг ўзи қуйидан юқорига қараб тузилади, бошқарадиган ва ижро этувчи ижтимоий қатламни шакллантиради. Ҳокимият — бу ресурсларни, таъсир кўрсатиш воситаларини сафарбар қилишга имкон берувчи социал мақомлар, унинг таъсири хусусиятида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ҳокимият — раҳбар лавозимларни эгаллаш ва муайян функцияларни бажариш билан боғлиқ фаолиятдир. Раҳбар лавозимлар эса оқилона ва нооқилона чора-тадбирлар, рағбатлантириш ва жазолаш ёрдамида кишиларга таъсир қилиш имконини беради.

7. Реляцион муносабатга асосланган талқин. Бу ҳокимиятнинг икки шерик ўртасидаги муносабат сифатида олиб қарайди. Бунда улардан бири иккинчисига белгиловчи таъсир кўрсатади. Бу ҳолда ҳокимият унинг субъекти ва объектининг ўзаро ҳаракати сифатида намоён бўлади, субъект муайян воситалар ёрдамида объектни назорат қилади.

Ҳокимиятнинг талқинлари, ёндошувлари бир-бирини тўлддиради ва бойитади. Уларга диққат эътиборни қаратиш ҳокимият назариясини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишнинг зарур шартидир.

Ҳокимиятнинг тузилиши ва кўринишлари

Ҳокимият бир қатор тузилмалардан иборат бўлади. Унинг таркибига субъект, объект ва ресурслар киради. Улар ҳокимиятнинг бевосита ташувчисидир.

Субъект — ҳокимиятнинг фаол, йўналтирувчи кучи. У алоҳида инсон, социал гуруҳ, кишиларнинг бирлиги, мисол учун халқ ёки жаҳон ҳамжамияти, дав-

лат институтлари, сиёсий партиялар бўлиши мумкин. Бироқ, ҳар қандай инсон ҳокимиятнинг субъекти бўлавермайди. У ҳокимият субъекти бўлиши учун қатор сифатларга эга бўлишлиги зарур. Авваламбор, бу ҳокимликка хоҳиш-истак, кўрсатмалар ёки буйруқларда кўринадиган ҳокимлик қилиш — таъсир эта олиш қобилиятига, мақомига эга бўлиш лозим. Кўпчилик кишилар ҳокимиятга эга бўлишдан руҳий қониқиш ҳис этмайдилар. Улар учун ҳокимият ўз-ўзидан бойлик воситаси ҳисобланмайди. Кўплар агар ҳокимият турли имтиёзларни олиш учун кенг имкониятлар очиб бермаганда умуман раҳбарлик лавозимларидан ва улар билан боғлиқ бўлган масъулиятдан ўзларини олиб қочган бўлур эдилар.

Улар учун ҳокимиятга интилиш инструментал характерга эга, тўғри бошқа бир мақсадларга эришиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ҳокимиятга интилиш эҳтиёжи мавжуд. Лекин бу уни ҳамма вақт ҳам ижобий ҳолат, фаолият кўриниши сифатида қарашга асос бермайди. Ҳокимият ўзига жалб этиши, фойдаланиши, тўғри баҳолай олиш, ҳолисона ёндошиш механизмларини қўллаш керак.

Ҳокимият субъекти раҳбарлик қилишга хоҳиш-истак ва масъулиятни ўз бўйнига олишликдан ташқари у билимдон бўлиши, ишнинг маъно-мазмунини, қўл остидагиларнинг ҳолати ва кайфиятини билиши, ресурслардан фойдалана олиши, обрў-эътиборли бўлиши даркор. Жамият учун ҳокимият субъектининг уюшқоқлиги муҳим аҳамиятга эга. Албатта, ҳокимиятнинг реал ташувчиларини ушбу сифатлар билан бир хил даражада таъминланган деб бўлмайди.

Ҳокимиятнинг субъектлари мураккаб, кўп даражали характерга эга. Унинг бошланғич субъектлари — индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар, иккинчилари-сиёсий ташкилотлар, энг юқори даражадаги субъектлари — сиёсий элиталар ва етакчилардир. Ушбу даражалар ўрта-

сидаги алоқалар доимо бир текисда ва силлиқ бўлавермайди. Бу алоқалар бузилиши ҳам мумкин. Масалан, етакчиларнинг халқдан, ҳатто ўзининг партиясидан узилиб қолиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради.

Ҳокимият субъекти объект билан ўзаро муносабатларида биринчи даражали рол ўйнайди. У ҳокимият муносабатларини кўрсатмалар (буйруқ) орқали ифодалайди. Бу кўрсатмаларда ҳокимият объектнинг хулқ-атвори, буйруқни бажарганлик ёки бажармаганлик учун рағбатлантирувчи ва жазолаш чоралари кўзда тутилади. Ижро этувчиларнинг муносабати мавжуд талабларнинг характериға кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Объект — ҳокимиятнинг иккинчи муҳим элементи. У ҳокимият субъекти қарорларининг бевосита бажарувчиси. Объект ҳам, худди субъект сингари ҳокимиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Бу элементсиз ҳокимиятни тасаввур этиб бўлмайди. Ҳокимият объектини қуйидагилар: индивид, социал гуруҳ, синф, жаҳият ташкил этади.

Ҳокимиятнинг асосини ёки манбаини ресурслар ташкил этади. Бу ресурслар ҳокимият субъекти томонидан ҳокимият объектига илгари сурилган вазифага эришиш мақсадида таъсир кўрсатиш учун фойдаланилади. Ресурслар кишиларни рағбатлантириш, жазолаш ёки ишонтиришда қўлланилиши мумкин. Субъект ва объект муносабати ўзаро таъсир этиш ёки таъсир доирасига эга бўлиш билан боғлиқ тарзда ўзгариб туради.

Ҳокимият ресурслари хилма-хил бўлади. Улар бир неча турларға: утилитар, мажбурловчи ва меъёрий ресурсларға бўлинади.

Утилитар ресурслар — бу кишиларнинг кундалик эҳтиёжлари ва талабларини қондириш билан боғлиқ бўлган моддий ва бошқа ижтимоий воситалардир. Бу воситалардан кишиларни рағбатлантириш, жазолаш учун ҳам фойдаланилади.

Мажбурловчи ресурслар — бу маъмурий жазолаш билан боғлиқ бўлган воситалардир. Бу воситалардан одатда утилитар ресурслар иш бермай қолган пайтда фойдаланилади. Бунга иқтисодий санкциялар билан бирга иштирокчиларни қонун йўли билан ёки бошқа мажбурий маъмурий таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланишни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Меъёрий ресурслар — инсоннинг ички дунёси, қадриятлар ва ҳуқ-атвориға таъсир кўрсатувчи воситалардир. Улар бўйсунувчиларға раҳбар ва ижро этувчилар манфаатларининг умумийлигини тушунтиришга, ҳокимият субъекти ҳаракатларининг маъқуллалишини, унинг талаблари қабул қилилишини таъминлашга қаратилган.

Ҳокимиятнинг ресурсларини инсон ва жамият фаслиятининг муҳим соҳалари — сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, социал, маданий-ахборот, куч ишлатувчи соҳаларға биноан туркумлаштириш ҳам мумкин.

Сиёсий-ҳуқуқий ресурслар — бу ижтимоий тартибни, ҳавфсизликни, барқарорликни, фуқароларнинг тинч-осойишталигини, жамиятнинг яхлитлиги ва бир бутунлигини таъминловчи воситалардир. Бу воситаларға дастурий ҳужжатлар, Конституция, қонунлар ва уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалға ошириш билан боғлиқ бўлган муассасалар киради.

Иқтисодий ресурслар — бу ижтимоий ва хусусий ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш учун зарур бўлган моддий бойликлар, уларнинг умумий эквиваленти сифатида пуллар, техника, унумдор ерлар, ерости қазилма бойликлари ва ҳоказолардир.

Социал ресурслар — социал стратификациядаги социал қатламлар мавқега эга бўлиш, унинг ошиш ёки пасайиш ҳолатидир. Бу ресурслар қисман иқтисодий ресурсларға ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, даромад ва бойлик иқтисодий ресурслар бўлиши билан бирға социал мақомни ҳам тавсифлайди. Бироқ, соци-

ал ресурсларга лавозим, обрў, маълумот, медицина хизмати, ижтимоий таъминот каби кўрсаткичлар ҳам киради.

Мадааний-ахборот ресурслари — билим ва ахборот ҳамда уларни олиш ва тарқатиш воситалари: фан ва таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалардир. Таниқли америка олими О. Тоффлернинг эътироф этишича, XX аср охири — XXI аср бошларида билим ва ахборот ҳокимиятнинг муҳим ресурсига айланади. Ҳозирги кунда постиндустриал мамлакатларда билим ва ахборот ҳокимият амал қилишининг белгиловчи омилига айланган. Анъанавий куч ва бойлик ўзининг илгариги таъсирини йўқотмоқда. Ким билим ва информацияга эга бўлса, ўша чинакамга юқори мавқега, ҳокимиятга эга бўлади.

Куч ишлатувчи ресурслар — бу қурол-яроғ, жисмоний мажбурловчи муассасалар ва бунинг учун махсус тайёрланган кишилардир. Уларнинг ўзагини армия, полиция, хавфсизлик хизмати ташкил этади. Ресурсларнинг мазкур кўринишлари ҳокимиятнинг азалдан энг самарали манбаи ҳисобланган. Сабаби, унинг фойдаланиши инсонни олий қадриятлар — ҳаётдан, эркинлик ва мол-мулкдан маҳрум қилишга қодирлигидир. Ҳокимиятнинг турли ресурслари одатда унинг субъектлари, аввало давлат идоралари томонидан комплекс равишда қўлланилади.

Демографик ресурслар — ҳокимиятнинг манбаи билан боғлиқ ресурсларидир. Бу ресурс бошқа ресурсларни ишлаб чиқарувчи универсал, кўп функцияли ресурсдир. Инсон — моддий бойликларнинг яратувчиси, аскар ва партия аъзоси, билим ва ахборотнинг эгаси ва тарқатувчисидир. Шахс ўзининг кўп сонли қирраларидан бирида — бировнинг иродасини амалга оширувчи восита сифатида фойдаланилганда ҳокимиятнинг ресурси бўлиб юзага чиқади. Умуман, инсон нафақат ҳокимиятнинг ресурси, балки унинг субъекти ва объектидир.

Ҳокимият қандай ресурсларга асосланишига кўра, сиёсий, иқтисодий, социал, маданий-ахборот, мажбурловчи ҳокимиятларга ажратилади.

Ҳокимиятнинг энг асосий ва ўзига хос кўринишларидан бири — сиёсий ҳокимиятдир. У жамият ҳаётида алоҳида ўринни эгаллайди. Бу шу билан белгиланадики, сиёсий ҳокимият жамият ва давлат ҳаётини бир бутунлигича ва яхлитлигича қамраб олади, уни йўналтиради ва тартибга солади, ҳокимиятнинг бошқа барча кўринишларини бирлаштиради, уларни халқ манфаатларига бўйсундиради. Сиёсий ҳокимиятсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Усиз жамиятда тартибсизлик, бош-бошдоқлик, ўзбошимчалик бошланади. Шунинг учун ҳам сиёсий ҳокимиятнинг асосий мақсади — ижтимоий ва давлат ҳаётини тартибга солиш, бошқаришдир.

Сиёсий ҳокимият — халқ иродасини амалга ошириш кишиларнинг сиёсий ҳаётдаги ўрни, сиёсатнинг тегишли сиёсий институтлар ёрдамида таъсир фаолияти, хулқ-атвориға белгиловчи таъсир кўрсатиш қобилияти ва имкониятидир.

Сиёсий ҳокимият қатор хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар қуйидаги белгиларда ўз ифодасини топади: 1) легитимлиги, яъни давлат миқёсида куч ишлатишдан фойдаланишнинг легаллиги; 2) ҳокимият учун қарорларнинг мажбурийлиги, истаган ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсата олишлиги. Сиёсий ҳокимият қудратли корпорациялар, ОАВ ва бошқа муассасаларнинг таъсирини қонунга зид бўлса, чеклаши ёки уларни умуман тугатиши мумкинлиги; 3) оммавийлиги, яъни умумийлиги. Бунинг маъноси шуки, сиёсий ҳокимият майда, контакт гуруҳларда мавжуд бўладиган шахсий ҳокимиятдан фарқли ўлароқ, ҳуқуқ ёрдамида барча фуқароларга бутун жамият номидан муурожаат қилишлиги; 4) бир марказлиги, қарорлар қабул қилиш ягона марказининг мавжудлиги. Бозор иқти-

содиётига асосланган демократик жамиятда сиёсий ҳокимиятдан фарқ қила туриб иқтисодий, социал ва маънавий-ахборот ҳокимиятнинг кўп марказлиги. Бунда кўплаб мустақил мулкдорлар, ОАВ, ижтимоий фондлар ва бошқаларнинг мавжуд бўлишлиги; 5) ресурсларнинг хилма-хиллиги; сиёсий ҳокимиятнинг нафақат мажбурловчи, балки иқтисодий ва маданий-ахборот ресурсларидан ҳам фойдаланиши.

Сиёсий ҳокимият жамиятда ҳокимиятнинг бошқа кўринишлари: иқтисодий, социал, маданий-ахборот, мажбурловчи ҳокимиятларга таянган ҳолда ҳаракат қилади.

Иқтисодий ҳокимият — ҳокимиятнинг мустақил кўринишларидан бири ҳисобланади. У сиёсий ҳокимиятдан фарқ қилади. Иқтисодий ҳокимият ресурслар устидан назорат қилиш, турли-туман моддий бойликларга эгаллик қилишни англатади. Бу ҳокимият жамият тараққиётининг одатдаги, нисбатан тинч даврларида ҳокимиятнинг бошқа кўринишлари орасида устуворлик қилади. Сабаби, иқтисодий назорат — бу инсон ҳаётининг бирор соҳасини шунчаки назорат қилиш эмас, балки жамиятнинг барча мақсадларига эришиш воситалари орасида алоҳида таъсир доирасига эгадир.

Ҳокимиятнинг мустақил кўринишларидан яна бири — **социал ҳокимият**дир. У иқтисодий ҳокимият билан чамбарчас боғланган. Агар иқтисодий ҳокимият моддий бойликларни тақсимлаш қобилиятини англатса, социал ҳокимият эса социал зинапоядаги ўринларни — мақомлар, лавозимлар, имтиёзларни тақсимлаш қобилиятини англатади.

Ҳозирги замон давлатлари катта социал ҳокимиятга эга. Улар социал сиёсат ёрдамида аҳоли кенг қатламларининг ижтимоий аҳволини яхшилашга сезиларли таъсир кўрсатишлари мумкин.

Маданий-ахборот ҳокимияти — бу илмий билимлар, ахборотлар ва уларни тарқатувчи воситалар ор-

қали кишилар маънавий дунёсига таъсир эта олиш имкониятига эга. Бундан ташқари, у ҳокимият нинг ахлоқий, диний ва бошқа кўринишларидир. Ҳозирги кунда илғор мамлакатларда маънавий таъсир этишнинг барча кўринишлари орасида илмий-ахборот биринчи ўринга чиқмоқда. Билимдан ҳукумат қарорларини тайёрлашда, кишиларнинг онгига бевосита таъсир этишда кенг фойдаланилмоқда. Бундай таъсир кўрсатиш ижтимоийлашув муассасалари (таълим, ОАВ) орқали амалга оширилмоқда. Ахборот турли-туман мақсадларга хизмат қилишга қодир. У ҳукумат фаолияти ҳақида нафақат объектив хабарларни тарқатишга, балки ноҳолисона, ноаниқ хабарларни ташвиқот-тарғибот қилиб, кишилар онги ва ҳулқ-атворини тўғри йўлдан чалғитишга хизмат қилиши ҳам мумкин.

Мажбурловчи ҳокимият — мажбурловчи ресурсларга таянадиган ва жисмоний куч ишлатишни қўллаш ёки куч ишлатиш ёрдамида кишиларга таъсир этишдир. У иқтисодий, маданий-ахборот етарли бўлмаганда амал қиладиган, уларни тўлдирадиган ҳокимиятдир. Куч ишлатишга таяниш — мажбурловчи ҳокимиятнинг муҳим хусусиятидир. Бундан мажбурловчи ва сиёсий ҳокимият айнан бир нарса экан, деган ҳулосани чиқармаслик керак.

Мажбурловчи ва сиёсий ҳокимиятни бир нарса, деб тушунишни ўринли деб бўлмайди. Куч ишлатишга, мажбурлашга сиёсий ҳокимият ҳам таяниши мумкин. Масалан, жиноий гуруҳларни тугатишда, ташқаридан бўладиган босқинчилик ҳаракатларини бартараф этишда мажбурловчи ресурслардан фойдаланилади. Бу билан уни мажбурловчи ҳокимият билан айнан бир нарса деб бўлмайди.

Сиёсий ҳокимият мажбурловчи ҳокимият сингари фақат куч ишлатувчи, мажбурловчи (жисмоний, моддий, руҳий) ресурсларга таяниш билан чекланиб

қолмайди. У ижтимоий муаммоларни ҳал этишда иқтисодий, социал ва маънавий-ахборот ресурсларига ҳам таянади. Шунинг учун ҳам мажбурловчи ҳокимият сиёсий ҳокимиятдан фарқ қилади.

Ҳокимият кўринишлари юқорида қайд этилганлар билан чекланмайди. У субъектига кўра давлат, партия, касаба уюшмаси, армия, оила ва бошқалар; қандай функцияларни бажаришига кўра қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига; ҳокимият субъекти ва объекти ўзаро ҳаракатининг услубига кўра — демократик, авторитар ва тоталитар ҳокимиятларга бўлинади. Шунингдек, ҳокимият таъсир кўламига кўра — халқаро ташкилотлар; макродаражада — давлатнинг марказий органлари; мезодаражада — вилоят, туман ташкилотлари; микродаражада боньянғич ташкилотлар таъсир этиш маконига эга бўлади.

Ҳокимиятнинг легитимлиги
ва турлари

«Легитимлик» атамаси ўзининг луғавий мазмунига кўра

французча «legitimite» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «қонуний» деган маънони англатади.

Ҳокимият легитимлиги одатда унинг қонунийлиги ва адолатлигини, фуқаролар томонидан ижобий баҳоланишини ва ихтиёрий тан олинанишини англатади. У ҳокимиятнинг обрўи билан, унинг мавжуд сиёсий институтларнинг оптималлигига эътиқодни шакллантириш ва сақлаб туриш қобилияти ва имконияти билан белгиланади.

Легитимлик ва легалликни айнан бир хил тушунчалар, деб бўлмайди. Агар легаллик ҳокимиятнинг ҳуқуқий асосланишини, унинг ҳуқуқий меъёрларга мос келишини англатса, легитимлик — бу ишонч, ҳокимиятни оқлаш ва қўллаб-қувватлашдир. Қонун чиқарадиган ҳар қандай ҳокимият уларнинг бажарилишини таъминламаганда ҳам легалдир. Шу билан

бирга нолегитим бўлиши, халқ томонидан қабул қилинмаслиги ҳам мумкин.

Ҳокимиятнинг легитимлиги бир хил эмас. У ўзининг мазмун-моҳиятига кўра хилма-хил турларига бўлинади.

Ҳокимият легитимлигининг учта классик турини (Макс Вебер) ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу турлар қуйидагилардан иборат:

1. Анъанавий легитимлик. У азалдан ўрнатилган тартибларнинг бузилмаслиги ва муқаддаслигига бўлган ишончга, ҳокимиятга бўйсунлиқ урф-одатларига биноан қарор топади. Унинг негизини сиёсий анъаналарга, урф - одатларга ишонч ташкил этади.

Анъанавий легитимлик монархияларга хос хусусиятдир. Бунда кўп асрлик анъаналарга, ҳокимиятнинг мерос тариқасида ўз ишига, фуқароларнинг ҳукмдорларга сўзсиз бўйсунлиқларига, улар ўртасидаги муносабатларнинг норасмийлигига асосланилади.

Анъанавий легитимлик тарихий жараёнда анча ўзгаришларга юз тутган бўлса-да, уни бугунги кунда ҳам кузатиш мумкин.

2. Харизматик легитимлик (юнонча «харизма» — худо томонидан инъом этилган илоҳий қобилият). Бу легитимлик раҳбарнинг ҳаддан ташқари илоҳий қобилиятга, ғавқулодда истеъдодга, яъни харизмага ишонишига асосланади. Унинг негизини тарихий анъаналар эмас, балки шахсга халқнинг чексиз ишончи ташкил этади.

Легитимликнинг харизматик тури анъанавий легитимликнинг тамомила аксидир. Анъанавий легитимлик анъана, урф-одатга боғланган бўлса, харизматик легитимлик, аксинча, шу пайтгача тан олинмаган тамомила янги нарсаларга, янги ғояларга асосланади.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, харизматик легитимлик кўпинча ўтиш даврларида тез-тез кузати-

лади. Ҳар бир тарихий давр муайян харизматик турдаги легитимликни илгари суради. Бундан ҳозирги давр ҳам истисно эмас.

3. Оқилона-ҳуқуқий легитимлик — легитимликнинг мустақил туридир. У легитимликнинг анъанавий, харизматик турларидан фарқ қилади. Оқилона-ҳуқуқий легитимлик фуқароларнинг алоҳида шахсларга эмас, балки давлат тузулишига бўлган ишончига асосланади. Унинг манбаини оқилона англаган манфаат ташкил этади. Бу манфаат кишилардан умумжаҳон томонидан эътироф этилган қоидалар бўйича шакллانган ҳукумат қарорларига ихтиёрий бўйсуннишни уйғотади.

Оқилона-ҳуқуқий легитимлик илғор, демократик давлатларга хос хусусиятдир. Бундай давлатларда кишилар раҳбар шахсга эмас, балки қонунларга бўйсунди, ҳокимият вакиллари демократик тамойиллар асосида сайланадилар ва ҳаракат қиладилар. Уларда конституция асосий ҳуқуқий акт ҳисобланиб, социал ҳуқ-атворларнинг муайян қоидаларини белгилаб беради. Бу қоидаларга барча фуқароларнинг, шу жумладан, сиёсий раҳбарларнинг ҳам қаттиқ риоя қилинлари урф-одатга айланади.

Ҳозирга замон сиёсий амалиётида оқилона-ҳуқуқий легитимликни соф, идеал ҳолда учратиш қийин. Уни кўпинча бошқа турлар билан боғланган, оқилоналикнинг анъанавийлик билан тўлдирилган ва бойитилган ҳолда учратиш мумкин.

8-мавзу

Сиёсий ҳаёт ва кўшпартиявийлик

Сиёсий партия тушунчаси Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил қилади. Сиёсий ҳаёт ижтимоий жараёнларнинг таъсирида давлат бошқа-

руви ва унинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. Жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги манфаатлар ва турли гуруҳ қатламлар ўртасидаги мувозанатни сиёсий партиялар таъминлайди. Сиёсий партиялар аввало жамият аъзоларининг сиёсий қарашларини ва манфаатларини ифода этувчи институт бўлиб, жамият сиёсий ҳаётидаги ўзгаришларни ва унинг асосида содир бўладиган ижтимоий ҳаракатларни маданий ва маърифий йўналишларда олиб бориш учун уюшган. Айни пайтда партиялар фаолияти даражаси аъзоларининг сиёсий мақсадни англаш, ундаги фуқаролик ҳисси, масъулияти, маърифий-маданий салоҳияти ва интилишлари билан ҳам белгиланади.

Партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сони, дастурий йўл-йўриқларининг ўзига хослиги турли ижтимоий манфаатлар орқали шаклланади. Сиёсий партиялар мавжуд бўлишининг асосий ва бирдан-бир асоси давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат.} Сиёсий партия жамиятнинг бир бўлаги бўлиб, у муайян гуруҳ ёки қатламга таянган ҳолда, давлат ва умуммиллат манфаатлари билан уйғунлаштириб фаолият кўрсатадиган, ривожланишнинг сиёсий йўналишларига таъсир кўрсата оладиган сиёсий ташкилотдир. «Партия» сўзининг келиб чиқиши латинча «қисм», «бўлак» маъносини билдириб, дастлаб Қадимги Греция ва Қадимги Римда пайдо бўлган. Аммо том маънодаги сиёсий партиялар ҳаракати Европада буржуа инқилоблари оқибатида шаклланди. Сиёсий партиялар фаолияти Ўрта Осиёда асосан XX аср бошларига келиб ташкил топди. Бу аввало Ўрта Осиёда мустанлакчилик сиёсатига қарши озодлик ҳаракати билан боғлиқ бўлган. Жумладан, шу йилларда кенг ёйилган жадидчилик ҳаракати туфайли «Турон», «Иттиҳоди тараққий», «Бирлик», «Шарқ озодлиги», «Ёш бухороликлар», «Ёш хиваликлар», «Мифтақ ул-маориф»

ва бошқа кўплаб ижтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолият кўрсатган. Аммо, собиқ шўро ҳукуматининг қуролли истилоси натижасида барча миллий сиёсий партиялар фаолияти таъқибга олинди ва батамом тугатилди. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон сиёсий партиялар фаолияти бўйича муайян тарихий тажрибага эга. Фақат истиқлол туфайлигина Ўзбекистонда сиёсий партиялар жамиятнинг сиёсий тизими таркибига айланди.

Бугун сиёсий партиялар жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши, аввало сиёсий мақомини аниқ тасаввур этиши, жамият сиёсий ҳаётида тутган ўрни, мақсад ва вазифаларига мос амалий фаолият кўрсатиши билан белгиланади. Сиёсий партияларнинг фаолиятларини такомиллаштиришда асосий мақсад мавжуд турли хил ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар манфаатларини уйғун тарзда мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилишдир. Сиёсий ва ижтимоий соҳада давлат тизимларида соғлом муқобил куч сифатида адолатни мустақкамлаш, қонун устуворлигига амалда эришиш, ҳуқуқий, демократик, фуқаролик жамиятини қуришга, яъни фуқароларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлашга ҳисса қўшишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ зўравонликка ёки маълум диний ва ирқий ғояларга асосланган сиёсий партиялар ташкил топиши қонун билан таъқиқланади. Демократик жараёнларнинг чуқурлашувида сиёсий партиялар муҳим ўрин тутди. Шунинг учун сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида янада фаолроқ иштирокини таъминлаш тadbирлари кенгайиб бораверади. Сиёсий партиялар жамиятнинг энг фаол қисми ҳисобланиб, сиёсий ҳаётга бевосита таъсир кўрсатади. Сиёсий партия жамиятнинг демократиялашиш жараёнида халқнинг иштирокини таъминлайди, сиёсий ҳаракатга келтиради.

Турли сиёсий партиялар, ҳаракатлар билан сиёсий гуруҳлар фаолиятини умумдават манфаатлари даражасида жипслаштириш уларнинг манфаатларини ифодалаш орқали хавфсизлик, барқарорлик ва танланган сиёсий йўлдан оғишмасликда масъул ҳисобланадилар. Бундан ташқари, сиёсий партиялар дунё тараққиётидаги демократик жараёнлар, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишади, уларга тенг имкониятлар яратади ва уни қўллаб-қувватлайди. Сиёсий партиялар, демократик жамият қуришнинг муҳим институти сифатида сиёсий ҳаётга мувофиқ ўз фаолиятларини такомиллаштирмасдан маърифий-демократик жамият қуришга эриша олмайди. Буни демократик ривожланган давлатлар тажрибасидан кўриш мумкин. Мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириш демократиянинг янги босқинига ўтиш даврида мамлакат сиёсий ҳаётини эркинлаштиришда янги стратегик ва тактик вазифалар билан боғлиқ. Фуқаролар сиёсий партиялар орқали сайлов тизимида бевосита ва билвосита сиёсий ҳаётда иштирок этиш имкониятларига эга. Албатта, кўп қиррали ижтимоий жараёнларда жамиятнинг маълум гуруҳлари манфаатларини ифода қилиш учун, ҳар қандай йўл билан бўлса-да, ҳокимиятга эга бўлиш илинжида партиялар пайдо бўлиши ҳам мумкин. Сиёсий ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатаптики, барқарор демократик жараёнларда бундай партиялар оқибат натижада халқ ишончини оқлай олмай сиёсий сахнадан чиқиб кетади. Шуни таъкидлаш керакки, бугун ҳар бир партия аввало, кўппартиявийлик шароитида фаолият кўрсатаётганлиги, бу улар ўртасида мамлакат сиёсий-ижтимоий ҳаётига дахлдор бўлган муносабатларда, мақсад ва тактик вазифаларни белгилашда ҳамда ҳаётга тадбиқ этишда ўзаро соғлом рақобат муҳити бўлишини ҳисобга олиш зарур. Сиёсий жараёнларда қайси сиёсий партия ўзининг аниқ дастур-

ларига эга бўлса, уларни халқ орасида тарғиб-ташвиқ этиш фуқароларнинг эркинликларини, ҳақ-ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қилиш орқали уларнинг ишончини қозониб, ўз атрофида кўпроқ жипслаштириш, уларни мамлакат олдида турган улут мақсадларни амалга оширишга сафарбар эта олиши мумкин. Танланаётган тактик усулларнинг хилма-хилиги инсонларда танлаш имкониятини беради ва ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифодалайди. Сиёсий партиялар ўртасида ўзаро рақобат қанчалик соғлом ва маърифий бўлса, у шунчалик жамият тараққиётига ўзининг ижобий самарасини беради. Шунда сиёсий партиялар тўғрисидаги мавжуд қарашлар ўзгаради ва фуқароларда кўппартиявийликни жамиятдаги беқарорлик, сиёсий итилофлар ҳамда ўзаро келишмовчиликларнинг манбаи сифатида эмас, балки демократик, адолатли, фуқаролик жамияти қурилишининг муҳим шарти сифатида қараш қарор топиб боради.

Партияларнинг таркиби ва тузилиши

Партиялар аввало, уларнинг қандай ижтимоий гуруҳ манфаатларини

ифода қилиши, ўз олдида қандай мақсадларни қўйганлиги ҳамда уларни қайси йўл асосида амалга ошириш билан белгиланади. Демократик мамлакатларда ҳар бир сиёсий партия кенгроқ ижтимоий қатламни қамраб олишга ҳаракат қилади. Бундай ҳаракат аввало, ўз ҳаракат дастурларига мувофиқ сиёсий мақсад ва вазифаларининг хилма-хил бўлиши ҳамда ўз фаолиятларини турли сиёсий восита ва усуллар билан маънавий-маърифий (ғоявий) таъсир кўрсатиш орқали амалга оширадилар. Партиялар бир қанча турларга бўлинади. Булар: авторитар, демократик, либерал, консерватив, ўнглар, сўл партиялар турларининг мавжудлигидир.

Демократиянинг зарурий шарти кўппартиявийлик муҳитини вужудга келтиришни тақазо этади. Амалдаги

кўппартиявийлик — бу ҳар хил қараш ва ғоялар ўрта-сидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан, мухолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдони демокдир¹.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда кўппартиявийлик шаклланди. Бугун Ўзбекистонда «Ўзбекистон халқ демократик партияси», «Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси», «Адолат социал-демократик партияси», «Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партияси» ҳамда Халқ бирлиги ҳаракати фаолият кўрсатмоқда. Сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг ривожланиб бориши ҳамда сиёсий ҳаёт талаб ва истакларига мувофиқ жамиятда сиёсий партиялар фаолияти у ёки бу даражада ўзгариб боради. Айрим ҳолларда янги партиялар пайдо бўлиши ёки айримлари ўз фаолиятларини тўхтатишлари ҳам мумкин. Бундай сиёсий жараёнлар жамият ривожининг табиий қонуниятлари ҳисобланади. Чунки жамият сиёсий ҳаёти мунтазам равишда ўзгариб боради. Сиёсий ҳаётда содир бўлган ўзгаришлар янги сиёсий кучларни келтириб чиқариши мумкин. Партия жамият ҳаётини демократиялаштиришда ва ҳар бир мамлакат олдида турган вазифаларни белгилашда ва амалга оширишда ўзига хос ўрнига эга бўлади ҳамда муайян функцияларни бажаради. **Биринчидан**, жамоатчилик фикрини шакллантириш, **иккинчидан**, сиёсий фаолиятда иштирок этиш, **учинчидан**, фуқаролар сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, **тўртинчидан**, сиёсий маданиятни ошириш, **бешинчидан**, парламент ва ҳукумат фаолиятига сиёсий мақсадлари орқали таъсир кўрсатиш, **олтинчидан**, давлат олдида турган мақсадларнинг шаклланиши ва амалга оширишда фаол иштирок этиш, **еттинчидан**, фуқаролар, тарафдорлари, муайян ижти-

¹ Қаранг: И.А. Каримов. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар. Асарлар, 8-жилд, 496-бет.

мой қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ҳокимиятидан муайян ўрин олиш мақсадида сайловларда иштирок этиш ва курашиш.

Партия дастурлари сиёсий-ижтимоий аниқ мақсад ва функцияларга қаратилган бўлиб, улар икки турга бўлинади. Ички функциясига: 1) жипслаштирувчи, 2) мувофиқлаштирувчи, 3) рағбатлантирувчи, 4) етакчиликка интилиш, 5) ўз мавқеига мослиги. Ташқи функциясига: 1) тарғибот ва ташвиқот, 2) маълум сиёсий йўналишга мослаштириш, 3) сиёсий воқеа ва жараёнларга ҳозиржавоблик каби вазифалар киради. Сиёсий партиялар мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ўзгаришлар, ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт жараёнларини, воқеаларни олдиндан билиб олиш, мавжуд сиёсий жараёнларга, инсонларнинг ҳаётига бевосита даҳлдор бўлган қарорларни яшлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишда халқнинг фаол иштирок этишларини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Сиёсий партиялар янги жамият қуришда инсонларнинг олдида турган энг долзарб муаммоларни илгари суришда, уни ҳал этишнинг йўлларини кўрсатишда, давлат ва жамият қурилишида, қонунчиликни ривожлантиришда амалий таклифлар билан чиқишда ташаббускор бўлишлари зарур. Шу ўринда сиёсий партиялар фаолият кўлами ва даражасини белгиловчи фаолият бу сиёсий партиялар фракцияларининг парламентдаги фаолияти билан белгиланади.

Партия тизими Турли жамиятлар сиёсий тизими бир партиявийлик, икки партиявийлик ва кўппартиявийлик билан характерланади ва улар ўрта-сида муайян ҳуқуқий асослар, нормалар мавжуд. Аммо жаҳон демократик тараққиёт тамойиллари ривожини кўрсатиб келмоқдаки, кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимда демократик жараёнлар ривожланади ва ҳуқуқий асослар кенгайиб боради. Ўзбекистон Республикаси мустақиллик туфайли ўзига х

сиёсий тизими кўппартиявийлик тамойилига амал қилиб, уни амалга оширишда дунёвий ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашмоқда. Ўзбекистон Республикасида янги жамият қуришнинг ҳозирги босқичида кўппартиявийликнинг фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим омили сифатида сиёсий тизимдан чуқурроқ ўрин олишига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Мустақиллик йилларининг сиёсий партиялар фаолияти билан боғлиқ энг муҳим ютуқларидан бири, бир партияли тизимга барҳам берилиб, кўппартияли тизимга ўтилгани бўлди. Кўппартиявийлик оминининг афзаллиги шундаки, сиёсий партиялар мамлакатдаги турли хил маслак, фикр, қараш ва манфаатларни англашда ўзига хос дунёқараш, муносабат тамойиллари билан фарқланадиган ижтимоий гуруҳ қатламларини бирлаштириб, уларга таянган ҳолда мамлакат олдида турган умумий мақсад йўлида мамлакат ҳар бир фуқаросининг хоҳиш-иродасини, ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини ҳимоя қилади. Якка партиялик тизимида эса «партия» тушунчаси ўз моҳиятини йўқотади. Якка партиялик оқибат натижада гегемон, ягона мафкуранинг воситасига айланади.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими вужудга келди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида махсус «Жамоат бирлашмалари»га бағишланган боб мавжуд бўлиб, унда «Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирак этиш учун тенг ҳуқуқли имкониятлар яратиб беради»¹ деб белгилаб қўйилган.

Жамият сиёсий тизимида муҳим демократик институт ҳисобланган парламент йиғилишларида ўзларининг муқобил таклифлари билан чиқишга шарт-шароит яратиб бераётганлиги, муқобиллик асосида

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 20-бет.

Президент сайлови, кўппартиявийлик тизимининг жорий этилганлиги жамият сиёсий-иқтисодий, маданий ҳаётининг тобора демократлашиб бораётганлигини, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг Президентлик Республикаси шакли билан бошқаришнинг демократик асослари ўртасида тўла мувофиқлик мавжудлигини кўрсатади. Бу давлат ҳокимиятини бошқаришнинг шахс ва жамоатчиликка асосланган шарқона демократик кўринишига тўла мувофиқ келади. Шарқда жамиятга раҳбарлик қилиш ва бошқаришда шахснинг муайян партияга, синфга мансублигига қараб эмас, аксинча, фозиллик, юксак маърифатлилик, комиллик каби фазилатлари кўпроқ қадрланган ва унга зарур хислатлар сифатида ёндошилган.

Маълумки, давлат ҳокимиятини бошқариш шакллари хилма-хил бўлиб, бунда ғарб ва шарқнинг ўзига хос жиҳатлари мавжудлиги таъсирли. Унинг бирон-бир шаклини андоза сифатида шунчаки қабул қилиш ёки бошқариш шакллари ўзаро сингдириш йўли билан демократиянинг ягона моделини яратиш ҳам мумкин эмас. Ҳар бир давлат демократиянинг у ёки бу шаклига ўз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уни бойитиши, ўзига хос тараққиёт йўлидан ривожланиши шу мамлакат аҳолисининг хоҳиш-иродаси билан тўла мувофиқ тушади. Демократиянинг дунёвий тамойиллари асосида давлат ва жамият бошқарувининг умумий жиҳатлари намоён бўлади.

Президентликка мавжуд сиёсий партияларнинг номзод кўрсатиш ҳуқуқининг мавжудлиги ва ғалабадан сўнг у ёки бу партия номидан Президентнинг давлатни бошқариши дунёдаги кўплаб давлатлар тажрибасидан маълум. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатишда ҳам мавжуд сиёсий партиялар тенг асосда иштирок этди ва уларнинг сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари учун зарур бўлган барча имкониятлар бажариб борилди. Бундай имконият аввало, Ўзбекистонда сайловлар ўтказиш тўғрисидаги қонунда кафолатланган.

Ўзбекистон Президенти сайловидан кейин, у партия номидан эмас, аксинча халқ номидан иш кўришининг ўзига хос илғор, сиёсий-ижтимоий, маънавий жиҳатлари борки, бу дунёда давлат ва жамият қурилиши амалиётини янада бойитади. Ўзбекистон танлаган йўлнинг моҳияти билан тўла мос тушади. Бундан ташқари, бунинг айрим объектив ва субъектив сабаблари ҳам мавжуд. Маълумки, Ўзбекистонда Президент сайловидан кейин бирор-бир партия етакчи партияга айлангани йўқ. Бу, биринчидан, Конституциянинг мавжуд нормаларига ҳам тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-моддасида: «Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жаъсат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи эмас»¹, — дейилади. Иккинчидан, Республика сиёсий тизимининг кўлпартиявийликка асосланганлиги, жамият ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётида ҳар бир сиёсий партиянинг қонун доирасида, ўз фаолиятларини эркин амалга оширишда ҳам зарур шарт-шароит яратиб беради, мавжуд демократик жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади. Учинчидан, партиявийлик бирон-бир партияга мансубликни билдиради. Президентлик сиёсий ҳокимият институти сифатида, ҳар қандай сиёсий партия, жамият бирлашмалари, ҳаракатдан фарқли равишда алоҳида ўзига хос мақомга эга. У айрим гуруҳ қарашларини, манфаатларини кўзлаб ёки унга таяниб эмас, балки давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ҳисобланган халқ номидан иш кўради, инсон ва умуминсоний тамойилларга асосланади. Тўртинчидан, мустақил равишда, адолатли, демократик, фуқаролик жамиятини қуришни асосий мақсад қилиб олади. Ўзбекистон Республикаси сиёсий-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 10-бет.

ижтимоий ҳаётида кўппартиявийлик нисбатан янги жараён бўлиб, у маълум маънода ҳали шаклланиш даврини ўз бошидан кечирмоқда. Мавжуд сиёсий партияларнинг ҳаммасини ҳам уюшганлик, сиёсий етуклик даражасига етишда, халқни ўз орқасидан эргаштира олишида, уларни жамият олдида турган вазифаларни амалга оширишда муайян ўтиш даври талаб этилади. Сиёсий партияларнинг ҳар бири ўзаро муносабатларида катта сиёсий тажриба, умумий мақсадга эга бўлишлари муҳим.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси собиқ Совет Иттифоқи сиёсий тизими орқали «партиянинг раҳбарлик, йўлбошчилик» ролини жамиятнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик, мафкура ва тафаккурдаги бир хиллик иллатларидан, «партия раҳбарлиги» асосида амалга оширилган ишларнинг салбий асоратларидан ҳали тамомила қутилганларича йўқ. Сиёсий партияларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги ўрни тўғрисида фуқароларнинг қарашлари, тасаввурлари ҳам ўзгариши керак. Сиёсий партиялар ижтимоий ҳаётдаги фуқароларнинг бу ишончини тўла қозониши учун ўзларини халқ билан бирга қуйишлари, инсонга энг улуг неъмат сифатида қарашлари, буни ўз амалий фаолиятларининг муҳим тамойилига айлантиришлари зарур.

Бу давлат ва жамият қурилиши тўғрисидаги дунё тажрибасини, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли тўғрисидаги қарашларини янада бойитади. Бу йўл кўппартиявийликка адолатли демократик жамият қуришнинг муҳим омилли сифатида қарашга, унинг фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиб беради.

Жамиятнинг демократлашганлик даражаси фақат сиёсий партияларнинг миқдори ёки унинг жамиятдаги мавқеи билан белгиланмайди. Ҳақиқий демократик жамият шу жамиятдаги барча фуқароларнинг жинси,

ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар тенг қуқуқ ва эркинликларни, фаолиятни таъминлаб берганлиги, унинг кафолатланганлик даражаси, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, сиёсий-ижтимоий барқарорлик, тинчлик, мустақиллик каби тамойиллар билан белгиланади. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам шуни кўрсатмоқдаки, партиялар ўз вазифасини тўла бажариши, мамлакат тараққиётига тегишли ҳисса қўшиши учун уларга дастлаб тенг имкониятлар яратиб берилган. Бу, айниқса, кўппартиявийлик шаклланаётган ва ўз йўлини белгилаётган Ўзбекистоннинг ҳозирги ўтиш даврида жуда муҳим.

Сиёсий партияларга тенг имкониятлар яратишнинг кўпгина воситалари бўлиб, улар орасида давлат бошлиғи — Президентнинг партияга мансублиги масаласини тўғри ҳал қилишдир. Шунинг учун кўпгина демократик мамлакатларда Президентлик лавозимининг ҳар қандай партияларга аъзоликдан холи бўлишини назарда тутувчи ҳуқуқий асослар мавжуд. Бу айрим мамлакатларда бевосита Конституция билан ҳал қилинган бўлса, айрим мамлакатларда эса Президентнинг президентлик даврида бирон-бир сиёсий партияга мансуб бўлмаслигини ўрнатувчи махсус қонунлар қабул қилиш билан ҳал қилинган. Жумладан, Германия Республикаси Конституциясининг 55-моддасига асосан, Президент лавозимидаги даврда у ҳар қандай партия аъзолигидан воз кечиши, Руминия Конституциясининг 84-моддасида, Президентлик мандати даврида Президент бирон-бир партия аъзолигида бўла олмаслиги, Греция Конституциясининг 30-моддасида Президент лавозимини бошқа ҳар қандай мансаб, машғулот ва касб билан қўшиб бажариши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Бу, биринчидан, Президент нафақат давлат бошлиғи, шу билан бирга у сиёсий ҳаётда ҳакам вазифа-

сини ҳам бажаради. Президентнинг мамлакатдаги сиёсий институтларнинг олий ҳаками бўлишлиги баъзи мамлакатларда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Жумладан, Греция Конституциясининг 30-моддасида: «Президент Республика институтларининг ҳаками ҳисобланади», — деб ёзиб қўйилган. Шундай ҳолат Франция Конституциясининг 5-моддасида ҳам мавжуд. Ана шу ҳакамлик вазифасини самарали бажаришда унинг бирон-бир сиёсий партияга мансуб бўлмаслиги ҳал қилувчи омилдир. Президент сиёсий партияларга мансуб бўлмагандагина улар ўртасидаги самарали рақобатда ҳакамлик қилиши, партиялар белгиланган йўл ва вазифаларнинг энг мақбулларида сиёсий ҳаётда оқилона фойдаланиш мумкин. У партияга мансуб бўлмаганда уни бирон-бир партиянинг манфаати эмас, балки умумий манфаат қизиқтиради.

Иккинчидан, Президентнинг бирон-бир партияга мансуб бўлмаслиги турли партияларнинг фаолият кўрсатиши учун тенг имконият яратади. Сиёсий партияларнинг тенг мавқега эга бўлиши уларнинг ташаббускорлигини оширади. Ўз фаолиятида эркин, ҳеч кимнинг таъсирисиз ҳаракат қилишига имкон туғилади.

Сиёсий партиялар ўз олдиларига қўйган вазифаларини амалга оширишда, демократик жараёнларнинг ривожланишига, мустақиллик тафаккурини шакллантиришда халқ билан боғланиши, бир-биридан ажралиб қолмаслиги муҳим. Бутунги сиёсий жараёнлар шароитида умуммиллий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда партиялар ўз фаолиятларини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда амалий муқобил таклифлар билан чиқиш, турли ижтимоий гуруҳларнинг демократик жараёнларда иштирокини таъминлаш, ўз ваколатлари даражасида халқни ўз орқаларидан эргаштириб, уларни мустақиллик йўлида сафарбар этишни амалга оширишлари муҳим.

Оммавий ахборот воситалари ва демократия

**Ахборот, оммавий ахборот
тушунчалари**

**Сиёсий фаолият, сиё-
сий жараёнларда
иштирок этиш, аниқ**

мақсад ва йўналишларга эга бўлишни ахборотсиз ёки оммавий ахборот воситалари (ОАВ) сиз тасаввур этиб бўлмайди. ОАВ орқали аввало инсонлар сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётда ҳамда дунё ҳамжамияти, давлатлараро муносабатларда содир бўлаётган ўзгаришлардан хабардор бўлади. Уни идрок этади. Муносабат билдиради, қабул қилиши ҳамда сиёсий жараёнларнинг иштирокчисига айланиши ёки аксинча, ҳолисона туриши ҳам мумкин. Лекин, нима бўлганда ҳам бугунги ҳаёт тарзимизни ОАВларисиз тасаввур этолмаймиз. ОАВнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли ошиб бормоқда. “Ахборотлашган жамият” тўғрисидаги қарашларнинг негизи ҳам дунёда ахборот кўламининг ортиб бораётганлиги билан боғлиқ.

“Ахборот”, “оммавий ахборот” атамалари ХХ асрда кенг ишлатила бошланди. Ахборот мамлакатлар ва дунё халқларида бўлаётган воқеа ва ҳодисалар тўғрисида хабарни етказиш билан характерланади. Оммавий ахборот эса унинг кўламини ва кенг жамоатчиликка йўналтирилганлигини, қамровини билдиради. Оммавий ахборотни унинг воситаларисиз, узатиш техникаси, технологиясисиз тасаввур этиб бўлмайди. У аввало халқлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасида ўзаро муносабатлар, хулқ-атвор нормаларини, ижтимоийлашиш жараёнларига таъсирининг ортиб бораётганлигини; иккинчидан, ОАВ янги технологик узатиш воситалари имкониятларининг ошиб бораётганлиги билан боғлиқ. Бугун ахборотни жамлаш, асраш ва узатиш жараёни ўзгарди. У “оғзаки сўз”дан энг замонавий компьютер-ахборот узатиш тизимигача бўлган

йўлни босиб ўтди. XX аср ҳаводан узатиш телеграфлари, қора-оқ, рангли, кабилли, спутник орқали кўрсатадиган телевизорлар, телетайп ва факсимал алоқалар, алоқа спутниклари билан боғлиқ. Янги XXI асрнинг “ахборот асри” бўлиши ҳамда ахборотнинг асосий “ресурс”га айланиши тўғрисидаги қарашлар реалликка айланиб, айрим мамлакатлар тараққиётининг устувор йўналишини белгиламоқда. Ахборот соҳасидаги техник тараққиёт кўпгина ижтимоий, сиёсий муаммоларни ҳам ҳал этиш имкониятини беришга қодир эканлиги шубҳасиз. Айни пайтда, оммавий ахборот воситалари, дунёда “мафкуравий кураш” ёки “инсон онги ва тафаккурини эгаллаш, унга таъсир кўрсатиш” майдони ҳамдир. Бугунги мураккаб сиёсий мафкуравий жараёнлар бунини тасдиқламоқда. Оммавий ахборот воситалари турли халқлар маданий ҳаётига, тафаккур тарзига, урф-одат, анъаналари, қадриятларига ҳам таъсир кўрсатиш ва кўпроқ таъсир “майдонига” эга бўлиш имкониятига эга.

Дунёдаги барча мамлакатларда оммавий ахборот воситалари етакчи ўрин тутди. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида етакчи рол ўйнаганлиги учун ҳам уларга тўртинчи ҳокимият тусини бериш оммалашган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Қонституциясининг 67-моддасида: «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди», дейилади. Ҳозирги кунда мустақил давлатимизда оммавий ахборот воситалари ва уларда хизмат қиладиган ижодкорларнинг эркин, кенг қамровли, ошкора фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мустақиллик йилларида Олий Мажлис томонидан бир қатор Қонунлар қабул қилиндики, улар ҳар бир оммавий ахборот воситаси ва ҳар бир журналист учун дастуриламалдир, ўзига хос ҳимоя воситасидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимиздаги барча газета ва журналлар, радио ва телевидение воситаларини дунё миқёсига олиб чиқиш учун хизмат қилувчи асосий воситадир. Ана шу қонун асосида оммавий ахборот воситалари ривожланмоқда, сафлари кенгаймоқда. Атиги бир неча йил муқаддам мустақил ва электрон газеталар, кабелли ва хусусий телевидение ҳамда радиолар ҳақида ўйлаб кўришнинг ўзи бефойда эди.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлабқ маънавий-маърифий қадриятларга нисбатан қуйидаги тамойилларга амал қилган ҳолда ёндошди:

1. Ҳар бир жамиятда бўлгани сингари, одамлар онгида маънавий-маърифий қадриятларни мустаҳкамламасдан ва ривожлантирмасдан ўз истиқболини кўра олмайди.

2. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан яратилган бебаҳо маънавий-маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

3. Маънавий-маърифий қадриятларни тиклашга, халқимизнинг ўзликни англаши миллий-маънавий негизлари билан боғлиқ табиий жараён деб ҳисобланди.

4. Маънавий-маърифий қадриятларни тиклаш, ўзлгимизни англаш анча мураккаб шароитда мустабид тузум барбод бўлган ва янги ижтимоий муносабатлар қарор топаётган бир шароитда юз берди.

5. Ўтмиш қадриятларига фақат «инкорни-инкор» шаклида ёндошилмади, қайта тикланаётган меросга фарқлаб ёндошишга, энг муҳими, умуминсоний қадриятларни бойитадиган, демократия ва эркинлик талабларига жавоб берадиган қадриятларни танлаб олиш заруриятига асосланилди. ОАВ тарихий хотира-

ни тиклашда, холис ва ҳаққоний тарихни ёритишда, миллий ўзликни англашда, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстиришга алоҳида эътибор беришда, умуминсоний ва демократик қадриятларни қарор топтиришда муҳим ўрин тутади.

Маълумки, мамлакатимизда дунёвий билимлар билан диний дунёқарашни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп ўтган. Масалан, Мустақиллик йилларида маънавий-маърифий қадриятларимизда муҳим ўрин тутган Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ал Хоразмий, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Заҳириддин Бобур ва бошқаларнинг номлари, уларнинг маънавий мероси қайта тикланди. Улар маънавий-маърифий меросимизга катта ҳисса қўшганлар. Уларнинг мероси янги-янги авлодни тарбиялайдиган қадриятга айланмоқда. Бунда ОАВ Ўзбекистонда яшаётган халқларнинг ўзлигини, уларнинг маънавий-ахлоқий идеалларини ёритишда, диний бағрикенгликни, миллатлараро тотувликни тарғиб-ташвиқ этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Мамлакатимизда ОАВ ва маънавий-маърифий қадриятларнинг асослари деганда қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ: диний-руҳий асослари, ер ва сувни асраб авайлаш, оила ва қариндошлик муносабатлари одоби, ҳозирги дунё ва ахборот цивилизацияларига монандлик. Бу демократик қадриятлар билан, яъни Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, илм-фан ривожини, аҳолининг салоҳиятини ошириш билан уйғун ҳолда амалга оширилади.

Унга алоҳида эътиборни қаратиш ва фуқароларда унга нисбатан “мафкуравий иммунитетни” шакллантириш ҳам алоҳида аҳамият касб этаётганлигини инкор этиб бўлмайди. ОАВ жамиятни маънавий янги-

лашдан кўзланган бош мақсад — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби миллий истиқлол ғояси билан суғорилган мақсадларни халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончини шакллантиришда ҳамда халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодини (И.Каримов) уйғотишда ва қарор топтиришда муҳим рол ўйнайди. ОАВ жамоатчилик фикрини уйғотади, шакллантиради, йўналтиради ва уларни сафарбар этиш “қувватига” эга. Шунинг учун мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига етарли даражада боғлиқ бўлиб, унда ОАВ муҳим ўрин тутати.

«Тўртинчи ҳокимият». Жамият ҳаётининг демократияланиши

ОАВ инсонларни мамлакат ижтимоий-сиё-

сий ҳаёти билан узвий боғлайди ҳамда уларнинг бу жараёнларга иштирок этишига туртки беради. Ахборотнинг “холис”, “ишончли”, “аниқ” бўлиши муҳим. Нохолис далиллар ёки “ёлғон” ахборотлар инсон ҳаётига, шунингдек, унинг кўдами, ахборот қамрови даражасига қараб халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатади. Оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш жараёни ҳамма жойда ҳам анча мураккаб кечаётганлиги кузатишмоқда. Хусусан, ахборот таҳлилида эскича фикр юритиш ўз таъсирини сақлаб турибди. Эски сарқитлардан жудо бўлиш эса дунёқараш, психология, турли даъволар ўртасидаги кўзга кўринмайдиган курашлар билан бирга бормоқда.

Инсонлар эга бўлаётган ахборотнинг характери ва тарқатиш усуллари ташвиқот кўринишларига ҳам таъсир этади ва уни белгилаб беради. Ахборотнинг кун-

далик бўлаётган воқеа ва ҳодисалар билан мос келиши сиёсий муносабатларда шахс фаоллигини оширади. Фуқароларнинг мустақиллигини, эркин фикрини янада мустақкамлайди. Ҳозирги замонда ахборот тарқатиш техникалари қисқа муддатда кенг аудиторияни қамраб олиш имкониятига эга. У кўпроқ “чегара” билмайдиган омилга айланиб қолди.

Бугун инсонлар дунё ахбороти “майдони” билан бирга яшайпти. Сиёсат, сиёсий муносабатлар ва жараёнларнинг ахборот билан боғлиқлиги эса ошиб бормоқда. Бу уни ҳисобга олишни тақозо этади.

Масалан, Ўзбекистон Республикасида ҳозирги пайтда жамият ҳаёти ва фаолиятига ОАВ ролини фаоллаштириш қуйидагича тасаввур этилмоқда. Биринчидан, оммавий ахборот воситалари имкониятини ошириш учун керакли шароитлар яратиш, уларга жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида муносиб ўрин бериш, журналистлар фаолиятини ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлаш; оммавий ахборот воситалари мамлакатда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларни эркин ва холис ифодалашга қодир бўлиши, ҳокимият билан жамият ўртасида холис воситачи бўлиши ва, муҳими, инсон ва жамият манфаатларининг фаол ва изчил ҳимоячиси бўлиши учун профессионал журналистлар ва оммавий ахборот воситаларини тайёрлаш жараёнини кўриб чиқиш. Ахборот олиш, таҳлил қилиш, ишлаш ва етказишнинг замонавий усулларини ва воситаларини ўзлаштиришда уларга ёрдам бериш; иккинчидан, ОАВ фаоллигини ва уларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган механизмларни тартибга солувчи қонунчилик базасини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу соҳада муайян ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ОАВ соҳасида фуқароларнинг эркинликлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилди. Матбуот тўғрисида

ҳамда журналистлар фаолияти, ахборот олиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Демократик жамият қуриш вазифалари матбуот ва сўз эркинлиги тамойилига амал қилади. ОАВнинг сиёсий қарорлар қабул қилишда бевосита ўрни бор. Шунингдек, ахборот сиёсати, мамлакат сиёсий режими, характери билан бевосита боғлиқ. Масалан, авторитар ва тоталитар режимлар “ахборот”ни бўғиш, уни “сир” сақлашдан, унга “ҳукмронлик” қилишдан кўпроқ манфаатдор. Демократик жамиятлар эса ахборотни эркин алмашиш, унинг хилма - хиллигидан кўпроқ манфаат кўради. Бу шу жамиятларнинг яшовчанлигини таъминлаб беради.

Янги аср сиёсий муносабатларнинг ахборот майдони билан боғлиқлигини янада ошириши шубҳасиз. Бу ҳар бир мамлакат ҳақида дунё ахборот марказлари олдида янги масъулиятли вазифалар қўяди. ОАВ такомиллашиб борган сари унинг ҳолислиги ҳам ортиб бориши керак. Мамлакатлар, халқлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, озод ва фаровон ҳаётнинг, тинчлик ва барқарорликнинг мустаҳкамланиб боришига хизмат қилиши зарур. Оммавий ахборот дунё ҳамжамияти ҳаётини бойитиши, унинг ранг-баранг бўлишига кўмаклашиши, халқларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиши, ҳукуқий, эркин, демократик жамият қуриш талабларига мос тушади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситалари “тўртинчи ҳокимият” сифатида инсонлар онги, қалби, дунёқарашига, ҳоҳиш-иродасига таъсир этишнинг муҳим омилдир. У мамлакатлар, халқлар ҳаётида мавжуд сиёсий жараёнларнинг шаклланиши ва қарор топишида, кишилар иродасини йўналтиришда ўзига хос “ҳокимият”га, таъсир кўрсатиш қувватига эга эканлиги билан характерли. ОАВ инсонларнинг ҳокимиятга нисбатан муносабатини шакллантиради, уларни сиёсий жараёнларни амалга оши-

ришнинг муҳим субъектига айланишига хизмат қилади. Бу эса ахборотнинг “холис”лигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ахборот майдонида ҳам турли сиёсий кучлар, мамлакатлар, халқлар, социал гуруҳлар билан боғлиқ “манфаатлар”, “қарашлар” бир - бири билан дуч келади. Ахборот холислиги таъминланмаса у “хавф-хатар”, “беқарорлик” омилига айланиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш вазифалари эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама ривож топишини тақозо этади. Улар ҳақли равишда ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши даркор. Бундан кейин ҳам оммавий ахборот воситалари ҳаётимизга кун сайин, чуқурроқ кириб бораверади. Ўзбекистон буни табиий ҳол деб қабул қилмоқда. Мустақиллик йилларида нашрлар сони кўпаймоқда. Ҳозир мамлакатимизда 507 дан ортиқ газета ва 157 дан ортиқ журналлар чоп этилмоқда. Радио ва телекўрсатувларнинг ҳажми кўпайди. 3 та ахборот агентлиги, 51 та телестудия, 5 та радио студия ва 3 та телерадиостудиялар мавжуд, улар эркин фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишида тутган ўрни ортиб бормоқда.

Қабул қилинган Қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан ОАВ жамоат назоратини таъминлашда ўзига хос мавқега эга. Шунингдек, ОАВ давлат ва мансабдор шахслар фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган ўзига хос механизмдир. Айни пайтда ОАВ ҳар бир киши ўз фикрини эркин ифода эта олишига имкон берадиган минбардир. Шунинг билан бирга ОАВ демократик жараёнларни амалга ошириш, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, жамоатчилик фикрига кучли таъсир ўтказишга қодир ва мамлакатимизда, дунёда демократик жамият қуриш вазифаларини амалга оширишда муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистонда мамлакатни эркинлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу оммавий ахборот воси-

талари олдида ҳам узоқ ва истиқболли вазифалар турганлигини билдиради. Хусусан, ҳозирги пайтда қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоат назоратини, давлат ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган механизм сифатида оммавий ахборот воситаларининг мавқеини кучайтиришга эҳтиёж мавжуд. Айни шу оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар бўлганлиги учун ҳам уни жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим.

Шунингдек, турли халқларга хос маънавий-маърифий қадриятларнинг миллий хусусиятларини ёритиш билан бирга унинг умуминсоний моҳиятини кўрсатиш борасида оммавий ахборот воситалари муҳим ишларни амалга оширишлари алоҳида аҳамиятли. Бу дунё халқларини бир-бирларини яқиндан билишга, маънавий-маърифий қадриятларининг миллий ва умуминсоний моҳиятини англашга ёрдам беради. Дунё халқлари ўртасида ўзаро ишонч ва барқарорликни таъминлашда ҳамда маърифий жамият қуришда, дунё ахборот маконида ўз ўрнига эга бўлишда, ундан ҳолисона фойдаланишга имконият яратади.

10-мавзу

Сиёсий етакчилик

Сиёсий етакчи
тушунчаси ва табиати

Сиёсий етакчи мамлакатга раҳбарликни амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Сиёсий етакчи — мамлакат тараққиётида муҳим роль ўйнайдиган, сиёсий жараёнларга ва вазиятларга таъсир кўрсата оладиган жамиятнинг, муайян иж-

тимоний гуруҳнинг, ташкилотнинг обрўли шахсидир. Сиёсий фикр тарихида сиёсий етакчи тўғрисида турли-хил қарашлар мавжуд. Уни таҳлил этишга интилиш қадимги даврларга бориб тақалади. Антик даврда Геродот, Плутархлар ҳам сиёсий етакчи тўғрисида мулоҳазалар билдиришган.

Сиёсатшунослик нуқтаи назаридан сиёсий етакчиликни таҳлил этишда Абу Наср Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий, Н.Макиавеллининг хизматлари катта. Уларнинг фикрича, сиёсий етакчи — бу бутун жамиятни жипслаштирувчи, ижтимоий тартибларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ҳар қандай воситаларни қўловчи раҳбар, ҳукмдор сифатида талқин этилади.

Сиёсий етакчилик назариясида Ф. Ницше ишлаб чиққан парадигмалар ҳам муҳим роль ўйнайди. У етакчи, йўлбошчи инсон, ғайритабиий қобилиятли инсон тўғрисидаги ғояни асослашга ҳаракат қилди. Файри-табиий фавқулодда инсон инсоний ахлоқ нормалари билан чегараланмаган, яхшилик ва ёмонликдан юқори туради. У оддий одамларга, ўзига ўхшаш фавқулоддаги йўлбошчи инсонлар билан меҳрибон, мулойим бўлиши мумкин. У юксак ҳаётий қувватга эгалити ва ҳокимиятга бўлган иродаси билан бошқа кишилардан ажралиб туради. У кучли, иродали, комил ва гўзал инсондир.

Етакчи, йўлбошчилар тўғрисидаги замонавий назарияларга Г. Тард (1843-1904) ижоди сезиларли таъсир кўрсатган. У ижтимоийлашув тўғрисидаги назария асосчиларидан бири бўлиб, ҳаётнинг асосий қонунларидан бири — етакчи, йўлбошчиларга издошларининг тақлид қилишидир, деган ғояни асослашга ҳаракат қилди. Жамият тараққиётининг асосий манбаларидан бири ташаббускор ва ноёб шахслар томонидан қилинган янгиликлар, кашфиётлардир.

Етакчи — йўл бошловчи маъносини англатади. Бу хусусиятга эга инсон бошқаларга таъсир эта олиш,

муайян мақсадларга эришиш учун уларнинг биргаликда фаолиятини ташкил қилиш қобилиятига эга.

Сиёсий етакчилик — сиёсий фаолият тури бўлиб, у ўзаро икки томон алоқаларини англатади: биринчи томон — етакчилар ўз издошларининг манфаат ва эҳтиёжларини биладилар ва баён этадилар, бошқа томон эса, шу манфаатларни ифодалаш ва амалга оширишлари учун ўз ваколатларининг бир қисmini уларга ихтиёрий равишда топширадилар.

Ҳозирги замон политологиясида етакчиликка доир бир қанча ёндошувлар мавжуддир:

1. Етакчи — бу бошқа кишиларга таъсир этиш демакдир. Етакчи ва унинг издошлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар мавжуд бўлиб, у етакчидан гуруҳ аъзоларига қараб ҳар доим бир томонлама йўналтирилган бўлади.

2. Етакчилик — бу бошқарувчанлик мақоми, қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий позициядир.

3. Сиёсий етакчилик — бу сиёсий ҳаётда амалга ошириладиган фаолият шаклидир. Бундай рақобатчилик курашувида томонлар ижтимоий вазифаларини ечиш бўйича дастурлар билан алмашинади.

Сиёсий етакчи — сиёсий жараёнлар билан бирга бутун жамият, сиёсий ташкилот ёки ҳаракатга раҳбарлик қилади, воқеаларнинг бориши ва сиёсий жараёнлар йўналишини белгилайди ва ўзгартира олади. Сиёсий етакчилар жамиятдаги сиёсий жараёнларни жонлантирадилар, жамиятнинг тарихий ривожланишини белгиловчи дастурлар, ғояларни илгари сурадилар.

Сиёсий етакчи бўлиши учун кучли ирода, ёқимлилик, қатъийлик, қобилият, интуиция зарур.

Етакчилик ва йўлбошчиликнинг табиатини тушунтириб беришда хилма-хил назариялар мавжуд. Улардан бири характер назариясидир. Ушбу назариянинг моҳияти шуки, унда етакчилик шахснинг юксак ху-

хусусиятлари асосида тушунтириб берилади. Бундай хусусиятларга қуйидагилар киритилган: ўткир заковат, фаҳм-фаросат, темир ирода, қайноқ энергия, юксак ташкилотчилик қобилиятлари, кишиларга ёқа олишлик хусусияти, айниқса билимдонлик ва масъулиятлиликни ўзига олишга тайёрлик хусусияти. Ҳозирги демократик давлатларда сиёсий етакчиларга хушсуръатлилик, нотиклик хусусиятлари ҳам асосий талаблар сифатида қўйилмоқда.

Сиёсий етакчиларнинг характерли хусусиятларини аниқлаш мақсадида кенг социологик тадқиқотлар ўтказилган. Бу тадқиқот натижалари характерлар назариясини муайян даражада инкор этади, яъни чуқурроқ таҳлил қилганда етакчиларнинг индивидуал хусусиятлари умуман шахснинг барча жиҳатлари ва ижтимоий хусусиятлари билан умуман олганда мос келиши аниқланган.

Яна шу нарса аниқланадиги, шахснинг етакчилик қилиши учун муайян хусусиятлари муҳим рол ўйнайди. Бу хусусиятлар турлича бўлиши мумкин. Булар иккинчи йўналишни ёки омилли-таҳлилий таълимотларни вужудга келтиради. Бу таълимот етакчиларнинг соф индивидуал хусусиятларини ва муайян сиёсий мақсадларини амалга ошириш йўлидаги хулқ-атворларнинг белгиларини таҳлил қилади.

Омилли-таҳлилий таълимот сиёсий етакчилар назариясига муайян вазият билан боғлиқ мақсад ва вазифалар тушунчасини киритади. Сиёсий етакчининг индивидуал хусусиятлари ва унинг олдида турган мақсадларга эришишга интилиши натижасида сиёсий етакчининг “иккинчи табияти” вужудга келади. Хулқ-атвори услуби ишлаб чиқилади. Сиёсий етакчининг мақсадни мўлжаллаш ва унга эришиш услубига муайян ижтимоий вазият ҳам таъсир кўрсатади.

Етакчилиكنинг муайян ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқлигини вазиятлар таълимоти янада ривож-

лантиради ва асослаб беради. В.Далл, Т.Хилтон, А.Гарднер ва бошқалар етакчи ўрнининг нисбийлигидан, кўп хиллигидан келиб чиқади. Етакчи — муайян вазият тақозосидир. Айнан вужудга келган муайян вазиятлар сиёсий етакчиларни танлаб олади ва унинг хулқ-атворини белгилайди. Тарихда тасодифий етакчилар бўлмайди. Ҳар бир етакчи ўз даврининг, тарихий вазиятининг тақозоси ҳисобланади. Искандар Зулқарнайн, Оливер Кромвел, Чингизхон, Амир Темур, Жалолиддин Мангубердилар ҳам ўз даврининг етакчилари эдилар. Аммо, бир-бирларидан фарқ қиладилар. Шўро тузумининг инқирози И.Каримов, Б.Елцин, Н.Назарбоев, А.Акаев ва бошқа етакчиларни илгари сурди. Улар эски тоталитар тузумни емириш ва демократик жамиятни барпо этиш сари халқни етакладилар.

Сиёсий етакчига қўйиладиган талаблар мавжуд давлатнинг инқироз ҳолатида ёки барқарор ривожланишда эканлигига ҳам боғлиқ.

Вазиятлар таълимоти сиёсий етакчининг индивидуал хусусиятларини рад этмайди, лекин уларни мутлақлаштириш ҳам ноўрин деб ҳисоблайди ва сиёсий етакчини муайян сиёсий вазиятлар ҳосиласи деб қарайди. Вазиятлар таълимотига аниқлик киритиш, ривожлантириш ва сифат жиҳатларидан бойитиш натижасида сиёсий етакчилиқни, унинг издошлари ва тарафдорлари ёрдамида тушунтириш таълимоти вужудга келди.

Ҳозирги замон политологиясида тарафдорлар тушунчаси кенг қамровли бўлиб, сиёсий фаоллардан ташқари етакчининг сайловчилари, шунингдек, у билан ўзаро муносабатда бўлувчилар ҳам бу тушунча мазмуни таркибига киритилади. Уларни таҳлил қилиш сиёсий етакчининг хулқ-атворини, қабул қиладиган қарорларини олдиндан билиш имкониятини беради. Бундай ёндошувнинг афзаллиги шундаки, етакчилиқ

раҳбар ва тарафдорлар ўртасидаги муносабатлар сифатида қаралади.

Етакчи билан муносабатларнинг шаклланиши ва амал қилишида сиёсий фаолларнинг роли катта. Айнан тарафдорлар унинг шахсий сифатлари ва имкониятларини етарли баҳолай оладилар, уни қўллаб-қувватлаш кампаниясини ташкил қиладилар. Улар воситасида аниқса мақсад ва қарашларга, шунингдек, сайловчиларнинг кайфиятларига таъсир кўрсатади. Сиёсий етакчиларни тарафдорлар манфаатларининг ифодачиси сифатидаги бундай қараш бирмунча камчиликларга ҳам эга. Ушбу назария ва вазиятлар таълимоти ҳам сиёсий етакчининг ҳокимиятни эгаллагандан кейинги фаолиятидаги мустақилликни, фаолликни тушунтириб бера олмайди. Тарих сабоқлари кўрсатадики, кўпгина сиёсий раҳбарлар уни ҳокимият тепасига келтирган қатламлар ва гуруҳлар манфаатларига қарши қаратилган фаолият ҳам юритганлар.

Буни Сталин фаолиятида яққол кўришимиз мумкин. У ҳокимиятга чиқандан кейин ўн беш йил давомида ўзини ҳокимият тепасига келтирган большевикларни, бундан ташқари ўз партияси аъзоларининг ярмини йўқ қилди. Бунга ўхшаш ҳолни А.Гитлерда ҳам кўришимиз мумкин. У ҳам ўзини ҳокимият тепасига келтирган эски нацистлар партияси аъзоларини деярли бутунлай йўқ қилди.

Бу ва кўпгина далиллар кўрсатадики, етакчи ва тарафдорлар ўзаро таъсирини икки томонлама йўналтирилган ҳаракат сифатида қараш керак. Етакчилар ўз ижтимоий таянчларини муайян даражада ўзгартиришлари мумкин. Бундай ҳол айниқса, авторитар ва тоталитар сиёсий тузумларда фожиали тус олиши мумкин.

Сиёсий етакчилик табиатини тушунтириш мураккаб ва уни бир хилда изоҳлаш, унинг субъектив механизмларини психологик таълимотлар, хусусан, пси-

хоаналитика назарияси тушунтириб беради. Унинг асосчиси З. Фрейддир. Сублимация, бошқа ҳолатга ўтиш жарёнида, у ижодий фаолиятга, жумладан, сиёсий етакчиликка ҳам интилиш сифатида намоён бўлади. Кўпгина кишиларда раҳбарлик лавозимларини эгаллаш субъектив — компенсаторлик вазифасини бажаради. Турли хил камчиликларга йўл қўймаслик, номукамаллик ҳиссиётини енгиллаштириш ёрдам беради. Муайян психологик эҳтиёжлар сиёсий етакчига бўйсунилганга мажбур этади. Сиёсий етакчиликнинг психоаналитик назарияси ривожига Франкфурт мактаби вакиллари Э. Фромм ва Т. Адорно сезиларли қисса қўшдилар. Улар авторитаризмга мойил бўлган ва ҳокимиятга интилувчи шахс типини аниқладилар. Бундай шахс носоглом, яъни оилавий невроз ҳолатини келтириб чиқарувчи шароитларда шаклланади. Киши бундай шароитларда уларнинг ҳаммасидан ҳукмронлик ёки бўйсунилган муносабатларига қочишга интилади. Етакчилик — авторитар шахс учун ўзининг нотекис кайфиятларидан ҳоли бўлишга ва ўз иродасига бошқаларни бўйсундиришга имкон берадиган психологик эҳтиёждир. Бошқалар устидан чексиз ҳукмронлик қилиш бундай кишига ўзига хос сархушлик бахш этади. У ўзига хос садизм, зўравонлик шаклидир. Шу билан бир вақтда авторитар шахс мазохистик хусусиятга ҳам эгадир, ўзидан зўрроқ куч билан тўқнашганда унга сажда қилади. Бошқаларнинг кучсизлиги унда ғазабланиш, уларни таҳқирлаш кайфиятларини туғдиради.

Бундай хулқ-автор шакли психологик маънода кучлилиكنинг эмас, кучсизлиكنинг намоён бўлишидир. Авторитар шахс ҳаққоний кучга эга бўлмасдан, бошқа кишилар устидан ҳукмронлик қилиш воситасида у кучига эга бўлишга, ўзини ишонтиришга ҳаракат қилади. Бундай шахс иррационалдир, мистикага мойилдир ва биринчи навбатда ҳиссиётлар асосида иш юритади, тенглик ва демократияга тоқат қила олмайди.

Бошқа барча кишиларни кучли-кучсиз муносабатлари воситасида идрок этади.

Сиёсий етакчилик турлари

Сиёсий етакчилик турли хил кўринишда намоён бўлади. Ушбу вазифани ҳал этиш, сиёсий етакчилиكنи комплекс таҳлил этиш қўидаги асосий хусусиятларини ҳисобга олади: етакчининг характер хусусиятлари, у бажариши лозим бўлган вазифалар, унинг издошлари ва уларнинг ўзаро ҳаракати тизими, етакчи ва ўзаро муносабат механизми. Лекин етакчилиكنинг универсал таълимотини яратиш мумкин эмас. Сабаби, бу воқелиكنинг ўзи намоён бўлишига, вазифаларига, тарихий давр, сиёсий тизим хусусиятларига кўра хилма-хилдир. Ҳозирги замон политологиясида сиёсий етакчилар у ёки бу мезонларга кўра хилма-ушбу турларга ажратилади.

Раҳбарнинг қўл остидагиларга муносабатига кўра, у авторитар ва демократ етакчиларга ажратилади. Авторитар етакчилик танҳо йўналтирилган таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб, у санкциялар, қуч ишлатишни назарда тутати. Демократик етакчилик раҳбар томонидан гуруҳ ёки ташкилот барча аъзоларининг фикрлари, манфаатларини ҳисобга олишда, уларнинг бошқаришда иштирок этишида ифодаланади.

Ушбу классификация ўзининг камчиликларига қарамасдан қўллашда оддий ва қулайдир. Биринчи турдаги етакчилик асосида одатлар, иккинчисида тафаккур, учинчисида эътиқод ва ҳиссиётлар ётади. Ушбу классификация асосчиси М. Вебер харизматик етакчилиكنи таҳлил этишга алоҳида эътибор беради. У етакчилиكنинг ушбу турини инқироз даврида жамиятни янгилашнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қарайди, чунки харизматик доҳий обрў-эътибори ўтмиш билан боғлиқ бўлмасдан, у оммани ижтимоий янгилашни вазифаларини ечишга сафарбар этишга қодирдир. Жамият тараққиётидаги нисбатан тинч даврда эса та-

рихий анъаналарни авайлаб- асровчи ва зарурий ислохотларни амалга оширувчи рационал-легал етакчилар майдонга чиқади. Умуман олганда кўпгина давлатлар тарихида сиёсий етакчилар турларининг алмашинувида муайян кетма-кетлик кузатилади. Доҳий — асосчи, харизматик, анъанавий етакчи—қўриқчи билан, у эса ўз навбатида ислохотчи — қонунчи билан алмашинади.

Етакчиликнинг классик деб ҳисоблаш мумкин бўлган уч тури М. Вебернинг “Сиёсат — ҳам майл, ҳам касб сифатида” мақоласида берган легитимликнинг уч турига асосланади:

Анъанавий етакчилик. Етакчиликнинг бу турлари анъаналар, маросимлар, одат кучи каби механизмларга таянади. Итоат қилиш одати анъаналарнинг муқаддаслигига ва ҳокимиятнинг мерос тариқасида ўтишига асосланган. Етакчиликнинг бу тури доҳийлар, оқсоқоллар, шоҳлар бошқаруви учун хосдир.

Харизматик етакчилик. Ҳукмдор — етакчининг қудратига халқнинг чексиз ишончига асосланади.

Рационал-ошкора етакчилик. Етакчини сайлашнинг тартиби, унга муайян ҳокимлик ваколатларининг оқиллиги, қонунийлиги тўғрисидаги тасаввурларга асосланади.

Америкалик политолог Роберт Такер сиёсий етакчиликнинг уч турини ажратиб кўрсатган:

Консерваторлар. Жамиятни мавжуд ҳолатида сақлаб қолишга қаратилган фаолият олиб борилади.

Реформаторлар. Ҳокимият таркибини кенг қамровли ислохотлар воситасида тубдан ўзгартиришга интиладилар.

Инқилобчилар. Одатда, қурол кучи билан бошқа ижтимоий тузумга тез сакраш орқали ўтишни режалаштиради.

Ҳозирги замон политологиясида етакчиларнинг 4 та йиғма образи қўлланилади: байроқдор ёки буюк инсон, хизматчи, савдогар ва ўт ўчирувчи. Етакчи байроқдорни воқеъликни шахсий идрок этиш,

оммани жалб этишга қодир бўлган ғоялар, идеаллар ажратиб туради. Бундай турга Мартин Лютер Кингни киритиш мумкин.

Хизматчи-етакчи ҳам ўз тарафдорлари ва сайловчиларнинг манфаатларини ифода этишга интилади ва улар номидан иш кўради. Савдогар-етакчи учун ўзининг ғоя ва режаларини чиройли қилиб кўрсатиш, фуқароларни уларнинг афзаллигига ишонтириш, уларни бу ғояларни сотиб олишга жалб этиш хосдир. Ва ниҳоят, ўт ўчирувчи етакчи энг долзарб ижтимоий муаммоларга, даврнинг муҳим талабларини мўлжалга олади. Унинг хатти-ҳаракатлари конкрет вазиятга кўра аниқланади. Реал ҳаётда бу 4 образдаги етакчилар алоҳида ҳолда учрамасдан, сиёсий арбобларда аралашган ҳолда учрайди.

Етакчиларни классификациялашнинг бошқа концепциялари ҳам мавжуддир. Етакчилар турининг хилма-хиллиги, уларнинг фаолиятлари, йўналишларининг бойлиги ҳал этиладиган вазифаларнинг кенглиги билан боғлиқдир.

Етакчининг функциялари — унинг фаолиятининг бош йўналишларидир. Уларнинг миқдори сиёсий тартибот, фуқаролик жамиятининг етуклиги, аҳоли турмуш даражаси каби омилларга боғлиқ.

Етакчиликнинг асосан қуйидаги функциясини кўрсатиш мумкин:

1. Жамиятни жипслаштириш ва бирлаштириш. Етакчи ўзида ва бошқа давлатлар билан муносабатда миллий бирликни гавдалантириши ва намоёниш қилиши, фуқароларни умумий мақсадлар ва қадриятлар йўлида бирлаштириши, Ватанга, давлатга, халққа хизмат қилишда ўрнатилган бўлиши лозим.

2. Энг мақбул сиёсий қарорларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиши. Етакчилар хатолар қилишдан кафолатланмаган бўлса ҳам, кўпинча яхши сарф-ҳаракатлар кўрсатмаса ҳам, барибир, ижтимоий вазифаларни ҳал қилишнинг энг маъқул йўлини топа олиш-

лик қобилиятлари одатда уларнинг раҳбарлик лавозимларини эгаллашларини оқлайди.

3. Ижтимоий ҳакамлик ва патронажлик, қўриқчилик, оммани қонунсизликдан, амалдорларнинг ўзбошимчалигидан ҳимоя қилиш, тартибот ва қонунчиликни назорат, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари билан сақлаб туриш.

4. Ҳокимият ва омманинг мулоқот, сиёсий ва ҳиссий алоқа каналларини мустақкамлаш ва шу билан фуқароларнинг сиёсий раҳбарликдан бегоналашувининг олдини олиш. Оммавий ахборот воситалари, айниқса телевидение, шунингдек сайловчилар билан ўзаро учрашувлар ва бошқа тадбирлар орқали президентлар ва бошқа сиёсий раҳбарлар халқ билан бевосита алоқада бўлиши учун кенг имкониятларга эга бўладилар.

5. Янгилашни ташаббускори бўлиш, элитизм ва ижтимоий энергияни тўплаш, оммани сиёсий мақсадларини амалга оширишга сафарбар қилиш. Етакчи халқ анъаналарини авайлаб асраши, ўз вақтида янгиликларни илғай олиши, жамият тараққиётини таъминлаши, халқда ижтимоий идеаллар ва ғояларга ишонч уйғотиши лозим.

6. Тизимни легитимлаштириш. Бу функция асосан тоталитар жамият етакчиларига хосдир. Сиёсий режим тарихий халқ анъаналарида ва демократик тартибларида ўз-ўзини оқлай олмаганида, у буни харизматик етакчининг алоҳида хусусиятларидан излашга ҳаракат қилади. Бунда етакчиларнинг қобилиятлари ҳаддан ташқари бўрттирилади.

**Ҳозирги дунёда етакчиликнинг
янги тенденциялари**

Ҳозирги дунёда етакчилик ривожланишида бешта тенденция шаклланди:

1. Миллий етакчилар глобал муаммоларни эндиликда четлаб ўта олмайдилар. Улар ўз ички сиёсат-

ларини умумжаҳон, глобал жараённинг бир қисми сифатида қарашлари лозим бўлади.

2. Норасмий етакчиларнинг роли ва таъсири ортиб бориши.

3. Етакчилар фаолияти иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга кўпроқ жалб қилиняпти. Бу — етакчи фаолияти билан боғлиқ равишда у ёки бу миллат турмуш даражасининг ортишида намоён бўляпти, ўз навбатида бу фаолият давомийлиги ҳам ортяпти.

4. Етакчи—қаҳрамон ва етакчи—антиқаҳрамон каби сиёсатчиларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли камайяпти.

5. Ҳокимиятлар бўлиниши ва фуқаролик жамияти чегараларининг кенгайиши ҳисобига сиёсий етакчи ҳокимияти ҳам чекланыпти.

Ҳар бир мамлакатда етакчиларни етиштириб берувчи кадрлар тайёрлаш тизими мавжуд. У жамият сиёсий тизими мақсадлари, қадриятлари билан чамбарчас боғлиқ. Шунга кўра кадрлар тайёрлаш тизимларини учга ажратиш мумкин:

1. Либерал-демократик тизим: Унинг Фарбона ва Шарқона кўриниши мавжуд.

2. Тоталитар. Унда етакчига, тизимга ва ягона мафкурага содиқлик алоҳида қадрланади.

3. Теократик тизим. Диний мафкура амал қиладиган мамлакатларда мавжуд.

Сиёсий етакчининг ижтимоий аҳамияти тўғридан-тўғри сиёсий маданият даражаси ва омманинг фаоллиги билан боғлиқ. Фаол сиёсий маданиятнинг, барқарор демократик анъаналарнинг мавжудлиги, давлат томонидан назорат қилинмайдиган фуқаролик жамияти ва сиёсий мухолифатнинг борлиги заиф етакчилар учун имкониятларни камайтиради, турли хил ўзбошимчаликнинг, ҳокимиятни сунистеъмол қилишнинг олдини олади ва шу билан бирга сиёсатда индивидуал қобилиятлар ва талантларни намоён қилишга кенг йўл очиб беради.

11-мавзу Сиёсат ва миллатлараро муносабатлар

Миллат тушунчаси Сиёсат ва миллат, миллатлараро муносабатлар тушунчаси политологияда муҳим ўрин тутди. Демократик таъмоийилларга, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосланган сиёсат миллатга, миллий муносабатларга мамлакат тараққиётининг муҳим шарти сифатида этиборни қаратади. Чунки ҳар қандай давлатда ҳам миллатлараро муносабатларни барқарорлаштирмасдан туриб, тараққиётга эришиб бўлмайди. Миллатлараро можаролар албатта муқаррар равишда мамлакатларнинг ривожланишига зарба беради. Миллатлараро муносабатнинг моҳияти, уни барқарорлаштириш омиллари ҳақида фикр юритишдан олдин миллат тушунчасининг моҳиятини тушуниб олиш мақсадга мувофиқ.

Миллат тушунчасини аниқлашга турлича ёндашувлар мавжуд. Жумладан, инглиз файласуфи Эрнест Геллнер, миллатни “инсон яратган, у инсон иши ва онгининг маҳсули”, рус олими Л. Ионнинг фикрича “миллатга мансублик инсонга туғилишдан берилади ва унинг бутун ҳаёти давомида ўзгармай қолади. У жинс каби мустаҳкамдир. Ҳатто бу фикрларга қарши фикрлар ҳам илгари сурилмоқда. Жумладан, рус олими В. А. Тишковнинг фикрича, “Миллат илмий тушунча эмас, бу сиёсий шиор ва сафарбарлик воситасидир”.

Ўзбекистонда миллат тушунчасига турли фикрлар билдирилиб келинмоқда. Аммо, собиқ шўролар даврида миллатга таъриф беришда синфий нуқтан назардан қарашлар устувор эди. Бунинг оқибатида синфий манфаатлар миллий манфаатлардан устуворликка эга бўлиб келди.

Биринчидан, миллат инсоният ва жамият тараққиётининг ҳосиласи ҳисобланади. Унинг шакллани-

шида моддий омиллар, хусусан, ҳудуд, давлат, иқтисодиёт муҳим рол ўйнаган бўлса ҳам, улар миллатнинг тўлиқ моҳиятини очиб беролмайди. Улар инсоннинг ўзаро яқинлашишида ўзининг таъсирини ўтказган. Аммо, миллатни бирлаштирувчи нарса маънавий омиллар ҳисобланади. Хусусан, руҳият, тил, маънавият, урф-одат, анъана, қадриятлардир.

Иккинчидан, миллий манфаатдорлик (ўз тили, маънавият, урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни ўзликни сақлаб олишга интилиш) моддий эҳтиёжлар тўла қондирилган шароитларда ҳам сақланиб қолади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб миллатга қуйидагича таъриф бериш мумкин: миллат, тил, маънавият, миллий ўзликни англаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар асосида муайян ҳудудда яшовчи кишиларнинг этник бирлиги дейиш мумкин. Қўрииб турибдики, бу таърифда маънавий омилларга устуворлик берилган. Бунинг асосий сабаби шуки, иқтисодий эҳтиёжларни қондириш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда этник бирлик вужудга келади. Аммо у маънавий омилларнинг “йўқ” бўлишига ўз таъсирини ўтказа олмайди. Чунки маънавий омилларни кишиларни этник бирликка бирлаштириб уларни “ташқи” хавф-хатарлардан огоҳ қилиб туради. Шу маънода ҳам у миллатнинг инсон каби доимо тараққий этиб такомиллашиб боришида етакчи ўрин эгаллайди.

Сиёсий жараёнлар ва миллий муносабатлар

хос манфаатлари мавжуд бўлади. Унинг бу соҳадаги асосий манфаати биринчи навбатда ўзининг сиёсий ҳуқуқларга эга бўлишидир. Бу ҳуқуқлар давлатни бошқариш, жамият сиёсий жараёнларида бемалол иштирок этишга эришишдир.

Миллатларнинг бошқа соҳаларда бўлганидек, сиёсий соҳада ҳам ўзига

Бу манфаатларнинг қайси даражада таъминланиши жамият ҳаётининг ривожланишига ёки аксинча унга салбий таъсир кўрсатувчи жараёнларнинг вужудга келишига олиб келиши мумкин.

Мамлакат ҳаётидаги сиёсий жараёнлар сиёсий институтларнинг ўзаро муносабатларида ва унда фуқароларнинг фаол иштирок этишларида ўз ифодасини топади. Давлат институтининг мавжудлиги сиёсий жараёнларнинг доимо ҳаракатда эканлигини ҳам билдиради. Сиёсий жараёнларнинг қайси даражада ташкил этиши мамлакат тараққиётининг йўналишини ҳам белгилаб беради. Чунки, у давлат ҳокимияти тараққиётининг ишлаши ва уларнинг жамият сиёсий ҳаётининг барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий гуруҳлар, шу жумладан, миллатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳам барқарор ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Агар давлат ҳокимияти тармоқларининг барқарор ишлаши бузилса у албатта мамлакатда сиёсий жараёнларнинг бузилишига ҳам олиб келади. Бундай ҳолатда амалдаги қонунларнинг ишлашига ўзининг салбий таъсирини ўтказади. Натижада бу жараён жамият ҳаётидаги барча, шу жумладан, миллий муносабатларнинг ҳам бузилишига олиб келади.

Мамлакат ҳаётида сиёсий жараёнларнинг бузилиши давлатнинг ўз фаолиятида нафақат барқарор тараққиётни таъминлай олмайди, шунинг билан бирга миллатларнинг сиёсий манфаатларини, хусусан, уларнинг тенг ҳуқуқлигини ҳам кафолатлай олмайди. Бу охир оқибатда мамлакат ҳаётида сиёсий тангликнинг вужудга келишига олиб келади.

Миллатлараро муносабатларнинг сиёсий жиҳатлари: 1) Ўз тақдирини ўзи белгилаш, халқларнинг миллий давлат қуришга эга бўлиши; 2) Миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлиги; 3) Миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги; 4) Миллий маданият ва тиллар-

нинг эркин ривожланиши; 5) Миллий кадрлар тайёрлаш; 6) Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, партиялар ва ҳаракатлар фаолияти; 7) Миллий элиталар ўртасидаги алоқадорлик; 8) Миллатлараро муносабатлар сиёсий маданиятини, халқларнинг сиёсий анъаналарини шакллантириш; 9) Миллатлараро ихтилофларнинг олдини олиш миллатлараро ҳамжиҳатликда ўз ифодасини топади.

Демак, миллий муносабатларнинг барқарорлиги сиёсий жараёнлар, яъни сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ўзаро муносабатларининг ҳолати билан боғлиқдир. Худди шунингдек, миллий муносабатларнинг барқарорлиги ҳам сиёсий жараёнларнинг барқарор бўлишида муҳим омил ҳисобланади. Чунки, миллатлараро можаролар келиб чиқишида жуда кўп омиллар сабаб бўлиши мумкин. Лекин ана шу сабабларнинг энг хатарлиси у ёки миллат ҳуқуқларининг поймол этилиши, унинг гурури, иззатларига нисбатан ҳурматсизликнинг юзага келиши ҳисобланади.

Миллатлар мавжуд экан, манфаатларни ҳисобга олиш сиёсий жараёнлар ва мамлакатнинг барқарор бўлишини таъминлашнинг асосий шарти ҳисобланади. Чунки манфаатлар миллатни доимо уйғоқ бўлишга, ўзлигини ҳимоя қилишга жалб қилиб туради.

Сиёсат ва миллий тараққиёт. Миллий сиёсат кўп миллатлар яшайдиган барча мамлакатлар фаолиятида етакчи ўринни эгаллайди. Чунки мамлакат ички ҳаётида барқарор тараққиётни таъминлаш унда яшайдиган барча миллатларнинг ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Шунинг учун бу масала давлат сиёсатида мустақил йўналишни ташкил қилади.

Миллий сиёсат — давлат томонидан ўз ҳудудида яшаётган турли миллатлар ва этник гуруҳларнинг ривожига миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга ва шу асосда миллий тараққиётни барқарор ривожлантиришни ташкил қилишга қаратилган, аниқ мақсад асосида олиб бориладиган фаолиятдир.

Миллий сиёсат миллатлараро муносабатлар тушунчасидан фарқ қилади. Агар миллатлараро муносабатлар мамлакат ичидаги барча миллатлар ва этник гуруҳларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш асосида улар ўртасида ўзаро ишонч, ёрдам ва дўстлик тамойилларини вужудга келтиришга қаратилган бўлса, миллий сиёсат унга қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, ҳар бир миллатнинг ўз ички имкониятларини юзага чиқариш, ўзлигини намоён қилиш учун шароитларни яратиш асосида уларни тараққий қилдиришга қаратилган давлат фаолияти ҳисобланади. Ўз навбатида миллатлараро муносабатлар миллий сиёсатнинг ажралмас қисмини ташкил қилишни ҳам назарда тутмоқ лозим. Давлатнинг фаолиятида амалга оширилган миллий сиёсат ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, миллатларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлаш, миллатлараро муносабатларда давлат ҳудудида яшайдиган ҳар бир миллатнинг манфаатини ҳисобга олиш, бир миллатни иккинчисига қарама-қарши қўймаслик, миллатчилик, шовинизм ва маҳаллийчилик каби салбий ҳолатларнинг юзага келишига йўл қўймасликни назарда тутди.

Кўп миллатли бир қанча ривожланган мамлакатларда миллий тараққиётни ташкил қилиш ва миллатлараро муносабатларни изчилик билан такомиллаштириб боришнинг муайян тажрибалари тўпланган. Бугунги кунда турли халқлар ўстидан ўз ҳукмронлигини ўрнатган империялар тутади. Илгари мустамлака бўлиб яшаган халқлар ўзларининг мустақиллигини қўлга киритдилар ва ривожланишнинг ўзлари танлаган йўлидан бормоқдалар. Ривожланган мамлакатларда миллатларни ривожлантириш ва улар ўртасида ўзаро муносабатларни такомиллаштириш жараёнлари давом этмоқда.

Бугунги кунга келиб, дунёнинг тараққий этган айрим мамлакатларида фуқаронинг миллатини рас-

ман белгилаш амалиётидан воз кечилган. Аммо, бу ўша мамлакатларда ҳам миллий масала мутлоқ ҳал этилганлигини, миллатларнинг ўзлигини англашга интилишлари, миллат ва элатларнинг манфаатлари йўқлигини билдирмайди. Чунки миллатнинг мустақил субъект сифатида мавжуд бўлиши ва тан олиншининг ўзи уларнинг ҳар бирининг ўзига хос эҳтиёжлари ва манфаатларининг мавжуд бўлишини билдиради. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир давлат миллий ривожланишни ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришни ўз сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида қараш зарурлигини тақозо қилади.

Миллий тараққиёт ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириб боришдаги дунёнинг кўнгина мамлакатларида тўпланган тажрибалар шундан иборат бўлдики, уларнинг кўпчилигида ҳар бир миллатнинг сонидан қатъий назар миллий сиёсатда уларни ривожлантиришга қаратилган меъёрий ҳужжатлар реал ҳаётда амалга оширилишига катта эътибор берилади. Миллий эҳтиёжларнинг муноғазам равишда ўсиб бориши билан уларнинг қондирилиб бориши ўртасида фарқ деярлик сезилмайди. Бу эса давлатга ўз ҳудудида яшайдиган турли миллат ва элатларни табиий равишда ўз атрофида бирлаштиришга ҳамда миллий масаланинг вужудга келишининг олдини олишга имкон берди.

Коммунистик мафкурачиларнинг фожеаси ҳам шунда эдики, улар миллатларни “байналмилаллаштириш” орқали сон жиҳатдан кичик бўлган миллатларни қўшиб юбориш ва катта миллатларнинг ҳукмронлигини ўрнатиш ғоясини илгари сурган эдилар. Улар томонидан олиб борилган бу сиёсат назарий жиҳатдан ўзининг яроқсиз эканлигини ва амалий жиҳатдан эса ўта хатарли эканлигини кўрсатди.

Улар ўзларининг назарияларида пролетариат манфаатларининг ҳар қандай манфаатдан устун эканли-

гини асослашга ҳаракат қилдилар. Шунга мувофиқ миллий манфаатларни ана шу пролетариат манфаатларига бўйсундирдилар. Улар синфлар ўртасидаги қарама-қаршилик тугаши билан миллатлар ўртасидаги тафовутлар тугайди, — деб ҳисоблади.

Худди ана шу ғайриилмий «таълимотлари»ни улар Россияда октябр тўнтаришини амалга оширишдан бошлаб то собиқ СССРнинг ҳалокатигача бўлган давргача ҳаётга татбиқ қилиб келдилар. Улар собиқ СССРни тузиш, иттифоқдош республикаларни «шакклантириш», миллий чегараларни маккорлик билан ўтказиш, байналмилал маданият, тил, урф-одатлар ва қадриятлар вужудга келтиришда ҳаётга татбиқ қилиб келдилар.

Бу «назария»ни амалга ошириш гўё чоризм империясидан миллий сиёсатга мерос бўлиб келган иллатларни тугатиш борасидаги муҳим «кашфиё» даражасига кўтарилиди ва унинг амалга оширилиши миллий масалани «ҳал қилиш»да собиқ СССРнинг буюк «ғалабаси» деб кўкларга кўтарилиди. Амалда эса собиқ шўролар давлат ҳокимиятининг заминлари адолатсизликка ва зўравонликка қурилган эди. Миллий сиёсатни амалга оширишда эса зўравонлик, миллий тенгсизлик, адолатсизлик асосий йирик миллатнинг «майда» миллатлар устидан ҳукмронлигини таъминлаш каби ўта хатарли йўлдан борди.

Миллий масалани «ҳал» қилишдаги шўролар олиб борган сиёсат оқибатида кўпгина миллатлар тараққий қилиш ўрнига ўз Ватанларидан жудо бўлдилар, Ўзбекистон эса ўзга миллатларни кўчириб келтирадиган ва уларни «байналмилаллаштирадиган» синов жойига айлантирилди. Жумладан, агар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 1887 йилда 70 га яқин халқларнинг вакиллари яшаган бўлса, 1926 йилда 91 та, 1959 йилда 118 та, бугунги кунга келиб 123 дан ортиқ миллат ва эллатлар вакиллари яшамоқда. Яъни шўролар ҳукмронлиги даврида Ўзбекистонга 50 дан ортиқ миллат ва эллатлар вакиллари кўчирилиб келтирилган.

Тил соҳасида олиб борилган сиёсатда рус тили амалда давлат тилига айланиб борди. Тил соҳасида олиб борилган бу сиёсат барча ҳужжатларда кўз-кўз қилинар ва кўкларга кўтариб мақталар эди. Аммо ўз она тилини “эсдан” чиқариб, ўзлигидан маҳрум бўлиб ва манқуртга айланиб бораётган миллатлар ҳақида ёзилмас эди. Аксинча, ўз тилини “эсдан” чиқариш ўрнига рус тилини мукаммал билган ҳар бир миллат ёки элат вакили юқори мансаб лавозимларига кўтарилар ва буюк “байналмилалчи” сифатида юқори баҳоланар эди. Булардан ташқари, собиқ иттифоқдош республикаларнинг раҳбарларига ишончсизлик билан қараш ҳам миллий сиёсатнинг устувор йўналишини ташкил қилган эди. Ўз миллатининг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилган миллий республикаларнинг ҳар қандай раҳбарига “миллатчи” тамғаси босилар ва у марказдан ўзларига садоқатли кадрларни келтириш имкониятини берар эди. Тарихий тажриба кўрсатдики, миллий тараққиётни айрим миллатлар манфаатларига устуворлик бериш билан ташкил қилиб бўлмайди. Бундай сиёсат амалда давлатнинг ич-ичидан емирилишига, миллатлараро можароларнинг тўпланишига ва охир оқибатда жамиятда катта портлашларнинг юзага келишига олиб келади.

Миллий мустақиллик. Миллатлараро муносабатларни барқарорлаштиришнинг сиёсий йўли

Мустақиллик миллат учун энг зарур бўлган асосий омил

ҳисобланади. Чунки бировга қарам бўлган, унинг хоҳиш-иродаси билан яшашга “ўрганиб” қолган миллат ҳеч қачон тараққий қилаолмайди. Ўз мустақиллигини қўлга киритган миллат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлади, ўзи учун тараққиётга олиб боровчи маъқул бўлган йўлни танлай олади, ўз урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини ривожлан-

тириш имкониятини қўлга киритади, аجدодлардан қолдирилган барча моддий ва маънавий бойликларнинг эгаси бўлади, ўз заминидан эркин нафас олиб, унинг барча бойлигидан ўзи хоҳлаганича фойдалана олади.

Булардан ташқари, мустақил бўлган миллатгина бировларнинг қош-қовоғига қараб яшамайди, тенглар ичида тенг бўлиб, қаддини кўтариб, мағрур яшайди. Фақат мустақилликка эга бўлган миллат ва унинг давлати халқаро ҳамжамиятлар томонидан мустақил субъект сифатида эътироф этилади. Мустақиллик ҳар бир миллат учун фақат сиёсий ва иқтисодий эркинликларни қўлга киритиш бўлиб қолмасдан, шулар билан бир қаторда қоронғилик, жаҳолат ва маънавий қашшоқликдан қутилишнинг асосий шарти ҳам ҳисобланади.

Мустақил бўлган миллатгина ўзлигини англаш бахтига муяссар бўлаолади. Ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши эса унинг барча салоҳиятини юзага чиқариш ва тараққиёт сари бориш имкониятини беради. Хўш, миллатнинг ўзлигини англашнинг ўзи нима? Ҳар бир миллатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи, тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатта мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишдир. Миллий ўзликни англаш миллат шаклланишнинг мезонидан бири ҳисобланади. Миллат ўзлигини англасагина ўзига хос урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни сақлашга ва ривожлантиришга, миллий манафаатни ҳимоя қилишга, миллий ғурурни мустаҳкамлашга, миллий ор-номусини ҳар қандай бойликдан устун қўйишга эриша олади. Ўз навбатида миллатнинг ўзлигини англаши ҳам унинг ўз мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин ўтган тарихан қисқа давр ичида миллий тикланиш,

ўзлигини англаш, аجدодларимиздан қолдирилган бой меросни ўзлаштириш, уларни ёшларимизга етказиш, миллатимизни жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам тан олиш борасида катта ютуқларга эришилди.

Мустақиллик ана шундай улугъ неъмат билан бирга у катта масъулиятни ҳам юклайди. Бу масъулият мамлакатимиз халқлари ўртасида барқарор муносабатларни такомиллаштириб бориш, миллий хавфсизлигимизни таъминлаш, миллий манфаатларни ҳимоя қилишни ёшларимизнинг дунёқарашларида чуқур ўрин эгаллашига эришиш, миллий тараққиётимизнинг барқарор бўлиши, демократик жараёнларни изчиллик билан ривожлантириш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни мустаҳкамлаш билан боғлиқдир.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганларидек, “Ўзбекистон аҳолисининг кўп миллатлилиги ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмат қилмоқда. Бу республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт-шароит яратмоқда”¹.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида миллий тикланиш ва тараққий қилиш билан бирга мамлакатимизнинг полиэтник “кўп элатли”лигидан келиб чиққан ҳолда улар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириб бориш давлатимизнинг устувор фаолиятига айланди. Жумладан, давлатимизнинг асосий қонуни бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди ва уларнинг ривож-

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 72-бет.

ланиши учун шароит яратади», — деб белгилаб қўйилган. Яна, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун»да Ўзбекистон Республикасининг ҳамма фуқароларига «ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣй мавқеи, ирқӣи ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар» тенг сайлов ҳуқуқи берилиши белгилаб қўйилган.

Миллатларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлашга ва миллатлараро муносабатларни барқарорлаштиришга хизмат қилувчи бу меъёрий ҳужжатлар миллий тараққиётимизнинг таъминотига ва миллатлараро муносабатларда турли можаролар келиб чиқишининг олдини олишга хизмат қилиб келмоқда.

Мамлакатимиз миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш билан бир қаторда ўзга мамлакатларда яшаётган миллатдошларнинг барқарор тараққӣй қилишларига, уларнинг ҳам аجدодларимиз яратган улкан мерослардан баҳраманд бўлишларига катта эътибор бериб келинмоқда. Бугунги кунда Тожикистон аҳолисининг 24,4 фоизини, Қирғизстон аҳолисининг 13,8 фоизини, Туркманистон аҳолисининг 9,0, Қозоғистон аҳолисининг 2,5 фоизини ўзбеклар ташкил қилмоқда. Уларнинг миллий эҳтиёжларини қондириш миллатлараро муносабатларни такомиллаштириб боришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Мамлакатимиз тараққиёти ва миллий ривожланиши учун бу жараёнларни такомиллаштиришнинг аҳамияти катта эканлигига эътибор билан қараб келинмоқда. Президент И. Каримов миллий сиёсатни амалга оширган вақтида миллатлараро муносабатлар жараёнида миллий ва минтақавий хавфсизликка таҳдид соладиган можароли вазиятларга йўл қўймаслик учун қандай асосий қоидаларга амал қилишимиз керак,

деган саволга қуйидагича вазифаларни амалга ошириш зарурлигини белгилаб берди:

Биринчидан, давлатнинг этник сиёсати шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устувор бўлишига асосланиш даркор, шунингдек, миллий озчиликнинг ҳуқуқлари камситилмаслиги шарт.

Иккинчидан, давлатнинг этник сиёсатидаги бош йўли миллатлараро зиддиятларни амалий тарзда ҳал қиладиган усулларга асосланиши лозим.

Учинчидан, жамиятимизнинг бозор муносабатларига асосланадиган иқтисодий тараққиёти одамларни ижтимоий ҳимоялашнинг кучли механизмини таъминлаган ҳолда республика ҳудудида яшаётган барча миллатларга мансуб аҳолининг манфаатларига мосдир. Бу тараққиёт ҳар бир одамнинг қобиляти ва иқтидорини рўёбга чиқариш, ҳар бир ишларни ривожлантириш ва фаровонлигини ошириш учун мустақкам асос яратаётганлигини кўрсатади¹.

Миллатлар манфаатларини ҳисобга олиш қайси мамлакат миллий сиёсатида устувор вазифа сифатида белгиланган бўлса миллатлараро можаролар келиб чиқишининг олдини олиш имконияти ҳам катта бўлади.

Миллатлараро муносабатлар фақат ижтимоий муносабат доираси билан чекланмай, балки у миллатнинг тенг ҳуқуқлигини, мустақиллиги, эркинлиги ва мамлакат сиёсий ҳаётида қатнашишини таъминлаш билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам сиёсий муносабатларнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Бу жараёнлардаги муносабатларни барқарор ривожлантириш ҳам мураккаб ҳисобланади. Аммо, у ёки бу миллат ёки элат вакилининг эҳтиёжлари мунтазам ўсиб бориши ҳар доим ҳам талабга жавоб бермаслиги мумкин. Бир томондан, давлатнинг ички имконияти

¹И.А. Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 84-85-бетлар.

ва у томонидан олиб бориладиган сиёсий йўналиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, шу мамлакатда яшаётган миллат ва элат вакилларининг мамлакат номи билан айтиладиган миллатларнинг маънавий ҳаётига кириб бориши, уларнинг урф-одат, анъана ва қадриятларини ўз маънавиятининг ажралмас қисми сифатида қабул қила билишига ҳам боғлиқ бўлади.

Сиёсий воситалар дейилганда миллатлараро муносабатларда юзага келган муаммоларни ўзаро сиёсий мунозара ўтказиш, фикр алмашиш, бир-бирларининг манфаатларини ҳисобга олиш, керак бўлса томонлар ўзаро бир-бирига ён бериш, консенсусга келишиш кабилар тушунилади.

Миллий муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган можароларни ҳал қилишнинг сиёсий воситаларидан фойдаланиш миллий тараққиёт ва мамлакат барқарорлигини таъминлашнинг асосий имконияти ҳисобланади .

Миллатлараро муносабатларнинг барқарорлигини ва миллий ривожланишни изчиллик билан таъминлаб бориш учун қуйидагилар миллий сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида амалга оширилмоқда:

Биринчидан, барча миллатларнинг ўсиб келадиган эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва уни амалга оширишда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш.

Иккинчидан, мамлакатда яшайдиган барча миллат ва элат вакилларида, уларнинг ким бўлиши, эгаллаб турган мансаби, диний эътиқоди ва ёшларидан қатъи назар шу Ватанга муҳаббат, унинг тараққиёти учун масъуллик руҳиятини шакллантириш.

Учинчидан, миллатлараро ишонч, дўстлик, биродарлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, улар ўртасида ҳар қандай субъектив сабаблар асосида вужудга келадиган ихтилофларни ҳал этишда сиёсий воситалардан фойдаланишни назарда тутиш.

Тўртинчидан, мамлакат номи билан айтиладиган миллатнинг ўз атрофида яшаётган турли миллат ва элат вакилларига эътиборини, ҳурматини мустаҳкамлаш, унинг барча миллатларни ўзаро уюштиришдаги, улар ўртасидаги муносабатларда барқарорликни таъминлашда масъуллигини оширишдан иборат.

Бу вазифалар давлатнинг миллий сиёсатидаги стратегик йўналишидир. Мамлакатимизда миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг энг адолатли йўли, яъни барча миллатларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги, ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш давлатимиз миллий сиёсатининг бош йўналишини таъкид қилиб келмоқда. Бу ўз навбатида ривожланишимизга ва мамлакатимизга фуқаролик жамиятини вужудга келтиришга ўзининг ижобий таъсирини ўтказади.

“Миллатлараро тотувлик ғояси — умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади”.¹

12-мавзу

Сиёсат субъекти: гуруҳлар ва қатламлар

Сиёсат субъекти тушунчаси

Сиёсат ҳаётнинг ўзига хос муҳим соҳаси. Ҳамма инсонлар ҳам сиёсат билан мунтазам шуғулланавермайди. Айримлар сиёсий фаолият билан унчалик қизиқмасалар, айримлар эса у билан қизиқишга вақт тополмайдилар. Айни пайтда шундай одамлар ҳам борки сиёсатдан «четда» туришни истайдилар ёки сиёсатни сирли, тушунарсиз бир соҳа деб ҳисоблайдиганлар ҳам топилади. Аммо, сиёсатга

¹Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 59-бет.

бўлган муносабат инсон ёши билан боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Инсон ўз меҳнат(касб)и фаолиятидан қатъий назар вақти билан унга қизиқиш пайдо бўлиши ва сиёсий фаолият билан бевосита фаол шуғулланиши, унинг иштирокчисига (субъектига) айланиши ҳам табиий жараёндир.

Халқимизда шундай доно фикр бор: «Ҳар бир киши сиёсат билан шуғулланиши керак, акс ҳолда сиёсат у билан шуғулланади». Бунда қандай маъно бор? Бундан сиёсат билан инсон ўртасида икки хил муносабат мавжудлигини ҳамда ҳар хил оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини англаб олиш мумкин. Инсон сиёсат билан шуғулланса сиёсатнинг фаол субъекти сифатида, унда ўзига хос сиёсий дунёқараш, онг ва маданият ҳамда сиёсий муносабатларнинг моҳиятини идрок этадиган, сиёсий жараёнларга баҳо берадиган кўникма, малакага эга эканлигидан далолат беради. Ақсинча, сиёсат инсонлар билан шуғулланса, инсонда унга нисбатан «тобе»лик руҳияти устуворлик қилади. ✓

Бу жамиятнинг сиёсий тизими, унинг характери ва мазмуни билан ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Масалан, демократик тамойилларга асосланган жамият инсонларни сиёсатнинг субъекти сифатида, унинг бевосита иштирок этишидан кўпроқ манфаатдор. Шунга тегишли шарт-шароитларни беришни олдига мақсад қилиб қўйган. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикаси шундай демократик жараёнларни амалга оширмоқда. Мақсад мамлакатда ҳуқуқий, демократик, адолатли, фуқаролик жамиятини қуришдир.

Маъмурий-буйруқбозлик бошқарувига асосланган жамиятда демократик тамойиллар ривожига ўрин берилмайди. Бундай жамият инсоннинг сиёсат билан шуғулланишига эркинлик бермайди.

Айрим инсонлар сиёсий фаолият билан бевосита боғлиқ бўлмаса бу унинг ҳаётига таъсир кўрсатмайди

ва ҳеч қандай мажбуриятларни ундан талаб қилмайди деган хулосани бермайди. Ҳозирги замон жамияти мураккаб ташкилий тузилишга эгаки, унда сиёсий ҳокимият муҳим вазифаларни бажаради. Масалан, ҳар бир киши (инсон) у ёки бу давлатнинг фуқароси ҳисобланишининг ўзи, уни давлат қурилишининг сиёсати билан боғлайди, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, бурчларини белгилаб беради. Инсон кундалик ҳаётида ўз хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда сиёсат билан боғланади. Бунда инсон у ёки бу жамиятда яшар экан, албатта сиёсатдан четда бўлолмайди.

Сиёсат — бу инсонлар ва сиёсий институтлар ўртасидаги муносабат соҳасидир. Шунинг учун сиёсатга жуда кўп омиллар, муносабатлар таъсир кўрсатади. Шунда «Сиёсат субъекти» тушунчаси ишлатилади. Сиёсат субъекти деганда, сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.

Ўзгаришга, ўзгартиришга ёки қўллаб-қувватлашга йўналтирилган сиёсий фаолият билан боғлиқ сиёсий реаллик сиёсат объекти деб аталади.

Сиёсат субъекти сифатида алоҳида инсонлар, социал гуруҳлар, қатламлар, сиёсий институтлар ва ҳаракатлар фаолиятда иштирок этишини билдирсада, уларнинг сиёсатда тутган ўрни ва роли хилма-хил бўлади. Бунда уларнинг сиёсий муносабатларда иштироки ўрни ва роли улар олдида қўйилган мақсад, унинг тамойиллари, манфаат доираси билан белгиланади. Масалан, муайян «гуруҳ манфаати» доирасидан чиқолмаган сиёсат субъектининг манфаати давлат ҳокимиятининг бевосита аралашувини тақозо этмаслиги мумкин. У сиёсий муносабатлар ва жараёнларнинг боришига сезиларли таъсир кўрсатмайди ёки сиёсий аҳамият касб этмайди. Фақат у эътиборни қаратишни ва ўз кўлами даражасида ҳал этилишини тақозо этади.

**Сиёсат субъектлари:
гуруҳлар ва қатламлар**

**Сиёсий фаолиятда шундай
субъектлар, уларнинг ман-
фаатлари доираси мавжуд-**

ки, у сиёсий муносабат ва жараёнларда, уни ишлаб чиқишда ҳамда амал қилишда алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, мамлакатда мавжуд турли хил социал қатламлар, гуруҳлар, ўрта мулкдорлар қатлами ва бошқалар; ёки миллатлар, қайсики инсонларни умумий тил, маданият, урф-одат ва анъаналар билан боғлаб, уларни бирлаштириб туради. Уларнинг ўзаро муносабатларида муайян муаммолар, манфаатлар доираси мавжудки, алоҳида аҳамият беришни тақозо этади. Улар жамиятдаги муайян сиёсий кучлар, партиялар, ҳаракатлар, ижтимоий ташкилотлар орқали сиёсатда иштирок этади. Муаммолар мавжуд бўлганда уни ҳал этиш учун давлат ҳокимиятининг аръташиши зарур бўлади. Сиёсатда, масалан, этник ва миллатлараро муносабатларда зиддиятларни келтириб чиқармаслик учун миллий қадриятлар ва анъаналарни сақлаб қолиш билан боғлиқ табиий интилишлари, уларнинг тил, маданият ва бошқа хусусиятларини эркин ривожлантиришни ҳисобга олиш муҳим ўрин тутди.

«Айни маҳалда, — деб таъкидлайди Президент И.А.Каримов, — бир миллат ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини бошқа миллатнинг ёки бошқа халқ вакиллариининг худди шундай интилишларини камситиш ҳисобига рўёбга чиқармаслиги лозим. Баъзи миллат, этнослар вакиллариининг бошқаларга такаббурлик билан менсимай муносабатда бўлиши каби ҳолатлар юзага чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай шароитга барҳам бериш лозим».

Бу мамлакатда сиёсий жараёнларни ва муносабатларни барқарорлаштириш ҳамда демократик жамият қуриш вазифаларини амалга ошириш, фуқароларни муайян социал гуруҳни хоҳиш - иродаси, орзу - умидларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ. Унинг сиёсат-

да алоҳида эътиборга олиниши, сиёсатнинг субъекти сифатида, социал гуруҳлар манфаатини ўзида уйғунлаштиради. Ўзбекистон Республикасини кўп миллатли (полиэтник) давлат сифатида, мавжуд социал гуруҳларнинг манфаатлари аниқ ҳисобга олинаётганлигини, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатликни мисол тарзида келтириш мумкин.

Сиёсий фикр тарихида турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар манфаатини ҳисобга олиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган фикрларни кўплаб учратамиз. Хусусан, Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларни мисол тарзида айтиш мумкин. Масалан, Амир Темур мамлакатни мавжуд ижтимоий гуруҳларга таянган ҳолда бошқариш, уларнинг манфаатларини уйғун тарзда ҳисобга олиш зарурлигини, ўзи шунга амал қилган ҳолда жамиятдаги 12 тоифани ҳисобга олиб бошқарганлигини келтиради ва ҳ.к.

Мустақил Ўзбекистон давлати сиёсатида, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари билан мос равишда, унинг социал муносабатларининг негизини ташкил этувчи муайян гуруҳлар, қатламлар, турли хил миллат ва элат(этнос)-ларга мансуб кишиларнинг мақсад, манфаатлари ҳамда муаммоларини аниқ ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда амалда давлат бошқаруви тизими таркиб топди. Давлатимизда қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлис, сайлаб қўйиладиган маҳаллий ваколатли органлари — Кенгашлар, Президент, Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари, тегишли ваколатга эга бўлган вазирлар ва маҳкамалар раҳбарлари, ҳокимлар ва уларнинг таркибий бўлинмалари бор. Уларнинг пировард мақсади — халқ иродаси ва умидларини, турли социал гуруҳлар ман-

фаатларини ҳисобга олиш ҳамда рўёбга чиқаришга қаратилган.

Сиёсатнинг субъекти сифатида ёшлар, социал гуруҳ ёки қатлам сифатида, сиёсий муносабатларда алоҳида ўрин тутadi. Мамлакатимизда ёшларга алоҳида эътибор берилаётганлиги аввало ёшларнинг мамлакат аҳолиси таркибидаги ўрни билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, Ўзбекистоннинг келажаги ана шу социал гуруҳнинг мақсад ва интилишларини, муаммоларини сиёсий муносабатларда аниқ ҳисобга олиш билан боғлиқ эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бугун Республика Олий Мажлисида “Ёшлар билан ишлаш қўмитаси”нинг ташкил этилганлиги, Республика телевидениесига “Ёшлар” телеканалининг очилиши, Ўзбекистон ФМДП Ёшлар қаноти, унинг “Эъзозчилар” ва “Эколог” гуруҳларининг ташкил этилиши, ва ниҳоят, бугунги кунда Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолият кўрсатаётганлиги ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари, ёшларнинг сиёсатда қандай ўрин тутишини кўрсатади.

Президентимиз И.А.Каримов «Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат ўз фарзандлари қиёфасида, униб ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа энг гўзал фазилатларни намоён этадиган, унинг орзу истакларини амалга оширишда мардлик ва фидойилик кўрсатишга қодир бўлган ўз таянчи ва суянчини кўриши табиийдир» дейди.

Республика аҳолисини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёт соҳалари ҳамда уларни ёш таркиби, касб йўналишлари, ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва ҳ.к. соҳалар бўйича турли социал гуруҳларга бўлиш мумкин. Бу сиёсат субъекти ва унинг иштирокчиларини ўрганишда, тақлил этишда алоҳида аҳамият касб этади.

Шунинг билан бирга Республикамиз кўпконфессияли давлат эканлигига ҳам эътиборни қаратиш

ложим. Жумладан, ислом, рус-православ, Рим-католик, арман-григорян, мотеран, баптистлик, яхудийлик ва бошқа диний конфессиялар ҳам муайян ижтимоий гуруҳларни ташкил этади. Шунинг учун сиёсатда уларнинг ҳар бирининг манфаатлари алоҳида эътиборга олинмоқда.

Ўрта мулкдорлар қатлами ва сиёсий муносабат Сиёсат ва сиёсий муносабатлар ривожидда мамлакатдаги “Ўрта мулкдорлар қатлами”нинг ўрни, кўлами муҳим ўрин тутadi. Яъни мамлакатда ўрта мулкдорлар қатлами қанча кўнайиб борса, барқарорлик ва мустақиллик шунча мустаҳкамланиб боради. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг, бозор иқтисодиёти ва хусусийлаштириш жараёнидан кўзланган мақсадлардан бири ҳам шунда. Сиёсий тафаккурда “Ўрта мулкдорлар синфи” тушунчаси ўтмишда ишлатилган “синф” тушунчасидан тубдан фарқ қилади. Бу ўринда гап агар мулк шакллари хилма-хиллиги биринчи навбатда хусусий мулк ҳар қандай давлатнинг демократик негизлари барқарорлигининг иқтисодий асоси ҳисобланса, реал ишлаб чиқариш воситаларининг ўрта мулкдорлардан иборат кучли қатламининг мавжуд бўлиши унинг сиёсий асоси эканлиги тўғрисидадир. Кўп укладли, яъни мулкнинг хилма-хиллигига асосланган иқтисодни шакллантириш унинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу “давлат бой бўлса, оила, ҳар бир одам бой бўлади” деган фикрнинг ўрнида, аксинча, “оила, ҳар бир одам бой бўлса давлат ҳам бой бўлади” деган ғояни амалда тасдиқлайди.

Ўрта мулкдорлар қатлами сиёсатнинг “субъекти” сифатида ўзини намоён эта боради. Шунинг учун “тадбиркорлар”, “мулк эгалари синфи”, яъни мустақил, ўз хусусий ишига эга кишилар тоифасини шакллантириш ҳукумат ва маҳаллий ҳокимликларнинг олди-

да турган мақсад ва вазифалар сирасига киради. Давлатнинг куч-қудрати ҳам аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий-ижтимоий салоҳиятини рўйбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади. Бу соҳада Ўзбекистонда эришилаётган ютуқлар ўрта мулкдорлар қатламининг кенг ривожланишидан далолат бериб турибди. Сиёсий муносабатларда уларнинг манфаат, қизиқиш ва муаммоларини тўлароқ ҳисобга олиш келгусида ҳам субъект сифатида мамлакатда сиёсий жараёнлар ривожда янги истиқболларга эга ҳамда сиёсатда муҳим ўрин тутadi.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

СИЁСИЙ ОНГ, МАДАНИЯТ ВА МАФКУРА

13-мавзу

Сиёсий онг

Сиёсий онг тушунчаси

Сиёсий онг — сиёсий фан тушунчаларидан бири. У ўзининг моҳияти, манбаи, функцияларига кўра иқтисодий, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий, эстетик, диний онгдан фарқ қилади.

Сиёсий онг — сиёсий борлиқнинг идрок қилинишидир. Кишилар мавжуд сиёсий воқелик билан шунчаки қаноатланиб қолмайдилар. Улар ҳамيشа бу воқеликни билишга, англашга ва уни ўзгартиришга интиладилар. Кишиларнинг ана шу сиёсий борлиқ ҳақидаги билимлари, қарашлари, тасаввурлари уларнинг сиёсий онгини ташкил этади. Сиёсий онг — муайян индивид, гуруҳ, қатламлар томонидан сиёсий соҳани англаши, тасаввурлари, билимлари, баҳолаши тизимидир. Сиёсий онг — бу кишиларнинг сиёсий тизим ва ҳаёт, сиёсий муносабатлар тўғрисидаги билимлар, тасаввурлар, маслаклар, эътиқодлар, ўзлари яшаб турган сиёсий тузумга баҳо беришлари йиғиндисидан иборатдир.

Сиёсий онг — сиёсий борлиқнинг субъектив акс этишидир. У сиёсий воқеликни қандай бўлса, шундай, холисона тарзда, бўямасдан, бўрттирмасдан, мутлақлаштирмасдан акс эттиришдир. Бироқ, сиёсий онг сиёсий воқеликни ойна каби қандай бўлса, шундай, механик тарзда, жонсиз акс эттирмайди. У сиёсий воқеликнинг сир-асрорига “кириб” борувчи,

ундан илгарилаб кетувчи, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзгариши ва ривожланишини башорат қилувчи ақс этишдир. Сиёсий онг — жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва унинг барча бошқа соҳаларига катта таъсир кўрсатишга қодир бўлган ижтимоий ҳодисадир. Бундан ташқари, алоҳида олинган кишиларнинг ҳам, жамият ижтимоий-сиёсий бирлашмаларининг ҳам ҳуқ-атвори ва фаолиятларининг характери кўп жиҳатдан сиёсий онгнинг шаклланиш ва ривожланиш даражасига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ижтимоий жараёнларни сиёсий бошқариш амалиётида, ҳам жамиятнинг, ҳам уни ташкил этувчи индивидлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг сиёсий онги ҳолатини ҳисобга олиш ўта муҳимдир. Бу ўринда ҳокимиятлар, сиёсий партиялар ижтимоий-сиёсий мувозанатни сақлаб туришга имкон берадиган, давлатнинг ижтимоий тараққиёти эҳтиёжларини тўла ифода этадиган сиёсий онгни шакллантириш ва ривожлантиришга интилишлари зарур.

Сиёсий онг кўпинча сиёсий ҳокимият тўғрисидаги тасаввурлар йиғиндисидан иборат бўлади. Онгсиз, тасаввурларсиз кишилик жамияти бўлмаганидек, сиёсий онгсиз, тасаввурларсиз ҳеч қандай сиёсий соҳанинг бўлиши ҳам мумкин эмас.

Сиёсий онг — бу гуруҳий характерга эга бўлган онгдир. Ҳар бир киши маълум ижтимоий гуруҳ, табақанинг аъзоси, бирорта миллатнинг вакили, бирор давлатнинг фуқароси ҳисобланади. Мана шу мансублик кишилар сиёсий онгининг мазмунини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, сиёсий онг кишилар томонидан ўларанинг бирон-бир гуруҳга мансуб эканликларини англаш асосида шаклланади. Гуруҳга мансублик эса ўз навбатида кишиларда муайян сиёсий позицияга эгаллик ҳиссини тўғдиради.

Сиёсий онг нафақат гуруҳий, балки индивидуал характерга ҳам эгадир. У аниқ тарихий шарт-шароитнинг, муайян омиллар таъсирида ҳам бўлади.

Сиёсий онг — муайян ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг сиёсий институтларда иштироки, унга муносабатини ўзаро манфаатлар уйғунлиги даражасида акс эттирувчи ва уни таъминлаб берувчи омил ҳамдир.

Сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланишига қуйидаги манбалар асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Биринчи манба — инсоннинг оилавий муҳитидир. Сиёсий ғоялар ва ҳиссиётлар унга оиладаги тарбия орқали берилади. Бунга тўғри келувчи ижтимоий-руҳий қарашлар — сиёсий онгнинг пойдеворини барпо этади. Унинг негизида эса фуқаро шахси шаклланади.

Иккинчи манба — бу кенг маънодаги ахборотдир. У инсонга ҳам муомала орқали, ҳам оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, матбуот) орқали “кириб” боради.

Учинчи манба — бу индивиднинг шахсий тажрибасидир. Бу шахсий тажриба олинган билимни рад қилади ёки тасдиқлайди. Бироқ у ҳар қандай ҳолатда ҳам сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнига муҳим таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган манбалар инсонга сиёсат дунёсини таҳлил этишга ва унга нисбатан муносабатини белгилаб олишга имкон берувчи билимлар йиғиндисини ташкил этади. Бунда оилада олинган билимлар турли авлодлар томонидан тўпланган сиёсий тажриба, қарашлар, анъаналар қадриятларни сиёсий ҳаётда акс этиши, уни қўллаш орқали ҳам намоён бўлади. Ахборот ҳақиқий ҳам, ёки ёлғон ҳам бўлиши мумкин. Инсоннинг ҳаётий тажрибаси ҳам унинг бошидан кечирилган бойлиги бўлатуриб типик бўла олмаслиги ва сиёсий воқеликни акс эттира олмаслиги ҳам мумкин.

Ҳар қандай шароитда ҳам инсоннинг ўзи бу омилларни кўпроқ ёки озроқ даражада равшан бўлган ва маънавий жиҳатдан тузилган сиёсий ти-

зим ўзгартиради. Кўп кишиларда бу жараён стихияли тарзда, тасодифан ва мавҳум равишда содир бўлади. Бундан ташқари кўп кишилар уларга ўргатган, ёки бошқа ташқи манбалардан бўлган сиёсий мўлжалга қаратилган фикр-мулоҳазаларни қайтаришга мойил бўладилар.

Кишиларнинг сиёсий муаммоларни англаши сиёсат дунёси ҳақидаги тасаввурлари, қизиқишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, оғир аҳволда қолган корхона ишчиси ишдан бўшатишни кўзда тутмайдиган қарорларни яхши қарорлардир, деб ҳисоблайди. Бошқараётган ягона партиянинг фаоли, агар ҳокимиятга муҳолифат келса, мамлакатда иқтисодий вазият ёмонлашади, деб ўйлайди. Соғлом амалий муҳолифат билан носоғлом муҳолифатнинг фарқини ҳисобга ҳам олмайди. Агар бирор сиёсий арбоб коррупцияда айбланса, уни ўзининг сиёсий мавқеига боғланган ҳолда айбдор, деб ҳисоблайди.

Демак, воқелик ўзидан-ўзи сиёсий онг орқали баҳоланмайди. Унинг қабул қилиниши кишиларнинг аввалги эътиқодлари ва манфаатларига ҳам боғлиқдир.

Сиёсий онг якка ҳолда эмас, балки ижтимоий онгнинг бошқа шакллари: иқтисодий қарашлар, фалсафий таълимотлар, ҳуқуқий назариялар ва меъёрлар, ахлоқий, эстетик қадриятлар билан ўзаро боғлиқ ва биргаликда ҳаракат қилади.

Кўп сиёсий таълимотлар ва қадриятлар сиёсий онгнинг маҳсули бўлатуриб, ҳозирги жамиятда ғоявий аҳамиятга эгадир. Улар фақат кишиларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш учунгина эмас, балки инсониятнинг маънавий, маърифий, маданий тараққиёти учун ҳам жуда муҳимдир.

Шу билан бирга, айрим давлатлар ва улардаги бирлашмалар, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, партияларнинг сиёсий фаолияти жараёнида сиёсий онгнинг

тўғри келмай қолиши, мурасасизликка ўсиб ўтмаслиги, унинг тинч, маданий, мураса характерда бўлиши ўта муҳимдир.

Сиёсий онг ижтимоий онгнинг бошқа шакллари каби бир қатор функцияларни бажаради. Бу функцияларга қуйидагилар киради:

1. Сиёсий ҳаёт тўғрисида билиш — ахборот бериш. Кишилар эртами ёки кечми, хоҳлайдими ёки йўқми, аммо муқаррар равишда сиёсат дунёсига дуч келади. Улар бу соҳа билан шуғулланишни хоҳламасаларда сиёсат улар билан барибир “шуғулланади”. У кишиларнинг ҳаётига ва тақдирига давлат, партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари орқали таъсир кўрсатади. Сиёсат кишиларга сиёсий ахборот кўринишида “кириб” боради.

Ҳазирги ҳаётнинг механизмлари шундайки, кишилар доимо бирор йўлни, шу жумладан, сиёсий йўлни танлаб олишга эҳтиёж сезади. Бу уларни сиёсат дунёсини билишга, сиёсий ахборотларни эгаллашга ундайди.

Сиёсий онг кишиларга сиёсий билимлар ва ахборотларни ўзлаштиришга, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз ўрнини белгилашга ва унда тўғри мўлжални олишга ёрдам беради.

2. Сиёсий баҳолаш. Сиёсий онг социал-сиёсий воқеликни нафақат билади, изоҳлайди, балки уни баҳолайди. Кишилар у ёки бу сиёсий ҳодисалар, воқеаларни англаш жараёнида уларга ўз муносабатларини билдирадилар, ўзлари учун муайян хулосаларни чиқарадилар. Айнан сиёсий воқеликни баҳолаш асосида кишилар ўзларининг сиёсий қарашларини, эътиқодларини, позицияларини, қизиқишларини шакллантирадилар.

3. Сиёсий-ижтимоий йўналтириш. Сиёсий онг кишиларга ўзларини жамият ва давлат олдида нафақат бурчларга, мажбуриятларга, балки муайян ҳуқуқлар,

эркинликлар ва сиёсий манфаатларга эга бўлган фуқаролар эканликларини англашга ёрдам беради. Ўз навбатида фуқаролик ўзини-ўзи идрок этиш, кишиларни социал воқеликни бўш, бир томонлама англашдан ижтимоий-сиёсий ҳаётда аниқ ва фаол иштирок этишга ундайди. Бу билан сиёсий онг ўзининг йўналтирувчилик функцияси орқали кишиларнинг аниқ сиёсий хулқ-атворини, ўзларининг социал сиёсий манфаатларини ҳимоя қилишлари учун ижтимоий ҳаётда иштирок этишлари, сиёсий партияларга, жамоат ташкилотлари ва бошқа сиёсий уюшмаларга ўзларининг ҳам фикрлари билан бирлашишлари зарурлигини уйғотади.

4.Сиёсий ҳаёт ва манфаатларни тартибга солиш. Сиёсий онг воқеликни идрок этиш асосида ҳамда унинг томонидан ишлаб чиқилган сиёсий ғоялар, меъёрлар, тасаввурлар ва эътиқодлар негизида кишиларнинг сиёсий ижтимоий хулқ-атворларини, фаолиятини тартибга солади.

Сиёсий онгнинг тартибга солиш функциясига эҳтиёж жамият тараққиётининг кескин бурилиш босқичларида, инқирозли даврларида мислсиз ортади. Айнан сиёсий тизимнинг самарадорлиги, воқеаларнинг ривожланиш йўли, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг йўналтирилганлиги жамият кенг қатламларининг сиёсий онгига, “юқоридагилар”нинг сиёсий кўрсатмаларига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий онг социал субъектлар (индивидлар, гуруҳлар, синфлар, ижтимоий birlikлар)нинг ижтимоий ҳаётнинг сиёсий соҳаси ҳақидаги билимлари, тасаввурлари ва баҳолашларининг йиғиндисидан иборатдир. У бир қатор функцияларни билиш, баҳолаш, йўналтириш, тартибга солиш каби функцияларни бажариш билан жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди, уни ҳаракатга келтиради, ўзгартиради.

**Сиёсий онг даражалари
ва шакллари**

Сиёсий онг — мураккаб
ва кўп қиррали ҳодиса. У
турли-туман даражалар ва

шаклларда, аввало, махсус ва оммавий сиёсий онг
шаклларида мавжуд бўлади.

Махсус сиёсий онг — бу қонда бўйича, мафкура-
вий жиҳатдан бир хил бўлган онгдир. Дастлаб у кам
сонли кишиларнинг мулки ҳисобланади. Унинг та-
шувчилари — сиёсий партиялар ва бошқа сиёсий таш-
килотлар ва бирлашмалардир. Улар муайян йўналиш
бўйича оммавий онгни шакллантириш ва ривожлан-
тиришга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолият за-
рурлигини белгилайди.

Махсус сиёсий онгда бош масала — ижтимоий
гуруҳлар, қатламларнинг оддий вакиллари онгига
муайян кўрсатмаларни, қондаларни ишлаб чиқиш,
ривожлантириш ва жорий этишдир.

Оммавий сиёсий онг жамият эҳтиёжларининг да-
ражаси ва мазмунини бевосита ифода этади. У сиёсий
воқелик ҳақидаги жамият билимларининг характери
хам акс эттиради. Бундай билимлар, бир томондан,
турли мафкуралар томонидан ишлаб чиқилади ва сиё-
сий онгда мустаҳкамланади. Иккинчи томондан эса
ушбу билимлар ижтимоий гуруҳларнинг амалий фао-
лияти томонидан қўлга киритилади.

Оммавий сиёсий онг аниқ-тарихий ва ўзгарувчан
характерга эга. У тез-тез кўтарилиш ва пасайиш давр-
ларини ўз бошидан кечиради. Унга кўплаб омиллар:
мамлакатдаги сиёсий ҳолатлар, сиёсий тизим, ре-
жим, у ёки бу партияларнинг сиёсий йўли ва тактик-
стратегик фаолияти, турли ижтимоий алғов-далғов-
лар, муайян тарихий вазиятнинг мазмуни ва бошқа-
лар таъсир ўтказиб туради.

Махсус сиёсий онг ва оммавий сиёсий онг ўзаро
чамбарчас боғлангандир. Реал ҳаётда улар ўртасидаги
алоқаларнинг турли вариантлари бўлиши мумкин.

Айрим вақтларда муайян сиёсий партия томонидан назарий ва амалий ҳаётга сингдирилган қондалар, урф-одатлар жамиятнинг сиёсий онгида узоқ вақтгача асорат сифатида сақланиб қолиши мумкин. Бу ҳолни кўплаб сиёсий арбоблар, донишмандлар таъкидлаганлар.

Тескари вазият ҳам бўлиши мумкин: оммавий сиёсий онгда у ёки бу сиёсий ҳаракатнинг, қандайдир сиёсий қарорни қабул қилишнинг зарурлиги эътироф этилади, махсус онг эса бунга тайёр эмас. Масалан, мамлакатда кўп партиявийликнинг зарурлиги ҳақидаги ғоя жамиятда олдиндан ўз тасдиғини топган бўлса ҳам, керак бўлган ташаббус ҳукмрон партия, давлат томонидан анча кечикиб қабул қилиниши мумкин.

Ўз-ўзидан яққол кўриниб туриб, лекин, жамиятнинг конструктив ва барқарор ижтимоий-сиёсий тараққиёти учун махсус ва оммавий сиёсий онгнинг ўзаро ҳаракати жуда муҳим. Уларнинг кишилар ва жамиятнинг, уни ташкил этувчи ижтимоий гуруҳларнинг ички дунёсидаги, кайфиятидаги ўзгартиришларга биргаликдаги аниқ ва ўз вақтидаги реакцияси, жавоби бундан ҳам муҳимроқ.

Сиёсий онг назарий ва эмпирик даража ва шакллارга ажралади.

Назарий сиёсий онг — бу сиёсий характерга эга бўлган турли турдаги ғоялар, концепциялар, қарашлардир. Унинг белгилари:

- яхлитлик;
- системалашганлик;
- башорат қилишга қобилияти билан боғлиқ.

Мазкур онг фан ва у ёки бу ижтимоий қатламларнинг қарашлари билан чамбарчас боғлангандир.

Сиёсий назариялар ва таълимотларда қуйидаги муаммоларни тадқиқ этиш мақсад қилиб қўйилади:

- а) сиёсатнинг маъно-мазмун, кўринишлари;

- б) қонуний сиёсий тенденциялар ва жараёнлар;
- в) уларни келтириб чиқарадиган сабаблар;
- г) сиёсий позициянинг реал йўли;

д) қонунчилик, маъмурий ва суд органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ҳақиқий ва келажақда содир бўладиган оқибатлари.

Назарий сиёсий онгнинг хусусияти — унинг иқтисодий, ҳуқуқий, ҳарбий-стратегик ва бошқа реаллик билан чамбарчас боғлиқлигидир. Сиёсий онгнинг ушбу шакли сиёсий назарияларнинг керакли сиёсий дастурлар, декларациялар ва доктриналар бўлиб шаклланганлиги билан ҳам фарқ қилади.

Амалиётда жорий этиладиган ушбу дастурлар, декларациялар ва доктриналар сиёсий онгни сиёсатнинг етакчи элементи сифатида мустаҳкамлаб қўядилар. Сиёсий муносабатлар ва сиёсий институтлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг характери ўз навбатида бу элементга боғлиқ бўлади.

Назарий онг даражаси ва шаклида сиёсатни англаш қуйидагиларни:

а) унинг муҳим мақсадлари ва ҳам фундаментал (стратегик), ҳам кундалик (тактик) вазифаларни қўйиш ва ҳал этишга;

б) уларга эришишнинг воситалари ва усулларини аниқлашга;

в) долзарб муаммоларни ҳал қилишда ташкилий-сиёсий жиҳатдан таъмин этишнинг йўналишлари ва йўлларини аниқлаб олишга;

г) сиёсий қарорлар ва мақсадли дастурларнинг бажарилиши устидан социал назоратга концептуал ёндашувларни ишлаб чиқишга;

д) амалий тажрибани ҳисобга олган ҳолда сиёсатга тузатишлар киритишга имкон беради.

Эмпирик сиёсий онг — бу бевосита амалиётга, сиёсий жараёнда алоҳида кишиларнинг, майда ва йирик социал бирликларнинг фаол иштирок этишларига

асосланган сиёсий онг даражаси ва шаклидир. У назарий сиёсий онгининг замини бўлиб хизмат қилади.

Эмпирик сиёсий онг — сиёсий воқеликни ҳиссиётлар, тасаввурлар, иллюзиялар, кечинмалар шаклида акс эттиради. У, биринчидан, оммада сиёсат ва сиёсий арбобларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш учун озуқа бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, **жамият сиёсий маданиятининг маънавий негизи** бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий онг “ижтимоий-сиёсий онг” ва оддий (кундалик) онг даража ва шаклига ҳам ажралади.

Ижтимоий-сиёсий онг — бу расмий сиёсатда ишлаб чиқиладиган, асосланадиган, амалга ошириладиган ва сиёсий муносабатлар тартибга солинадиган сиёсий онг даражасидир. Унинг ташувчилари давлат, сиёсий институтлардир. Бу институтлар сиёсий муносабатларни турли қонун лойиҳалари, дастурлар, қарорлар, конституция ва уларнинг моддаларига тўзатишлар ва бошқаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, ҳаётда тадбиқ этиш йўли билан тартибга солади.

Бу онг даражасининг энг муҳим белгиси — турли сиёсий кучларнинг умумий манфаатларини ифода этишга интилишидир. Бу даражада мавжуд сиёсий тартиблар ва бошқариш принциплари изчилик, қатъиятчилик билан ҳимоя қилинади, жамоатчилик фикрининг давлат институтлари олиб бораётган сиёсатга мослаштирилиши содир бўлади.

Сиёсий онг учун сиёсий воқеликни оқилона — прагматик услубда идрок этиш — ҳокимиятни идора этиш, ушлаб туриш жараёнида муваффақиятга эришишни мўлжаллаш ҳам характерли хусусиятдир.

Кундалик сиёсий онг — бу ижтимоий қатлам ёки кишилар гуруҳларининг кундалик ҳаётида бевосита пайдо бўладиган сиёсий ҳаёт тўғрисидаги илк, содда тасаввурлар йиғиндиси. У мазмунига кўра кўп жиҳатдан эмпирик онгга ўхшашдир. Лекин, кундалик онг

эмпирик онгдан фарқ қилади. У муайян ғоявий ва назарий элементларга эга.

Кундалик онгга равшан кўзга ташланадиган социал-руҳий белгилар: зиддиятчилик, ўзгарувчанлик, тизимга кирмаганлик, ҳиссиёт, кайфият, эҳтирослар ҳосдир. Бу унга ўзига хос динамиклик (тез ўзгарувчанлик) сиёсий вазиятнинг ўзгаришини аниқ ҳис этишни баҳшида этади.

Сиёсий онгнинг оддий даражаси рационаллик ва эмоционалликнинг, жонли ҳаёт тажрибаси ва анъаналарнинг, дақиқалик кайфият ва барқарор стереотипларнинг ўзаро боғлиқлиги билан фарқланади. Шунинг учун ҳам у беқарор, ҳиссиёт ва бевосита тажрибанинг ўзгаришига боғлиқ тебранишларга маҳкум этилган.

Шундай қилиб, сиёсий онг мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса. У нафақат сиёсий воқеликни акс эттиради, балки уни ижод қилади, ўзгартиради.

Сиёсий онг шакллани- шининг асосий омиллари	Сиёсий онг инсонда муайян ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий шарт-шароитлар, тарихий тажриба, миллий қадриятлар, сиёсий ҳаётни идрок этишга қаратилган урф-одат, анъаналар негизда шаклланади. Бундай шарт-шароитлар мавжуд бўлмас экан, инсонда сиёсий онг шаклланмайди. У сиёсатнинг объектлигича қолаверади. Сиёсий онгнинг шаклланиши — мураккаб жараён. Бу аввало, ижтимоий-сиёсий шарт-шароит — демократик сиёсий тартиботнинг мавжудлигига боғлиқ. Жамиятда бундай муносабатлар мавжуд бўлмаса, мустақамланиб борилмаса инсонда демократик, юксак сиёсий онг шаклланмайди. Жамиятда мавжуд бўлган авторитар, маъмурий-буйруқбозлик сиёсий тизими эса инсон сиёсий онгининг шаклланишига имкон бермайди. Аксинча, бу тизим инсон-
---	---

ни кулликка маҳкум этади, уни ҳокимиятдан бегоналаштиради, биқиклик, бефарқликни туғдиради, бошқарув аппаратларини халқдан узоқлаштиради.

Жамиятда демократик сиёсий тизимнинг мавжудлиги ва унинг мустаҳкамланиб бориши — инсонда сиёсий онг шаклланишининг ҳал қилувчи шартидир. Бундай сиёсий тизим инсон сиёсий онгги ва фаолиятининг ривожланишига кенг имкониятлар яратади, уни рағбатлантиради. Жамият сиёсий тизими қанчалик демократик бўлса, инсон сиёсий ҳаётда шунчалик фаол иштирок этади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши жамиятда фақат демократик сиёсий тизимнинг мавжудлиги билан белгиланиб қолмайди. У жамият иқтисодиётининг тараққий этиб бориши даражасига, халқнинг моддий фаровонлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Жамият иқтисодиётининг юқори даражада тараққий этиши фуқаролик жамиятининг билимдон, маалакали, касбий тайёргарликка эга бўлган бошқарув кадрлари корпусининг шаклланиши учун зарур база бўлиб хизмат қилади. Демократия негизида самарали бошқариш учун зарур бўлган умумтаълим ва касб тайёргарлигининг юқори даражасига эришиш мумкин. Давлат хизмати, сиёсий фаолиятга тезда бой бўлиб кетиш мақсадида шахсий манфаатларни қондиришнинг воситаси сифатида қараш бошқариш тизими учун оғир оқибатлар келтириб чиқаради.

Иқтисодиётнинг тараққий этиши, халқнинг фаровонлигига эришуви — сиёсий онг шаклланишининг асосий шартларидан биридир. Жамият қанчалик иқтисодий жиҳатдан тараққий этиб борса, у идора қилишнинг демократик шаклларига шунчалик очиқ бўлади. Халқ қанчалик бой ва бадавлат, фаровон яшаса, у шунчалик демократияни қўллаб-қувватлайди ва ҳимоя қилади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши жамиятнинг маънавий-маърифий ривожланишига кўп жиҳатдан боғ-

лиқдир. Сабаби, маънавий-маърифий жиҳатдан тараққий этмаган жамият ҳеч қачон инсонни сиёсат субъекти сифатида шакллантира олмайди. Бундай жамият ва унинг фуқаролари сиёсий манипуляция — фирибгарликнинг объекти бўлиб қолаверади. Маънавий қашшоқ, саводсиз бўлган инсон жамият англаган сиёсатдан ташқарида бўлади. У сиёсий ҳаракатларнинг субъекти эмас, балки объекти бўлиб қолади. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, жамиятнинг маънавий-маърифий соҳаси, инсоннинг маълумотлилик даражаси қанчалик юқори бўлса, у шунчалик сиёсий билимдон бўлади. Энг асосийси, демократик йўл, кўрсатмалар, хатти-ҳаракатларга мойил бўлади. Хусусан, мукаммал таълим инсоннинг сиёсий дунёқарашини кенгайтиради, сабр-тоқатли, меҳр-оқибатли бўлишга ёрдам беради, экстремистик ғояларга алоқадор бўлишдан сақлайди, сайлов кампаниялари даврида унинг одил ва оқилона йўлни танлаш қобилиятини оширади. Юқори маълумотга эга бўлган шахс ҳукуматнинг қарорларини, кўрсатмаларини яхши англайди, сиёсий хабарларни чуқур билади, кенг доирадаги масалалар бўйича ўзининг мустақил фикрига эга бўлади. Инсон қанчалик маълумотли бўлса, унинг сиёсий баҳс-мунозараларда иштирок этиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. У ўзини кичик бир мурват эмас, балки ҳукуматнинг фаол субъекти ва унга таъсир кўрсатишга қодир инсон, деб ҳисоблайди. Индивид қанчалик маълумотли бўлса, у муайян жамоат ташкилотларининг фаол аъзоси бўлиши, ўзини ўраб турган ижтимоий-сиёсий муҳитга ишонч билдириши эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий онг муайян ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий омиллар, шарт-шароитлар негизида шаклланади. Бу омиллар инсон сиёсий фаолиятининг ривожланишига, унинг сиёсат субъекти сифатидаги потенциал фазилатларининг очилишига ёрдам беради.

14-мавзу Сиёсий маданият

Сиёсий маданият ва унинг тузилиши

Сиёсий маданият — жамият сиёсий тизимининг энг муҳим элементларидан бири сифатида политологияда муҳим ўринга эга.

Жамиятда сиёсий маданиятнинг нечоғлик ривожланганлик даражасига қараб унинг сиёсий тизими қанчалик мукаммал ташкил қилинганлигига баҳо бериш мумкин. Сиёсий маданият фуқароларнинг сиёсий жиҳатдан лаёқатлилиқ даражасини ифода этиб, жамиятда сиёсий ва давлат институтларининг шаклланиши, фаолият кўрсатишига, шунингдек, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ташкил қилиниш жараёнига ҳал қилувчи, таъсир ўтказувчи омил сифатида намоён бўлади.

Сиёсий маданият ўзининг мазкур жиҳатлари билан мамлакатда сиёсий барқарорликни сақлаш, мустаҳкамлаш, жамиятни демократиялаштириш, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларнинг амалга ошириш жараёнида, аҳолини маънавий жиҳатдан юксалтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий маданият умуммиллий маданиятнинг ўзига хос, шу билан биргаликда ажралмас қисми ҳисобланади. Сиёсий маданият, авваламбор, катта ва кичик ижтимоий гуруҳларнинг, умуман, инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида олган сиёсий тажрибасидир. Сиёсий маданият бир жойда қотиб турмайди, у доимо ўсишда, ўзгаришда бўлади. Айни бир пайтда сиёсий маданият бўш жойда, ўз-ўзидан пайдо бўлиб ҳам қолмайди. Сиёсий маданиятнинг шаклланишига таъсир қилувчи кўплаб омиллар бор.

Сиёсий маданият тушунчаси қачон пайдо бўлган, унинг моҳияти нималарда ўзининг аниқроқ ифодасини топади?

Инсонларнинг бевосита маънавий ҳаёти, қадриятлари, дунёқараши, урф-одатлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлувчи сиёсий ҳодиса бўлган сиёсий маданият сиёсатнинг ўзи каби узоқ тарихга эгадир. Сиёсий маданият тушунчаси у ёки бу тарзда қадимги мутафаккирлар томонидан ҳам маълум даражада талқин қилинган. Сиёсат оламининг буюк донишмандлари бўлмиш Конфуций, Арасту, Афлотун, Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Макиавелли ва бошқаларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

“Сиёсий маданият” терминининг ўзи эса анча кейинроқ пайдо бўлди. Уни илмий муомалага XVIII асрда немис файласуфи ва маърифатпарвари И.Гердер олиб кирган деган қараш мавжуд.

Эмпирик асосга эга бўлган сиёсий маданият тўғрисидаги илмий концепциялар эса ғарбда XX асрнинг ўрталарига келибгина шакллана бошлади. Бунда йирик халқаро тадқиқотчилар бўлган Г.Алмонд, Х.Файер, С.Верба, А.Липсет, М.Дюверже, У.Розенбаум, Г.Пауэлл, Л.Пай кабиларнинг ҳиссалари бор. Масалан, ҳозирги замон политологиясида “сиёсий маданият” тушунчасини ишлатган америкалик назариётчи Х.Файернинг 1956 йилда босилиб чиққан “Европанинг буюк давлатлари бошқарув тизими” номли китоби сиёсий маданиятнинг моҳиятини англаш йўлида қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлган бўлса, ундан сал кейинроқ Г.Алмонд ва С.Верба беш мамлакат — АҚШ, Буюк Британия, Германия, Мексика ва Италия сиёсий жараёнларини тадқиқ қилиш асосида ўзларининг “Фуқаролик маданияти” (1963) номли китобини эълон қилди. Л.Пай билан С.Верба ўнга мамлакат жамияти сиёсий маданиятини ўрганиш асосида “Сиёсий маданият ва сиёсий тараққиёт” (1965) номли асарни чоп эттирдилар.

Бу илмий иш сиёсий маданиятнинг ҳозирги замон концепциясининг шаклланишига муҳим туртки

бўлди ҳамда сиёсий маданият назариясининг келажакдаги тараққиётига маълум даражада замин тайёрлаб берди.

Сиёсий маданият тушунчасини талқин қилишда турлича ёндашувлар мавжуд. Бу табиий ҳол албатта, лекин уларнинг барчасини бир-бирига боғлаб турувчи умумий жиҳат ҳам мавжуд. Бу — сиёсий маданиятнинг жамият сиёсий-ижтимоий жараёнлари, сиёсий институтлари билан бевосита узвийлиги, унга бўлган муносабат ҳолатидир.

Сиёсий маданиятнинг ҳозирги вақтда илмий муомалада мавжуд бўлган қуйидаги талқинларини келтириб ўтиш мумкин:

— сиёсий маданият бу — ўзига сиёсий маърифатни, сиёсий онглиликни ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятни ҳам қамраб олган шахс ва ижтимоий birlikнинг маданиятидир;

— сиёсий маданият бу — ўз ичига ижтимоий-сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар билан бевосита алоқадор бўлган элементларни қамраб олган жамият маънавий маданиятнинг бир қисмидир;

— сиёсий маданият — конкрет ижтимоий birlik ёки шахсга тегишли бўлган сиёсий онг ва сиёсий хулқ-атвор стереотиплари йиғиндисидир;

— сиёсий маданият — тарихан қарор топган сиёсий муносабатлар тизимида ижтимоий субъектнинг (шахснинг, ижтимоий гуруҳнинг, жамиятнинг) ўз сиёсий билимлари, қадриятларидан келиб чиққан ҳолда мўлжалланган ниятларини ҳамда ўзига хос сиёсий хулқ-атворини намоён қилиши, амалга оширишидир. Сиёсий маданиятнинг юқорида келтирилган умумий талқинларидан келиб чиққан ҳолда унга қуйидаги таърифни бериш мумкин:

Сиёсий маданият бу — сиёсий ҳокимият ва сиёсий ҳаётга бўлган муносабат, уни идрок этишдаги сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият маданиятидир.

Шунингдек, сиёсий институтларнинг характери ва фаолият тартибининг ва жамият сиёсий ҳаёти барча жабҳаларининг цивилизациялашганлиги ҳолатидир.

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишга (структурага) эга бўлиб, қуйидагилар унинг асосий элементлари ҳисобланади:

1. Сиёсий тажриба.
2. Сиёсий онг.
3. Сиёсий хулқ-атвор.
4. Сиёсий қадриятлар.
5. Тарихий тажриба.
6. Сиёсий муроса ва масъулиятни англаш.

Ўз навбатида мазкур элементларнинг ўзи бир қанча компонентларни қамраб олади: Масалан;

1. Сиёсий тажриба: а)халқнинг ўзига хос миллий-маънавий қадриятлари; б)менталитети; в)тарихий хотираси ва анъаналари; г)миллий давлатчиликни амалга ошириш тажрибаси, ўз миллий қадриятларидан келиб чиқувчи сиёсий мўлжаллари.

2. Сиёсий онг: а)мафкуравий, ғоявий компонент; б)эмоционал-психологик компонентлардан иборатдир.

3. Сиёсий хулқ-атвор: а)сиёсий вазият, жараёндаги хатти-ҳаракат, фаолият йўналиши; б)ижтимоий-сиёсий фаолият услубининг намуналари, турлари хусусиятлари.

Демак, сиёсий маданият ўз ичига тарихий тажриба асосида тўпланган сиёсат ҳақидаги билимлар ва сиёсий тафаккур усулини, сиёсий ҳиссиёт ва анъаналарни, мақсадларни, тафаккурдан чуқур жой олган сиёсий фаолият усулларини қамраб олади.

Сиёсий маданиятнинг мазкур ўзига хос тузилишидан шундай мантиқий хулосани келтириб чиқариш мумкин. Сиёсий маданиятнинг асослари ҳар бир халқда узоқ тарихий даврни ўзида қамраб олувчи жараёнлар асосида шаклланади. Бунда ҳар бир халқда шаклланган маданий ва маънавий қадриятлар, улар-

даги ўзига хос миллий фазилатлар ва ўзига хос тафаккур қилиш услуби ҳал қилувчи фундаментал асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан биргаликда, сиёсий маданиятнинг шаклланиши фақатгина субъектив ҳолатнинг ўзи билангина боғлиқ бўлмайди. Сиёсий маданиятнинг шаклланишида одамларнинг жамиятдаги сиёсий реаллик билан ҳамкорлик қилиши ва уларнинг сиёсий жараёнларга қўшилиши муҳим ўрин тутади. Масалан, сиёсий жараёнларда бир қатор сиёсий институтлар иштирок қилади. Жумладан, жамият сиёсий тизими билан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари ҳамкорлик қилади. Уларнинг ҳар бири ўз навбатида сиёсий маданиятни шакллантиришда у ёки бу даражада иштирок қилади ҳамда мазкур жараённинг йўналишларини белгиләб беради. Бу ўринда давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фан ва таълим тизимининг маълум мақсадга йўналтирилган сиёсий таълим-тарбия, маърифат, маънавий ва мафкуравий ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Буларнинг барчаси мамлакатда ўзига хос сиёсий маданият моделининг шаклланишида ҳал қилувчи ўрин тутади.

Сиёсий маданиятнинг даражалари, моделлари ва турлари

Сиёсий маданият турли даражалардан иборат бўлган ҳодиса.

Ҳозирги замон политология фанининг кўпчилик назариётчилари сиёсий маданиятнинг учта даражаси борлиги ҳақидаги фикрни ёқлайдилар. Булар қуйидагилардир: а) тафаккур қилиш, англаш даражаси; б) фуқаролик даражаси; в) сиёсий даража.

Тафаккур қилиш, англаш даражаси. Бунда шахс томонидан сиёсат дунёсида ўз ўрнини аниқлаб олиш, у ёки бу йўналишдаги сиёсий мўлжалларни ва сиёсий хулқ-атвор нормаларини аниқлаб олиш ҳолати юз

беради. Мазкур даража ўзидан кейингилари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Фуқаролик даражаси. Бу даражада сиёсий маданиятнинг асосий ўзаги шаклланади. Ушбу даража одамларнинг сиёсий ҳокимиятга муносабатини белгилаб беради. Инсон сиёсат дунёси билан дуч келиб, муқаррар равишда унга, жамият сиёсий тизимига нисбатан, сиёсий ҳокимият имкониятлари ва ваколатларига нисбатан ўз муносабатларини шакллантиради. Сиёсий ҳокимиятнинг ўрни, ролини англаш натижасида ўзининг фуқаролик бурчлари ва мажбуриятларини ички туйғуси билан ҳис қилади.

Сиёсий даража. Мазкур даражада инсоннинг сиёсат ҳодисасига муносабатлари шаклланган қадрият даражасига ета бошлайди. Инсон ўзини-сиёсатнинг субъекти сифатида қабул қила бошлайди. Бу даражада инсон ва сиёсат ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг барча жиҳатлари ойдинлашади. Инсон ҳаётида сиёсатнинг ўрни аниқ тасаввур қилинган бўлади. Одамларнинг сиёсий қадриятлардан келиб чиқувчи мўлжаллари уларнинг сиёсий хулқ-атворларида бевосита акс этади.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сиёсий маданият даражаларининг хусусиятлари сиёсий маданиятнинг ўзига хос моделлари ва турларига қараб маълум даражада фарқланиши мумкин.

Бугунги кунга келиб тўпланган илмий-назарий билимлар, эмпирик манбаларга таянган ҳолда сиёсий маданиятнинг “тоталитар-авторитар”, “либерал-демократик” ва “шарқона сиёсий маданият” моделларини мисол келтириш мумкин.

Учала модел қандай хусусиятларга эга, улар нимаси билан бир-бирларидан фарқ қилади?

Сиёсий маданиятнинг тоталитар-авторитар модели, авваламбор, шуниси билан характерлики, унда шахснинг индивидуал жиҳатлари сунъий равишда бузилади; иккинчидан, жамиятда сиёсий қадриятлар ва

сиёсий онг марказлашган тарзда давлат томонидан шакллантирилади ва шунинг асосида давлат манфаатлари инсон, ижтимоий гуруҳлар манфаатларидан устун қўйилади; учинчидан, жамиятни сиёсий ахборот билан таъминлаш иши ҳокимият томонидан белгилаб берилган, фақат бир йўналишда олиб борилади ва давлат томонидан монополиялаштирилади ҳамда фаол равишда сиёсий цензура амалга оширилади; тўртинчидан, сиёсий ҳаёт бир хил қолипда кечади, жамиятнинг сиёсий маданияти ҳеч қандай муқобилсиз юқоридан туриб шакллантирилади; бешинчидан, аҳоли аксарият қисмининг сиёсий маданияти ниҳоятда паст бўлади; олтинчидан, сиёсий маданиятнинг тоталитар-авторитар модели ташқи дунёга нисбатан сунъий ажратиб қўйилганлиги ва “сиёсий-маданий макон” сиёсатида биқиклиги билан ажралиб туради.

Сиёсий маданиятнинг либерал-демократик модели – фуқаролар сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Мазкур модел учун қуйидаги ҳолатлар бевосита характерлидир. Биринчидан, жамиятнинг сиёсий маданияти ва қадриятлари аксилмарказлаштирилган ҳолда шакллантирилади. Унга кўра давлат манфаатларининг устуворлик даражаси, унинг жамият, шахс, ижтимоий гуруҳлар манфаатлари билан қанчалик ҳамоҳанглигига боғлиқдир; иккинчидан, жамият кенг қамровли сиёсий ахборот тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади; учинчидан, жамиятнинг сиёсий тизими етарли даражада юқори бўлади, унинг тараққиёти учун тегишли шарт-шароитлар яратиб берилади; тўртинчидан, сиёсий маданиятнинг либерал-демократик модели ташқи сиёсий-маданият маконига нисбатан ўзининг “очиқлиги” билан ажралиб туради.

Баъзи ҳолатларда (масалан, ташқи таҳдид, ёки ижтимоий-иқтисодий инқироз ва бошқа салбий ҳолат-

лар) либерал-демократик сиёсий маданият модели доирасида авторитар модел элементлари жонланиши мумкин. Буни биз, масалан, жамият ҳаётига давлат аралашувининг кенгайишида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини маълум даражада чекланиши ҳолатида кўришимиз мумкин.

Шарқона сиёсий маданият модели — сиёсий маданиятнинг шарқона модели, жумладан, ўзбек халқининг ўзига хос сиёсий маданияти асослари кўп асрлик тараққиёт йўлини босиб ўтган ниҳоятда бой маданий ва маънавий маконда шаклландир.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: “Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аجدодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум. Бизнинг маданиятимиз бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб қолганлиги тасодиғий эмас”¹.

Буюк аجدодларимиз сиёсий маданият, унинг мезонлари, сиёсий маданият омилига нисбатан қўйиладиган талаблар, унинг амалиётда қўлланиши ва аҳамияти ҳақида бутун бир илмий-фалсафий ва сиёсий фикрлар мажмуини яратиб берганлар. Масалан, улуғ донишманд бобоколониимиз Абу Наср Форобий

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, 140-141-бетлар.

ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” номли асарида мамлакатнинг ҳақиқатдан ҳам “фозил” бўлиши учун унинг аҳолисини умумий маданий савияси, жумладан, сиёсий маданияти юксак бўлиши кераклигига алоҳида ишора қилиб шундай фикрларни ёзган эди: “Фозиллар шаҳрининг барча аҳолиси учун умумий бўлган хусусиятлар қуйидагилардир: Биринчидан, улар аслий сабабни ва унинг барча сифатларини билиши зарур... Фозил одамлар яна шаҳар (давлат)нинг биринчи раҳбари у ёки бу вақт мобайнида йўқ бўлиб қолганида (бир ёққа кетганида, касаллигида ва ҳоказо), унинг ўрнини боса оладиган раҳбарларни билиши зарур. Фозиллар шаҳри, унинг аҳолиси, уларнинг диллари эришадиган бахт-саодат нима эканлигини билишлари зарур...”¹.

Шунингдек, Форобий давлат раҳбари бўладиган шахслар учун зарур ва шарт бўлган етук сиёсий маданият даражасини, ушбу даражанинг ўзига хос мезонларини мазкур асарида таърифлаб берган.

Буюк аллома Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” асарида ва соқибқирон бобомиз Амир Темурнинг “Тузуклари”да ҳам бугунги кунда биз “сиёсий маданият” деб атаётган тушунчанинг ўзига хос элементлари, унинг сиёсий ҳуқ-атворда намоён бўлиш ҳолатлари ҳақида кўплаб фикрлар илгари сурилган. Маълумки, ушбу ғояларнинг пайдо бўлишида албатта халқимизнинг, аجدодларимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, этнопсихологик хусусиятлари, тафаккур тарзи, ижтимоий-сиёсий онги ҳал қилувчи ролни ўйнаган.

Халқимизнинг ўзига хос шарқона дунёқараши натижасида шаклланган сиёсий маданият асослари қандай моҳиятга эга?

Авваламбор, шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, буюк маданият ва маънавият соҳиби бўлган халқи-

¹Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри, 166-167-бетлар.

мизнинг аждодлари сиёсатда шарқона ахлоқ масаласига етакчи эътибор берганлар.

Сиёсатнинг юксак ахлоқ асосига қурилиши лозимлиги тўғрисидаги мазкур ғоя инсон ва давлат ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги ўзига хос тасаввурлар, қарашларнинг шаклланишига олиб келганки, биз уларни шарқона сиёсий маданиятнинг ўзига хос мезонлари деб қабул қилишимиз лозим бўлади.

Буни биз қуйидаги жиҳатларда кўришимиз мумкин. Биринчидан, аждодлармиз сиёсий тафаккурида давлат раҳбари сиёсатидаги адолат ва инсоф масаласи ҳал қилувчи, марказий ўринни эгаллаган. Мамлакатимиз раҳбари И. А. Каримов таъкидлаганидек: “Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса халқимиз табиати­нинг энг муҳим фазилатларидан биридир. Ўтмишда олий адолат ғояси мансабдор шахсларга қўйиладиган талаб ва баҳонинг асоси бўлган. У давлатчилик негизларини белгилаш, исломий қоидалар ва шариат мезонларининг пойдеворини ташкил этган”¹.

Иккинчидан, сиёсий тўс-тўполонларга нисбатан тоқатсизлик, сиёсий мувозанатни сақлаш, сиёсий тинчлик ва барқарорликка, осойишталикка кучли мойиллик. Сиёсий жараёнларга вазминлик, чуқур фикр мулоҳаза билан ёндашиш, унда кўпчилик манфаатларини кўпроқ ҳурматлаш.

Учинчидан, ўзининг олийжаноб мақсадларида, кундалик ҳаётида сиёсий раҳбарга суяниш, ундан доимо адолат кутиб яшаш ва унга нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, сиёсий хулқ-атворда кучли андишаликни намоён қилиш.

Тўртинчидан, сиёсий эркинликни ахлоқ меъёрлари доирасида қабул қилиш.

Бешинчидан, бағрикенглик (толерантлик), халқаро тотувлик ва ишончга кучли мойиллик.

¹И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойилари. Т.: «Ўзбекистон», 1995, 13-бет.

Юқорида келтирилган мезонлардан кўриниб турибдики, шарқона сиёсий маданият асослари инсоният заковати яратган энг олийжаноб жиҳатларни ўзига қамраб олади. Шунинг учун ҳам у бошқа сиёсий маданият турларининг энг яхши ижобий жиҳатларини ўзига қабул қилиши мумкин.

Сиёсий маданиятнинг моделлари билан бир қаторда унинг турлари ҳам мавжуддир:

1. Сиёсий маданиятнинг “ёпиқ” тури — ўзининг сиёсий жиҳатдан биқиклиги билан характерланади. Сиёсий маданиятнинг бошқа турларига нисбатан муросасиз бўлади, уларни мутлақо қабул қила олмайди. Фақат ўзининг тор миллий қобиғида қолади.

2. Сиёсий маданиятнинг “очиқ” тури — сиёсий маданиятнинг бошқа турларини ижобий қабул қила олади.

Бой анъаналари бўлгани ҳолда сиёсий воқеликлардаги ўзгарган янги реалликларни қабул қилади. Доимий равишда ўз-ўзини бойитиб бориш хусусиятига эга. Шундан келиб чиққан ҳолда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради.

3. Сиёсий маданиятнинг патриархал тури — унчалик ривожланмаган бой маънавий маданияти, қадриятларга эга бўлмаган халқларга хос бўлиб, ушбу тур вакиллариининг сиёсий фаоллик ҳолати деярли бўлмайди, улар сиёсий қадриятлар, сиёсий нормалар ва институтларга қизиқиш билдирмайдилар.

4. Фаол сиёсий маданият тури — унинг хусусияти шундаки, фуқаролар жамият сиёсий ҳаётига фаол равишда шахсий аралашувга интиладилар. Шу орқали жамият сиёсий тизимида шахсан маълум бир статусга эга бўлишликни мўлжаллайдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, реал ҳаётда сиёсий маданиятнинг соф ҳолдаги фақат биргина турининг намоён бўлиши жуда кам учрайди. Фуқаро-

лик маданияти эффектив равишда сиёсий маданиятнинг бошқа турларидаги ижобий элементларни ўзлаштириб олади ва сиёсий тартиботнинг конструктив равишда фаолият кўрсатишига ёрдам беради.

Миллий сиёсий маданият зарурати ва амаллиги

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлатни, пировардида фуқаролик жамиятини шакллантиришдек буюк мақсадлар билан яшамокда. Бу борада истиқлолимизга эришгандан кейин ўтган йиллар ичида улкан ишлар амалга оширилди. Миллий сиёсий маданият, халқнинг сиёсий тафаккур тарзининг сиёсий ҳаётни идрок этишда, унинг тарихий негизлари, миллий давлатчилиги билан боғлиқ анъаналари, халқнинг маънавий мулкига ўзланган сиёсий қадриятлари унинг сиёсий ҳокимиятга бўлган муносабатида, сиёсий воқеаларга баҳо беришда, унга иштирок этишда ёки этмаслик ҳолатлари орқали намоён бўлади. Миллий давлатчиликни шакллантириш, янги иқтисодий муносабатлар ҳамда ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши, мустақил тараққиётимизнинг ҳал қилувчи асосига айланди. Босиб ўтган йўлимиз айна бир пайтда мамлакатимиз тараққиёти олдида қўйилган мақсадларга эришиш учун бугунги кунда ҳал қилиниши зарур бўлган вазифаларни ҳам намоён қилмоқда.

Маълумки, мустақил юртимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар охир-оқибатда инсон манфаатларини мукамал равишда рўёбга чиқариш, халқимизга фаровон турмуш тарзини яратиб беришдек эзгу мақсадларга йўналтирмоқда. Ушбу вазифаларнинг қисқа муддатларда муваффақиятли ҳал қилиниши бугунги кунда давлатимиз, жамиятимиз ҳар бир аъзосининг бу борадаги собитқадам ва онгли фаолияти билан ҳам боғлиқ. Мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган кучли давлатдан кучли жами-

ят сари ғоясининг асосида айнан мана шу ҳақчил моҳият ётади. Кучли жамиятни шакллантириш, авваламбор, инсоннинг жамиятдаги ўрнини англаб етиши билан боғлиқ бўлган ҳодиса. Бу ўринда жамият аъзоларининг сиёсий маданиятининг юксалик даражаси, уларнинг сиёсий фаоллиги юқорилиги каби омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Демак, сиёсий маданият омилли мамлакатимиз тараққиётининг бугунги кундаги долзарб вазифаларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий воситасига айланди. Шунинг учун ҳам миллий сиёсий маданият масаласининг назарий ва амалий жиҳатларига бугунги кунда мамлакатимизда катта аҳамият берилмоқда. Бу ўринда шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Республикамиз Президенти И.А. Каримовнинг асарларида, нутқ ва мақолаларида мазкур масаланинг концептуал асослари бевосита бизнинг жамиятимизга татбиқан ечиб берилган.

Жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан биринчи чақириқ Республика Олий Мажлисининг XIV сессиясида қилинган «Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда» номли маърузада мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий маданияти ва сиёсий фаолияти билан боғлиқ бўлган мавзуга алоҳида катта эътибор қаратилди ҳамда бу борадаги муаммолар ва вазифалар кўрсатиб берилди: «Аҳолимизнинг сиёсий фаоллиги ҳали замон талаблари даражасида эмаслигини, ҳамон суст эканини қайта-қайта айтишга тўғри келмоқда. Тан олишимиз керак эски андозалардан тўлиқ қутила олмаяпмиз. Барча муҳим қарорлар юқоридан қабул қилиниб, бизларни бор-йўли иттифоқ ижрочиларга, баъзан ўйланмай қабул қилинган қарорлар қурбонига айлантирган маъмурий-буйруқбозлик, мустабид тузум иллатларидан жудо бўлишимиз қийин кечаяпти.

Сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини

билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур. Бошқача айтганда, жамият марказда ва жойларда сайланган ҳокимият ўз тақдирини қай тарзда ҳал этаётгани, уларнинг истиқболини қай тарзда белгилаётганидан хабардор бўлиб туриши керак”¹.

Юртбошимизнинг мазкур фикрлари мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш вазифаларини ҳал қилишга бевосита йўналтирилган. Жамиятимиз аъзоларининг сиёсий маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини кўтариш бутунги кунда демократик тараққиётимизнинг бош мезонига айланди. Бу ўринда гап демократия, фуқаролик жамияти ғояларини мамлакатимиз барча аҳолиси тафаккурида том маънода англаш заруриятга айлантириш вазифалари устида кетмоқда. Бунда сиёсий маданият омили ҳал қилувчи восита бўлиб хизмат қилади. Чунки сиёсий маданият, юқорида таъкидланганидек, аввалом бор бу сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият маданиятидир. Сиёсий маданият мамлакат сиёсий институтлари билан унинг аҳолиси ўртасидаги муносабатларнинг қанчалик маърифийлигини белгиловчи омидир.

Жаҳон тажрибаси ҳам, ўзимизнинг ўтган йиллар тажрибамиз ҳам шундан далолат берадики, жамиятда амалга оширилаётган ҳар қандай ислохотларнинг, жумладан, сиёсий ислохотларнинг ҳам кўзланган ютуқларига эришуви, мазкур ислохотларнинг жамият аъзолари томонидан фаол равишда қўллаб-қувватланиши орқали юз беради. Давлат билан жамият ўртасида бўладиган ўзига хос ижтимоий ҳамкорлик тараққиётнинг гарови бўлиб хизмат қилади. Бутунги

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон»; 1999, 20-21-бетлар.

кунга келиб мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар ижобий натижаси пировардида кўп жиҳатдан давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг тамомила янги поғонага кўтарилиши билан боғлиқ бўлиб қолди. Ушбу вазифани амалга оширилишининг асосида эса, фуқароларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш ётади, сиёсий маданият даражасини юксалиб бориши эса, ана шундай фаолиятнинг Конституциямиз ҳамда бошқа қонун нормаларини ҳурмат қилиш, жамият барқарорлиги учун масъулиятни доимо ҳис қилиб туриш каби жиҳатлар билан тўлдиради.

Маълумки, Республикамиз Президентининг Олий Мажлис 2-чақириқ 1-сессиясида қилган “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз” номли маърузасида мамлакатимиз ҳаёти, келажаги учун улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган стратегик режалар белгилаб берилди. Жумладан, мазкур маърузада сиёсий маданият ва уни юксалтириш билан боғлиқ бўлган асосий бош вазифалар ҳам белгилаб берилди ва сиёсий маданият омилини ҳар томонлама ривожлантиришдан кўзланган янги стратегик мақсадлар илмий жиҳатдан янада аниқроқ асосланди.

Бу ўринда Президентимиз томонидан илгари сурилган жамиятимиз аъзолари тафаккурида, сиёсий ҳуқ-атворида демократик қадриятларнинг чуқур илдиз отиб боришига ёрдам берувчи, халқимиз сиёсий маданиятининг юксалишига улкан асос бўлиб хизмат қилувчи эркин фуқаролик жамияти маънавиятининг шакллантириш гоёси ҳал қилувчи муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур гоёда жамиятимиз аъзоларининг бугунги кундаги сиёсий маданият даражасига қўйиладиган талаб мезонлари ўз аксини топган.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамларимиз онгида демок-

ратик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш керак.

Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратиш даркор”¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бизнинг мамлакатимизда истиқлолимиз шарофати билан инсонни жамият сиёсий ва маънавий ҳаётини бевосита фаол иштирокчисига айлантириш ҳамда унинг сиёсий маданият даражасини юксалтириш учун барча зарур сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва мафкуравий шарт-шароитлар яратилмоқда. Президентимиз томонидан Олий Мажлиснинг 1-чақириқ XIV сессиясида ҳамда 2-чақириқ 1-сессиясида илгари сурилган жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётини эркинлаштириш ғояси жамиятимизда сиёсий маданиятнинг юксалиши учун ниҳоятда улкан янги имкониятларни очиб беради. Эндиликда сиёсий маданиятга демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги янги вазифалар юклатилаётганлиги тўғрисида Президентимиз И.А.Каримов Республикамиз Олий Мажлисининг 2-чақириқ 1-сессиясида сўзлаган нутқида қуйидаги фикрларни таъкидлаган эди: “Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш зарур”².

¹И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.: «Ўзбекистон» 2000, 9-бет.

²И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-бет.

Маълумки, жамият миллий сиёсий маданиятининг шаклланиши кўп омилларга боғлиқ. Бунда, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, миллий қадриятларнинг ўрни ниҳоятда катта бўлади. Шу жиқатдан олиб қараганда, бой маънавий маданият, ноёб миллий қадриятлар, бебақо фалсафий таълимотлардан баҳра олиб, шаклланган ўзбек халқида, сиёсий маданиятнинг юксак чўққиларига эришиш учун улкан салоҳият мавжуд. Жамиятимиз сиёсий маданиятининг шаклланишида мамлакатимизнинг миллий истиқлол гоёси бугунги кунда муҳим ўрин эгалламоқда.

Маълумки, истиқлолимиз шарофати билан шаклланаётган мамлакатимизнинг миллий истиқлол гоёси ҳар бир инсонга эркин фикрлаш, ўз бахт-саодати, фаровон келажаги учун эркин ижтимоий фаолият қилиш имкониятларини очиб бермоқда. Президентимизнинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан ўзининг назарий асосини топган Ўзбекистон жамиятининг гоёси халқимизнинг манфаатларини тўлиқ равишда ўзида мужассамлаштирган ҳаётий манбадир.

“Миллий сиёсий маданият, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олади.¹

Жамиятимизнинг миллий сиёсий маданияти ўзининг мана шу хислатлари билан одамларимиз сиёсий маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида асосий маънавий озиқ бўлиб хизмат қилади. Чунки сиёсий маданият айни пайтда аниқ маслак асосида, инсон ўзи таяниб яшайдиган қадриятлар асосида шаклланади.

¹ И.А. Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 14-бет.

15-мавзу Сиёсий мафкуралар

Сиёсий мафкура тушунчаси

мавзуларидан бири ҳисобланади. У жамиятнинг сиёсий ҳаёти, сиёсий тизим тузулиши, турли ижтимоий кучлар ва гуруҳларнинг ўрни ва роли тўғрисидаги ғоялар, унинг ҳокимиятга эга бўлиши, ундан фойдаланиш йўллари, механизмлари тўғрисидаги қарашларни амалга оширишга бўлган ишонч, мақсадлар йўлидаги фаолиятдир. Бу ягона мафкурани сиёсатни белгилаб беришни аниқлатмайди. Сиёсат ундан ҳоли бўлиши керак. Амалда бу жуда мураккаб кечган. Бу ҳақда хилма-хил қарашлар мавжуд. “Мафкура” атмаси юнунча идея ва логос сўзларнинг бирикмасидан ташкил топган, ғоялар ҳақидаги таълимот деган маънони аниқлатади. Иқтисодий детерминизм таълимоти мафкураравий оқимлар, ижтимоий гуруҳларнинг моддий шарт-шароитлари билан боғлиқ эканлигидан келиб чиқади. У бу оқимларни умуман жамоа манфатларини ҳимоя қилувчи тасаввурлар, ғоялар сифатида тавсифлайди. Ижтимоий гуруҳнинг жамиятда тутган ўрнига кўра иқтисодий детерминизм мафкуранинг назарий билим вазифасини бажариши мумкинлигини илгари суради.

Бугунги кунда ҳам ғарб политологиясида мафкураравий оқимларнинг манбалари ва мақоми ҳақидаги мунозаралар тўхтагани йўқ. Неоанархизм тарафдорлари учун мафкура — оммавий онгнинг маҳсули. Либерал — позитивистик аниқланаларга кўра, мафкура — ижтимоий ва сиёсий шароитларга боғлиқ бўлмаган, тарихдан юқори турувчи ҳодиса сифатида таърифланади. Неомакиавиллизм (Р.Моска, Р.Михелс, В.Парето) онгнинг эстетик ёки диний шакллари ҳам сиёсий мафкуранинг ўзига хос намоён бўлиш шакл-

лари сифатида талқин этади. Ғарбда мафкурани сиёсатда бирон-бир муҳим мавқе ва аҳамиятга эга бўлмаган “ҳокимиятнинг хизматкори” сифатида тавсифловчи қарашлар ҳам кенг тарқалган.

Шу билан бирга ғарб политологиясида мафкурага нисбатан бир қатор барқарор бўлган мунособатлар ҳам қарор топди. Жумладан, мафкура билан фанни бири-биридан муросасиз айириб қўйиш, мафкуранинг билиш вазифаларига шубҳа билан қараш, уларни инкор қилишдан иборат. XX аср бошларидаёқ М.Вебер мафкурани ва бошқа ғоявий, диний тузилмаларни кўр-кўрона ишониш соҳасига киритган эди. Бу билан у мафкуранинг илмийлиги масаласини қўйишни ҳам инкор этади. Шу соҳанинг таниқли мутахассиси К.Мангейм, М. Вебердан кейин ҳар қандай мафкурани воқеликнинг неадекват (нотўғри), бир томонлама акс этиши сифатида, воқеаларнинг ҳақиқий аҳволини онгли равишда яширадиган ғоялар йиғиндиси сифатида олиб қарайди. Мафкуранинг ижтимоий-тарихий манбаларини четга суриб қўйиб, уни жамоани бирлаштирувчи қурол сифатида (О.Лемберг, Т.Парсонс) ҳаддан ташқари функционал талқин қилишлар ҳам кенг тарқалган.

Мафкурани айрим гуруҳлар ва индивидларнинг психологиясидан (Р.Пайпс, Д.Браун) иборат қилиб кўрсатиш ҳоллари ҳам кам эмас. Шу билан бирга мафкурани халқнинг, миллатнинг дунёдаги ўрнини, манфаатларини, орзу-интилишларини ифодалайдиган ғоя, ўтмиш ва келажакни боғлайдиган кўприк (И.А.Каримов) сифатида таърифлашлар ҳам мавжуд¹.

Сиёсий мафкура — у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг мақсадлари, орзу-интилишлари ва манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи ҳокимиятдан фойда-

¹Қаранг: И.А.Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. “Мулоқот”, 1998, 5-сон, 5-бет.

ланишнинг муайян вазифаларига йўналтирилган тизимлашган ғоялар, қарашлар йиғиндисидир. Сиёсий мафкура — бу муайян ижтимоий гуруҳнинг ҳокимиятга интилишини ёки ундан фойдаланишини асословчи ва сиёсий ҳаракатнинг у ёки бу стратегиясини кўзда тутовчи ғоявий тизимдир.

Сиёсий мафкура ижтимоий ҳаётда муайян функцияларни бажаради. Улардан қуйидагиларни ажратиш мумкин:

1) **Мўлжаллаш.** Бу функция шунда ифодаланадики, мафкура жамият, ижтимоий равақ, шахс, ҳокимият ҳақидаги фундаментал тасаввурларни ўзига қамраб олиб, у инсон фаолиятининг маъно-мазмунини тизимини ва мўлжалини кўрсатиб беради.

2) **Сафарбар этиш.** Фозил жамият идеалини таклиф қила туриб сиёсий мафкура сиёсий фаолиятнинг бевосита мотиви сифатида чиқади ва уни амалга ошириш учун жамиятни, ижтимоий гуруҳларни сафарбар қилади.

3) **Бирлаштириш.** Таклиф этилаётган дунёнинг фундаментал картинаси чегарасида сиёсий ҳаракатта маъно-мазмун бера туриб, сиёсий мафкура унга шундай аҳамият берадики, у ўзининг миқёси билан ҳар қандай индивидуал ёки гуруҳий манфаатдан устун туради. Сиёсий мафкура бирлаштирувчи омил бўлиб юзга чиқади.

4) **Амортизациялаш.** Сиёсий мафкура жамият, гуруҳлар, индивид эҳтиёжлари ва уларни қондиришнинг реал имкониятлари ўртасида номувофиқлик вужудга келган вазиятдаги ижтимоий кескинликни юмшатишга хизмат қилади.

5) **Муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларини ифода этиш ва ҳимоялаш.** Бунинг маъноси шуки, сиёсий мафкура у ёки бу ижтимоий гуруҳ манфаатлари асосида вужудга келади ва уларни бошқа гуруҳлар манфаатлари билан ўзаро муносабатда соғлом рақобат,

мураса ёки келишув, айрим ҳолларда ихтилофда бўлиши мумкин.

Мафкуранинг функцияси — аҳолининг оммавий сиёсий онгини эгаллаш, унга жамиятнинг бутунги ва келгусидаги тараққиётини баҳолаш, ўзининг мезонларини жорий қилиш, сиёсий маконда кишилар мўлжал қиладиган мақсад ва вазифаларни белгилашдир. Мафкура амалга оширмоқчи бўлган йўлнинг оқилона ва ҳолисона образини яратишга, унинг у ёки бу синф, миллат, давлат манфаатига мос келишига интилади. Бу борада мафкура у ёки бу идеаллар ва қадриятларни тарғибот қилиш билан чегараланиб қолмай, балки фуқаролар, партиялар ва бошқа сиёсий тузилмаларнинг мақсадга мувофиқ фаолиятини рағбатлантириш билан ҳам шугулланади.

Мафкура ўзининг сиёсий функцияларини бажариши билан жамият ё қандайдир ижтимоий гуруҳ манфаатлари асосида, ёки аҳолининг муайян ижтимоий-иқтисодий гуруҳларига таянмайдиган онгли равишда ишлаб чиқилган мақсадлари негизида жипс-лаштириш, бирлаштиришга интилади. Аҳолини реал бирлаштириш қобилияти мафкуранинг ғояси ва қоидалари кишиларнинг турмуш тарзи ҳақидаги кундалик қарашлари ва тасаввурларига, мақсадларига қанчалик мос келишга боғлиқдир.

Ҳар қандай мафкура оқилона, назарий асосланган қоидалардан ташқари аҳолига фақат ишониш учун таклиф қилинадиган мақсад ва идеалларни ҳам қамраб олади.

Сиёсий мафкуранинг амал қилиш даражалари бир хил эмас. У назарий-концептуал, дастурий-директивалик ва ҳуқ-атворлик даражаларида амал қилади. Назарий-концептуал даражада у ёки бу синф, ижтимоий қатлам, миллат, давлатнинг манфаатлари ва идеалларини очиб берувчи асосий қоидалар қарор топтирилади; дастурий-директивалик даражада ижти-

моний — фалсафий принциплари ва идеаллар сиёсий элитанинг аниқ дастурлари, шоирлари ва талабларига айлантирилади ва бошқарув қарорларини қабул қилиш, омманинг сиёсий хулқ-атворини рағбатлантириш учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилади. Мафкура амал қилишнинг ушбу даражаси «сиёсатнинг яратувчи элементи» деб ҳам талқин этилади.

Хулқ-атворлик даражада мазкур мафкура мақсадлари ва принциплари фуқаролар томонидан ўзлаштирилади ҳамда уларнинг жамият сиёсий ҳаётида иштирок этишининг у ёки бу шаклларида ўз ифодасини топади. Бу даражада мафкура кишиларнинг хатти-ҳаракатига айланиб уларни жипс-лаштиради, бирлаштиради, муайян йўлга йўналтиради, сафарбар этади.

Сиёсий мафкураларнинг кўринишлари Сиёсий мафкура замон ва макондан ташқарида бўлган ҳодиса эмас. У муайян тарихий шароит билан боғлиқ аниқ ижтимоий мазмунга эга.

Ҳар бир тарихий давр ўзига хос ва ўзига мос мафкуравий оқимларни илгари суради. Бундан ҳозирги замон ҳам мустасно эмас. У ҳам кўплаб мафкуравий оқимларни илгари суради. Ҳозирги замоннинг энг йирик мафкуравий оқимлари: либерализм, консерватизм, социал-демократия ва бошқалардир.

Ҳозирги даврда энг йирик ва кўп тарқалган мафкуравий оқимлардан бири — **либерализмдир**. Бу атама латинча «либералис» сўзидан олинган бўлиб «эркин» деган маънони англатади.

Либерализм XVII-XVIII асрда маърифатпарварлик даври ғоялари негизда тарих сахнасига чиқиб келаётган буржуазия синфининг мафкураси сифатида шаклланди. Бу мафкуранинг асосий қондалари Ж. Локк,

Т.Гоббс, Ш.Монтеске, А.Смит, Т.Жефферсон, Д.Милл ва бошқаларнинг асарларида асослаб берилади.

Либерализмнинг пойдеворини шахс эркинлиги, унинг барча жамият институтларига нисбатан энг олий қадрият эканлиги, шахснинг ҳам ўз олдида, ҳам жамият олдида масъуллиги барча кишиларнинг ўзини-ўзи рўёбга чиқариш ҳуқуқини тан олишлиги каби принциплар ташкил этади.

Либерализм ҳокимиятнинг тақсимланиши, сиёсий плюрализм, элиталар рақобати, қонуннинг устуворлигини эътироф этади. У фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашни ўзининг асосий мақсади, деб билади. Мазкур мафкуранинг барча кўринишларида инсон шахсининг индивидуал эркинлиги, кадр-қиммати, бошқа кишиларнинг қарашлари ва эътиқодларига сабр-чидамли бўлишлик талаблари доимо ҳимоя қилиниб келинади. Шахс эркинлигини ҳурмат қилиш билан боғлаб либерализм ўзининг ғоявий кўрсатмаларида индивидуализм ва инсонпарварлик принципларини уйғун равишда мужассамлаштиради.

Эркинлик принцили либерализм тарафдорлари томонидан давлат чеклашларидан эркин бўлишлик сифатида талқин этилади. Бу ғояни англиялик мутафаккирлар Ж.Локк ва Д.Милл яхши ифода этадилар. Жумладан, Д.Милл бу ғояни қуйидагича изоҳлайди: «Инсон ўзига нима кераклигини ҳар қандай ҳукуматдан кўра ўзи яхши билади».

Либерализм тарафдорлари учун эркинлик учун кураш инсоннинг иқтисодий, жисмоний ва интеллектуал эркинлиги йўлидаги барча тўсиқларни, чеклашларни тугатиш учун курашни аниқлатади. Улар ҳокимиятни мерос қилиб қолдиришнинг барча шакллари ва табақавий имтиёزلарга қарши чиқадилар. Бу кўрсатмалар негизида «давлат — тунги қоровул», деган

ғоя қарор топади. Ушбу ғоянинг маъноси шуки, давлат фақат ижтимоий тартибни қўриқлаш ва мамлакатни ташқаридан бўладиган таҳдиддан ҳимоя қилишни таъминлайдиган энг керакли вазифалар билан таъминланиши керак. Шунинг учун айнан либерализмда фуқаролик жамиятининг давлат устидан устуворлиги ғояси қарор топди ва амалга оширилмоқда. Ж. Локк фуқаролик жамияти бу доимий катталик, давлат эса ундан келиб чиқувчидир, деб эътироф этган эди.

Либерализм мафкураси учун шахснинг эркин ривожланиши ва ўзини ўзи тасдиқлаш ғояси характерли бўлибгина қолмай, балки эркинликнинг бозор талқинини хусусий тадбиркорлик эркинлиги сифатида характерлаш хосдир. Бу мафкура эркинлик ва хусусий мулкнинг ўхшашлигига асосланади. Унда хусусий мулк инсон эркинлигининг кафолати ва ўлчо-ви сифатида қаралади. Иқтисодий эркинликдан сиёсий ва фуқаролик эркинлиги келтириб чиқарилади.

Иқтисодий назарияда либерализм тадбиркорлик, бозор ва рақобат эркинлигини тарғибот ва ташвиқот қилади. Шу билан бирга бу мафкуранинг тарафдорлари шахсни бозор тизимига амал қилишнинг салбий оқибатларидан сақлашни ҳукуматнинг вазифаси деб биладилар.

Мумтоз либерализмнинг ғоялари англо-саксон мамлакатларида, аввало АҚШнинг сиёсий ва иқтисодий амалиётида ўзининг тўлароқ тавдаланишини топди. АҚШда индивидуализм жамият тузилишининг бош принципи сифатида қаралади. Мустақиллик ва ўзининг кучига таяниш, рақобат эркинлиги Америка турмуш тарзининг асосий ғоявий устунларидир.

Мафкуранинг ҳар қандай кўриниши ўзгармасдан қола олмаслиги каби либерализм ҳам ўзгармасдан қолмади. У ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таъсири остида XX асрнинг 30-йилларида неолиберализм-

га ўсиб ўтади. Бу янги мафкуравий оқимнинг пайдо бўлишини тадқиқотчилар АҚШ Президенти Франклин Рузвелтнинг “Янги йўли” билан боғлайдилар. АҚШ Президенти либерализм мафкурасига асосланган сиёсатга қатор муҳим тузатишлар киритади. Бу тузатишлар давлатнинг иқтисодий ва социал ролини қайтадан кўриб чиқиш билан боғлиқдир. Неолибераллар давлатнинг иқтисодий муносабатларни тартибга солиши, фаол ижтимоий сиёсатни олиб бориши зарурлигини тан оладилар. Улар ижтимоий адолатни ўрнатишни, монополияларнинг ҳокимиятини чеклашни, моддий бойликларни солиқ тизими ва давлатнинг ижтимоий дастурлари орқали жамиятнинг қуйи қатламлари фойдасига қайта тақсимлашни ёқлаб чиқадиладар. Неолибераллар сиёсий дастурининг негизини бошқарувчи ва бошқарилаётганларнинг ўзаро келишуви, сиёсий жараёнда омманинг иштирок этиши зарурлиги, сиёсий қарорларни қабул қилиш амалиётини демократиялаштириш ташкил этади.

Либерализм ғарб демократиясининг ғоявий асосидир. Бу мафкура байроғи остида АҚШда “оқилона давлат”, “Ялпи фаровонлик давлати” деб аталадиган модель яратилган. Бугунги кунда неолиберализм АҚШ Демократик партияси ва бошқа демократик мамлакатлардаги сиёсий партиялар фаолиятининг ғоявий-назарий негизи бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги замоннинг энг йирик мафкуравий оқимларидан яна бири — консерватизмдир. Бу атама латинча “консерваре” сўзидан келиб чиққан бўлиб, у сақлаш, қўриқлаш деган маънони англатади. Консерватизм XVIII асрда дунёвий ва черков феодаллари, келажак олдида ҳадиксираган турли ижтимоий қатламлар манфаатларининг ифодачиси, либерализмнинг қораловчиси, худо томонидан ўрнатишган тартибларнинг бузилмаслиги ғоясининг илгари сурувчиси сифатида пайдо бўлди. Унинг асосий қоидалари анг-

лиялик мутафаккир ва сиёсатчи Э.Берк, Франциянинг жамоат арбоблари Ж. де Местр ва Л. де Боналд томонидан асослаб берилди. Бу қондаларнинг негизда табиий равишда қарор топган нарсалар тартибининг бузилмаслиги, оила, миллат, дин, табақавий бўлиниш билан боғлиқ бўлган анъанавий қадриятларни сақлаб қолиш ғояси ётади. Ана шундан келиб чиқиб, консерваторлар ижтимоий тараққиётда янгиликларга нисбатан ворисликнинг устуворлигини ёқлаб чиқадилар. Уларнинг фикрича, сиёсий принципларни урф-одатларга, миллий анъаналарга, қарор топган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий институтларга мослаштириш лозим. Уларда зинапоя тарзидаги ижтимоий тузилишнинг юқоридан ўрнатилганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ ва шунинг учун уни инсон томонидан ўзбошимчалик билан ўзгартириб бўлмайди. Бундан келиб чиқадики, тенглик принципи инсон табиатига зид келади ва уни жамият тузилишининг негизига қўйиб бўлмайди. Консерваторлар ҳар доим эгалитаризм билан боғлиқ бўлган “ҳаддан ташқари демократизм”га қарши чиқадилар.

Тарихий тараққиёт натижасида консерватизм ҳам либерализм сингари муҳим ўзгаришларга юз тутди. У буржуа муносабатлари қарор топиши билан йирик капитал манфаатларини ҳимоя қилувчи ғояга айланди. Консерваторлар ҳам либераллар сингари бозор, рақобат эркинлиги таъминлашини, иқтисодиётга давлатнинг аралашини чеклашни талаб қилдилар.

XX асрнинг 70-йилларида консерватизмнинг тарихида янги фаза — неоконсерватизм (Д.Белл, З.Бжезински, Н.Подгорец, Н.Кристолл, А.Хайек) бошланади. Бу янги оқимнинг пайдо бўлишини тадқиқотчилар АҚШда Роналд Рейган бошчилигида республикачилар, Буюк Британияда Маргарет Тэтчер бошчилигида консерваторлар, ФРГда Гелмут Кол бошчилигида ХДС-ХСС блокининг ҳокимиятга келиши билан боғлайдилар.

Неоконсерватизмнинг қарор топиши тасодифий эмас. У неолиберализм ва социализмга қарши туриш мақсадида шаклланди. Неолиберализм давлатнинг иқтисодий фаолиятга аралашishi зарурлигини тан олади ва давлат ижтимоий дастурларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди. Неоконсерватизм эса давлатнинг иқтисодиётига аралашishi чеклашни талаб қилади.

Антиэтатизм, давлатнинг ижтимоий вазифаларини чеклаш — неоконсерватизм ғоявий-сиёсий кўрсатмаларининг белгиловчи аломатидир. Неоконсерватор қарашларига кўра «энг яхши ҳукумат шуки, у камроқ бошқаради».

Неоконсерватизм аҳолининг кам таъминланган қатламлари фойдасига ресурсларни қайта тақсимлаш мақсадида йирик капиталга солинаётган солиқларга қарши чиқадилар. Улар тенг тақсимлашнинг ашаддий душмани сифатида давлатнинг ижтимоий дастурларини қисқартиришни талаб этадилар. Неоконсерваторларнинг фикрича, ҳозирги давлат кишилар учун натижалар тенглигини эмас, балки имкониятлар тенглигини яратиб бериши зарур. Давлатнинг «соғиладига сигир»га айланиши инсонни бузади, ишдан чиқаради. Ҳар бир киши ўз фаолиятида давлатга эмас, балки ўзининг кучига ҳамда ўзининг яқинлари ва фуқароларига таяниши зарур.

Шундай қилиб, консерватизм мафкурасидан оила, дин, ахлоқ айрим ижтимоий гуруҳларнинг имтиёзли ўрни ҳақидаги эски даврнинг қадриятлари янги, буржуа муносабатлар даврининг қадриятлари — индивидуализм, бозор эркинлиги билан чамбарчас боғланиб кетади. Бу мафкура либерализм билан қарама-қарши туриб ғарб мамлакатларининг оммавий онига катта таъсир ўтказади.

Ҳозирги замоннинг энг таъсирли мафкуравий оқимларидан бири — социал-демократиядир. Бу маф-

кура марказда турувчи кучларнинг сиёсий доктрина-
си ҳисобланади .

Социал-демократия мафкураси XIX асрнинг охи-
рида немис мутафаккирлари ва жамоат арбоблари
К. Каутский ва Э. Бернштейн томонидан асослаб бе-
рилди. Бу мафкурага биноан янги жамиятга синфий
кураш орқали, инқилобий йўл билан эмас, балки
тинч, эволюцион йўл билан — буржуа жамиятини
аста-секин ислоҳ қилиш билан ўтилади. Социал-де-
мократлар бу кўрсатмаларни амалга оширишни дав-
латнинг жамият иқтисодий ҳаётига фаол аралашиш-
ни, даромадларни йўқсиллар фойдасига қайта тақ-
симлаш, иқтисодиётнинг давлат секторини ва кўплаб
давлат ижтимоий дастурларини ривожлантириш би-
лан боғлайдилар.

Жаҳонда социал-демократия мафкураси негизда
турли-туман “социализм моделлари” шаклланди. Бу-
лар ичида швед ва герман модели катта обрў қозонди.
Германия ва Швецияда социал-демократик партия-
лар бошқаруви даврида ҳаётнинг юқори даражаси ва
сифатига эришилди.

Аммо, 80-йилларнинг охирида бу мамлакатларнинг
иқтисодиётида давлат монополияси ва бюрократизм,
хусусий тадбиркорлик учун рағбатлантиришнинг па-
сайиши билан боғлиқ бўлган негатив тенденциялар
кучайди. Бу тенденциялар ушбу мамлакатларнинг та-
раққиёт суръатларини пасайтиришга олиб келди. На-
тижада, социал-демократлар кўпчилик сайловчилар
томонидан қўллаб-қувватланмади ва ҳокимиятни кон-
серватив мафкура вакилларига беришга мажбур бўлди-
лар. 90-йилларнинг охирига келиб социал-демократ-
лар сайловларда ғалаба қозониб яна ҳокимиятни кон-
серваторлардан қайтариб олдилар.

Шундай қилиб, социал-демократия ҳозирги замон-
нинг энг таъсирли мафкураларидан бири ҳисоблана-
ди . У ижтимоий ислохотларнинг амалга ошириш йўли

билан жамиятни ривожлантиришни ва халқнинг фаровонлигига эришишни кўзда тутди.

Ҳозирги замоннинг мафкуралари қаторида миллий мафкуралар муҳим ўринни эгаллайди. Улар келиб чиқишига, мазмун-моҳиятига кўра бошқа мафкуралардан фарқ қилади.

Биринчидан, миллий мафкуралар дунё мустамлакачилик системасининг емирилиши, ёш мустақил миллий давлатларнинг ташкил топиши ва уларни қарамлик доирасидан чиқариш, ривожлантириш зарурияти билан майдонга келди. XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида Фарбий Европа миллий ҳаётнинг уйғонишини ва миллий ғояларнинг туркираб ривожланишини ўз бошидан кечирган эди. Ҳозирги кунга келиб бу тенденциялар собиқ СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар ўрнида ташкил топган республикаларда юз бермоқда.

Иккинчидан, миллий истиқлол ғоялари фақат айрим ижтимоий, ирқий, этник гуруҳнинг, халқнинг манфаатинигина эмас, балки мустақиллик учун, миллий ҳаётни ривожлантириш учун кураш олиб бораётган халқларнинг дунёда тутган ўрнини, турмуш тарзини, орзу-умидларини, интилишларини, манфаатларини ҳам акс эттиради.

Учинчидан, миллий ғоялар у ёки бу халқлар қарамлигининг объектив негизларини, уларни бартараф этиш ва ҳақиқий мустақилликка эришиш йўллари очиқ беради.

Тўртинчидан, миллий истиқлол ғояси ёш, мустақил давлатлар халқларининг ўзлигини англашга, қарамлик доирасидан чиқишга, уларнинг чинакамига эркин бўлишга, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини топишга ёрдам беради.

Албатта, миллий ғояларнинг барчаси бир хил эмас. Уларнинг ичида у ёки бу халқ учун алоҳида шароит яратишга даъво қиладиган мафкуралар ҳам учраб туради.

Бироқ миллий мафкураларнинг аксарияти халқларнинг ҳақиқий орзу-умидларини, интилишларини акс эттиради. Улар ёш давлатлар халқларига қарамлик асоратларини бартараф этиш ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлларини кўрсатиб ғоявий байроқ бўлиб хизмат қилади.

Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистонда ҳам ўзининг муносиб ўрнини топмоқда. Ўзбекистонда шўро тузумининг инқирозга юз тутиши жамиятнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янги жамиятни қуриш масалаларини ишлаб чиқишни тақазо қилади. Бу масалалар Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» ва бошқа асарларида асослаб берилган концепцияда ўз ечимини топди.

Мазкур концепцияда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов миллий истиқлол ғоясини ишлаб чиқишга жуда катта ҳисса қўшди, уни янги фундаментал-назарий қоидалар, хулосалар билан бойитди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов томонидан асослаб берилган демократик жамият қуриш концепциясининг асосий қоидаларига қуйидагилар киради:

1) Ўзбекистонда демократик жамият қуриш — энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлиги; бу вазифани амалга оширмай туриб, ундаги танг ҳолатни баратараф этиш, яккахоқимлик тизимининг иллатларини тугатиш ва ривожланган мамлакатлар даражасига чиқиб олишнинг мумкин эмаслиги;

2) Ўзбекистонда демократик жамиятни қуриш — ғоят мураккаб ва кўп қиррали комплекс вазифа эканлиги; бу вазифа жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишни ва янгилашни талаб қилишлиги;

3) сиёсий соҳани ислоҳ қилиш ва янгилаш — Ўзбекистонда демократию жамият қуришнинг асо-

сий соҳаларидан бири эканлиги; бу соҳани ислоҳ қилмай ва янгиламай туриб, мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий муаммоларни ҳал этиб бўлмаслиги;

— сиёсий соҳани ислоҳ қилиш давлат органлари, партия ва жамоат ташкилотлари тизимини демократлаштиришни талаб қилишлиги; бу жараёнда давлат органларининг бюрократлашувига, фуқаролар ҳаётига асоссиз, ноқонуний аралашувига барҳам бериш ва уларни ижтимоий тартибни қўриқлаши ҳамда аҳолини ҳам ичкаридан, ҳам ташқаридан бўладиган таҳдиддан ҳимоя қилиши учун кескин кучайтириш;

— сиёсий партияни тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш; бу жараёнда унинг яккахокимлигига узил-кесил барҳам бериш ва ҳақиқий кўппартиявийлик муҳити, сиёсий рақобат майдонини қарор топтириш;

— Нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини тубдан қайта қуриш; уларнинг давлат органларига қарамлик, мутелик ҳолатига барҳам бериш ва сиёсий ҳаётда муносиб мавқеини эгаллашига эришиш;

4) Ўзбекистонда демократик жамиятни қуриш иқтисодий соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш билан боғлиқлиги; бу соҳада давлат мулкнинг яккахокимлигидан тўла-тўқис воз кечиш ва мулкнинг хилма-хиллигига эришиш, фақат бозор муносабатларигина жамият ва инсоннинг реал ривожланишига олиб бориши мумкинлиги;

5) Ўзбекистонда демократик жамиятни қуриш маънавий ва маданий соҳани ҳам тубдан ислоҳ қилишни талаб қилишлиги; бу соҳада бир мафкура яккахокимлигидан қатъиян воз кечиш ва фикрларнинг эркинлиги, хилма-хиллигига эришиш;

6) Ўзбекистонда демократик жамиятни қуриш “инқилобий сакраш”ларсиз, эволюцион, яъни ислохотлар йўли билан босқичма-босқич амалга ошириладиган вазифа эканлиги, уни инқилобий йўл билан

амалга оширишга уриниш оғир оқибатларга олиб келишлиги;

7) Ўзбекистонда демократик жамиятни қуриш тарихий аҳамиятга молик вазифа эканлиги, бу вазифанинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон халқига муносиб бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиш.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов асарларида берилган Ўзбекистонда демократик жамият қуриш концепциясининг асосий қоидалари ана шулардан иборат. Бу қоидалар сиёсатининг ғоявий негизини ташкил этади.

Ҳозирги замонда юқорида эътироф этилган сиёсий мафкуралардан ташқари ўз таъсир кучига эга бўлган бошқа ғоялар ҳам мавжуд. Буларга экологик-сиёсий, диний-сиёсий ғоялар киради.

Экологик-сиёсий ғоялар урушдан кейинги йилларда вужудга келди. 70-80-йилларда кенг ривож топди. Бунга ривожланган мамлакатлардаги оғир экологик вазият сабаб бўлди.

Экологик-сиёсий ғояларни амалга ошириш мақсадга, фаолиятга кўчди, инсон яшайдиган атроф-муҳитни ҳимоя қилишни, керакли қонунлар ва қарорларни қабул қилиш учун ўзларининг ҳукумат ва қонун чиқарувчи органларга таъсир кўрсатиш орқали экологияни яхшилашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ҳозирги вақтда бу оқимлар кўплаб мамлакатларнинг парламентлари ва ҳукуматларида ўзларининг вакилларига эга.

Диний-сиёсий ғояларнинг юқорида санаб ўтилганлардан фарқи шундаки, улар бугун пайдо бўлган эмас, балки азалдан мавжуддир. Мафкуранинг бу кўриниши диний ақидаларга таянади. Уларнинг бош мақсади нафақат ҳокимиятга таъсир кўрсатиш, балки ўзларининг ҳокимиятини ўрнатишдан иборатдир. Буни

айрим мамлакатларда, хусусан, Яқин Шарқ ва Осиё (Эрон, Покистон, Афғонистон, Саудия Арабистони) мисолида кўриш мумкин.

Кейинги йилларда диний мафкураларнинг таъсири экстремизм, ақидапарастлик йўналишида қатор собиқ совет республикаларида, хусусан, Тожикистон, Шимолий Кавказ, Чеченистонда анча ортди. Ўзбекистонга нисбатан ҳам ташқи диний экстремистик оқимларнинг таъсири кучайди. Уларнинг мақсади сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, ҳокимиятни эгаллаш ва ундан шахсий ғаразли манфаатлар йўлида фойдаланишдан иборатдир.

Шундай қилиб, ҳозирги замоннинг мафкуравий оқимлари ранг-барангдир. Улар хилма-хил ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этади. Жамиятни тараққий эттиришнинг турли-туман йўлларини илгари суриш билан бирга айрим носоғлом ғоялар сифатида тараққиётга халқларни бирлаштиришга, уларни улуғ, бунёдкорлик ишларига сафарбар этишга салбий таъсир ҳам кўрсатмоқда.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ **ХАЛҚАРО ТИЗИМЛАР ВА** **УМУМБАШАРИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ** **СИЁСИЙ МУАММОЛАРИ**

16-мавзу

Халқаро тизим ва халқаро сиёсат

**Халқаро тизим: моҳияти,
тузулмаси ва функционал
жиҳати**

**Халқаро муносабатлар халқ-
лар, давлатлар, иқтисодий,
сиёсий ташкилотлар ўрта-**

сидаги халқаро даражадаги иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳукукий, ҳарбий ва бошқа соҳалардаги алоқалар мажмуидир. Унга жаҳон иқтисодиётидаги вазият, ҳарбий-стратегик вазият, айрим давлатлар таъсири билан бирга, табиий муҳит, ҳом ашё ва табиий ресурслар таъсир кўрсатиши мумкин. Халқаро муносабатларнинг асосий субъектлари халқлар, давлатлар, давлатлараро бирлашмалар, умумжаҳон, минтақавий сиёсий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари ҳисобланади. Жаҳон сиёсати — халқаро ҳуқуқ асосий субъектларининг сиёсий фаолияти мажмуи бўлиб, манфаатларни уйғунлаштирган ҳолда БМТ ва жаҳон ҳамжамияти ташкилотлари ва қонуний органлари орқали ифода этади ҳамда суверен, мустақил миллий давлатлар ташқи сиёсий фаолиятини, минтақавий давлатлараро ва жамоат тузулмалари, бирлашмаларининг сиёсий акцияларини, умумбашарий даражада БМТ ва шунга ваколати бўлган бошқа ташкилотларнинг фаолиятларини ўз ичига олади. Дунё бағрида кечаётган жараёнлар, баъзан қутилмаганда юз бераётган силжишлар, улар туфайли бир-бири билан мулоқотта қар-

ётган турли-туман ҳаракатлантирувчи кучлар ўртасидаги мураккаб муносабатларнинг ўзига хос йўналишга эга эканлиги халқаро ҳаётга объектив равишда, бир томондан, беқарорлик бахш этса, шунинг билан биргаликда маълум бир структура ва тартиботга мойил тизим шаклига эга бўлишни тақозо этади. Унга нисбатан бефарқлик масъулиятсизлик инсониятга қандай катта зарар етказади. Зотан, халқаро ҳамжамят ва халқаро сиёсат ҳар бир субъектнинг барқарорлиги ва хавфсизлиги нуқтаи назаридан қўплаб зарар келтирган тоталитар тизимларнинг дунёни унинг келажаги тўғрисида ўйламай-нетмай ўзаро душман томонларга парчалаш амалиётида инсоният бундай вазиятни яққол кузатиш «имкониятига» эга бўлган эди.

Бугун ўша самарасиз тортишувлар ва қонли можароларнинг аччиқ тажрибаси бекорга кетмади. Инсоният, барча сиёсий — интеллектуал доиралар, турли-туман халқаро ҳамда минтақавий институтлар халқаро ҳаёт ва сиёсатга эндиликда батамом бошқача нуқтаи назардан ёндашувга келди. Халқаро ҳаёт билан ўйнашув барқарорлик ва оддий инсоний манфаат учун улкан зарар эканлиги бугун барча томонидан англаб етилмоқда. Албатта, унга нисбатан ёндашувни тубдан ўзгартиришга бўлган умумсайёравий интилиш, халқаро ҳаётнинг тизим сифатида ўта мураккаблигига нисбатан тегишли масъул сиёсий ва интеллектуал доираларнинг иқдор бўлиши бугун ёки кеча содир бўлгани йўқ. Ундаги мураккабликлар ва мураккабланиш жараёнининг тобора чуқурлашиб бориши унга нисбатан оқилона ёндашиш, акс ҳолда уни сезмаслик қўплаб нохуш оқибатларга олиб келиши ойдинлашади. Зотан, халқаро ҳаёт, давлатлараро муносабатлар қанчалик табиий бўлмасин, барибир, инсон ҳамда тегишли жавобгар ташкилотлар ва гуруҳларнинг аралашishi туфайли маърифий йўналтиришга мудом эҳтиёж сезади.

Халқаро ҳаётга нисбатан қарашларни дунё халқлари манфаатларидан чиққан ҳолда ўзгартириш кўп вақтлардан буён инсониятни ташвишга солиб келаётганлиги аллақачон маълум. Шаклланган ёхуд шаклланаётган қарашлар тизими ранг-баранг ва уларнинг ҳар бири алоҳида эътиборга лойиқ. Улар орасида бугунги кун нуқтаи назаридан анча эътиборлиларидан бири, индивид ҳамда жамоалар гуруҳлар хоҳиш-иродаси қандай бўлишидан қатъий назар халқаро ҳаётга ўзаро мулоқатга маҳкум бўлган минтақалар, Давлат ва гуруҳлар ўртасида турли хил муносабатлардан иборат тизим сифатида ёндашиш билан боғлиқ.

Фаолият юритиб умргузаронлик қилаётган барча давлатлар, ҳамжамиятлар, иттифоқдош давлатлар гуруҳли ўз мақоми, нуфузи, ички ва ташқи имкониятлари, қолаверса, замонавий курол-аслаҳатларига эга эканлигидан қатъи назар ана шу яхлит умумбашарий тизимга дахлдорлиги, аксинча, унга дарз кетса, ҳар бирининг қийинчиликлари кўпайишини чуқур ҳис этган бўлишлиги зарур. Ўйлаймизки, халқаро тизимни худди шундай ҳолатда тасаввур қилиш, ҳамда унга ёндашув бугун ва истиқбол нуқтаи назаридан энг мақбул йўлдир. Бу масаланинг бир томони.

Баёни берилаётган объектга ва керак бўлса, халқаро тизимдек улкан сиёсат субъектига бошқача; яъни номақбул қарашлар ҳам йўқ эмас. Қизиғи шундаки, айнан шу тенденция кейинги пайтда ҳатто кучаймоқда. Бу асосан нуфузли халқаро-политологлар ҳамда сиёсий арбоблардан, авваламбор Збигнев Бжезинский ҳамда Генри Киссинджерлар мансуб бўлган «реалистлар мактаби» вакиллари қарашларида мавжудлиги таассуфга лойиқ. Унга кўра, халқаро сиёсат майдони, яъни халқаро ҳаёт улкан шахмат тахтаси бўлиб, у ердаги фигуралар, иштирокчилар қандайдир кучли ўйинчилар изми ва хоҳиш иродасига боғлиқ бўлишади.

Иккинчи бир қарашга биноан, халқаро ҳаётга мо-
хиятан бир-бирига душман бўлган давлатлар фаолияти
макони, деб қаралиб, халқаро сиёсат эса яхлит тизим
бўлмасдан бир-бирига азалий муҳолиф бўлган кучлар-
нинг ўзаро муносабатидан шаклланади. Улардан ташқа-
ри, яна унчалик муҳим ёки муҳим бўлмаган бошқа
кўплаб қарашлар ҳам борки, улар шартли равишда ва
прагматиклар ва идеалистлар, фрагментарчилар ва мон-
диалистлар, биркутбчилар ва кўпкутбчилар ҳисоблана-
ди. Хуллас, турли-туман мактабларга мансуб бўлса-да,
лекин у ёки бу маънода уларнинг барчаси юқорида ном-
зикр этилган икки анъанавий қарашга мансуб.

Дарҳақиқат, кўз ўнгимизда содир бўлаётган бата-
мом янги жараёнлар ҳамда ҳали ечимини топиб улгур-
маган анъанавий муаммоларнинг тобора чуқурлашуви
оқибатида дунё ҳар доимгидек яхлитлик ва нисбатан
барқарорликка муҳтож. Ўз навбатида, унинг яхлитлик
ва табиийликка муҳтожлигини сезмаслик, сезса ҳам он-
гли равишда зиддиятлар оқибатига сиёсий баҳо бера ол-
маслиги боис халқаро тизим борган сари чигаллашмоқ-
да. Унинг бағрида мавжуд бўлган табиий тизим яратув-
чи жараёнлар ўз фаолиятларида анча зўриқишни сезиш-
моқдалар.

Жумладан, макросиёсий даражадаги ҳокимият би-
лан боғлиқ жараённи олиб кўрайлик. Алоҳида бир соци-
ум, яъни микродаражада муаммонинг ечимига таал-
луқли бўлган жараёнларга таянган ҳолда айтиш кераки,
халқаро сиёсатда ҳокимиятга интилиш бошқача кечади.
Халқаро тизим ва унинг структураларида муносабат-
лар, уларнинг ҳуқуқий мезон ва меъёрларининг ноёб-
лиги ҳокимият муаммосига ҳам қандай дир ўзига хос-
лик, хусусийлик бағишлайди. Жумладан, халқаро ти-
зимда ҳокимият ташувчи куч ишлатиш эмас, балки маъ-
рифий-сиёсий таъсир ўтказишга таяниб фаолият кўрсат-
иш мумкин.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, халқаро муносабатлар муаммосининг қўйилиши, амалиёти, амалга оширилиши ҳамда маърифий халқаро сиёсатдан кутилаётган самаралар, ва қолаверса айрим давлатларнинг конкрет хатти-ҳаракати, хулқ-атвори масалаларига ёндашиши ўртасида улкан жарлик вужудга келмоқда. Бу ўз навбатида халқаро сиёсий жараёнда ҳокимиятга эришишнинг моҳияти, амалиёти ва керак бўлса истиқболга ҳам сезиларли соя солмоқда. Айрим давлатлар ва гуруҳдош давлатлар тизими ўз сиёсий, амалиётида кучга таянишни ҳокимиятга эришиш, манфаатларини рўёбга чиқаришнинг бирдан-бир энг устувор ва қулай воситаси деб қараш ҳукмронлик қилиб келмоқда. Шу муносабат билан, буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темурнинг халқаро сиёсатда ҳам «Куч — адолатда» деган беназир принципини эслаб ўтиш айни муддодирки, бугун шунча йиллар ўтишига қарамасдан, халқаро муносабатлар макони ва унда ҳокимият муаммосит инсон даҳоси, имкониятлари ва ниятларига зиддигича қолиб келаётганлигига беихтиёр ажабланмасдан илжм йўқ.

Маълумки, халқаро ҳаётда нуфузни, мавқени, яъни ҳокимиятни қўлга киритиш жараёни адолат тарозиси, давлатларнинг бу йўлда хулқ-атвори-ю, хатти-ҳаракатининг маърифийлигига асосланиши керак. Шу жиҳатдан давлатларнинг хулқ-атворини халқаро тизим моҳиятининг маълум маънода воқеликда акс этиши ёхуд функцияси деб қараш тўғри бўлади. Халқаро ҳаётда бугун кўзга ташланаётган адолатсизлик, менсимаслик, империявий тафаккур, сиёсий мутаассиблик, яъни ўз ҳаёт тарзини сўнгги ва энг мақбул намуна деб эълон қилиш ва аксинча, кўпгина заиф давлатлар томонидан юритилаётган биқиклик, ҳадиксиралш, саросимага тушиш, шубҳа билан қараш, ишонмасликка асосланган амалиётни бири-бирига мутлақ ўхшамайдиган ўзаро қарама-қарши реакциянинг натижаси деб айтишга асос етарли.

**Халқаро тизим яратувчи ва
парчаловчи жараёнлар**

**Юқорида баён этилган
объектив ёки субъектив
тенденциялар, оғли ҳамда**

онгсиз таъсир ва реакциялар, бир томондан, халқаро тизимда ўзига хос иммунитет шакллантириб, унинг барҳаётлигини таъминласа, иккинчи томондан эса улар унинг мудом беқарорлигига сабабчи бўлади. Тажриба кўрсатадики, беқарорлик ва барқарорлик келтириб чиқарувчи сабабу оқибатлар, омиллар жараёнларнинг мувозанатини сақлаб туриш, яъни уларнинг балансига эришиш, бир-бирини тийиш ҳамда ижобий тенденцияларига шарт-шароитлар яратиш устувор даражада халқаро тизимнинг ўзига ва қолаверса, унинг маърифийлик даражасига боғлиқ бўлар экан.

Халқаро тизимда мавжуд перманент номутаносиблик вазияти илгари халқаро муносабатларга ҳам асосан моддийлик, синфий қарама-қаршиликдан келиб чиқиш фақат нотўғри бўлмасдан, балки сиёсий жиҳатдан ўта зарарли эканлиги яна бир бор исботланди. Воқеаларнинг бориши, муаммолар ечимига ёндашувлар шундан далолат берадики, халқаро тизимда яратувчи ёхуд мустаҳкамловчи, ва аксинча, парчаловчи, вайрон қилувчи жараёнларда қайси бирининг устунликка эришиши қандайдир ташқи тизимнинг ички ресурс ва хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган таъсир ва таъйиқлар йиғиндиси эмас, балки унинг ўз ички иқтисодиятларининг ишга солиш қобилиятига боғлиқ экан. Хуллас, халқаро тизимнинг барқарор ёки беқарор ҳолатга келиши, асосан унинг ўз сиёсий ва маънавий-интеллектуал кучи ва қудратига боғлиқ.

Уни конкрет мисол доирасида кўриб чиқишдан аввал таъкидлаш жоизки, халқаро тизимлар (халқаро, минтақавий, субминтақавий ва ҳудудий) кўлами ёки географик-маконий (ғарбий, шарқий, жанубий, шимолий океан ва континентал) фарқидан қатъи назар унинг ҳаракат механизми деярли бир қонуният-

га асосланади, яъни ҳар бир халқаро тизим органик равишда икки хил қарама-қарши жараён ва уларнинг ўзаро муносабатлари доирасида фаолият кўрсатади ва мавжуддир. Бир халқаро тизимга хос бўлган тенденция ва улардан чиқиб келадиган салбий ёки ижобий натижалар иккинчи бир тизимга у ёки бу даражада хос бўлади. Албатта, географик, иқлимий, цивилизация ва қадриятларга муносабат билан боғлиқ жиҳатлар ҳам бу жараёнда шунчаки пассив иштирок этмайди.

Ушбу умумий қонуниятнинг ҳаракат механизми-ни кузатиш учун мавжуд халқаро тизимнинг замон ва макон нуқтаи назаридан ҳозирги ҳолатини олиб кўрайлик. Албатта, бу унинг бутунги ҳолатига нисбатан айтиладиган фикр ва мулоҳазалар охирги ҳақиқат деган фикрни билдирмайди. Зотан, халқаро тизим, биринчидан, муттасил такомиллашиб борса, иккинчидан, унга тўхтовсиз ўзгариш ҳолати хосдир. Лекин ҳар ҳолда унинг бутунги ҳолатига муносабат билдириш, бутунги параметр ва тенденцияларнинг айримларини келажакда ҳам назарда тутиш лозимлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Илгари таъкидланганидек, халқаро тартибот тизим сифатида бир-бирига қарама-қарши икки жараён таъсири остида шаклланади. Улардан бири тизим парчаловчи ролини бажарса, иккинчи гуруҳи эса тизим яратувчилик, яъни мустақкамлашга хизмат қилишга қаратилганлиги билан характерлидир.

Бутунги халқаро тизимнинг барқарорлиги ҳолатига зид бўлиб, уни заифлаштирувчи, кейинчалик эса бутунлай парчалаб ташловчи ички омиллар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

— айрим сиёсий гуруҳлар, кучлар ва давлатлар томонидан халқаро тартибот тақдирига, унинг бағрида содир бўлаётган турли-туман салбий силжиш жара-

ёнларига нисбатан бефарқлик, менсимасликнинг ҳамда ўз хавфсизлигини халқаро хавфсизлик манфатларига қарши қўйиш кайфиятининг кучайиб бориши;

—халқаро сиёсатнинг нуфузли иштирокчилари томонидан турли минтақаларда мавжуд ва тобора адоват олаётган можароли қодисаларга нисбатан бефарқликка нисбатан айрим мамлакатлар, миллатларнинг муқобил реакцияси оқибатида пайдо бўлаётган салбий жараёнлар;

—халқаро терроризм, диний экстремизм, миллатчилик, сепаратизм ва уюшган жиноятчилик сингари хавфли жараёнларининг кучайиши, уларни бартараф этиш чора-тадбирларининг талаб даражасида эмаслиги;

—хатарли ўзгаришлар, жараёнлар ва ноинсоний режаларнинг олдини олишга қаратилган халқаро сиёсий институтларнинг тақчиллиги, мавжудларининг ҳам услубий ва ҳодисаларга зудлик билан эътибор қаратиш зарурати нуқтаи назаридан давр талабидан орқада қолиб кетаётганлиги;

—халқаро тартиботда ноқонуний, нопок йўл билан ҳукмронликни яқка ёлғиз қўлга киритишга интилиш;

—узоқ йиллар мобайнида дунёда тинчликни сақлаш ишига самарали хизмат қилиб келаётган халқаро ташкилот ва воситаларни айрим қудратли давлатлар томонидан ўз измига бўйсиндиришга бўлган мойилликнинг зўрайиши;

—бир гуруҳ давлатлар қадриятларини сайёрамизда истиқомат қилаётган бошқа халқларнинг яшаш тарзи ва менталитетидан устун деб ҳисоблаш ва бу борада амалий ишларнинг кучайиб бориши;

—турли-туман халқаро, минтақавий муаммоларни рўкач қилгани ҳолда, ўз ҳарбий салоҳиятини бутун дунё олдида намойиш қилишга бўлган интилиш кўламининг кенгайиб бориши.

Тажриба ва кузатишлар кўрсатиб турганидек, юқорида ўз аксини топган асосий салбий жараёнларга ўлароқ муқобил, яъни умидбахш жараёнлар ҳам чуқурлашиб бормоқда. Умумий маънода улар қуйидагилардан иборат:

— нуфузли сиёсий ва илмий амалий доиралар ҳамда халқаро жамоатчиликда дунё хавфсизлиги, барқарорлиги ва тараққиёти манфаатларига тубдан зид бўлган жараёнларнинг таҳдидли тус олаётганлигидан ташвишланиш, яъни улар тўғрисида ҳақ сўзни айтишга бўлган азму-қарорнинг мустаҳкамланиши;

— халқаро терроризм, диний экстремизм ва бандитизм билан курашнинг долзарб сиёсий ва амалий вазифа эканлигининг деярли дунёдаги барча давлатлар томонидан англаб етилаётганлиги;

— айрим давлатлар томонидан ўз хусусий манфаатларини таъминлаш мақсадида хусусий муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқишга интилиш, миллий хавфсизлигини бошқа давлатлар, қолаверса сайёрамизнинг хавфсизлигига раҳна солиш ҳисобига таъминланишига эришишга интилиш ҳамда конкрет муқобил чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан воз кечиш жараёнининг бошланиши;

— қуролланиш пойгасининг қайтадан, янги асосда йўлга қўйилиш хавфининг ошиб бораётганлиги, ҳамда хавфсизлик “риски”нинг зўрайишига нисбатан конкрет чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишга интилишнинг ошиб бориши;

— минтақавий хавфсизликдан халқаро хавфсизлик сари ўтиш зарурлигини англаб етиш;

— халқаро ҳамкорликнинг хавфсизлик, барқарорлик, тараққиёт ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашнинг бирдан-бир самарали йўли эканлигини тан олишга эришиш ҳамда бу борада аниқ амалий тадбирларнинг кўрилаётганлиги.

Халқаро ҳамкорликдан халқаро XXI аср бўсағасига
хавфсизликка: ғоя ва амалиёт келиб жамиятнинг
турли гуруҳлари
ҳамда сиёсий ва илмий-интеллектуал доираларнинг
қарашларида хавфсизликни таъминлашнинг бирдан-
бир йўли халқаро ва давлатлараро ҳамкорлик деган
ғоя устуворлик касб этмоқда. Унинг туғилиши ва кенг
қулоч ёйиш сабабларидан бири шундаки, бугунгача
дунёнинг хавф-хатарлардан зарурат даражасида ҳоли
қилишнинг турли-туман модел ва йўллари, услуб ва
воситалари ишлатилиб келинди. Масалан, уч-тўрт аср
мобайнида халқаро хавфсизликни таъминлашнинг
турли (жумладан, миллий манфаатлар устуворлиги,
кучлар баланси, мафкуравий маконлар баланси, ўза-
ро ядровий тийиш, биринчи бўлиб ядровий қуролини
ишлатмаслик, ядровий тўқнашувда мутлоқ ғалабага
эришиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги ғоя ва бош-
қалар) услубларга таяниб халқларни оммавий қир-
гиндан сақлашга эришилди.

Юқорида келтирилган ўз даври учун зарур услуб
ва воситалар бирма-бир таҳлил қилиб чиқилса, бу-
гун XXI аср реалликларига уларнинг бир мунча мос
келмаслиги ва эскириб қолганлиги кўзга ташланади.
Шундай бўлиши ҳам табиий. Жумладан, миллий ман-
фаатларни “мутлоқлаштиришга” таяниб халқаро сиё-
сатда иш юритиш принципи анча устувор бўлган XVII
асрдан то бугунгача тарих сонияси нуқтаи назаридан
бир қанча даврлар ўтиб кетди. Бугун, биз яшаётган
даврга келиб эса, ҳатто принцип ҳам бирмунча эс-
кирди ва айни пайтда ўз самарасини бермаётир. Гап
шундаки, юқорида келтирилган хавфсизлик таянч
нуқталари асосан жаҳон урушларига йўл қўйилиши
мумкин бўлган давр, яъни кечаги муқобилликлар та-
лабларини акс эттирган.

Бугун шундай бир қалтис даврки, бунга мутахас-
сислар ҳанузгача бирон-бир мақбул белгилар тизими-

ни ярата олганлари йўқ. Ҳарқалай, дунё тараққиёти, истиқболлари, манфаатлари бутунги кунда давлатлараро кенг қамровли, турли даражада ўзаро ҳамкорликка таянишдан халқаро хавфсизликни, барқарорликни ва тараққиётни таъминлашнинг бошқа бирон бир йўли йўқлиги бугун барчага аён бўлиб қолди.

Мамлакатдаги ички вазиятни қуйидагича тақлил этиш мумкин: 1) Сиёсий муносабатлар субъектларини аниқлаш. 2) Сиёсат субъектининг миқдор ва сифат жиҳатларини аниқлаш. 3) Сиёсат субъектларининг мақсадларини ва манфаатларини аниқлаш. 4) Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги реал жараёнларни ва ҳодисаларни таҳлил этиш: а) иқтисодий аҳвол; б) ижтимоий гуруҳлар ва миллий муносабатлар таҳлили; в) ижтимоий онг ва маданий ҳаёт таҳлили; г) мамлакатдаги айрим ноқонуний ҳолатлар; д) ички ҳарбий-сиёсий аҳвол таҳлили; е) сиёсий ҳокимият қонунийлиги; ж) мамлакатдаги сиёсий аҳволни баҳолаш; з) сиёсий вазият ривожини олдиндан кўра билиш.

Сиёсий вазият — ижтимоий-сиёсий кучларнинг жойлашиши ва ўзаро муносабатини, шунингдек, бевосита сиёсат субъектларининг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган сиёсий муносабатлар ҳолатини ифодаловчи омиллар, шарт-шароит натижалари ва ҳолати мажмуидир. Сиёсий вазиятнинг тузилиши, унинг субъектлари, уларнинг жойлашиш ва кучлар нисбатида реал ҳаётий шароит, аниқ сиёсий жараёнлар, ҳодисалар ва ривожланиш тенденцияси, сиёсий манфаатлар ва мақсадлар орқали намоён бўлади. У ўзининг мураккаблиги, кенг қамровлилиги, ўзгарувчанлиги, ривожланиш тенденцияларининг ва намоён бўлишининг хилма-хиллиги билан характерланади. Унинг, яъни кучларнинг бирлашганлик, ихтилофли ёки қўшмаюшганлик типлари билан фарқ қилади.

Халқаро (минтақавий) сиёсий вазият таҳлили:

- 1) Дунёдаги (минтақадаги) кучлар нисбатини аниқлаш.
- 2) Турли кучлар марказини аниқлаш.
- 3) Кучлар марказининг иқтисодий ҳолатини таҳлил этиш.
- 4) Кучлар марказининг ҳарбий салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил этиш.
- 5) Ички сиёсий вазиятни баҳолаш ва таҳлил этиш.
- 6) Халқаро (минтақавий) сиёсий шарт-шароитни баҳолаш.

7) Халқаро (минтақавий) сиёсий вазиятни ривожланишини олдиндан баҳолай олишдан иборат бўлади.

Бутун дунёда бу ҳолатнинг тан олинаётганлигининг негизида эса муаммоларнинг ечимида ҳарбий тазйиқ услубидан воз кечиб сиёсий музокара йўлига ўтиш афзаллиги ётади. Айни пайтда хавфсизлик ва сиёсий музокаралар йўли, бошқача қилиб айтадиган бўлсак, куч ишлатиш ва зўравонликдан дипломатик воситаларга ўтиш учун кенг имконият бериш кўзда тутилмоқда.

Олам беқарорлигига сабаб бўлаётган турли-туман можароли муаммоларнинг ечимини топиш учун сиёсий диалог музокара йўли, табиийки, анча машаққатли. Лекин бу йўл хайрли эканлигини кўпчилик англаб етди. Гап шундаки, сиёсий консенсусга келиш жараёни бир-бирини тушуниш ёхуд ҳар иккала томондан бир-бирига нисбатан айрим масалаларда мулоқотга боришни тақозо этади. Табиийки, фақат шу йўл билангина ҳамкорлик чуқур илдириб олиб халқаро ҳамжамият учун улкан самара келтириши мумкин.

Бугунги кунда манфаатлар балансига келиш ва шу орқали кенг қамровли хавфсизликка ўтишнинг бирдан-бир йўли ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эса бу борада давлатлараро ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга мўлжалланган ягона ва шунинг билан бир қаторда ноёб халқаро ташкилот ҳисобланади. Хавфсизликни талаб даражасида таъминлашдан айнан шу ташкилотнинг ҳуқуқий ва сиёсий имкониятлари ҳамда унинг улкан халқаро нуфузидан

омилкорлик билан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, Бирлашган Миллатлар Ташкилотигина барча аъзо давлатлар ва керак бўлса, башарият номидан сўз юритиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотдир.

Афсуски, халқаро муносабатларнинг субъектлари бўлмиш давлатларнинг туб манфаатларига зид ҳолда, БМТ йирик давлатлар ва ҳарбий-сиёсий гуруҳлар тазйиқи остида ўз сиёсий дастури ва идеалларини амалга ошириш имкониятидан борган сари четлашиш ҳолати содир бўлмоқда. Бунинг натижасида халқаро ҳамжамият томонидан дунёда хавфсизликни кафолатловчи, давлатлараро ҳамкорликнинг самарали йўллари излаб топишга қодир бўлган ноёб институт ёрдамидан фойдаланиш имкониятининг кўламини тараймоқда. Қандайдир бир кучнинг бефарқлиги, тўғрироғи менсимаслиги туфайли, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (русча абриавиатураси ОБСЕ) ҳам минтақада ва бошқа жойларда кафолатланган хавфсизликни таъминлаш ишида керакли даражада иштирок эта олмайди. Бундай хатти-ҳаракатлар кўпқутбли, тотувлик маданияти ва ўзаро ишончга асосланган, шунинг билан биргаликда барча муаммолар ечимига фақат сиёсий йўл, яъни серқирра ҳамкорликка таянган барқарор халқаро тизим шаклланиш жараёнини заифлаштирмоқда.

17-мавзу

Ташқи сиёсат

**Ташқи сиёсатда ҳокимият
муаммоси**

Ташқи сиёсат — давлатнинг ва жамиятдаги бошқа сиёсий ин-

ститутларнинг халқаро даражада ўзининг манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳамда ўзaro манфаатлар уйғунлигини амалга ошириш бўйича фаолиятидир. У дав-

латлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш, халқаро ташкилотлар қошида ваколатхоналарини очиш ёки унга аъзо бўлиш, турли даражаларда ўзаро алоқалар ўрнатиш шаклларида амалга ошириб борилади. Ўзаро ахборот алмашиш, икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар ва келишувлар, ўзаро муносабатлар ривожига хайрихоҳлик кўрсатиш йўллари ва воситаларидан фойдаланиш мумкин. Ташқи сиёсат ҳар бир замонавий давлатнинг бош атрибути, фундаментал жиҳати, ажралмас қисми ва функцияси ҳисобланади. Давлат ҳаётида конституциявий таянч, сиёсий тизим, сиёсий ҳокимият органлари, рамзлар, ҳудуд, фуқаро, чегара ва миллий манфаатлар тизими сингари тушунчалар қандай муҳим ўрин тутса, сиёсат субъекти бўлган давлатнинг барҳаётлиги ва хавфсизлигига қанчалик дахлдор бўлса, ташқи сиёсат ҳам давлат учун шунчалик улкан қадрият ҳисобланади. Ташқи сиёсат орқали давлат географик — маконий жиҳат касб қилиш билан бирга, шунингдек, ўзини ноёб тарихий, социомаданий, цивилизацион ва ниҳоят, геосиёсий яхлитлик сифатида ҳам намоён этади.

Функционал омил тариқасида ташқи сиёсатнинг муайян даврдан ҳамда гоҳо уни ижобий ва салбий жараёнлардан келиб чиқиши ҳамда айнан шу давр билан ҳамнафас, ҳамжиҳат бўлиши исбот талаб қилинмайдиган аксиомадир. Давр моҳиятан макон ва замонга йўғрилган бўлиб, ташқи сиёсатга замон ва маконга монанд ҳолда ҳаққонийлик ва прагматик жиҳат бахш этади. Даврдан ажралган, тўғрироғи, унинг муддаосига бефарқ бўлган ташқи сиёсат авваламбор бўлмайди. Ёхуд бор бўлса ҳам ундан бирон-бир самара кутиш ўз-ўзини алдашдан иборатдир.

Маълумки, сўнгги йилларда жаҳонда юз берган воқеалар дунёнинг геосиёсий структураси ва йўналишини тубдан янгиледи, жаҳон сиёсатига аста-секин бир гуруҳ янги суверен давлатлар кириб келиши на-

тижасида давлатлараро сиёсат ва дипломатия майдони тубдан бошқа моҳият ва мазмун касб этди. “Дунё сиёсий харитасида, — деб таъкидлайди И. А.Каримов, — янги давлатлар пайдо бўлди. Улар, ҳозирги тил билан айтганда, социалистик ўтмишга эга бўлган, ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга кiritган давлатлардир”.

Ушбу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйди, дунёдаги бошқа мамлакатлар орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интиломоқда. Тенглар орасида тенг бўлишга, жаҳон майдонининг таркибий қисмига айланишга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон шулардан бири экан, унинг ташқи сиёсий доктринаси ва амалиётига хусусан ана шу шарт-шароитлар ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Ташқи сиёсат сиёсий жараёнларнинг ўзига хос йўналиши ва макони сифатида, ички сиёсатдан айрим муҳим жиҳатлари билан ажралиб туради. Жумладан, мамлакат ичкарисида ҳокимият, давлат ҳокимиятининг шаклланиши, вазифаси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолият принциплари, амалиёти, яъни сиёсий жараёнларга нисбатан ёндошуви, муносабати ва ниҳоят қабул қилган қарорлари ва уларнинг бажарини усуллари ҳамда ҳатти-ҳаракати ва ҳуқуқ-атвори Конституция, турди-туман меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиб борилади. Бир сўз билан ифодалайдиган бўлсак, умумхалқ, умумсиёсий консенсус ҳокимиятининг ички жараёнларга нисбатан фаолиятини белгилаб беради. Мана шу консенсусдан келиб чиққан ҳолда давлат ҳокимияти қонун доирасида репрессив воситалардан ҳам фойдаланиш имкониятига эга.

Ташқи сиёсатда эса, ҳокимият билан боғлиқ жараёнлар ривожининг ўзига хос жиҳат касб этиши, авваламбор, унинг дунё аҳли аксарият қисмининг хоҳиш-иродасини ифодалашга бўлган ҳуқуқ ва вако-

латга эга эмаслиги, жаҳон ҳамжамияти унинг заминини ташкил этиб турадиган турли-туман муносабатлар, ўз навбатида, ҳокимиятнинг ҳам бошқача меъёрларига таяниб иш юритиши ва йўналиш касб этишини келтириб чиқаради.

Масалан, халқаро сиёсатда қандай... бир субъект ёки бир гуруҳ субъектлар таъсир қилиш имкониятига эга бўлиш учун у ёки бу даражада интилиши ва бу борада амалий чора-тадбирларни амалга ошириши табиий. Уларнинг ният, интилиши ташқи сиёсий доктринаси, амалдаги хатти-ҳаракатида яққол намоён бўлади. Жумладан, Америка Қўшма Штатларининг ўз миллий манфаатларга доир концепция ёки стратегиясида, “дунёнинг барча жойларида Америка қадриятларини ёйиш ҳамда жорий қилишга ўзининг масъул эканлиги ва бу йўлда тегишли воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари” ҳақида сўз юритилади.

Сўз АҚШнинг жаҳон сиёсатида устуворликка эришиш йўллари, бошқача қилиб айтадиган бўлсак, унинг халқаро сиёсат майдонида ҳокимиятни эгаллашга бўлган ўзига хос интилиши тўғрисида бормоқда. Ҳокимиятга интилиш умуман деярли барча халқаро ҳаётнинг иштирокчилари ташқи сиёсатига хос хусусиятдир. Лекин давлатларнинг ҳокимият кўлами уларнинг ички ва ташқи ресурслари билан белгиланади; яъни бир давлатнинг халқаро сиёсатга таъсири геосиёсий нуқтаи назардан глобал ёки минтақавий даражага эга бўлиши мумкин. Тўғрироғи, айрим давлат ташқи сиёсати ўз таъсир кўламига кўра, улкан географик маконни қамраб олса, иккинчи бир давлатнинг таъсир кучи минтақавий ёхуд субминтақавий чегарадан ошмаслиги мумкин. Халқаро сиёсат майдонида ҳокимиятни қўлга киритиш, халқаро сиёсий жараён тизимига сезиларли таъсир кўрсатишнинг бирдан-бир йўли, услубий-маърифий, яъни куч ишлатишни мутлақ инкор этган ташқи сиёсий фаолият

бўлиши мумкин. Халқаро майдонда амал қилаётган ҳокимият режимини ана шу жиҳати билан ички сиёсат муҳитидан ажралиб туради. Ташқи сиёсат орқали жаҳон сиёсати кўламига таъсир кучига кўра, давлатларни бениҳоя улкан ва кичик давлатларга тоифалаш бугунги кунда кенг тарқалган. Кўпчилик ҳолларда уларни «окаҳоний давлат», «минтақавий давлат» ҳамда «одатдаги давлатлар» деб аташади.

Биринчи тоифага ҳеч иккиланмасдан бутун Америка Қўшма Штатларини, ундан сўнг Хитой, Ҳиндистон, Япония, Германия, Франция, Россия, Буюк Британия сингари бир гуруҳ давлатларни киритиш мумкин бўлса, иккинчи тоифага эса ҳарбий-сиёсий таъсири минтақавийлик даражаси билан ўлчанадиган Покистон, Италия, Бразилия, Аргентина, Мексика, Индонезия сингари давлатлар тааллуқли. Дунё тараққиёти шундай кечмоқдаки, юқорида номлари зикр этилаётган давлатлар халқаро сиёсатда ўз устуворлигини бирдан-бир йўли фақат ошқора маърифий ташқи сиёсат орқали сақлаб туриши ва шунга яраша легитимликка эришишлари мумкин.

Ташқи сиёсат стратегияси ва миллий манфаатлар тизими

неча аср мобайнида ташқи сиёсатда миллий манфаатларни таъминлашга бўлган интилиш асосий мезон ва бош мақсад вазифасини ўтамоқда. Унда миллий манфаатлар устуворлигининг халқаро ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилиши айнан ана шундан келиб чиқиб, ташқи сиёсий фаолият олиб боришга ўзаро келишув, яъни анъанавий империялар ташқи сиёсатда кучга асосланган сиёсатига қарама-қарши ўлароқ халқаро сиёсатда барча иштирокчи давлатнинг миллий манфаатлар тизимига устуворлик бериш мақбул йўл деб топилди. Мана, бир неча асрки,

Маълумки, халқаро муносабатлар тарихи нуқтаи назаридан бир

ташқи сиёсатнинг ана шу принцип асосида олиб борилиши ўзининг ҳаётийлиги ҳамда халқаро сиёсат субъектлари бўлмиш барча давлатларнинг мақсади—мўлжалларини акс эттира олишини исботлаб келмоқда.

Тажриба кўрсатадики, миллий манфаатларнинг, йўналишларини аниқ мақбул тарзда белгилаш, унга доир концепцияни ишлаб чиқиш анча мураккаб ва масъулиятли жараёнлар бўлиб, у ҳар бир давлатдан зарур даражада интеллектуал қобилият ва салоҳият талаб қилади. Ҳолбуки, миллий манфаатларнинг устувор йўналишларини белгилаш иши кўпгина омиллар, шу жумладан, муайян тарихий даврнинг асосий хусусиятлари, миллий хавфсизликни таъминлаш нуқтаназаридан мамлакат халқига таъсир ўтказиш эҳтимоли бўлган ижобий ва салбий жараёнларни чуқур таҳлил қилиш; узоқ-яқин давлатлар билан туташ манфаатлар-қўламига аниқлик киритиш; умумманфаат йўлида ҳамкорлик қилишга тайёр сиёсий қучларни стратегик нуқтаназардан жиддий ўрганиб чиқиш ва ниҳоят, миллий манфаатлар тизимида асосий устуворликларни белгилашдан иборат. Долзарблик даражасига кўра, мамлакат миллий манфаатлар уч хил кўринишга, яъни а) ҳаёт-мамот аҳамиятига эга, б) энг муҳим, в) муҳим ва ниҳоят, г) чекка манфаатлар тизимларини қамраб олади. Шунингдек, уларнинг ҳар бирига тааллуқли параметрларнинг алоҳида-алоҳида ўринларини белгилаш ҳам муҳим жабҳа ҳисобланади.

Ҳар бир маърифий давлат ўз эътиборини биринчи навбатда ҳаёт-мамот манфаатлар гуруҳига қаратиши зарурлиги аллақачон исботланган. Уларни бошқа тоифага мансуб манфаатлардан аниқ ажрата билиш, ҳар бирига алоҳида ўрин ажратиш, тўғрироғи, миллий манфаатлар йўналишларини белгилашда узоқ муддатли вазифаларни бутунги кун вазифалари билан чалкаштириш амалиёти ташқи сиёсат учун масъул бўлган муассасалар, миллий хавфсизлик идоралари фаолият-

тини узоқ муддатга издан чиқариши мумкинлигини ёлда сақлаш зарур.

Бундан ташқари стратегик ноаниқлик, утопияга йўл қўйиш ҳар қайси давлат дипломатик ваколатхоналарининг фаолиятини анча мураккаблаштириши мумкин. Зеро, кейинги пайтда мутахассислар ва муаммога яқин субъектларнинг фикрига кўра, дунё миқёсида содир бўлаётган тамомила янги жараёнлар дипломатик муассасалар фаолиятини усиз ҳам сезиларли оғирлаштирмоқда. Янги даврда янгича ишларнинг услуб ва воситаларини ишлаб чиқиш улар учун муҳим аҳамият касб қилмоқда.

Миллий манфаатлар устуворликларини таъминлашда асосий таянч ҳисобланган дипломатик жабҳа тўғрисида сўз юритар эканмиз, ташқи сиёсатнинг ҳар доим устуворлик касб этиб келинган геосиёсий жиҳатига алоҳида эътиборнинг қаратилиши лозимлигини таъкидлаш керак. Сўз ташқи сиёсатга мумкин қадар самарадорлик бахш этувчи муҳим омил тўғрисида бормоқда. Зеро, геосиёсий жиҳат миллий манфаатларни таъминлашнинг маконий ва замоний омиллари деб қараладиган бўлса, унинг ташқи сиёсат учун қанчалик долзарб эканлиги кўзга яққол ташланади. Гап шундаки, макон ва замон хусусиятларидан келиб чиқмаган, ҳар томонлама мулоқотга мойил муайян давлатнинг устуворликлар тизими тўғрисида аниқ фактлар ва жараёнлар хусусиятига таяниб иш кўраолмаган ёки унга қурби етмаган ташқи сиёсат ҳеч қандай натижага эришмайди. Бу жаҳон тажрибаси ҳамда кўплаб миллатлар ташқи сиёсий амалиёти нуқтаи назаридан сен-саноқсиз синовдан ўтган жиҳатдир.

Албатта, реалистик йўналишга эга бўлган сиёсатда умумий ахлоқ меъёрларига таяниб иш олиб бориш ёхуд мавжуд “прагматик” ва “идеалистик” ёндашувларни мувофиқлаштириш ҳар доим ҳам силлиқ бўла-

вермайди. Зеро, прагматик ташқи сиёсатга хос бўлган, фақат самарага йўналтирилганлик ҳар доим ҳам умуминсоний-ахлоқий принципларга мос келавермайди. Яъни умуминсоний қадриятларни «мутлақ байроқ» қилиб олган прагматик ташқи сиёсат бутунги куннинг аччиқ синовларига бардош бериши анча қийин. Жумладан, шарққа хос хусусиятлар: бағрикенглик, меҳмоннавозлик ва кўнгил офритмаслик каби ҳислатлар прагматик ташқи сиёсат бағридан қийинчалик билан ўрин олмоқда.

Халқаро муносабатларда дунё ва ҳар бир мамлакат хавфсизлигини мақбул бир даражада таъминлаш манфаатлари нуқтаи назаридан давлатлар ташқи сиёсатида учрайдиган, шунингдек, манфаатдор кучлар томонидан онгли равишда рағбатлантирилаётган бу сингари зиддиятли вазиятга бирин-кетин чек қўйиш мавруди келди. Эндиликда дунё тараққиёти шундай бир даврга етиб келдики, бундан буён ҳар бир тўсиқ ва ҳар бир онгли ёки онгсиз равишда вужудга келтирадиган салбий жараёнлар давлатлараро муносабатларда олдини олиш қийин бўлган хавф-хатарларга сабабчи бўлиб қолиши ҳам мумкин. Шундай экан, ҳар бир давлат ўз ташқи сиёсий фаолиятини ўзаро ишонч муносабатлари ва тотувлик маданиятининг қарор топиши йўлида олиб боришлари зарур бўлади.

Жаҳон тажрибаси, давлатлараро муносабатларнинг бутунги ҳолатга етиб келиш жараёни шуни кўрсатадики, ҳозирги босқичда ҳар бир мамлакат манфаатлар тўқнашуви, бир-бирига нисбатан куч ишлатиш позициясидан воз кечиб, манфаатлар монандлиги йўлида барча имкониятлар сарфлашлари керак. Ташқи сиёсатнинг айнан шундай кескин бурилиш касб этиши, яъни барча давлатлар бу ёруғ дунёда ўз миллий манфаатларини маърифий тарзда таъминлаш имконига эга бўлиши ва қолаверса, худди шу йўл билан халқаро хавфсизликка ўз ҳиссасини қўшишга

ҳақ-ҳуқуқининг борлигини тан олишигина дунёнинг ва ҳар бир миллатнинг вужудга келаётган хавф-хатардан халос бўлиш ишига хизмат қилиши мумкин. Шу боисдан ҳам, бугунги кунда турли сиёсий-иқтисодий доираларда жаҳон халқларининг кучини бирлаштириб турувчи ташкилотлар фаолиятида кучлар балансидан манфаатлар балансига ўтиш роҳи борган сари мустаҳкам мавқеи қўлга киритди.

Бугун сиёсатнинг барча жабҳалари ва айниқса, унинг ташқи сиёсат каби нозик ҳалқаси фақат шу йўлда ривожланиши лозимлиги таъкидланмоқда. Бу эса ўз навбатида, бир томондан, ҳар бир халқаро сиёсат иштирокчиси, субъектнинг халқаро обрў-эътиборининг ошишига хизмат қилса, иккинчи томондан эса халқаро жараёнларни кўплаб салбий тўсиқлар ва бесамар ноаниқликдан, қолаверса, қуруқ сифсатабозликдан халос этган бўлур эди. Вазиятнинг ана шундай иқтисодий касб этиши авваламбор, Ўзбекистон сингари халқаро муносабатларнинг мураккаб тизимидан эндигина ўз ўрни ва қадрини топаётган давлатлар учун кенг имконият очиб беради.

Афсуски, ҳозирча халқаро жараёнларнинг бориши жаҳон ҳамжамиятининг ишончини оқлай олган эмас. Унинг сабабини айнан шу муносабатларнинг ўзидан ахтариш, демак, халқаро, давлатлараро муносабатларни сифат жиҳатдан янги, яъни инсоният учун муносиб келажак яратиш ишига хизмат қиладиган асосга кўчириш бугунги куннинг, барча давлатлар ташқи сиёсий фаолиятининг зудлик билан ҳал қилинадиган вазифасига айланди.

**Ташқи сиёсат ва
давлат суверенитети**

Жаҳон ҳамжамиятининг барқарорлиги, ҳар бир давлат ташқи сиёсатининг истиқболи нуқтаи назаридан халқаро сиёсатда «давлат суверенитети» масаласи, унинг даражасини мақбул

шаклда белгилаш билан боғлиқ муаммо борган сари улкан аҳамият касб этади. Тўғри, бугун ҳалқаро муносабатлар шунчалик мураккаблашиб серқирралик касб этмоқдаки, унинг фаол иштирокчиси, субъекти ва ташувчиси бўлмиш давлатларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқлиги борган сари кучаймоқда. Ягона умумбашарий иқтисодиёт маконининг вужудга келаётганлиги иқтисодий манфаатлар ва мўлжалларнинг давлатлар ташқи сиёсатига таъсирининг ортиб бориши ёхуд уларнинг хоҳиш-иродасидан қатъи назар умумсайёравий молия, банк тизимининг шаклланаётганлиги, турли-туман нодавлат ташкилотларнинг халқаро сиёсатга фаол таъсири кучайиб бориши ҳамда у билан боғлиқ жараёнларнинг ижобий ва салбий чуқурлашиши ва ниҳоят, дунёни фақат ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик орқали мавжуд хавфлардан халос этиш вазифалари ана шу жараёнларнинг негизини ташкил этади.

Халқаро ҳамжамият шундай тузилганки, жаҳон сиёсати майдонида бирон-бир давлат устувор даражада ўз хоҳиш-иродаси ва мўлжалига таяниб, яъни бошқаларга қарам бўлмаган ҳолда сиёсат юритиш имконига эга эмас. Манфаатлар тўқнашуви муҳити ва ана шундай мураккаб вазиятдан ҳамжиҳатлик орқали чиқиш, яъни сиёсий-иқтисодий муаммоларнинг ечимини биргалашиб топиш вазифаси оддий бир кўникмага айланмоқда.

Илгари таъкидланганидек, ташқи сиёсатда миллий манфаатларни таъминлаш вазифаси бугун ҳам шубҳасиз устуворликни ўзида ушлаб турибди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Лекин бутунги босқичда бу муаммога анаънавий тафаккур тарзи ва кўникмаларидан чиқиб ёндашиб бўлмайди. Миллий манфаатларни таъминлашнинг бутунгача ишлатилиб келинаётган услубларига нисбатан маърифийроғини излаб топиш ҳар бир халқаро субъектнинг бош вазифасига айланмоқда.

Воқеа ва ҳодисалар динамикаси кўрсатадики, ушбу мураккаб вазиятни юмшатиш, халқаро жамиятларнинг боши берк кўчадан чиқишига ҳисса қўшишнинг бирдан-бир йўли давлатнинг суверенлиги, унинг Конституциявий вазифаси билан боғлиқ кўпгина муаммоларга, эндиликда бошқача ёндошувга келиш зарурлиги аён бўлмоқда. Сўз халқаро сиёсатнинг суверен иштирокчиси бўлган давлат томонидан ўз мақомига инсоният олдидаги бурчининг устуворлигидан келиб чиқиши ва худди шу икки бир-бирига боғлиқ йўналишларни уйғунлаштиришга бўлган хоҳиш-иродаси бўлган касб этаётганлиги ҳақида бормоқда.

Бугунги ташқи сиёсат, ҳар доимгидек, ҳар бир давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, чегараларининг дахлсизлигига бўлган ҳақ-ҳуқуқини шубҳа остига олмайди, аксинча, давлатларaro муносабатларда бу принципнинг бош тамалгош эканлигини эътироф этишга асосланади. Жумладан, глобллашиш жараёни умуман олганда ташқи сиёсий фаолият юритишда давлат суверенитетига бирон-бир ҳуқуқий тўсиқни билдирмайди. Юқоридаги жараён тенглик, ички ишларга аралашмаслик, ўзаро ҳурмат тамойилларига таянган ҳолда ривожланса, аксинча барча давлатлар ташқи сиёсий фаолиятига кенг кўлам яратишни тақозо этади.

Ташқи сиёсатда давлат суверенитетининг яхлит ва бўлинмас эканлигидан чиқиб келиб, бугунги кунда унга икки хил ёндашув шаклланмоқда. Бир тоифа мутахассислар (улар халқаро сиёсий терминологияда “идеалистлар” деб аталади) ташқи сиёсатда глобал, умумбашарий манфаатлар ва хавфсизликни миллий давлат манфаатларидан устун қўйишса, бошқа бир гуруҳ мутахассислар (улар “прагматиклар” номи билан таниш) бугун ва яқин келажакда ташқи сиёсатда давлат суверенитети устуворликни ўзидан сақлаб қолиши маъқул ва самарали эканлиги тўғрисида фикр билдиришмоқда. Лекин бугунги мураккаб босқичда

реал жараёнлар, ечимини кутиб турган долзарб муаммолардан келиб чиқиб барча давлатлар, керак бўлса, ўзаро ҳамкорликни муросаю-мадора йўли билан тан олиш, бу борада дипломатик расмийликдан йироқлашиб конкрет ишларни амалга оширишлари лозим бўлади.

18-мавзу

Халқаро терроризм

**Халқаро терроризмнинг
хавфли ҳодиса эканлиги**

**Терроризм ўта салбий
ижтимоий
ҳодиса сифатида у**

ёки бу кўринишда қадим-қадимдан маълум. Қизиғи шундаки, ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш мумкин эмаслигини ҳисобга олган ҳолда террористлар тарихнинг барча давларида қайси минтақа ёки мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатишидан қатъи назар ҳар доим халқ оммасининг айрим қатлам ва гуруҳларини “йўлдан уриш”, турли йўллар билан улар қалбига йўл топиш тактикасига амал қилиб келганлар. Мамлакат инфраструктурасига таъсири нуқтаназаридан ўта салбий оқибатларга сабабчи бўлган ўрта аср қароқчилари ва бандитлари, янги ва энг янги даврда рўй берган “ўта инқилобий халқ ҳаракатлари” ҳам сурбетларча оддий меҳнаткаш “номидан” иш кўришган. Айрим ҳудудларда террорчи гуруҳларнинг узоқ муддатга ҳокимият тепасига келганлиги, ҳатто уларнинг халқ билан маълум бир вақт давомида якдил бўлганликлари тўғрисида тарихда кўплаб маълумотларни учратамиз.

Демак, террорчилик ўта салбий ижтимоий ҳодиса сифатида неча асрлар давомида фаолият юритиб келаётган бўлса, ҳар доим халқ номидан гапириш, унинг манфаатларини акс эттирувчи “ҳаққоний, халқпарвар” ҳаракат деб ўзини таърифлаш амалиёти унинг

барча кўринишларига бош хусусият бўлиб қолаверган. Терроризм бугунги ўзининг энг ташкилий жиҳатлашган даврида ҳам яна ўша эски, унинг учун асосий ниқоб бўлиб келган амалиётга қатъий содиқлигини намойиш қилмоқда. Унинг асл мақсади ва социал базасини очиш ишининг мураккаблиги, нозиклигининг сабаблари ҳам қолаверса, унга тегишли сиёсий баҳо бериш ҳамда барҳам бериш билан боғлиқ чоратадбирларни ишлаб чиқиш жараёнининг қийин кечишининг туб сабаблари ҳам шунга бориб тақалади.

Терроризмнинг бугунги ҳолатига келадиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзининг бир неча асрлар давомида синовдан ўтган аҳолининг айрим қисмининг онгини заҳарлаш йўли билан ҳокимиятни қўлга киритиш амалиётига содиқ қолгани ҳолда даврлар ўтиши билан унъннг ўз кураш шакли, услублари ва воситаларини усталик билан ўзгартириб келганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, бир замонлар террорчилар планетамизнинг турли жойларида алоҳида-алоҳида, яъни бири-биридан батамом ажралган ҳолда ҳаракат қилган бўлсалар, бугун XXI аср бўсағасида улар ўз “фаолияти”ни минтақавий ва ҳатто умумсайёравий даражада мувофиқлаштириш имкониятини қўлга киритаётганлигини қузатиш мумкин. Гап, Президентимиз талқини билан айтадиган бўлсак, бугун инсоният террорчилар мисолида халқаро миқёсда уюшган, керак бўлса бир ёки бир нечта қудратли марказлар томонидан бошқарилаётган сиёсийлашган халқаро жинойий гуруҳлар тўғрисида бормоқда.

Терроризмнинг ўта хавфли халқаро сиёсий ҳодисага айланаётганлиги тўғрисида сўз борар экан, унинг асосий сабаблари кўнрадаги объектив умумсайёравий ижтимоий силжишлар билан белгиланаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Асосий сабаблардан бири XX асрнинг охирги ўн йиллигида деярли бутун дунёда террор йўли билан аҳолини тутқунликда сақлаш, унинг устидан

хукмронлик қилиш амалиётига батамом эид бўлган демократиянинг кенг ёйилиб бориши, яъни аксарият мамлакатларда сиёсий ҳокимият халқ хоҳиш-иродасининг ифодаси деган тамойилнинг устуворлик касб этаётганлиги билан боғлиқ қўйса, иккинчи асосий сабаб сиёсат, иқтисод, ижтимоий соҳа ва маданиятнинг турли жабҳаларида одамларнинг онги, дунёқараши ва тафаккури ҳамда мўлжал ва режаларига салбий таъсир қилувчи, ҳатто уни издан чиқарувчи жараёнлар кучайиши ўз сиёсий мақсадларини амалга оширишнинг энг жирканч йўлларини ахтариб юрган гуруҳлар, шунингдек, биринчи навбатда террорчи гуруҳлар учун ноёб «сиёсий-руҳий макон» яратилишига бориб тақалади.

Терроризимнинг диний экстремизм билан бугунги кунда чирмашиб кетиш жараёни айрим мутахассислар, таҳлилчиларга, унинг тарафдорлари ўртага ташлаётган ижтимоий-сиёсий лойиҳа, яъни жамиятни идора этиш лойиҳалари бурунчиларидан мутлақо бошқа, мисли кўрилмаган янги асосга қаратилганлиги аҳолининг чекка қатламлари чўққиларга «жозибадорроқ» туюлиши бурмунча чалкашликлар, зиддиятли вазиятни вужудга келтирмоқда, деган фикрни илгари суришга имкон бермоқда.

Лекин, юқорида зикр қилган қандайдир асосга эга бўлган субъектив фикр-мулоҳазалар унинг бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти хавфсизлигига нисбатан улкан социал-сиёсий таҳдид эканлигини инкор эта олмайди. Аксинча, унинг диний экстремизм, диний миллатчилик, сепаратизм, давлат тўнтарилиши сингари бошқа глобал ижтимоий иллатлар билан бирлашиб кетаётганлигини кескин қоралаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Қайси ғояга таянмасин ва қайси ҳудудда макон топмасин бугун халқаро терроризмни қайси бир маънода оқлашга уриниш улкан сиёсий хато бўлиб, эртага инсоният бошига улкан фалокатлар ёғдиришига сабабчи бўлиши шак-шубҳасиз.

Юқорида қайд этилган умумсайёравий фалокатдан бизнинг Ватанимиз ҳам батамом кафолатланганича йўқ. «Бугунги кунда бизнинг минтақамиз, деб таъкидлайди Президентимиз, — шу ҳудудда жойлашган мамлакатларни демократик, ҳуқуқий, дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уринаётган турли хил экстремистик кучлар ва марказларнинг бу ердаги хавфсизликка раҳна солиш учун кўз тиккан жойи бўлиб қолмоқда. Бу ёвуз кучлар диний экстремизм ва халқаро террорчиликни минтақамизга ёйишга уринаётгани шундан далолат беради»¹. Бу жиҳатдан диний экстремизм ва халқаро терроризм бугунги кунда бири мафкура бўлса, иккинчиси мафкура ва сиёсий мўлжалларни руёбга чиқариш, амалга оширишнинг шакли ҳамда воситаси сифатида бир-бирини тўлдирмоқда. Зотан, терроризм ошкора ноинсоний кўргазма, услуб, ҳулқ-атвор, хатти-ҳаракат ва фаолиятдан иборат жараён-тизим сифатида диний экстремизмдан кўра «яхшироқ», яширинроқ иккинчи бор таянчга эга эмас.

**Терроризм инсоният
ҳаётига таҳдид**

**Ўзбекистон Президенти
И. Каримов башарият
осойишталигига хавф со-**

либ турган «халқаро терроризм» деб аталмиш сиёсий ва қолаверса олам барқарорлигига қаратилган жиноий ҳодиса тўғрисида тўхталиб: «Ўзгалар қонини тўкиш ҳисобига мўмай даромад олишни истовчилар батамом йўқ бўлиб кетадиган замонлар келишига ҳали анча борга ўхшайди. Бу тоифага кирувчи «бизнесчилар» учун қон ва нопок сиёсат қоришган пул дунёнинг турли бурчакларида халқаро қотилларни ёллаш ва синаб кўриш мумкин бўлаётган мажораларни рағ-

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўғасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 95-96-бетлар.

батлантириш борасида энг қулай восита эканлиги”
ни алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

Ўтмишга мурожаат қиладиган бўлсак, терроризм хавfli жиноят сифатида жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборини ўзига XX асрнинг 20-30-йилларида торта бошлаган. Айрим хусусий ва халқаро ҳужжатларда терроризм у ёки бу давлат ҳудудида ижтимоий тартибни бузишга, уни ичдан ноқонуний қўпо-ришга қаратилган муайян гуруҳнинг ёки шахснинг хатти-ҳаракати деб баҳоланган. Ўша давр ҳамда яқин ўтмишда террорчиликнинг “фаолият” услубини кузатадиган бўлсак, бутунги унинг ўта жирканч қирралари кўзга ташланмоқда. Улар, айрим олинган ҳудудларда локал тарзда ҳаракат қилишиб айнан шу жойда иш юритувчи ҳокимият структураларининг осойишталигини бузишга қаратилган.

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг ижтимоий ҳаётда, айниқса илм-фан ва технология жабҳаларида сезиларли ўзгаришлар, жумладан, ядро куролига асос солиниши, ахборотдан фойдаланиш борасида эришилган улкан ютуқлар ҳамда давлатлараро муносабатларнинг тобора чуқурлашиб, кўптомонламалик касб қилабошлаши, натижада жаҳон иқтисодиёти ва маданий ҳаётида рўй берган глобаллашув сингари кўплаб янги тенденциялар шароитида террорчилик ҳаракатининг кўлами ошди, деб айтиш мумкин. Мамлакатлар ва халқаро муносабатларнинг жадаллашуви, масофаларнинг қисқаришидан террорчи гуруҳлар ўз манфаатларида фойдаланишга киришдилар. Терроризм аста-секин халқаро жараёнга айлана бошладик, уни молиявий таъминловчи, ғоявий раҳнамолик масъулиятини ўз устига олишга тайёр бўлган бутун бошли яширин гуруҳлар ва марказлар ҳам пайдо бўла бошлади.

Бутунги кунда дунё тараққиёти шундай кечмоқдаки, унинг қайси бир минтақаси ва координатасида у

ёки бу ҳодиса содир бўлмасин, унинг таъсири барча узоқ ва яқин мамлакатларга бир зумда сезилмоқда. Террорчиларнинг улкан жиноятга қўл уриши, инсоният осойишталигига сезиларли раҳна солиши мақсадида барча воситаларни қўлга киритиши ва ундан фойдаланишлари учун қулай шароитлар вужудга келди. Инсоният даҳоси яратган энг замонавий воситалардан, шу жумладан, глобал компьютер тармоқлари, ҳаво ва қуруқликдаги алоқа воситаларидан инсониятнинг ўзига, ҳуллас, олам яхлитлигига қаратилган қабик ниятлари йўлида фойдаланиш бугун террорчилар учун қийин бир амалиёт эмас.

Узоқ ва яқинда содир бўлаётган террорчилик ҳаракатини кўздан кечирадиган бўлсак, уларнинг халқаро миқёсда ўз мақсад ва манфаатлари йўлида бирлашаётганлигини яққол сезиш мумкин. Терроризм ва экстремизм, Президентимиз талқинидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳадсиз-ҳудудсиз (экстерриториал) миллат, Ватан, керак бўлса мафкура билмайдиган ёвуз гуруҳлар тимсолида намоён бўлмоқда.

Айримлар терроризмни яхлит дунёқараш, дастур ва мафкурага эга халқаро ҳодиса сифатида талқин қилади. Тўғри, дунё бир замонлар икки қарама-қарши тизим касб этган, мафкуравий сиёсий қутбларга ажралган даврда терроризм учун ҳам ягона мафкуравий майдон мавжуд бўлиб унда конкрет бир эътиқодга таяниш ва бўйсиниш учун шароит бўлган. Жумладан, 60-70-йилларда айрим глобал силжишлар таъсири остида турли мамлакатларда кейинчалик эса диний экстремизм ва ақадапарастлик байроғи остида бирлашган минтақавий айрим ҳолларда ўз марказига эга ижтимоий сиёсий ўта ақидапараст, террорчилик ҳаракатлари авжига чиқди. У ёки бу даражада уларнинг сафдошлари ва маслакдошларини бугунги кунда ҳам айрим ҳудудларда кузатиш мумкин.

Замон ўзгариб умумбашарий, сиёсий ва мафкуравий курашнинг анъанавий шакллари иш бермай қол-

гандан сўнг, терроризм эндиликда бошқа йўллارни ахтариб топмоқда. Бугун дунёда барча террорчиларни диний қарашлари, мафкуравий мойиллиги ва тафаккуридан қатъий назар уларни асосан икки жиҳат, у ҳам бўлса беҳисоб пул ва ҳокимиятга интилиш қизиқтирадиган бўлиб қолди.

Моҳиятан, амалиётда демократия ва эркин иқтисодий муносабатлар тизимига, рақобатга тубдан қаршилик хусусияти, ватанфурушлик халқаро террорчилар сафига турли батамом бир-бирига ўхшамайдиган диний маслак, миллат, цивилизацияга мансуб, аммо пул ва ҳокимият йўлида интилган кимсаларни олиб кирмоқда. Масалан, умргузаронлигимиз кечаётган Марказий Осиё миқёсига, хусусан, Ўзбекистонга реал тақдидга айланган террорчилик ҳаракатларини олиб кўрайлик.

Инкор этиш мумкин бўлмайдиган фактлар ва ахборотларга кўра айни шу кунларда мамлакатимиз хавфсизлигига реал хавф солаётган ва жанубий ва шарқий-жанубий чегараларимиз ёнгинасида ҳаракат қилаётган террорчилар ҳаракатида Чеченистон ҳудудида узоқ вақтдан буён олиб борилаётган сепаратистик жангчиларга хос бўлган ҳарбий-тактик жиҳатлар кўзга ташланиб қолди. Ҳар иккала ҳаракат иштирокчилари бир марказдан моддий ва маънавий таъминланаётганлиги ва уларга қурол ва “янги кучлар” етказиб бериш амалга оширилаётганлиги аён бўлиб қолди. Радио, компьютер орқали узатилаётган ахборот оқимининг таҳлили бу икки ҳудуддаги террорчилик ва экстремистик ҳаракатлар ягона марказдан бошқарилаётганлиги уларнинг ҳар иккаласига ҳам ягона маънавий раҳнамо хослигини кўрсатмоқда.

Дунёга реал таҳдид солиб турган террорчилик ҳаракати Усама бин Ладен ва қолаверса, бизга ҳали исми-шарифи ва насли-насаби унчалик маълум бўлиб улгурмаган Ҳаттаб, Басаев, Бараев, Гелаев, Жума

Намонгоний, Тоҳир Йўлдош сингари ватангадолар томонидан моддий, сиёсий-ҳарбий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқдалар. Номлари зикр этилган ва этилмаган террористларнинг бир-бирини шахсан билдиришлари, аҳён-аҳёнда учрашиб туришлари ҳақида ҳам маълумотлар борки, бу халқаро ҳамжамият ва ҳар бир умидвор оила ва инсон учун хавfli сиёсий-маънавий иқлим шаклланишидан дарак беради.

Ачинарли жойи шундаки, улар турли-туман жангарилар тўдаси кўринишида, баъзан «гуманитар характер ва йўналиш»га эга бўлган жамғармалар, аллақандай «инсонпарвар» структуралар, аслида эса аниқ бир мақсад асосида фаолият юритувчи ташкилотлар томонидан рағбатлантирилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида айрим яширин ва ярим ширин ташкилотлар ва марказларнинг «Косово Озодлик Армияси» деб аталувчи террористик ҳарбий-сиёсий гуруҳга ҳамда Чечен жангариларига яқиндан туриб, моддий ва маънавий ёрдам бераётганлиги, жангариларни тайёрлаш бўйича кўргазмалар ва моддий ёрдам уюштирилаётганлиги тўғрисида ишонарли хабарлар борки, бу ўз навбатида халқаро терроризм қанчалик катта имкониятга эга эканлигидан далолат беради.

Лекин қандай ва нима бўлишдан қатъи назар, бугун жаҳонда халқаро терроризмга нисбатан жиддий огоҳ бўлиш даражаси анча ўсганлигини таъкидлаш лозим бўлади. Нуфузли халқаро (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, БМТ Хавфсизлик Кенгаши, Халқаро трибунал, Интерпол ва бошқа носий ташкилотлар) ва минтақавий (Европа Хавфсизлиги ва Ҳамкорлиги Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда кўпгина кўптомонлама ва иккитомонлама шартномалар тарафдорлари) ташкилотлар фаолиятида терроризмни кескин қоралаш амалиёти устуворлик касб этмоқда.

Дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида зоти ва бугунги халқаро хавфсизликка таҳдид солиб

турган ташкилот ва гуруҳларнинг рўйхати ҳар йили эълон қилинмоқда. Диққатга сазовор жойи шундаки, уларнинг қараш ва ҳисоб-китобларида охириги йилларда Марказий Осиё давлатлари хавфсизлигига раҳна солаётган айрим “ташкилотлар” ҳам ўрин олмоқда. Бу, ўз навбатида, минтақамиз хавфсизлигига нисбатан жаҳон ҳамжамиятининг эътибори ошиб бораётганлигидан далолат беради.

**Халқаро терроризмни бартараф қилиш
амалиётида “Ўзбекистон омили”**

**Халқаро
ҳамжамиятда ўзининг**

муносиб ўрнини эгаллаш учун дадил ҳаракат қилаётган Ўзбекистон Республикаси олий-сиёсий раҳбарияти мустақилликнинг биринчи сонияларидан халқаро терроризмнинг инсоният, қолаверса, эндигина мустақилликни қўлга киритиб, демократик ривожланиш сари қадам қўяётган миллат ва давлатларнинг бугуни ҳамда келажаги учун нечоғлик хавfli эканлигини чуқур англаб етди. Кейинги пайтда диний экстремизмга таяниб иш юритаётган халқаро терроризмга кескин зарба бериш миллий хавфсизлик стратегиямизнинг устувор йўналиши сифатида ҳаётмамоат манфаатлари тизимидан алоҳида ўрин эгаллаганлиги ҳам давлатимизнинг бу умумпланетар азмуқарорда турган ўрнининг ўзига хослигининг яққол исботи бўлиб хизмат қилади.

Президент ўзининг 2000 йил 22 январ куни Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида сўзлаган маърузасида давлатимиз ташқи сиёсати ва хавфсизлик стратегиясининг устуворликларини таъкидлар экан, “Бугунги кунда бизнинг барча ташаббус ва саъй-ҳаракатларимиз минтақамизга тажовузкорона хатти-ҳаракатлар, диний экстремизм, ақидапарастлик ва халқаро террорчиликнинг ёйилиш хавфи кучайиб бораётганлигини кенг жамоатчиликка тушун-

тиришга қаратилмоқда,” — деган жиддий фикрни ўртага ташлади. Халқаро терроризмнинг том маънода миллий мустақиллик, давлат суверенлиги ҳамда ҳар бир мамлакатнинг демократик тараққиёт йўлидаги стратегик мақсадларига зид бўлган даврнинг энг салбий феноменларидан бири эканлиги давлатимиз раҳбарияти томонидан бутун чуқур англаб етилганлиги ҳар бир мамлакат фуқаросининг келажакка бўлган ишончини янада оширади. Ўзига хос геосиёсий, геотарихий мавқега эга бўлган Ўзбекистонда ислом динини байроқ қилиб, аслида эса бизнинг улкан маънавий таянчимизни обрўсизлантираётган террорчилар биргина биз учун эмас, балки дунёдаги барча илғор, умидли халқлар учун ҳам ўта хавфли таҳдид эканлиги тебора ойдинлашиб бормоқда. Халқаро терроризмнинг минтақамизда, керак бўлса сарҳадларимиз атрофида ана шу йўналиш касб этаётганлигини англаб етиш, тарихий-миллий ва ҳудудий хусусиятлардан келиб чиқиб, унга нисбатан олиб борилаётган сафарбарлик, тайёргарлик ва чора-тадбирларнинг нақадар чуқур ўйланганлигининг исботидир.

Бошқа мамлакатларда ҳам террорчилик хавфи мавжуд. Ундан бирон-бир мамлакат тўла кафолатланган деб айтиб бўлмайди. Лекин, минтақамизда ҳаракатда бўлган террорчилар халқимиз асрлар оша қалбида сақлаб келаётган, унинг шуурида чуқур маърифий из қолдирган ислом дини, унинг энг демократик мазҳаби бўлмиш ханафия мазҳабига зўр бериб мослашишга интилиши маълум қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Шундай экан, ўзбекистонликлар эътиқод қилиб келаётган дин ва мазҳаб террорчиларнинг ақидаларидан қанчалик узоқ бўлмасин, барибир аҳоли орасида унинг таъсирига ҳеч ким берилмайди деб бўлмайди. Ноёб ижтимоий-сиёсий, маданий, геосиёсий вазиятдан келиб чиққан Ўзбекистон Республикаси сиёсий раҳбарияти, биринчи навбат-

да, давлат бошлиғи И.Каримов бу муаммонинг зудлик билан ечимини бош йўналишлардан бири сифатида белгилаш билан бирга, бу борада жаҳон ҳамжамияти, нуфузли халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиш ва уларнинг кўмагини ҳисобга олган ҳолда сиёсат олиб боришда алоҳида урғу бериб келмоқда.

Ўзбекистон ва жаҳон халқи осойишталиги ва ривожланишига қарши қаратилган халқаро терроризмни бутун ҳар қачонгидан кўра кучайганлигини эътиборга олиб сиёсий раҳбарият муҳим таклиф ва чоратадбирлар тизимини ишлаб чиқди ҳамда бу борада барча хайрихоҳ кучлар, сиёсий блоklar ва давлатлар билан ҳамкорликка тайёр. Улар орасида ён қўшни давлатлар билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилаётганлиги эса ўз-ўзидан равшан. “Тинчлик ва барқарорликка, миллатлараро тотувлик ва минтақамиз халқлари ҳамда давлатларининг анъанавий дўстлигига, ҳамжиҳатлигига таҳдид солувчи бу жиддий хавфни бартараф этиш бўйича қўшни давлатлар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар кўриш бугунги кунда энг долзарб вазифамиздир,” — деб таъкидланади Президентимизнинг Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида сўзлаган нутқида. Шу муносабат билан бир неча муҳим жиҳатларни алоҳида таъкидлаш ўринлики, у ҳам бўлса айнан ён қўшни, ҳудудий туташ давлатлар билан ҳамкорлик масаласи билан боғлиқ.

Тўғри, бошқа узоқ ва яқин давлатлар билан ҳам ҳамкорлик албатта зарур. Аммо бир томони алоҳида эътиборга сазовор. Сўз сиёсатда, ташқи сиёсатда, хусусан, ташқи сиёсий ва миллий манфаатларни таъминлашда замон ва макон зайли туфайли объектив ҳудудий туташ бўлган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро ишонч асосида иш юритиш ҳар доим катта самаралар бериб келган.

Бу исбот талаб қилмайдиган аксиоматик томони бўлса, унинг иккинчи муҳим, керак бўлса сиёсий жиҳати азалдан қон-қардош бўлиб, оламга муносабат, сиёсий жараёнларни ҳазм этиш, ўзга халқларга бўлган муносабат ва қолаверса, кундалик ҳаёт ва тафаккур тарзида ўхшашлик, яъни синхронлик кўпроқ бўлган субъектлар (бу айниқса давлатларга хос), у ёки бу муаммони бартараф этишда бирлашиш, жипслашиш нуқтаи назаридан ҳали муомалага киритилмаган чексиз имкониятлар майдони эканлиги тўғрисида бормоқда. Бу жараёни Фарбий Европа, Евроатлантика, Осиё ва Тинч Океан ва Араб дунёси сингари геотарихий минтақаларда нафақат сиёсатда, балки маданий-маънавий қадриятларга нисбатан ўзаро яқин бўлган мамлакатлар сиёсий фаолияти, ҳуқ-атвори ва келажак режаларида кузатиш имконига эгамиз.

Ва ниҳоят, учинчи, балки бугунги кун нуқтаи назаридан энг муҳим жиҳат, халқаро терроризм эндиликда барча Марказий Осиё давлатларига баробар хавф солаётганлиги ҳамда энг муҳими хавфни фақатгина бир жон ва бир тан бўлиб бартараф этилишининг расмий эътироф этилаётганлиги билан боғлиқ.

Давлатимиз ташқи сиёсий стратегиясини кузатиб борар эканмиз, кейинги йилларда Президентимизнинг ана шу жиҳатга устувор ва жиддий аҳамият бераётганлигининг гувоҳи бўламиз. У, жумладан, 2000 йилнинг ўзида МДХ давлатлари бошлиқларининг олий даражадаги саммитларида, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Душанбе ва Бишкек учрашувлари, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлатлари бошлиқлари учрашуви чоғида ва қолаверса, жаҳон оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган матбуот-конференцияларда диний экстремизм ва халқаро терроризм бир марказдан бошқарилаётганлиги, минтақа давлатлари бу борада керак бўлса, тарихий яқдилликка аҳду-паймон қилишлари

ва энг зарури, бу офатни бирлашган ҳолда даф этиш борасида зудлик билан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши лозимлигини қайта-қайта таъкидлаганлар.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудига суқулиб кирган бир гуруҳ ватангадо жангарилар тўдасига қарши кураш ҳамда Қирғизистон ҳудудига яширин йўллар билан кириб келиб, нафақат Қирғизистонга, балки Ўзбекистонга ҳам бевосита хавф солаётган ҳарбий тўқнашувларга нисбатан кўшни, иттифокдош давлатлар ва Ўзбекистон ўртасида қарор топаётган яқдилликнинг амалдаги кўринишлари Президент томонидан оляб борилаётган сиёсатнинг ҳартомонлама пухта ўйланганлигининг исботи бўлиб хизмат қилади. Агар фикр жоиз бўлса, бугун дўст минтақа давлатларининг мустақиллик даврига нисбатан сиёсий-ҳарбий ҳамкорлик, айнан шу йўл билан минтақада хавфсизлик муҳитини барпо этиш борасида биринчи бор жиддий сиёсий ҳамжиҳатлигининг амалий натижалари тўғрисида рўй-рост сўз юритиш мавруди етиб келди. Эндиги гап ана шу эришилган маррани мустаҳкамлаш ва бу борада хоҳиш-ирода ва азму-қарорнинг доимийлиги ва қатъийлигида қолган.

Шунингдек, Ўзбекистон раҳбарияти халқаро терроризмга қарши курашнинг бошқа муҳим йўл ва воситаларидан ҳам унумли фойдаланишга интилмоқда. Жумладан, И.Каримов жаҳон ҳамжамияти (Истамбул, 1999 йил) ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотига аъзо бўлган давлатлар раҳбарларининг (Москва, 2000 йил) эътиборини халқаро терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказга асос солиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Ушбу ташаббус унинг Россия давлат бошлиғи ҳамда минтақа давлатлари раҳбарлари билан бўлган олий даражадаги музокараларда маъқулланиб, бу борада аниқ ишлар амалга оширилмоқда. Террористлар томонидан АҚШда (2001 йил, сентябр) амалга оширилган жиноят уларнинг қанчалик хавфли эканлигини кўрсатади.

Кўриб турганимиздек, халқаро терроризмга Ўзбекистон раҳбарияти томонидан берилаётган кескин сиёсий баҳо, майдонга сурилаётган аниқ сиёсий ташаббус ва ниҳоят, давлатимиз намоёниш этаётган қатъият терроризмга қарши бошланган кураш донмий, узоқ муддатли ва ҳал қилувчи босқичга ўтаётганлигидан далолат беради. Демак, бир томондан, адолат ва эзгулик тимсоли бўлган демократик кучлар ва иккинчи томондан, ёвузлик ва жаҳолат ўртасида кучаяётган ҳаёт-мамот кураши демократия ва мустақилликнинг узил-кесил галабаси билан яқунланиши учун зарур сиёсий иқлим ва шарт-шароит вужудга келмоқдаки, бу барчамизда буюк келажагимизга бўлган ишонч туйғусини янада мустаҳкамлайди.

19-мавзу

Минтақавий можаролар ва сиёсий ечимлар

Минтақавий можароларнинг объектив ва субъектив манбалари

Бугун ижтимоий макророжараёнлар орасида энг муҳим жабҳалардан бири бўлмиш

халқаро муносабатларга турли-туман қарашлар шаклланган ва бу жараён ҳамон давом этмоқда. Моҳиятан ва структуравий жиҳатдан қарама-қаршиликлар, зиддиятлар ҳамда айрим пайтларда тўқнашувларга бой бўлган халқаро муносабатларга асосан икки хил қараш шаклланган. Уларни шартли равишда фалсафий ва сиёсий қарашлар деб аташ мумкин. Фалсафий қараш тарафдорлари халқаро муносабатларнинг негизи социал муносабатлар тизимидан таркиб топганлигидан келиб чиқиб, унга муттасил ҳеч қачон барҳам топмайдиган можароли ҳолат хослигини таъкидлашса, сиёсий қараш вакиллари, ўз навбатида, можароли ҳолатни объектив реаллик сифатида эътироф этиш

билан бирга унинг олдини олиш, назорат остида ушлаб туриш ва ниҳоят, бартараф қилиш мумкинлиги тўғрисида фикр билдирадилар.

Юқорида келтирилган қарашларнинг ҳар бирига хос бўлган ижобий жиҳатларни олиб ундан амалиётга оид хулосалар чиқарсак, халқаро муносабатлар механизми ва фаолиятига янада мақбулроқ йўл топган бўламиз. Бундан чиқадиган асосий хулоса шундан иборатки, ҳозирги босқичда дунёни ташвишга солиб турган турли даража ва таъсирга эга можароларга нисбатан, биринчидан, уларнинг объектив хусусиятга эга эканлиги ва, иккинчидан, барибир уларнинг олдини олиш устувор даражада инсон интеллектуал ва моддий салоҳияти билан боғлиқлигини эътироф этиш. Яъни можаролар, тўқнашувлар уларнинг ечимига нисбатан консенсус ёхуд у ёки бу даража йўналтирилган ҳамжиҳатлик тизим сифатида ҳозирги замон халқаро муносабатларига хосдир.

Халқаро муносабатлар, давлатлар, маданиятлар, цивилизациялар, қадриятлар тизимлари, ижтимоий гуруҳлар, нодавлат ташкилотлар ўртасидаги ўзаро кўпқиррали муносабатлар йиғиндиси асосига қурилганлиги боис, унга барқарорлик ва беқарорликка мойилликни таъкидлаган эдик. Мавжуд объектив манба ва турткиларни тўлиғича эътироф этган ҳолда, шунини таъкидлаш жоизки, халқаро муносабатлар тизимида беқарорлашишнинг шаклланиши ҳамда кейинчалик унинг зўрайиб ошкора таҳдид даражасига кўтарилиши, хусусан, бугунги кунда асосан ушбу муносабатлар ва жараёнларнинг бош тамал тоши ва фаол иштирокчилари бўлган индивидлар ва шахсларнинг тафаккури, ҳуқ-атвори, нияти, мақсади, мўлжаллари, қарашлари қайси қадриятларга мансублиги билан биринчи навбатда боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан айрим халқаро политолог, файласуф ва социологларнинг зиддиятли ҳолатнинг

субъектив хусусиятга эга эканлиги, унинг бош сабабчиси ҳам аллақандай объектив сабабларни рўқач қилиб аслида ўз сиёсий мақсадларини қўлга кириштиш билан боғлиқ режаларини олдинга сурувчи шахслар, гуруҳлар эканлиги тўғрисида фикрлари айнан ҳақиқатни акс эттиради.

Халқаро муносабатлар тизимини бугунги кунда беқарорлаштираётган минтақавий можаролар ҳақида сўз борар экан, уларни биринчи навбатда инсоният умргузаронлик қилиб турган ижтимоий муҳитда содир бўлаётган чуқур кризис ҳолатининг ўзига хос кўриниши эканлигини унутмаслик лозим. Анъанавий иборадан фойдаланган ҳолда минтақавий можароларни ХХІ аср бўсағасига келиб, глобал ижтимоий ва сиёсий тузулмаларга нисбатан ўзига хос лакмус қоғозига ўхшатиш мумкин. Шунингдек, бу мажозий ўхшатиш минтақавий можароларни қандайдир оқлаш ёки танқидий фикрни асосан унинг ўзига эмас, балки уни келтириб чиқараётган ижтимоий шарт-шароитлар ва сабабларга қаратишдан йироқмиз. Зеро, бугун инсоният халқаро ҳамжамият келажаги нуқтаи назаридан минтақавий можароларнинг хусусий жиҳатлари билан бирликда уни келтириб чиқарган, унга самарали озуқа бўлиб хизмат қилаётган турли-туман салбий ижтимоий, сиёсий жараёнларнинг моҳияти, манбалари ва йўналишини чуқур таҳлил қилиш, яъни уларнинг ҳар бирини жиддий эътиборга олиш бош вазифа даражасига кўтарилмоқда.

Минтақавий можароларни келтириб чиқарган ижтимоий, қайсидир маънода маънавий омилар тизими ҳақида сўз борар экан, биринчи навбатда, унинг замирида ХХІ аср бўсағасига келиб, ўзини турли жабҳаларда яққол намоён этаётган, бир томондан, инсониятнинг бошқача, бугунгидан маърифийроқ ижтимоий тартиботга мойиллигининг зўрайиши ҳамда ҳозиргача ечимини топмаган анъанавий социал, ди-

ний, цивилизациявий ҳамда этник-миллий муаммолар замирадаги кучли қарама-қаршиликларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Дунё тараққиёти, халқаро муносабатлар ва қолаверса ҳозирги замон фалсафасида содир бўлган кризисли вазиятнинг туб сабабини айнан юқорида зикр этилган зиддият билан боғлаш ҳамда унга нисбатан илмий ва сиёсий тафаккурни йўналтириш бутун алоҳида аҳамият касб этмоқда. Тажриба кўрсатадики, кризиснинг ўзини кўриш, унга у ёки бу муносабат билдириш билан бирга, унинг манбалари тўғрисида мумкин қадар аниқ тасаввур ва тафаккурни шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятининг мавжудлигини таъминлаш, инсониятнинг яшашга бўлган ҳақ-ҳуқуқига нисбатан тўғридан-тўғри таҳдид солаётган хавф-хатарларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш самарали ёрдам беради. Улар кўп жиҳатдан ана шу юқорида зикр этилган глобал зиддият механизмига бориб тақалади.

Дарқақиқат, ХХI асрга келиб бир неча минг йилликларни ўзида қамраб олган давр мобайнида одамларни маълум маънода қаноатлантирган ва, қолаверса уларнинг фаровонлигига хизмат қилган мавжуд ижтимоий тартибот эскирди. Энг юқори умумбашарий, умумсайёравий макродаражасидан тортиб то оддий бир оилавий тузулмага қадар унинг барча қаватларида замон талабларига мос тушмаслик аломатлари кўзга ташланмоқда.

Нигохимизни узоқ ўтмишга қаратмасдан, кўз ўнгимизда маълум бир ҳуқуқий, сиёсий меъёрлар доирасида шаклланиб фаолият кўрсатаётган халқаро хавфсизликни таъминлашга қаратилган институтлар, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг структуравий ва фундаментал элементларидан бири ҳисобланган Хавфсизлик Кенгашининг иш услуби, фаолиятидан келадиган самараларни чамалаб бера-

диган бўлсак, ундан қаноат ҳосил қилиш қийин. Айнан шу умумбашарий реаллик, яъни инсоният хавфсизлиги ва осойишталигини сақлаб туриш вазифасини ўз устига олган, кўпгина анъанавий институтлар, структуралар ва уларнинг фаолият режими замон талабидан орқада қолди. Бу, ўз навбатида, зудлик билан ёрдамга муҳтож, ниҳоятда ночор миллионлаб кишилар ва қолаверса бутун бошлиқ минтақа ҳамда давлатларни ташвишга солмоқда. Ёруғ дунёда уларнинг бугунги ҳаёти, яшашга бўлган табиий ҳуқуқлари кафолатланишдан анча йироқлашганлиги кўзга ташланмоқда. Бу, ўз навбатида, авваламбор кишиларнинг ўз бефарқлиги туфайли ва ундан тўғридан-тўғри ўз сиёсий манфаатлар йўлида фойдаланишга шай турган сиёсий гуруҳларни ҳаракатга келтириши турган гап.

Онгли равишда у ёки бу минтақада аввал беқарорликни вужудга келтириш, кейинчалик эса, минглаб, ўн минглаб гуноҳсиз одамларнинг ҳаётига зомин бўладиган можаролар чиқаришда, дунё тароққиёти ва халқаро ҳамжамият фаолиятида рўй бераётган нуқсонлар улар учун ўзига хос баҳона ва таянч нуқтасига айланмоқда. Шу нуқтаи назардан, минтақавий можароларни турли-туман ноинсоний йўллар билан халқаро сиёсий жараёнларга таъсирини ўтказишда фойдаланиши мумкин бўлган ўзига хос восита деб баҳоласак ҳақиқатга яқинлашган бўламиз.

Минтақавий можароларнинг кўринишлари

тузулмалар касб этмоқда. Бугунги кун нуқтаи назаридан энг кенг тарқалган шакл ва кўринишлари асосан ватандошлараро, яъни фуқаровий урушлар, диний миллатчиликка асосланган тўқнашувлар ва ниҳоят, сепаратизмдан иборат.

Минтақавий можаролар турли шакл, йўналиш, мўлжал ва

Илгари таъкидлаб ўтганимиздек, минтақавий можаро иштирокчиларининг дунёқараши, мафкура,

режалари ва рақиб томонларнинг мўлжалларига қараб қандай йўналиш касб этмасин, барибир, уларнинг негизида, бир томондан, у ёки бу даражада социал номутаносиблик, ва иккинчи томондан эса, муайян давлатларнинг шу минтақада олиб бораётган номаърифий хатти-ҳаракатларининг йиғиндиси ётади. Қайси минтақада можаро келиб чиқадиган бўлса, унинг заминидида иштирокчи сиёсий гуруҳларнинг манфаат ва мақсадларидан ташқари, авваламбор ички ва ташқи сабаблар таъсири остида шу минтақада вужудга келган ижтимоий-ташкилий кризис, диний ва этник зиддиятлар ҳамда ана шу зиддиятлардан ўз мақсадларида фойдаланишни истайдиган ташқи, миллий ва трансмиллий сиёсий ва молиявий кучларнинг манфаатлари ётганлиги аён бўлиб бормоқда. Шу боис, давлатимизнинг жануобий ва жануби-шарқий сарҳадларига бевосита яқин ҳудудларда рўй бераётган можароли жараёнлар ҳам ана шу умумий қонуниятлар, тенденцияларнинг бевосита таъсири остида кечаётганлиги Президентимиз томонидан такрор-такрор таъкидланаётганлиги бежиз эмас.

Кўриниб турганидек, кейинчалик можароларнинг бевосита иштирокчиларига айланган кучларнинг мақсад мўлжалларидан ташқари ҳар бир можаронинг замирида зўравонликнинг барча турлари ётади. Бу фикр Норвегияда фаолият кўрсатаётган Тинчлик институтининг профессори Й. Галтунг қарашларида ўртага ташланган. Қизиғи шундаки, зўравонлик, ноҳақлик ва сиёсий ноаниқликни бошидан кечираётган аҳолининг аксарият қисми учун маълум бир вақт кесимида воқеалар қайси йўналиш касб этади, бу уларни қизиқтирмай қўяди. Мамлакатда ёки минтақада хавфсизлик, оддий инсон сифатида яшаш ҳуқуқи нуқтаи назаридан ноинсоний хусусиятга эга можароли давр бошланадики, ундан на ушбу минтақа аҳолиси ва на жаҳон ҳамжамияти ҳеч қандай манфаатдор эмас.

Фуқаролик уруши. Минтақавий мажоралар орасида сиёсий жиҳатдан энг самарасиз шакли ҳисобланади. Яхлит бир миллий маконда рўй беришига қарамасдан, фуқаровий урушнинг ижтимоий таянчлари бир миллатга мансуб турли-туман уруф-аймоқлардан шаклланади. Уруф-аймоқчилик психологиясининг миллий яхлитлик манфаатларидан вақтинча устун келиши боис, дастлаб, маълум бир сиёсий маконда вужудга келган можаронинг чегарадан ўтиб, қўшни давлатларнинг ҳудудларига ҳам ёйилиб кетиш ва кейинчалик минтақавий даражага кўтарилиш хавфи ниҳоятда катта бўлади.

Жумладан, ўтган асрнинг охирида Афғонистонда ҳокимият тепасига давлат ва жамиятни бошқариш, идора этиш қобилиятига мутлақо эга бўлмаган, аммо онгида сиёсий мутаассиблик ғояси чуқур ўрнашган бир гуруҳ сиёсатпараст шахслар келиши туфайли аҳолида уруф-аймоқчилик, тарихий хотиранинг заифлашиши асосида ўзига хос ижтимоий-сиёсий адоват кайфияти шаклланди. Натижада аҳолида ҳудуд, Ватан, чегара, давлат рамзларига нисбатан ҳурмат-эътибор ҳисси пасайиб, мамлакат турли-туман жиноятчи гуруҳлар учун мўмай даромад ва кайфу-сафо майдонига айланди. Наркобизнес, террорчилик, диний экстремизм сингари аксилинсоний унсурлар учун халқаро алоқа нуқтаси вужудга келди. Бундай ҳолат фақатгина муайян маконга эмас, балки бутун дунё, халқаро ҳамжамят хавфсизлигига улкан хавф-хатар келтириб чиқарди.

Миллатлараро ҳарбий-сиёсий тўқнашув. Минтақавий можароларнинг бу шакли ҳақида сўз юритсак шуни айтиш керакки, у энг кўп қон тўкилиши, миллионлаб қочоқларнинг ўз юртини тарк этишига сабабчи бўлаётган ҳодиса эканлигини таъкидлаш ло-

зим. Бу сингари нохуш жараённинг ўзига хос жиҳати шундаки, воқеалар шунчалик чигаллашиб кетадики, унда қайси томон ютади ва аксинча ютқизади деган саволга энг тажрибали амалиётчилар ва таҳлилчиларнинг ҳам баъзан қурби етмай қолиши мумкин.

Бунга яққол мисол сифатида 90-йиллар ўрталарида перманент равишда бир неча маротаба қайтарилган Буюк кўллар соҳилларида (Тропик Африка) асрлар давомида истиқомат қилиб келаётган икки халқ, яъни тутси ва хуту этносларига мансуб халқлар ўртасида давом этаётган қонли тўқнашувларда ҳар иккала томондан икки миллионга яқин тинч аҳоли ўз она юртларини тарк этишга мажбур бўлишди. Қизиғи шундаки, улардан кўпчилиги қочоқ мақомига эга бўлолмасдан, озиқ-овқат, бошпана, тегишли тиббий хизмат билан минимал миқдорда таъминланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлгани ҳолда оч-яланғоч ҳолда дунёдан кўз юмишган.

Қочоқ мақомини кўлга киритиш йўлида улар айрим расмийликларга дуч келадики, натижада кўпчилик кексалар, ногиронлар ва касалманд кишилар барча инстанциялардан ўтиш имкониятига жисмонан эга эмаслар. Бу қонли фожиянинг сиёсий жиҳатига келсак, шуни таъкидлаш лозимки, аниқ маълумотларга кўра, унинг аҳён-аҳёнда алангаланиб туришидан бир нечта йирик, етакчи давлатлар ва ундан ташқари айрим кўшни мамлакатларнинг баъзи бирлари бевосита манфаатдор экан. Хуллас, тутси ва хуту можароси содир бўлган маконда жуда кўплаб давлатлар, минтақавий сиёсий гуруҳлар ҳамда қудратли трансмиллий корпорацияларнинг манфаатлари туташ ва тўқнаш келиб қолди. Уларнинг барчаси бу можаронинг ўчиб-ёниб туришидан манфаатдор бўлгани ҳолда, турли йўллар билан уни ўзига хос узоқдан ту-

риб бошқариладиган можарога айлангириш ниятида эканлиги кўриниб қолди.

Худди шундай вазиятни Болқон минтақасида жойлашган Косово атрофида давом этаётган можарода ҳам кузатиш мумкин. Қизиғи шундаки, бевосита талафот кўраётган Югославия, Сербия ва Косоводан ташқари, ундан кўшни давлатлар, жумладан, Македония, Болгария ва маълум даражада Албания сингари бирмунча заиф давлатлар ҳам анча зарар кўрди. Масалан, 1999 йили 76 кун давом этган Югославияга берилган ҳаво-ракета зарбаси туфайли Сербиядан кўшни Македония ҳудудига ярим миллиондан ортиқ тинч аҳоли ва оилалар зўрға от-улов ва уйрўзгор буюмлари билан қочиб ўтишди. Можаро бир давлат ҳудуди чегарасидан чиқиб бошқа давлатларни ҳам қамраб олди. Ҳар иккала томон (серблар ва албанлар) томонидан кўпгаб қурбонлар содир бўлди. Нуфузли оммавий ахборот воситалари эса ҳақиқатни бузгани ҳолда бу можаронинг сиёсий жиҳатини хаспўшлаб, унинг диний-цивилизациявий жиҳатини кўпиртиришга уринишганлиги таассуфга лойиқ.

Натижада ҳар иккала томон, қолаверса, барча Европа мамлакатлари фуқароларида бесамар диний васвасанинг кучайишига сабабчи бўлишди. Экспертларнинг фикрига кўра, Косово можароси ва унинг атрофида содир бўлган хатти-ҳаракатлар барча европаликлар оғи ва тафаккурининг йўналишига салбий таъсир кўрсатиб, улар ўртасида ўзаро шубҳа кайфиятини шакллантиришга хизмат қилди. «Ҳамкорликдан хавфсизликка» шиорини ўртага ташлаган Европа қалбига яна ўзаро шубҳаланиш туйғуси кириб келди. Европанинг маърифий ривожланишига жиддий зарба берилди.

Сепаратизм. Сепаратизм ички конституциявий меъёрлар ҳамда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга тамо-

мила зид ҳолда бир гуруҳ сиёсийлашган шахслар томонидан тарихан бир миллат истиқомат қилиб келган ҳудуднинг алоҳида давлат деб эълон қилиниши натижасида миллий суверенитети халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган давлат чегаралари ичкарасида ҳарбий-сиёсий тўқнашувларга сабаб бўлувчи сиёсий ғоя ва доктринанинг амалдаги кўриниши ҳисобланади. Унинг тез орада глобаллашиш, яъни кўшни ҳудудларга тарқалиб кетиши учун XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган айрим шарт-шароитлар, ҳал қилинмаган муаммолар кўшимча имконият яратди.

Сепаратизмга асосланган ноқонуний ва легитимликка эга бўлмаган хатти-ҳаракатлар, унинг сиёсий ташкилий натижаларини биз, жумладан, Эфиопия, Россия ва қайси бир маънода Испания ва Индонезия давлатлари мисолида кузатиш имконига эгамиз. Эфиопиянинг собиқ провинцияси бўлган Эритрея узоқ давом этган уруш ҳаракатларидан сўнг мустақил деб эълон қилинган бўлса, аҳоли аксарият қисмининг хоҳиш-иродасига зид ҳолда Шарқий Тиморнинг Индонезия тасарруфидан чиққан мустақил давлат деб эълон қилиниши ҳамда сепаратист кучлар томонидан Чеченistonнинг «Ичкерия республикаси» номи остида мустақил давлат деб эълон қилингалиги бунга яққол мисол бўла олади.

Ваҳоланки, халқаро ҳукуқий ҳужжатлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 50-йилларнинг охирида қабул қилинган «Декolonизация ҳақида тарихий Декларацияси»да мустақил давлатнинг эълон қилиниши фақат ҳар икки томоннинг розилиги ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг маъқуллаши асосида содир бўлиши қайд этилган. Ана шундай нуфузли процедураларга зид бўлган хатти-ҳаракат, айни пайтда сепаратизм улкан ва узоқ

давомли ҳарбий-сиёсий тўқнашувларни келтириб чиқариши ҳамда бутун бошлиқ минтақани, қриверса, бутун дунёни беқарорлаштириш хавфини келтириб чиқариши табиий.

Мутасадди ташкилотлар ва сиёсий ҳомийлар қандай фикрда бўлишдан қатъи назар, устувор албанлардан таркиб топган Косовони суверен Югославиядан ажратиб, алоҳида албан миллий давлатига қаратишган уринишлар ҳақида тарқалаётган ахборот ҳам жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Бордию, бу ният рўёбга чиқадиган бўлса, усиз ҳам ҳар доим беқарор Балқон минтақасида перманент можаролар ўзининг энг юқори чуққисига чиқиши ва минтақа янги тоифа можаролар куршовида батамом қолиб кетиши турган гап.

Минтақавий можароларнинг сиёсий ечими

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, можаролар сиёсий ечими энг мураккаб жа-

раёнлар тоифасига киради. Маълумки, сарф-харажат ва хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан энг қулай ва самарали йўл сиёсий, яъни музокаралар йўли билан ечимга боришдир. Ундан ҳам афзалроғи можароли вазиятнинг бевосита таҳдидга айланишидан илгари унинг олдини олиш, узоқ муддатга тинчлантиришга доир тегишли чораларнинг ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши билан боғлиқ. Афсуски, можароларнинг олдини олишнинг иложи ҳар доим бўлмастир. Объектив ва субъектив сабаблар туфайли аланга олиб кетаётган минтақавий можаролар ҳам шу тоифага киради.

Қандай миқёс касб этмасин можароларга нисбатан бефарқ қараш, уларнинг ечими тўғрисида барча давлатлар бош қотиришмаслик амалиёти кейинчалик инсониятга, айниқса, эндигина тараққий этаётган давлатлар учун ниҳоятда қимматга тушиш эҳтимоли

ошиб бормокда. Усиз ҳам бугун турли-туман можаролар хавфсизлик, тараққиёт ва барқарорлик нуқтаназаридан улкан зарардан бошқа нарса эмас.

Бундан бирмунча вақт бурун дунё икки қарама-қарши тизимга ажратилиб қаралган пайтларда синфий зиддият ва кураш ҳамда тўқнашувлардан бошқа можаролар иккинчи даражали ҳисобланиб, айрим ҳолларда умуман ҳисобга ҳам олинмас эди. Диний ва этник тўқнашувлар ҳамда партизан урушларини таҳлил қилиш амалиётида ҳам уларнинг туб негизларидан онгли равишда йироқлашиб, сабабларини эса ана шу синфийлик, синфий кураш бағридан ахтариш ва ниҳоят можаролар икки глобал тизим ўртасида давом этаётган «тарихий тўқнашувнинг» ўзига хос кўриниши сифатида талқин қилинган эди. Синфийлик чегараларидан ташқарида бўлган можароларнинг ечими бўйича зарур чора-тадбирларни режалаштириш, тизимлаштириш амалиёт доирасидан четга суриб қўйилган эди. Можароларга мафкуравий догматлардан чиқиб ёндашилиб, уларга мафкура манфаатлари нуқтаназаридан баҳолаш амалиёти мутлақ устуворлик касб этганлиги боис, уларнинг сиёсий ечими ҳақида ўйлаб ҳам кўрилган эмас эди.

90-йилларнинг бошларида дунё тараққиётида демократия томон кескин бурилиш, унинг тоталитар давлатлардан мерос қолган маконларда ҳам кенг кулоч ёйиши халқаро можаролар, айниқса, минтақавий тўқнашувларга ёндашувни кескин ўзгартирди. Уларнинг ҳар бирига ўз ҳаракат механизми ҳамда негизига эга ижтимоий-сиёсий феномен деб қараш алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Минтақавий можароларнинг табиати, йўналиш иштирокчиларининг сиёсий мўлжаллари, хулқ-атвор тарзи ва ниҳоят можарога бош сабабчи бўлган кучларга миллий ва тари-

хий қадриятлар тизимидан келиб чиқиб ёндашувнинг роли оша бошлади.

Илгари таъкидланганидек, минтақавий можаролар ечимига куч омилидан келиб чиқиш амалиётидан воз кечиш, унга сиёсий ёндашувнинг афзаллигини алоҳи датаъкидлаш мақсадга мувофикдир. Лекин, сиёсий ечим — ечимлар орасида энг мушкул бўлганлиги боис, бетиним вариантларни излаш, топилган вариантларни эса тарозу палласига бирма-бир қўйиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Кучга таянган бир маротабалик амалиётдан фарқ қилиб сиёсий ечим муддати, фаолият эволюцияси ва иерархиясига жуда кўп босқичлар хослиги билан ажралиб туради. Кучга таянган ечим нисбатан қисқа вақт ичида содир бўлса, аксинча, сиёсий ечим иштирокчилардан сиёсий вазминлик, реализм ҳамда ўта чидамлилик сингари фазилатларни тақазо этади. Афсуски, иш сиёсий ечимнинг афзаллигини оғизда тан олиш, амалда эса яна ўша такрор-такрор синовдан ўтиб, замон талабидан анча орқада қолиб кетган анъанавий ва шу билан бирга нисбатан жўн услубларга мурожаат қилиш ҳолатлари ҳанузгача учраб туради. Маълумки, НАТО томонидан ҳаводан туриб зарба беришга келишилганда анча илгари Югославияда можароли ҳолат мавжуд бўлиб, унга жаҳон ҳам ҷамияти бир неча бор ташвишланаётганлигини ҳаммага маълум қилган эди. Даставвал, Европада, НАТО доирасида ҳам Болқондаги тангликнинг ечимини тинч, яъни музокарага таянган йўл билан ҳал қилишга қизиқиш катта бўлган эди. Жумладан, бу борада нуфузли ташкилот Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ҳам ўз ваколатли гуруҳлари орқали можаронинг ечимига доир умумий консенсусга келишга йўналтирилган жиддий ишларни амалга оширди.

Лекин Евроатлантика Иттифоқига аъзо давлатлар Қўшма Штатларнинг бевосита бошчилигида қутилмаганда Югославияга нисбатан кескин ултиматум хусусиятига эга қарорга келишди. Бунга кўра, агар Югославия улар томонидан қўйилган, шунингдек, манманликка асосланган талаблар маълум муддат ичида қабул қилинмаган тақдирда Белградга ҳаводан туриб зарба беришни бошлаш шарт эканлигини бутун дунё аҳлига маълум қилишади. Натижаси ҳаммага маълум.

Бугунги кунда биргина жаҳон ҳамжамияти эмас, ҳатто НАТОга аъзо бўлган давлатларнинг кўплаб нуфузли ҳарбий ва сиёсий арбоблари Косово атрофида содир бўлган можарони кучга таяниб ечишга қаратилган қарор шошилишч, ўйламасдан, яъни ҳис-ҳаяжон доирасида қабул қилинганлигини эътироф этаётганлигига қарамасдан, муаммога нисбатан бугунги кунгача маълум бир ечим таклиф қилинмаганлиги, можароли жараёнлар янада мураккаблашиб Европа ва жаҳон халқлари хавфсизлиги нуқтаи назаридан нохуш йўналиш касб этаётганлигини сезгир сиёсатчилар, олимлар таъкидлашмоқда.

Ўз баёнимизни яқунлар эканмиз, қўшни Афғонистонни 20 йилдан ортиқ қийнаб келаётган можаро ечимининг пайсалга солиниши «иккинчи Болқонга» сабабчи ва баҳона бўлиб қолишидан Ўзбекистон ҳам ниҳоятда ташвишланаётганлигини таъкидлаш ниҳоятда жоиз деб ўйламиз. Зеро, Президенти-миз таъкидлаганидек, Афғонистон можароси минтақа, аниқса, Марказий Осиёда хавфсизлик тизими ва қолаверса, инсоният хавфсизлигига салбий таъсири бўйича Косово атрофида рўй бераётган ва ҳали ҳам мақбул ечимга эга бўлмаган можаровий жараёнлардан фарқ қилмайди. Демак, барча Афғон мухолиф сиёсий кучлари, иштирокчилар жаҳон ҳамжамиятининг кўмагига таянган ҳолда, бу можаро-

нинг олдини олишлари зарур. Олдини олиш ва кейинчалик уни бартараф қилишнинг бирдан-бир услуби сиёсий мулоқот ва музокара шакли эканлигини бугун ҳеч ким шубҳа остига ола олмайди.

20-мавзу

Халқаро хавфсизлик: барқарорлик ва тараққиёт

**Халқаро хавфсизлик:
тизим ва тартибот**

XX асрнинг охирги ўн йиллигида ер шарида шу қадар улкан силжишлар

содир бўлдики, у халқаро ҳамжамиятнинг сиёсий, социал ва керак бўлса, маънавий асосларини кескин ўзгартирди. Батамом янги давлатлар жаҳон сиёсати майдонига кириб келди, ер юзи халқларининг яшаш тарзи ва услуби ҳамда социал мўлжалларида янгиланиш содир бўлди, ва ниҳоят, миллионлаб одамлар онги, олам моҳиятига бўлган қарашларида чуқур ўзгаришлар юз бериш жараёни бошланди.

Инсонда бу ёруғ дунёда кимлиги ва не сиру-синоат эканлиги, вазифа, бурчи нимадан иборат эканлиги билан боғлиқ муаммони қайта кўриб чиқишга бўлган улкан истак ва интилиш ўзини баралла намоён қилмоқда. Унинг онги ва фаолиятини йўлга солиб, «бошқариб» турган қадриятлар тизими қайта кўриб чиқилмоқда. Эскириб, бугун инсонлар манфаатларига ижобий таъсири бир қадар пасайган қадриятлар янги қадриятлар тизимига ўз ўрнини бўшашиб бермоқда. Объектив ва субъектив сабаблар, ўзгаришлар таъсирида индивидда янгича, уни қаноатлантириш нуқтаи назаридан қандайдир бир қадар юксак, шунинг билан бирга, янги яшаш услуби даражасига интилиш кучайди. Онг ва тафаккурда рўй берган ўзгаришлар табиий ҳолда ижтимоий, сиёсий

жараёнларда ҳам кескин бурилиш, янгиликларни келтириб чиқарди.

Табиийки, бундай шароитда кўпгина анъанавий ижтимоий ва сиёсий қадриятлар, шу жумладан, хавфсизлик, унинг моҳияти ва функциясига батамом бошқача ёндашув ва муносабатлар шаклланимоқда. Зотан, ҳар қандай энг улкан қадрият ҳам давр муддасига кулоқ солса, унинг билан ҳамнафасликда, ҳам ҳаракатда бўлиш қобилияти кучайтирилсагина барҳаётликка йўғрилиши мумкин. Унинг кўплаб, керак бўлса, сон-саноксиз сабабларидан бири анъанавий халқаро хавфсизлик институтлари тизимининг бугунги кун талабига жавоб бериш ёки бера олмаслиги билан боғлиқ. Зеро, макон тубдан ўзгарсаю, уларнинг вазифалари иерархиясига кескин ўзгаришлар кириб келсаю, аммо тизим эскилигига қолиб кетарверса — бу халқаро ҳамжамиятлар манфаатларига ҳам, ҳар бир давлат манфаатларига ҳам мос тушмайди.

Жамият хавфсизлигига янгича ёндашилар экан, биринчи навбатда, сўз анъанавий хавфсизлик тизимини қандайдир «таъмирлаш» тўғрисида бормасдан, балки унинг ўрнида батамом тизимни барпо этиш тўғрисида бориш керак. Албатта, бу эски тизим тўплаган тажриба ва сабабларнинг мутлақ инкор этилиши эмас, балки бўлажак янги халқаро хавфсизлик тизимининг илгариги тажрибага таянган ҳолда янада самаралироқ фаолият юритишини тақозо этади.

Халқаро хавфсизлик макони бугунги кунда, унинг ҳаракатида зарур даражада синхронликка эришиш манфаатлари нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, улкан бир тизим шаклида намоён бўлмоқда. Зеро, дунёдаги барча катта-кичик давлатлар, бордию уларда ўзларини асраб қолиш истаги ва хоҳиш-иродаси бўлса, бири-бири билан турли-туман ўзаро муносабатлар доирасида, яъни ҳамжиҳатликда, ҳамкорлик даяшашга маҳкум-

дирлар. Шундай экан, халқаро хавфсизлик тизимига кирган ҳар бир давлатнинг барқарорлиги ва такомиллашишидан туб манфаатдордир. Уларнинг ҳар бири ана шу тизимнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади ва умумий мақсад ҳамда манфаат олдида ва қолаверса, бир-бирининг олдида масъулдирлар. Демак, тизим сифатида халқаро хавфсизлик унга дахлдор бўлган барча субъектларнинг хоҳиш-иродаси, хулқ-атвори ва мўлжалларига боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, халқаро тизимнинг истиқболи ҳар бир давлат томонидан юқорида зикр этилган ҳақиқатни аниқ тушуниши, унга нисбатан самимий муносабатнинг шаклланишига бориб тақалади. Табиийки, тизимда барча субъектларнинг у ёки бу глобал муаммога нисбатан фикрлари, қарашлари ҳеч қачон бир хиллик касб элмайди. Гап қарашлар, ёндашувлар, баҳолашларнинг турли хиллиги ҳақида бормоқда. Мана шу турли-туманлик ўз навбатида умумтизимий мақсад ва вазифалардан чиққан ҳолда ўзаро келишувини тақозо этади. Акс ҳолда, халқаро хавфсизлик тизимини фаолиятдаги маълум бир мақсадга йўналтирилган сиёсий жараёнларга таъсир этиш инструменти сифатида асраб қолиш иши хавф остида қолади. Умумий консенсус принципи, амалий ҳамкорликка ўтиш халқаро хавфсизлик тизимига ҳаёт бахш этувчи бош омилигича қолади. Ана шу асосдагина бугунги хавфсизлик тизимига дахлдор бўлган катта-кичик элементларнинг, қисмларнинг ўзаро ҳаракатида синхронлика эришиш мумкин.

Ягона халқаро хавфсизликка инсоният учун муносиб истиқбол яратиш йўлида турли-туман манфаатлар ялпизлиги деб қарар эканмиз, яна бир муҳим жиҳатни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Ана шу тизимда мавжуд бўлган тесқари таъсир этувчи деструктив жараёнлар бўлиши мумкин. Улар билан ҳисоблашмаслик айрим сиёсий ҳатоларга сабаб бўлади. Бинобарин, ҳар қандай, жамла-

дан, халқаро хавфсизлик тизимида ҳам юқорида келтирилган ижобий тенденция ва жараёнларга зид бўлган омиллар мавжуд. Муҳим жиҳати шундаки, бу ўткинчи бир тенденция бўлмасдан унга доимийлик хос бўлиб, тизимнинг ички мантиғи ва яхлитлигини ишдан чиқаришга қаратилгандир. Улар қандайдир бошқа муҳитга мансуб бўлмасдан, балки ана шу ички муносабатлар тизимида шаклланади.

Халқаро хавфсизлик тизимининг манфаатлари ва хоҳиш-иродасидан қатъи назар, кучлар ва гуруҳлараро муносабатлардан келиб чиқадиган тизимбузар омиллар мавжудки, улар жумласига ўз миллий манфаатларини бошқаларнинг миллий манфаатларига қарши қўйиш амалиёти, ўзгаларни менсимаслик кайфияти, гегемонизм, империявий тафаккур, ўз социал тизимини барчадан устун ҳисоблаб, бошқаларни эса уни қабул қилишга турли-туман йўллар билан мажбурлаш сингари субъектив омиллар билан биргаликда, эскидан инсониятга мерос қолиб, бугунги кунда янада даҳшатлироқ тус олаётган дунёнинг моддий, ҳарбий, сиёсий салоҳиятига кўра қутбларга ажратилиш амалиёти, диний, миллий, этник ва цивилизациявий зиддиятлар, ўта бадавлат ва ночор мамлакатларга ажратилиш ва ядровий васваса сингари объектив таҳдидлар ҳам киради. Улар халқаро хавфсизлик тизимини заифлаштириб қолмасдан, балки умуман жаҳон барқарорлиги ва тараққиётга оидан-очиқ хавф-хатар ва таҳдид сифатида ўзини намоён этмоқда.

Халқаро хавфсизлик — дунё тараққиёти ва барқарорлигининг бош омилли

Бугунги кунда инсоният, турли-туман расмий ва норасмий илмий мар-

казлар ва гуруҳлар бундан кейин бехатар, барқарор ва ривожланишда давом этиш учун хавфсизликнинг умумбашарий тизимга айланиши зарурлиги ҳақида фикр билдиришмоқда.

Халқаро ҳамжамият бутун ўзида шу қадар улкан яратувчилик, куч-қудрат ва салоҳиятга эгаки, уни рўёбга чиқариш учун бутун дунёда хавфсизлик таъминланиши лозим.

Шу муносабат билан ушбу муаммога оид турлитуман фикрлар ҳам айтилмоқда. Масалан, айримларнинг фикрига кўра, барқарорлик ва тараққиёт бўлса хавфсизлик ҳам ўз-ўзидан таъминланади. Иккинчи бир тоифа мутахассислар, сиёсатчилар бутунги кунда барқарорлик ва тараққиётнинг фундаментал омиллар сифатида мавжудлиги биринчи навбатда хавфсизликка боғлиқ дейишмоқда. Ҳар иккала фикрга қўшилган ҳолда шунини таъкидламоқчимизки, хусусан, бутунги кунда инсоният учун шу қадар улкан хавф-хатар ва таҳдидлар пайдо бўлдики, мустақкам ва энг муҳими узоққа мўлжалланган халқаро хавфсизликка асос солинмас экан, на барқарорлик ва на тараққиёт тўғрисида жиддий сўз юритиш қийин ва бир томонламаликдир.

Эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, бутунги кунда хавфсизликни фақат ҳарбий-сиёсий соҳага оид деб тушунмасдан, уни инсон мавжудлиги ва ўз-ўзини қайта ишлаб чиқариш учун керак бўлган барча жабҳаларга тааллуқли деб қараш ҳамма мамлакатларда шаклланмоқда. Зеро, президентимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, хавфсизлик том маънода ҳадсизҳудудсиздир. Халқаро хавфсизлик стратегиясига келадиган бўлса, айтиш жоизки, уни ишлаб чиқиш ҳар доимгидек бутун ҳам мушкуллигича қолмоқда. Агар уни айрим олинган миллий давлат хавфсизлик стратегиясига қиёсан оладиган бўлсак, шунини айтиш керакки, ҳозирча халқаро хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқишни расман ўз зиммасига олган бирон-бир халқаро ташкилот ёки муассаса йўқ. Тўғри, халқаро хавфсизлик таъминланишини кузатиб, унга қаратилган у ёки бу фикрни шакллантириш, огоҳлантириш нуқтаи назаридан Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти баъзи бир ишларни амалга ошириш мумкин ва шундай ҳам. Лекин миллий давлатларда фаолият кўрсатаётган тегишли институтлардан фарқ қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қабул қилган ҳужжатлари мажбурлаш ҳуқуқига эга эмас.

Шу боис, кейинги мураккаб даврда унинг тавсия ва кўрсатмалари айрим қудратли давлатлар ва ҳарбий-сиёсий блоклар томонидан кўр-кўрона менсимаслик, ҳатто унинг фундаментал функцияларини ўз зиммасига олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номидан, унинг фаолиятини ошкора бузган ҳолда иш тутиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда.

Лекин, бундай ҳолатдан бутун дунёда хавфсизликни кафолатлаш йўлида бирон-бир реал фаолият олиб бориш шарт эмас ва бесамар деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Аксинча, бу йўлга барча давлатлар халқаро ҳуқуқ яратган имкониятлардан фойдаланиб бегиним ишлашлари керак. У ёки бу таҳдидни олдиндан кўра билиш, унинг оқибатларидан халқаро ҳам-жамиятни огоҳ қилиш, мавжуд таҳдидларни барта-раф этиш бўйича аниқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишни ўз зиммасига оладиган нуфузли ташкилотларнинг сони қанча кўпайса, шунча мақсадга мувофиқ. Афсуски, юқорида таъкидланганидек, бу борада қилинаётган жонбозлик, ўртага ташланаётган ташаббуслар дунёнинг баъзи бир минтақаларда фаолият кўрсатиб келаётган бадавлат лоббист гуруҳларнинг кескин қаршилигига дуч келиб, ўз таъсир кучини йўқотиш ҳоллари рўй бермоқда.

Хавфсизликнинг халқаро тизим ва шунинг билан биргаликда жараён эканлиги тан олинар ҳамда бу борада қилинадиган ҳар бир саъй-ҳаракатга ижобий баҳо берилар экан, унинг самараси ва истиқболи нуқтаи назаридан муҳим бир жиҳатни эътиборга олиш керак бўлади. Сўзда халқаро хавфсизлик бугунги куннинг энг долзарб иши эканлиги ҳамда ўз ташқи сиё-

сатида шу қондадан келиб чиқаётганлигини ҳар қадамда таъкидлагани ҳолда, айрим гуруҳлар амалда уйга батамом зид иш тутишаётганлигини назарда тутаётирмиз. Жумладан, миллий хавфсизликнинг устувор йўналишини белгилаш ёки ишлаб чиқиш билан боғлиқ муаммони оладиган бўлсак, айтиш керакки, бир томондан, ҳар бир давлатнинг миллий манфаатлари ва, иккинчи томондан эса, халқаро ҳамжамият манфаатлари тизимини бутунлай уйғунлаштириш ёки айнанликка олиб келиш мумкин эмас. Зеро, уларнинг социал, сиёсий асослари, мотивлари турлича.

Миллий хавфсизлик стратегияси миллий кўргазмалар, манфаатлар ҳамда конкрет шароитдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилса, халқаро хавфсизлик стратегиясида эса, қайси бир маънода умумсайёравий консенсус устуворлик касб этиши лозим. Яъни мустақкам халқаро хавфсизликни таъминлашда бош мезон қилиб дунё барқарорлиги ва тараққиёти манфаатлари асос қилиб олинади. Демак, қайси бир мамлакат миллий манфаатларининг барча параметрлари асосий халқаро ҳужжатда бир текис ва ҳар томонлама акс эттирилмаслиги эҳтимоли пайдо бўладикки, бу табиий. Шунингдек унда эътиборга олинadиган маконий-географик омиллар барча давлатлар учун, табиийки, бир хил эмас. Халқаро хавфсизликка асосий таҳдидлардан бири минтақавий можаролар деб олайлик. Бир томондан, Афғонистонда давом этаётган можаролар, унинг атрофида рўй бераётган нохуш силжишлар бутун дунёга хавф-хатар бўлиб турганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу туфайли унинг ечимидан жаҳон ҳамжамиятининг барча аъзолари бир хил манфаатдордир. Иккинчи томондан қарайдиган бўлсак географик маконий параметрлари нуқтаи назаридан унинг ечимидан, биринчи навбатда Марказий Осиё, Яқин Шарқ ҳамда Каспий денгизи давлатлари асосий манфаатдор ҳисобланади. Акс ҳолда, воқеа ва

ҳодисаларнинг нохуш йўналиш касб этиши айнан шу минтақаларнинг сиёсий кайфиятига сезиларли салбий таъсир қилиши турган гап.

Можародан энг кўп ташвишланаётган ва талафот кўраётган давлатлар ҳам ана шу юқорида номлари келтирилган минтақаларда жойлашган. Бу масаланинг географик-маконий жиҳати. Аммо дунёнинг қайси минтақасида жойлашганлигидан қатъи назар, иқтисодий, ахборот-коммуникатив нуқтаи назардан аллақачон глобаллашган бугунги босқичда ер юзининг бирон-бир жойида юз берган нохуш жараёнлар, Президент томонидан таъкидланганидек, бир зумда барча давлатлар хавфсизлигига, таҳдидга айланишидан на халқаро ҳамжамият, ва на алоҳида олинган бирон-бир миллий давлат тўла қафолотланган эмас.

Худди шундай вазиятни ядровий қуролнинг ер юзининг бирон бир жойида жойлашган террорчи гуруҳнинг қўлига тушиб қолиши эҳтимоли билан боғлиқ ҳолда кўз олдимизга келтиришимиз қийин эмас. Зеро, ядровий қуролни ер юзида тарқатмаслик, ундан биринчи бўлиб фойдаланмасликка қаратилган кўплаб халқаро келишувлар бугунги ноаниқ дунёда иш бермай қолиш ҳолати ҳам кузатилмоқда. Ядровий қуролнинг ёйилишини эҳтимол назорат қилиш мумкин дир, бироқ ундан биринчи бўлиб фойдаланишга бўлган интилишлар ҳамда бу борада кўрилаётган тайёргарлик билан боғлиқ тенденция янги асосда давом этмоқда. У жараённинг олдини ола оладиган ёки бар-тараф қил оладиган бирон-бир воситага халқаро ҳамжамият бугун эга эмас.

Шу муносабат билан, назоратсиз, ҳадсиз-ҳудудсиз, лекин ўта яширин йўллар билан ўзаро боғланган халқаро террорчилик ва диний экстремизмни эътибордан четда қолдириш улкан хатодир. Дунёнинг деярли барча қитъаларидаги ўтиш қийин бўлган жойларда уларнинг қароргоҳлари маъжудки, унга таяниб

ўз сиёсий манфаатларини амалга ошириш ниятида юрган гуруҳлар ҳам йўқ эмас.

Демак, бугунги кунда халқаро хавфсизликни қандайдир “минтақалаштириш амалиёти” прагматик нуқтаи назардан жозибадор ва бирмунча самарали кўринса-да, аслида ҳар бир алоҳида минтақа хавфсизлиги биринчи навбатда халқаро хавфсизлик тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Демак, ҳар бир мамлакат халқининг барқарорлиги равнақи ва истиқболли устувор даражада сайёранинг барча жойида хавфсизликнинг ишонарли тизими шаклланишига бориб тақалади.

Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик стратегияси

Дунёнинг турли жойларида жойлашган давлат-

лар учун миллий хавфсизлик стратегиясининг ишланганлик даражаси ва йўналишлари муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бугун бирон-бир давлатнинг миллий хавфсизлик стратегияси шундай бир йўналишга эга бўлиши керакки, у иккинчи бир давлат хавфсизлиги тизимига зид келмаслиги, балки уни мустаҳкамлаши XXI асрнинг асосий талабларидан биридир. Шу нуқтаи назардан хавфсизлик стратегиясининг, биринчи навбатда, мамлакат аҳолиси аксарият қисми томонидан маъқулланиши ҳамда бугун дунё халқлари орасида ўз обрўсига эга бўлиши унинг маърифийлик даражасига боғлиқ.

Миллий хавфсизлик стратегиясининг кўлами, характери ва уни яратишда қатнашган гуруҳлар салмоғига барча мамлакатларда тобора чуқурлашиб сиёсий тизим, ҳокимият, унинг фаолият режимининг барча жабҳаларига кириб бораётган демократик жараённинг таъсири яққол сезилмоқда. Эндиликда хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқишда тегишли ҳокимият органлари билан бир қаторда кенг жамоатчилик ҳамда

илмий доираларнинг ўрни, иштироки алоҳида аҳамиятга эга. Барча маърифий давлатларда айнан шу муаммо билан бевосита шуғулланувчи мутахассисларнинг, соҳа бўйича давлат ҳокимиятига маслаҳат ва тавсиялари бутунги кунда алоҳида эътиборга олинмоқда. Хавфсизлик умуммиллий, умумхалқ ватанпарварлик ишига айландики, бизнинг Ўзбекистонимизда ҳам бу тенденция кўзга яққол ташланмоқда.

“Асосий стратегия” ёки “Миллий хавфсизлик стратегияси” номи билан бутун дунёда қабул қилинган бу нуфузли ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёни барча мамлакатларда деярли бир хил андозаларга эга бўлиб, унинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

- стратегияни амалга ошириш учун зарур бўлган воситалар, ресурслар тизимининг баёнини бериш;
- уни амалга ошириш борасида ҳисобга олиниши керак бўлган “риск”ни ҳисоблаб чиқиш;
- пировард мақсадни белгилаш.

Бундан ташқари, миллий хавфсизлик стратегиясининг функционал ҳолати ҳамда амалга оширилишига бевосита таъсирдор бўлган икки муҳим омил, бир томондан, ресурсларнинг объектив чегарага эга эканлиги бўлса, иккинчи томондан, хавфсизлик муҳитининг асосий параметрлари ва даражасини инобатга олиш лозим бўлади.

Барча мамлакатлар томонидан маъқулланиб эътироф этилган юқорида келтирилган тизим америкалик стратегия назариётчиси Генри Бартлетт томонидан муомалага киритилган бўлиб “Бартлетт модели” номи билан машҳур.

Давлатлар томонидан миллий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича жаҳон тажрибаси ҳамда юқорида келтирилган моделга таянган ҳолда, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик стратегиясининг ҳам асосий контурларини белгилаш учун қуйидаги изчилликда иш олиб бориш маъқул.

Аввало, “хавфсизлик муҳити”ни белгилаш. Шунингдек, таклиф қилинаётган модел доимийликка даъво қилмаслигини ҳамда беқарор дунёда рўй берган кескин ўзгаришлар хавфсизлик стратегиясига кескин таъсир қилишлигини ҳам назарда тутиш лозим.

Ўзбекистон Республикасига тадбиқан юқоридаги моделни олиб кўрадиган бўлсак дунёдаги кучлар марказининг бир нуқтадан иккинчи бир нуқтага ўтиши, яъни халқаро ҳаётнинг ўзгарувчанлиги, унда доимийликни инкор этишини ҳисобга олган ҳолда хавфсизлик стратегиямизнинг асосий, шунингдек, тахминий контурлари қуйидагича кўринишга эга бўлиши мумкин.

Биринчидан, бугунги кунда миллий хавфсизлигимизда у ёки бу даражада ҳисобга олиниши лозим бўлган куч марказларининг жойланиши: Америка Қўшма Штатлари лидерлигида фаолият юритаётган Шимолий Атлантика давлатлари иттифоқи бўлиб, унинг режаси, хатти-ҳаракатида рўй берган бирон-бир кескин ўзгариш Ўзбекистонга нисбатан хавфсизлик маконида у ёки бу манфий ёки мусбат томонга ўзгариш ясаши муқаррар. Лекин бу, НАТО ва Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистонга нисбатан хавфсизлик маконида устувор, шунинг билан бирликда яқкаю ягона омил эмас. Ўзбекистон миллий хавфсизлик стратегияси нуқтан назаридан Хитой, Ғарбий Европа, Россия, Ҳиндистон, Япония, ундан кейинги қаторда Покистон, Эрон ва Туркия сингари минтақавий куч марказларида содир бўлган салбий ва ижобий жараёнлар ҳам ҳисобга олинмоғи керак.

Иккинчи ҳисобга олиниши зарур бўлган омил: бутун жаҳон тараққиётини у ёки бу даражада белгилаб турувчи тенденциялар бўлиб, уларнинг орасида энг муҳими икки бир-бирига қарама-қарши, шунинг билан бирликда доимо кўшалоқ тарзда намоён бўлувчи, бир томондан, муносиб хавфсизликни таъмин-

лашга бўлган барча халқлар хоҳиш-иродасининг кучайганлиги ва иккинчи томондан эса, қуролланиш пойгасининг жонланиши учун беихтиёр шарт-шароит яратилаётганлиги билан белгиланади.

Учинчи омил асосан “совуқ уруш” давридаги кескин қарама-қаршиликларнинг ўрнини глобал ноаниқлик эгаллаётганлиги билан белгиланади. Гап шундаки, ким-кимнинг таъсир доирасида деган савол бўлиши мумкин эмас.

Тўртинчи омил дунёнинг турли жойларида рўй бераётган воқеаларга янгича қараш диний ва демографик тенденцияларнинг хавфсизлигимизга у ёки бу даражада таъсир ўтказиши билан боғлиқ. Чунки, мамлакат хавфсизлиги, истиқболи нуқтаи назаридан дунёнинг барча жойларида рўй бераётган нохуш мафкурави², диний ва демографик жараёнларни ҳисобга олиш билан бирга прагматик ташқи сиёсат ва фаолият юритиш муҳимдир.

Бешинчи омил субъектив ташқи таъсир остида минтақам изда пайдо бўлаётган айрим муаммоларнинг миллий хавфсизлигимизга таъсири билан белгиланади.

Қисқаси, юқорида келтирилган омиллар ва тенденциялар у ёки бу даражада миллий хавфсизлик стратегиясига таъсир қилиши, ҳатто уни ўзгартиришини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Бинобарин, миллий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш мамлакат захиралари чексиз эмаслигини ҳисобга олишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик стратегиясининг ишлаб чиқилиши тўғрисида сўз борар экан унда бугунги кунда миллий ғоя билан боғлиқ жиҳатнинг кучайганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Зеро, Ўзбекистон бошқа мамлакатларга ўхшаш кўп миллатли, ранг-баранг миллий маданиятлар мажмуасидан ташкил топган бўлиши билан бирга, унда

яшайдиган барча халқлар ва элатларнинг “�збекистон ғояси” атрофида жипслашаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Айни пайтда миллий ғоя Ўзбекистон учун хавфсизлик стратегиясининг функцияси, фаолият режими нуқтаи назаридан таянчи сифатида қайси миллат ва диний эътиқодга мансублигидан қатъий назар фуқароларда ҳаводек зарур ғоявий иммунитетнинг шаклланишига олиб келди.

Тўғри, демократия, бир томондан, бир хилликни инкор этади. Барчанинг юз фоиз миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантиришга нисбатан тарбиялаш қийин. Лекин бугун давлатимиз тараққиёти ўзининг ҳаёт-мамот босқичига кирган бир даврда умумхалқ жипслик, миллий мафкура атрофида бирлашишга бўлган хоҳиш-ирода ўз кучи ва қудрати ҳамда маънавий-психологик салоҳиятини намоён этиши лозим.

Миллий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш анча машаққатли, кўп меҳнат талаб қиладиган жараён бўлганлиги боис, унинг такомиллашувида президент шахси билан боғлиқ омилни алоҳида таъкидлаш лозим. Демократик жамиятда ғоявий, сиёсий ранг-баранг фикрлар хилма-хиллиги кучайган бир даврда барча ўзбекистонликларни ягона миллий байроқ остида бирлаштирувчи миллат куч-қудратининг рамзи сифатида Президент И. Қаримовнинг фазилатлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Албатта, Президент барча муаммоларни зудлик билан ечиши лозим деган фикрда бўлмаслик керак. Амалиётда ҳеч қачон ундай бўлмаган. Лекин бугунги мураккаб босқичда Президентнинг миллий хавфсизликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш манфаатлари нуқтаи назаридан қуйидаги фазилатларига эътиборни қаратиш зарур: Биринчидан, мамлакат президенти энг юқори давлат лавозимини эгаллаган ҳолда, бой миллий меросимизнинг моҳиятини чуқур англаб етиш, халқимизнинг идеаллари ва керак бўлса, аччиқ ҳаёт

ҳақиқатини ўзида акс эттирувчи бирдан-бир миллий лидер сифатида ўзини намоён этмоқда. Иккинчидан, халқимизнинг бир неча минг йиллар мобайнида эъзозлаб, ардоқлаб келаётган улкан қадриятларидан келиб чиқиб, Президент жамият олдида турган биринчи даражали устуворликлар тимсоли бўлмоқдаки, улар орасида, биринчи навбатда, миллатга хос бўлган демократизм, ўзгаларга нисбатан мурувват ва рақибга нисбатан мардлик каби хислатлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ва ниҳоят, учинчидан, миллий қадриятларимиз президент талқинида аниқ ва образли ифодаланиши боис, улар ўзбекистонликларга улкан шижоат ва келажакка нисбатан сўнмас ишонч ва сафарбарлик туйғусини бахш этмоқда. Жамият ҳавфсизлиги, барқарорлиги ва тараққиётининг таянч ва кафолати ҳам шунда.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин, биринчидан, политология фани ижтимоий — сиёсий фанлар тизимида ўзига хос ўрнига эга. Унинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, сиёсий қарашлар ва таълимотларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, сиёсий ҳокимият-ни идора этиш, сиёсий манфаатларни англаш, жараёнларда иштирок этиш, уни бошқариш услублари билан боғлиқ.

Иккинчидан, мамлакатлар ва халқлар тарихида мустақиллик, демократик жамиятга ўтиш жараёни билан бевосита боғлиқ. Мавжуд ўтиш жараёни Ўзбекистон халқлари ҳаётида ҳам янги даврни бошлаб берганлиги билан характерланади. Политология фани ана шу янги даврнинг, мустақилликнинг меvasидир. Бу фуқароларга сиёсат билан шуғулланиш, халққа сиёсий ҳокимиятнинг манбаи сифатида сиёсатнинг инсон манфаатларига қаратилганлигини, фуқароларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини бермоқда.

Учинчидан, политология фани мавжуд сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнларни таҳлил этишда ва унинг ўтмиши, ҳозирги замон ва келажакда ривожланиш истиқболларини, муаммонинг ечимини кўрсатиб беришда муҳим ўрин тутади.

Тўртинчидан, мамлакатдаги сиёсий жараёнлар, унинг сиёсий тизими, демократия ва сайлов, сиёсий ҳокимият ва унга бўлган муносабатга хос бўлган хусусиятларни қиёсий-сиёсий таҳлил этган ҳолда хулосалар бериш, ривожланиш истиқболини белгилашда муҳим ўрин тутади.

Бешинчидан, сиёсий ҳаётни ўрганиш унда иштирок этаётган субъектлар фаолиятига таянишни тақо-

зо этади. Шунда сиёсий маданият ва мафкура масалаларининг сиёсат билан муносабати халқларнинг сиёсий онги, сиёсий маданиятининг ҳокимиятга бўлган муносабати орқали яққол намоён бўлади. Халқларнинг ўзига ҳослиги сиёсий жараённи идрок этишда ўзига мос тарзда кўзга ташланади.

Олтинчидан, политология халқаро тизимлар ва умумбашарий тараққиётнинг сиёсий муаммоларини ўрганиш, мустақиллик муносабати билан Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг субъектига айланганлиги билан боғлиқ. У политологик таҳлилларга, сиёсий фикр ва башоратга эҳтиёжнинг ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Политология фани ўз истиқболига эга. Мустақиллик эса бунга янги — янги имкониятларни очиб бермоқда. Политология фанини хусусан, Ўзбекистоннинг сиёсий ҳадини чуқур ўрганиш, сиёсий таҳлил, янги сиёсий ғоя, фикр ва қарашларни ўртага ташлаш, сиёсий жараёнларнинг ютуқларини, айни пайтда унинг мураккабликларининг ечимини сиёсий кўра олиш, орқали, мамлакатимизда ва дунёда умумбашарий барқарорликни таъминлашга, ҳамда сиёсий фанлар ривожига миллий истиқлол ғояларини инсонлар онги ва қалбига, ишонч ҳамда эътиқодига айлантиришда ўз ҳиссасини қўшиб бораверади.

Бу миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси бўлган, Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга¹, адолатли, кучли демократик жамият қурилишига, сиёсий ҳаётнинг эркинлашиб, дунёда ўзимизга хос ва мос ўринга эга бўлишимизга муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

¹Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000, 50-бет.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 1992.

Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққеёт йўли. — Т.: «Ўзбекистон», 1992.

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т.: «Ўзбекистон», 1993.

Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. — Т.: «Ўзбекистон», 1995.

Каримов И.А. Амир Темур — фахримиз, гуруримиз. — Т.: «Ўзбекистон», 1996.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққеёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т.: «Ўзбекистон», 1998.

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Шарқ», 1998.

Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. — Т.: «Ўзбекистон», 1998.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: «Ўзбекистон», 1999.

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. — Т.: «Ўзбекистон», 2000.

Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. — Т.: «Ўзбекистон», 2000.

Каримов И.А. БМТ бош ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза, 1993 й 28 сентябр. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд, — Т.: «Ўзбекистон», 1996.

Каримов И.А. Ўзбекистон йўли — жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидир. — Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, — Т.: «Ўзбекистон», 1996.

Каримов И.А. Минтақавий хавфсизликдан жаҳоншумул муаммоларга. // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар 3-жилд, — Т.: «Ўзбекистон», 1996.

Каримов И.А. Диёримиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин. // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар 3-жилд, — Т.: «Ўзбекистон», 1996, .

Каримов И.А. БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза. 1993 йил 28 сентябр. // Биздан озод ва обод ватан қолсин. Асарлар, 3-жилд, — Т.: «Ўзбекистон», 1996.

Каримов И.А. Минтақада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд, — Т.: «Ўзбекистон», 1996.

Каримов И. А. Минтақада хавфсизликдан ялпи хавфсизлик сари. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд, — Т.: «Ўзбекистон», 1996.

Каримов И.А. Эгали юрт эркини бермас. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида сўзлаган нутқи. // «Халқ сўзи», 2000 йил, сентябр.

Ислом Каримов — Ўзбекистоннинг биринчи Президенти. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.

Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: «Ўзбекистон», 2000.

Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: «Ўзбекистон», 2001.

Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. — Т.: Абдулла Қодирий нашриёти, 1993.

Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Тошкент, 1968.

Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, «Шарқ» нашриёти, 1994.

Алишер Навоий. Маҳбуб ул-кулуб. — Т.: 1987.

Охотский П.Э. Политическая элита и российская действительность. — М: РАГС, 1996.

Плешаков К. Геополитика в сфере глобальных перемен.// Международная жизнь. 1996 г, №10
Панарин А. С. Политология. — М., 1997.

Политология. Краткий энциклопедический словарь-справочник. Ростов-на-Дону: «Феникс», 1997.

Политология. Маърузалар матни (муаллифлар жамоаси) — Т.: 2000.

Пугачёв В. П., И. А. Соловьёв. Введение в политологию. — М., 1999.

Панарин А.С. Политология Учебник — М: Проспект, 1997.

Панарин А.С. Философия политики. — М: Высш. Шк., 1996.

Политическая культура: теория и национальные модели. — М.: «Интерпракс», 1994.

Политическая социология. — Ростов н/Д: «Феникс», 1997.

Политическая теория и политическая практика. — М.: «Гитис», 1994.

Политология в вопросах и ответах. — М.: «Наука», 1994.

Политология: Курс лекций/Под ред. М.И.Марченко. 2-е изд., перераб. и доп. — М.: «Зерцало», 1997

Политология: курс лекций/Под ред М.И.Марченко. — М.: Соц.- полит. Журнал, 1997.

Политология: Практикум. — М.: Соц.-полит. Журнал, 1993

Политология: Учеб. Пособие/Под ред. проф. Б.И. Краснова — М.: «Союз», 1995

Политология: Энциклопедический словарь/Общ. ред. и сост. Ю.И.Аверьянов. — М.: Изд-во Моск. Коммерч. Ун-ва, 1993.

Право и политика современной России/Под. ред. Г.В. Мальцева, Е.А.Лукашева и др. — М.: Былина, 1996.

Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. — М.: «Аспект Пресс», 1995.

Радугин А.А. Политология: Курс лекций. — М.: «Центр», 1996.

Российская политология: Учеб. Пособие. — М.: РАГС, 1995

Смергунов Л., В.Семешов. Политология. Санкт-Петербург, 1996.

Самуэль Г. Либерализм: опыт изложения принципов и программы современного либерализма, — М.: 1996.

Мадедов С.А. Темур тузуклари. — Т.: 1991.

Темурнома. — Т.: 1991.

Тойнби Н. Постигжение истории. — М.: «Наука», 1992.

Хайек Ф. Дорога к рабству. Вопросы философии, 1992, №5

Цыганков П.А. Политическая социология международных отношений. — М.: «Радикс», 1994.

Шаран П. Сравнительная политология/ Пер. с англ — М., 1992, Ч.1,2.

Шербалина Н. С. Политика и МНФ Полис 2000, №4

Шопенгауэр А. Свобода воли и нравственность. — М.: «Республика», 1992.

Эргашев И. Қишлоқ ижтимоий-сиёсий жараёнлар тизимида. — Т.: «Шарқ», 1998.

Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. — Т.: «Академия», 2000

Ясперс К. «Смысл и назначение истории». — М.: «Политиздат», 1991.

Киргизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. — Т.: «Шарқ», 1998.

Ушубов Ш.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
<i>Биринчи бўлим</i>	
ПОЛИТОЛОГИЯ ФАНИ. СИЁСИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖИ	6
✓ 1-мавзу. Политология фани. Унинг сиёсий фанлар тизимида тутган ўрни ва роли	6
✓ 2-мавзу. Сиёсий қарашлар ва таълимотлар: вужудга келиши ва ривожланиши	9
<i>Иккинчи бўлим</i>	
СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР ВА СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР	52
✓ 3-мавзу. Сиёсий жараёнлар	52 ✓
✓ 4-мавзу. Сиёсий тизим	62
✓ 5-мавзу. Демократия. Демократиянинг асосий концепциялари	76
✓ 6-мавзу. Мустақиллик ва Ўзбекистонда демократик жамиятга ўтиш жараёни	86
7-мавзу. Сиёсий ҳокимият	96 ✓
8-мавзу. Сиёсий ҳаёт ва кўппартиявийлик	109 ✓
✓ 9-мавзу. Оммавий ахборот воситалари ва демократия	122
✓ 10-мавзу. Сиёсий етакчилик	130
✓ 11-мавзу. Сиёсат ва миллатлараро муносабатлар ..	142
✓ 12-мавзу. Сиёсат субъекти: гуруҳлар ва қатламлар ..	155

Учинчи бўлим

СИЁСИЙ ОНГ, МАДАНИЯТ

ВА МАФКУРА 163

13-мавзу. Сиёсий онг 163 ✓

14-мавзу. Сиёсий маданият 176 -

15-мавзу. Сиёсий мафкуралар 193

Тўртинчи бўлим

ХАЛҚАРО ТИЗИМЛАР ВА УМУМБАШАРИЙ

ТАРАҚҚИЁТНИНГ СИЁСИЙ

МУАММОЛАРИ 209

16-мавзу. Халқаро тизим ва халқаро сиёсат 209 ✓

17-мавзу. Ташқи сиёсат 221

✓ *18-мавзу. Халқаро терроризм* 232 ✓

✓ *19-мавзу. Минтақавий можаролар ва сиёсий
ечимлар* 245

✓ *20-мавзу. Халқаро хавфсизлик: барқарорлик ва
тараққиёт* 259 ✓

ХУЛОСА 273

Фойдаланилган адабиётлар

Рўйхати 275

«ЎАЖБНТ» Маркази - Тошкент - 2002

Нашр учун масъул: *Н.Ҳалилов*
Таҳририят мудир: *М.Миркомиллов*
Муҳаррир: *Д.Исмоилова*
Тех.муҳаррир: *Е. Масленников*
Мусахҳиҳа: *М. Тожибоева*

Босишга рухсат этилди: 6.03.2002 й. Бичими
84x108 $1/32$ Офсет қоғози. Шартли босма табағи 16,75.
Нашр табағи 17,75. Адади 5000 Буюртма 235

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти,
Тошкент-129, Навоий кўчаси, 30 уй.

**«ЎАЖБНТ» Маркази, 700078, Тошкент,
Мустақиллик майдони, 5.**

Андоза нусҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги «ЎАЖБНТ» Маркази-
нинг компьютер бўлимида тайёрланди.

**«NISIM» босмахонасида босилди
Тошкент ш., Ш. Рашидов шох кўчаси 71 уй**